



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ХАЛҚИМИЗНИНГ РОЗИЛИГИ
БИЗНИНГ ФАОЛИЯТИМИЗГА
БЕРИЛГАН
ЭНГ ОЛИЙ БАҲОДИР

2

«ЎЗБЕКИСТОН»





ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ХАЛҚИМИЗНИНГ РОЗИЛИГИ
БИЗНИНГ ФАОЛИЯТИМИЗГА
БЕРИЛГАН
ЭНГ ОЛИЙ БАҲОДИР

2

ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2018

УЎК 323.(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

М 54

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарларининг 2-жилди уч бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи бўлимига мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳайтидаги энг муҳим воқеалар муносабати билан сўзланган нутқ ва маъruzалар ҳамда давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутки киритилган.

Китобнинг иккинчи бўлимидан хорижий давлатлар ва нуфузли халкаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлардаги нутқ ва маъruzалар, учинчи бўлимидан эса юртимиизда кенг нишонланиб келаётган умумхалқ байрамлари, тарихий саналар, турли халкаро анжуманлар, тадбир ва маросимлар муносабати билан йўлланган табриклар ўрин олган.

ISBN 978-9943-25-608-8



9 789943 256088

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2018

**АМАЛИЙ НАТИЖАДОРЛИК,
ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШ – ЖАМИЯТНИ
ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ
БОШ МАҚСАДИДИР**

КОНСТИТУЦИЯ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни, сизлар орқали бутун халқимизни буғунги улуғ айём – мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллик байрами билан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Йигирма беш йил – тарих учун бир лаҳза, холос. Шу кисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз мустакил ва суверен давлат сифатида шаклланиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, том маънода улкан тараккиёт йўлини босиб ўтди.

Ана шу машаккатли ва шарафли йўлда эришган барча ютуқларимизни, энг аввало, Конституциямиз билан боғлашимиз, албатта, бежиз эмас. Нега деганда, Асосий Конунимиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустакиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳукуқ ва эркинликлари кафолатларини белгилаб берди.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-хукукий тафаккурининг юксак намунасидир. У ҳеч

кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осо-
йишта, фаровон яшашнинг қонуний кафолати бўлиб
келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган ҳукукий
демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти бар-
по этиш борасида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат
килмоқда.

Конституциямиз асосида мамлакатимизда мил-
лий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик
жамияти институтлари шаклланди. Бугунги кунда
барча жабҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амал-
га оширилмоқда. Ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва
ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг
дунёқараши тобора ўсиб бормоқда. Буларнинг барчаси,
энг аввало, Бош Қомусимизнинг ҳаётбахш куч-кудрати
натижасидир.

Қадрли юртдошлар!

Бугун Конституциямизнинг 25 йиллик байрами-
ни нишонлар эканмиз, Асосий Қонунимизни яратиши-
да унутилмас хизмат қилган инсонлар номини чукур
хурмат билан тилга оламиз.

Биринчи Президентимиз мухтарам Ислом Абду-
ганиевич Каримов раҳбарлигига 1990 йил июнь ойи-
да тузилган Комиссиянинг икки йиллик мاشақатли
мехнати натижасида Конституциянинг биринчи, иккinci
ва сўнгра учинчи лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу
Комиссия аъзоси сифатида мен ана шу тарихий жара-
ёнда бевосита иштирок этганимни доимо фаҳр билан
эслайман. Конституциянинг яратилиши билан боғлиқ
қизғин баҳс-мунозаралар, турли ғоя ва фикрлар ҳали
ҳам хотирамда.

Асосий Конунимиз икки марта – 1992 йил сентябрь ва ноябрь ойларида умумхалқ мұхокамасига олиб чиқылди. Лойихалар мұхокамасида кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол иштирок этиб, мамлакатимизнинг тараққиёт йўли, унинг келажагига дахлдор кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдириди.

Умумхалқ мұхокамаси яқунларига кўра, Бош Қомусимиз лойихасига 100 га яқин тузатишлар кири tilди ва 1992 йил 8 декабрь куни Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси кабул килинди.

Мана шу ўтган чорак аср давомида мамлакатимиздаги туб ислоҳот ва ўзгаришларнинг барчаси Конституциямиз асосида амалга оширилмоқда. Бу эса унинг ҳақиқатан ҳам халқимиз манфаатларига, давлатимизнинг стратегик максадларига тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта ишланган мұхим сиёсий хужжат эканидан далолат беради.

Бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғуурлансак арзиди, албаттa.

Айни пайтда биз Асосий Конунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш борасида ҳали олдимизда улкан вазифалар турганини яхши тушунамиз. Яъни, халқимиз хаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон хуқук ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп иш килишимиз керак.

Энг аввало, одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажақда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур.

Айнан шу мақсадда биз тараққиётнинг янги босқи-
чига қадам қўяр эканмиз, салоҳият ва имкониятлари-
мизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчилик-
ларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик.
Чунки ўзимиз шу ишни қиласак, ҳеч ким бу хатолар-
ни четдан келиб бизга айтмайди. Биз ўз келажагимиз-
ни ўзимиз қурамиз. Бу йўлда хато қилишга ҳакқимиз
йўқ. Шунинг учун ҳар томонлама чукур ўйлаб,
2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ри-
вожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича
Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Мазкур
хужжат ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, жамият
ҳаётининг барча соҳаларидаги тизимли ислоҳотларнинг
«йўл харитаси»га айланди.

Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида шу
йилнинг ўзида 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд
қонуности хужжатлари қабул қилинди. Биз бу бора-
да кўпгина қонунлар халқимизга маъқул эмаслигини,
улар эл-юртимиз манфаати учун ишлаши кераклигини
ҳисобга олган ҳолда шундай йўл тутдик. Бу ишларни
келгусида албатта давом эттирамиз.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб
зълон қилинган 2017 йилда «Инсон манфаатлари ҳамма
нарсадан улуғ» деган ғоя асосида катта ишлар амалга
оширилди. Бу ишлар Конституциямизнинг асосий та-
мойилларини рўёбга чиқаришда яна бир улкан қадам
бўлди.

Албатта, бу ҳақда узок ва батафсил гапириш мум-
кин. Лекин бугунги тантанали маросим янгича мазмун
ва йўналишда ўтаётганини ҳисобга олиб, мен фақат

энг мухим ўзгаришлар ҳакида тўхталиб ўтмоқчиман. Жорий йил якунлари ва янги йилга ном бериш тўғрисида эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқин кунларда Олий Мажлис палаталарига тақдим этиладиган Мурожаатномасида атрофлича фикр юритилиди, албатта.

Биз кириб келаётган янги йилга халқимизнинг хоҳиш-истаклари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ном берамиз. Ўйлайманки, у сизларга албатта маъкул бўлади.

Маълумки, бу йил давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу тузилмалар барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик килиш, ахолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди.

Ҳокимиятнинг халқ сайлаган вакиллик органлари – парламент, халқ депутатлари кенгашларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамияти тубдан ўзгарди. Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, парламент ва жамоатчилик назорати институтлари мустаҳкамланмоқда.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида туманлар дарасида халқ депутатлари кенгашлари таъсис этилди. Шу вақтгача пойтахт туманларининг фуқаролари бундай имкониятга эга эмас эди. Биз бу борада адолатни тиклаб, Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар

киритдик. Тошкент шаҳри аҳолиси ҳам энди ўз вакиллари – депутатлар орқали туманларни бошқаришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу йил 24 декабрда илк бор пойтахтимиз туман кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Ана шу сайловларда эл-юрт учун чинакам жон куйдирадиган, одамийлик фазилатлари ва гражданик позицияси билан аҳоли ўртасида хурмат-эътибор қозонган инсонлар халқ ноиблари этиб сайланадилар, деб ишонамиз.

Ўтган даврда ижро этувчи ҳокимиятни демократлаштириш ишлари ҳам изчил олиб борилди. Ҳукуматнинг вазифа ва ваколатлар доираси кенгайтирилиб, парламент олдида ҳисоб бериш даражаси ва масъулияти кучайтирилди. Бу Конституциянинг 7-моддасида мустаҳкамланган **«Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир»** деган улуғвор гоянинг амалий ифодаси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу билан бирга, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлизлик ҳуқуқига эга экани, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг айби судда аниқ бўлмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги тўғрисидаги конституциявий нормаларни амалда таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилди. Албатта, бу қоидани ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш, биринчи навбатда, судларнинг чинакам мустақиллиги, уларнинг адолатли фаолият юритиши билан чамбарчас боғлиқ.

Шу мақсадда биз суд тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Жумладан, ягона суд амалиётини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси

ликаси Олий суди ва Олий хўжалик суди бирлаштирилди.

Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда но-конуний аралашувларнинг олдини олиш, очик, ошкора ва мукобил танлов тизимини яратиш мақсадида Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

Судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилинди. Биз бу борада жаҳон тажрибасини чукур ўрганиб, ўз тарихимизда биринчи марта шундай янгиликни амалга оширдик. Шу асосда судьяларнинг фукаролар хукукларини ҳимоя қилиш бўйича мустакиллигининг кафолатлари кучайтирилди.

Содда килиб айтганда, судья муддатсиз даврга тайинлансан, лекин у доим ҳалқпарвар бўлиб, адолатли иш олиб борсин. Судья адолатли ҳукм чиқариши учун, аввало, ҳалкни, унинг ҳаётини, дарду ташвишларини яхши билиши керак.

Ана шу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида маъмурий судлар фаолияти йўлга кўйилди. Эндиликда фукароларимизнинг ҳақ-хукуклари давлат идоралари томонидан бузилса, улар ҳар бир туман ва шаҳарда тузилган маъмурий судларга мурожаат қилишлари мумкин. Хабарингиз бор, илгари ҳар бир туманда бундай судлар бўлмагани туфайли одамлар ўз муаммоларини вактида ҳал қилолмасдан сарсон бўлар эди.

Судларнинг ҳалқ олдидаги масъулиятини ошириш мақсадида янги тайинланаётган судьялар тегишли ҳудуд жамоатчилиги, маҳалла фаоллари мухокамасидан ўтказилмоқда.

Биз нима учун бундай тартибни жорий этдик?

Кўпгина жойларда одамлар судларнинг раисини аксарият ҳолатда танимаслиги, суд идоралари эса халқ ҳаётидан, унинг дарду ташвишларидан узоклиги маълум бўлди.

Эндиликда фуқароларнинг ижобий фикри мавжуд бўлган тақдирдагина судьяликка номзодлар лавозимга тайинланмоқда.

Суднинг тарбиявий ролини кучайтириш, унинг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, суд хукмларини қабул килишда жамоатчилик фикрини иnobatga олишга жиддий эътибор қаратилди.

Шу мақсадда суд ишларини сайёр тартибда кўриш йўлга қўйилди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида судлар томонидан 373 минг 256 та иш кўриб чиқилган бўлса, шундан 169 минг 289 таси ёки 45 фоизи сайёр суд муҳокамаларида кўрилди.

Ишларни назорат тартибида кўриш муддатлари уч йилдан бир йилга қисқартирилди. Апелляция ва кассация инстанциялари босқичида иш юзасидан юқори суд инстанцияси томонидан якуний қарор чиқариш кафолатлари мустаҳкамланди. Чунки, илгари Олий суд масъулиятни ўз зиммасига олишни истамас эди. Янги тартиб жорий этилиши билан фуқароларимизнинг судма-суд овораю сарсон бўлиб юриши каби салбий амалиётга барҳам берилди.

Кўпчилик яхши билади, илгари қарийб 90 фоиз жиноий ишлар қайта терговга юборилар эди. Эндиликда судлар томонидан жиноят ишларини кўшимча терговга қайтариш тартиби бекор қилинди. Бу эса суд ва тергов органларининг ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, конуний,

асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш борасидаги масъулиятини оширди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оклов хукмлари чикарилди. Ҳолбуки, илгари битта оклов хукми чикариш ҳам судлар фаолиятида ўта кам учрайдиган ҳодиса эди.

Терговнинг сифати яхшиланиб, терговчилар масъулияти оширилди. Ҳусусан, шу давр мобайнида тергов органлари томонидан 238 та ҳолатда жиноий ҳодиса юз бермагани аниқланди. 302 та ҳолатда жавобгарликка тортиш муддати ўтгани, 370 та ҳолатда айборлар қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани инобатга олинди. 549 та ҳолатда қилмиш ижтимоий хавфлилик ҳусусиятини йўқотгани, 1 минг 636 та ҳолатда қилмишда жиноят таркиби йўқлиги исботланди. Ана шундай асосларга таяниб, 3,5 мингдан ортик жиноят иши тутатилди.

Хар бир хукмнинг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикрини инобатга олиш амалиёти йўлга қўйилди.

Маҳалла фуқаролар йигинлари, Ўзбекистон Ёшлиар иттифоки туман ва шаҳар кенгашлари, хотин-қизлар қўмиталари кафиллиги асосида судланувчиларга, айникса, ёшларга озодликдан маҳрум қилиш билан боялик бўлмаган жазо турлари тайинланмоқда. Уларнинг тўғри йўлга қайтишлари учун яна бир бор имконият берилмоқда. Ҳусусан, шу йилнинг ўзида маҳалла фуқаролар йигинлари кафиллиги асосида – 152 нафар, Ёшлиар иттифоки кафиллиги асосида – 18 нафар, хотин-

қизлар қўмиталари кафиллиги асосида – 3 нафар, жами 173 нафар фуқарога нисбатан жазо тайинлашда жамоатчилик кафиллиги эътиборга олинди. Бу фуқароларнинг 38 нафарини ёшлар, 18 нафарини вояга етмаганлар, 11 нафарини аёллар ташкил этади. Масалан, биргина Шайхонтоҳур туманида 15 нафар шахсга нисбатан жазо тайинлашда маҳалла фуқаролар йигинларининг кафиллиги эътиборга олинди.

Ана шундай ишлар натижасида мамлакатимиз бўйича 63 нафар шахс суд залидан қамоқдан озод килинди, 11 нафар шахс жавобгарликдан озод килинди, 97 нафар шахсга нисбатан енгилроқ жазо тури қўлланди.

Хурматли маросим қатнашчилари, келинг, ўзимизга бир савол берайлик: аслида, одамни суд қилишдан мақсад нима? Уни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш эмасми? Жиноятчиликнинг олдини олиш эмасми?

Лекин инсонни фақат жазолаш билан, фақат репрессив усуллар билан тарбиялаб бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган. Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат килиши, авваламбор, жиноий ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак. Барчамиз биргаликда шу ишга ҳисса қўшишимиз керак.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши тушунамизки, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон манфаатлари нинг чинакам ҳимоячисига айлантириш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Аҳоли билан ўтказилаётган очик мулоқот натижалари бир ҳақиқатни яққол кўрсатмоқда: суд-тергов ама-

лиётида далилларни тўплаш ва баҳолашда конунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қиласиган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилмаган.

Шунинг учун ҳам ўтган ҳафтада «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳукук ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга биноан бундан буён Ўзбекистонда қийноққа солиш, руҳий, жисмоний босим ўтказиш ва бошқа зўравонлик ҳолатларига мутлако йўл қўйилмайди. Бундай жиноий қилмишларни содир этган ҳар кандай шахс, у ким бўлишидан қатъи назар, мукаррар равишда жавобгарликка тортилади.

Жиноят ишлари доирасида ноконуний усуллар билан олинган ҳар кандай маълумотлардан, жумладан, аудио ва видео материаллардан, ашёвий далиллардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади. Қийноққа солиш, ҳимояга бўлган ҳукукни бузиш, инсонни алдаш ва тергов жараёнида бошқа ноконуний усулларни қўллаш ман этилади.

Далилларни сохталаштириш учун алоҳида жиноий жавобгарлик жорий қилинади.

Эндиликда адвокатлар жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқукига эга бўлади. Бу далиллар тергов ва суд идоралари томонидан мажбурий текширилиши ва баҳоланиши керак.

Қийноққа солиш каби ноконуний усулларни қўллашни қатъиян тақиқлаш мақсадида тергов ва вактинча саклаш хибсоналари видеокузатув воситалари билан жихозланади.

Энг мухими, ноқонуний усуулар қўллаш тўғрисидаги биронта ҳам хабар эътиборсиз қолмаслиги шарт. Прокуратура органлари ҳар бир ҳолат бўйича чукур текширув ўтказиб, айбдор шахсларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлайди.

Нега мен бу ҳақда қуйиб-пишиб гапиряпман? Президент фармон қабул қилди, шу билан ҳамма нарса ўз-ўзидан ҳал бўлади, деб ўйламанглар. Лекин бу фармон ҳали фақат қогозда, уни амалга ошириш учун ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қиласа, кутилган натижага эришиш қийин бўлади.

Биз суд-хуқуқ соҳасини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият бероётганимиз бежиз эмас. Чунки, Конституциямизда мустаҳкамланган инсон хукукларини таъминлаш ушбу ислоҳотларнинг амалий натижаси билан бевосита боғлиқдир.

Бу жараёнда энг асосий эътибор фуқароларимизга ўз хукукларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратишга қаратилди. «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шу асосда аҳоли учун мақбул бўлган усуулар – «ишонч телефонлари» ва тезкор алоқа телефонлари орқали ҳамда видеоконференция алоқа воситасида мурожаат қилиш тартиби жорий этилди.

Фуқароларимизнинг Конституцияда мухрлаб қўйилган давлат органлари ва муассасаларига, ҳалқ вакилларига мурожаат қилиш хуқукини таъминлаш максадида оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилиш тартиби белгиланди. Бугунги

кунда фукароларимиз мансабдорлар олдига эмас, балки мансабдор шахсларнинг ўзи халқимиз олдига бормоқда. Бу – катта ўзгариш.

Айни вактда кўп раҳбарлар булар ҳаммаси вақтинча, бир йиллик иш, деган хомхаёл билан юрибди. Аммо улар шуни кулоғига қуиб олсин, кўприклар аллақачон ёниб кетган. Энди ҳеч қачон орқага қайтмаймиз.

Жорий йилда суд, хуқукни муҳофаза килувчи ва назорат органлари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари мамлакатимизнинг кўплаб худудларида сайёр қабуллар ўтказди. Бу қабулларда коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш билан боғлик муаммолар бўйича 43 минг 127 нафар фуқаро иштирок этди.

Бўлиб ўтган тадбирларда фукаролар томонидан кредит ажратиш, хуқукни муҳофаза килувчи ва суд органлари қарорларига доир, бандлик ва иш ҳақи тўловлари, тадбиркорлик, электр ва табиий газ таъминоти, соғликни саклаш ва бошқа масалаларга оид 22 минг 186 та мурожаат билдирилди. Мурожаатларнинг 6 минг 484 таси жойида ҳал этилди, 15 минг 702 таси тегишли органларга кўриб чиқиш учун топширилди. 94 та ҳолат юзасидан хизмат текширувлари тайинланиб, айбордor шахсларнинг жавобгарлиги белгиланди.

Илгари Бош прокуратура, суд ва бошқа органлар раҳбарларининг вилоятларга боришга вақти йўқ эди. Улар Тошкентда ўтириб иш кўрар эди. Шунинг учун ҳаётдан, одамларни кийнаётган муаммолардан узоклашиб кетган эди.

Шу борада яна бир муҳим хужжат – «Хуқукий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъмин-

лаш тўғрисида» янги қонун қабул қилинди. Унда фуқароларнинг хукуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган хужжатлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиши имконияти янада оширилди.

Бундан кейин фуқароларимиз ҳар қандай давлат органи, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслардан хукукий ахборотни ҳеч қандай чекловсиз олиши кафолатланади.

Нима учун бундай қоида жорий этилди? Одамлар сўраб борса, тумандаги энг кичик амалдор ҳам бирорта хужжатни уларга бермайди. Бунга катталар рухсат бермайди, деб баҳона қиласди. Энди бундай «ўйин»лар кетмайди. Нега деганда, эндиликда Президентдан бошлаб энг куйи бўғиндаги раҳбарларгача халқимиз хизматида бўлади.

Инсон хукуqlари бўйича миллий институтларимиз тизимини такомиллаштириб бориш ҳам эътиборимиз марказида бўлди.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» ҳамда «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида» деган нормаларни амалда рўёбга чиқариш мақсадида янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида Тадбиркорлик субъектларининг хукуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон хукуqlари бўйича вакили фаолияти такомиллаштирилди. Унинг жазони ижро этиш муассаса-

саларида назоратни амалга оширишга оид ваколатлари кенгайтирилди.

Адашиб жиноят йўлига кирган ёки содир этган қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган инсонларга яна бир бор имкон бериш, уларни жамиятга, оиласи бағрига қайтариш муҳим ижтимоий масалалардан бири ҳисобланади. Нега деганда, улар ҳам Ўзбекистон фукаролари, шу юрт фарзандлариридир.

Бутунги тарихий сана арафасида мен Президент сифатида ўзимнинг конституциявий ваколатимдан фойдаланиб, судлар томонидан ҳукм қилинган 2 минг 700 нафар шахсни афв этиш тўғрисидаги Фармонни имзоладим.

Бундай Фармон Ўзбекистон тарихида биринчи марта кабул килинди.

Мен шу ўринда бир нарсани алоҳида тушунтириб ўтмокчиман. Юридик соҳадан йирок бўлган одамлар амнистия ва афв деган тушунчаларнинг фарқига бор-маслиги сир эмас.

Ҳаммамизга яхши маълум, шу вактгача мамлакатимизда ҳар йили амнистия актлари кабул қилинар эди. Амнистиянинг асосий мазмуни шундан иборатки, у аввал жиноятлар тоифасини белгилаб беради, кейин эса ана шу жиноятлар тоифасига тушадиган шахслар аникланади.

Албатта, амнистия жиноят содир этган одамларни кечириш бўйича муҳим механизмлардан бири. Бирок, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, олдиндан чукур ўрганмасдан туриб жавобгарликдан озод килишни бел-

гилаш қилмишига пушаймон бўлмаган, етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахслар ҳам амнистия доира-сига кириб қолишига сабаб бўлган. Бу масалада, минг афсуски, коррупция ҳолатлари ҳам бўлган деб айтсан, тўғри бўлади. Прокуратура, ички ишлар ва суд идораларида ҳам бундай номаъқул ишларга йўл қўйилган.

Натижада амнистияга тушган кимсаларда жазони ҳис этмаслик, бизга ҳамма нарса мумкин, деган нотўғри кайфият пайдо бўлган.

Энг ёмони, амнистияни қўллашда жабрланган тараф ва жамоатчилик фикри инобатга олинмаган, бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, афсуски, амнистия бўйича озод қилинган шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Ана шу ҳолатларни инобатга олиб, маҳсус комиссия томонидан жазо ўтаётган ҳар бир шахс билан алоҳида сұхбат ўтказилди, у яшаган маҳалла ахли, жабрланган одамларнинг фикри ўрганилди.

Ушбу жараёнда содир этилган жиноятнинг оғирлик даражаси, суд тайинлаган жазонинг қанчалик адолатли экани ҳам эътиборга олинди. Чукур таҳлил ва ўрганишлар натижасида чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятни билиб-билмай содир этган, тузалиш йўлига қатъий ўтган маҳкумларнинг аник доираси белгиланди ва айнан шундай шахслар афв этилди.

Ўйлайманки, Президент томонидан кечирилган ҳар бир шахс ўзига билдирилган ишончни оклаб, юртимиизда амалга оширилаётган кенг кўламли

ислоҳотларга муносиб хисса қўшади, жамиятда ўз ўрнини топади.

Мен бундан ҳам кўпроқ одамни афв этишга ҳам тайёр эдим, лекин жамиятимиз ҳали бунга тайёр эмас. Бунинг учун жамиятимизда афв этилаётган маҳкумларни кафилликка олиш мухити ва масъулияти тўла қарор топиши керак.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътиборингизни қартишни жоиз деб биламан.

Маълумки, давлат органларига кадрларни танлашда эскидан сақланиб қолган, кўштирноқ ичидаги бир «тизим» мавжуд эди. У ҳам бўлса, яқин қариндошлари судланган, деб фуқароларни ишга қабул қиласлиқ ёки юқори лавозимларга тайинламаслик билан боғлиқ. Бундай номаъқул ёндашув туфайли кўплаб ёшлиаримиз, малакали мутахассисларимиз «беайб айбдор бўлиб», яқин қариндошларининг қилмишлари учун жабр тортиб келдилар.

Ўзингиз айтинг, бу адолатданми? Менинг фикримча, адолатдан эмас. Нима сабабдан бир жиноят учун бутун бир авлод жавоб бериши керак? Отасининг қилмиши учун нега фарзандлари ёки ака учун ука жавоб бериши лозим?

Демократик нормаларга ҳам, ҳаётнинг бугунги талабларига ҳам мутлако тўғри келмайдиган бундай адолатсиз «тизим»дан биз энди бутунлай воз кечамиз. Чунки ҳалқимизга нисбатан собиқ тузум даврида, айниқса, ўтган асрнинг 37-йилида қилинган адолатсизликлар ўзи етарли, албатта. Бундай ярамас ишлар бизнинг ҳаётимизда энди мутлако бўлмаслиги керак.

Хурматли юртдошлар!

Конституциямизнинг 37-моддасида белгиланган мажбурий меҳнатни тақиқлаш түғрисидаги қоидага қатъий амал қилиш учун йил давомида бир қатор ишлар бажарилди. Хусусан, таъсирчан парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилди. Фуқароларнинг кафолатланган меҳнат хукуқларини таъминлаш масалалари бўйича Парламент комиссияси тузилди. Депутат ва сенаторлардан иборат ишчи гурухлар республикамизнинг барча ҳудудларига чиқиб, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича парламент назоратини амалга ошироқда.

Мана, бу йил ҳаммангиз кўрдингиз, эшитдингиз, биз бюджет ташкилотлари ходимлари ва талабаларни мажбурий равишда пахта теримиға чиқаришни қатъян тақиқладик.

Пахта мавсумида Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича тизимли мониторинг йўлга қўйилди.

Ушбу муҳим масалани, аввало, ўзимиз қаттиқ назоратга олганимиз туфайли биронта салбий ҳолат аниқланмади. Амалга оширилган ишлар самараси халқаро ташкилотлар, қолаверса, кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Инсон хукуқларини таъминлашга қаратилган ҳаракатларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт мақсадларига тўла ҳамоҳангдир. Бу ҳолат тарихимизда биринчи марта Ўзбекистонга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон хукуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад

ал-Ҳусайн ҳамда Дин ва эътиқод эркинлиги масалала-ри бўйича маҳсус маърузачиси Аҳмад Шоҳид томонидан ҳам эътироф этилди.

Таъкидлаш керакки, Конституциямизда Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларациясининг асосий принциплари ўз аксини топган. 2018 йил ушбу декларациянинг 70 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланади. Биз ҳам инсон ҳукукларига оид биринчи универсал халкаро ҳужжат бўлган мазкур декларациянинг мазмун-моҳиятини атрофлича тарғиб этиш учун маҳсус давлат дастурини қабул қиласиз.

Ана шундай амалий тадбирларимизнинг якуни сифатида 2018 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида Инсон ҳукуклари бўйича Осиё халкаро анжуманини ўтказиш ташабbusи билан чиқмоқдамиз.

Ҳаммангизга аёнки, инсон ҳукуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу нуктаи назардан ўтган даврда ушбу идораларнинг фаолияти ҳам тубдан ислоҳ килинди. Халк манфаатларига хизмат қилиш улар фаолиятининг асосий мезони этиб белгиланди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш максадида янги дастур ва режалар амалга оширилмоқда. Жумладан, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Маҳаллалар, кўчалар, савдо ва хизмат кўрсатиш обьектларида 114 мингдан ортиқ видеокузатув воситаси ўрнатилди. Уларнинг ёрдамида 10 мингга яқин жиноят фош этилди.

Йил давомида жиноятчилик даражаси 2016 йилга нисбатан 14 фоизга камайди ва бунда ана шу ишларнинг аҳамияти катта бўлди.

Янги йилдан бошлаб жиноят содир этилмаётган маҳалла профилактика инспекторининг ойлик иш хақиғига 50 фоиз устама қўшиб берилади. Аксинча, ўз худудида жиноятнинг кўпайишига йўл қўйган профилактика инспекторининг ойлигидан эса 50 фоиз ушлаб қолинади.

Узоқ тумандан қатнаб ишлайдиган профилактика инспекторининг ишида қутилган самара бўлмайди. Шунинг учун уларни хизматни ўтайдиган маҳалла худудида уй-жой, хизмат машиналари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор беряпмиз.

Бу соҳадаги мақсадимизни қисқача ифода этадиган бўлсак, биз келажакда эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизимини яратишимиш керак.

Албатта, «Хавфсиз шаҳар» лойиҳасини ҳаётга татбик этиш натижасида бу борадаги ишларимиз самараси яна-да ортиб боради.

Айни вактда, бу ишлар катта йўлнинг бошланиши, дастлабки босқич эканини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Жамиятимизда **«Конун ва адолат – устувор, жиноятга жазо – муқаррар»** деган принципни қарор топтириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Мазкур йўналишдаги эътиборга молик ишлар қаторида коррупцияга қарши курашишнинг яхлит тизими яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши давлат аппарати ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу хавфли иллат

билин курашдаги күч ва имкониятларини бирлаштириш имконини берди.

Хукукни мухофаза килувчи органларнинг фаолият мазмуни бутунлай ўзгармоқда. Хукукбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг мутлако янги тизими яратилди. Факат жазолаш билан кўркитиб, хукукбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки ноконуний харакатлар содир этилишининг барвакт олдини олиш энг долзарб вазифага айланди.

Маълумки, Асосий Конунимизда «Давлат халк иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат килиши» тұғрисидаги норма белгилаб қойилған. Унинг ижросини амалда таъминлаш максадида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси қабул қилинди.

Концепцияга асосан давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ килишнинг 6 та устувор йұналиши белгиланды ва маҳсус «йўл харитаси» бўйича 100 дан ортиқ ижро хокимияти органлари фаолияти қайта кўриб чиқилмоқда.

Маъмурий ислоҳотларни амалга оширишдан асосий максад – ихчам ва профессионал ижро органлари тизимини, замонавий менежментта асосланган бошқарув тизимини яратишдан иборат.

Шу борада бир фикрни ҳаммамиз чукур тушунив олишимизни истардим.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси, авваламбор, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зыммасига олиш-

га қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ.

Шу мақсадда яна бир муҳим хужжат – «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-кувватлаш тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди.

Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини таъкидлаш лозим. Биз ёшлар учун уларнинг соғлом туғилишидан бошлаб, токи мустақил ҳаётга киргунича барча зарур шароитларни яратиб бериш мақсадида қандай катта ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум.

Мана, биз Самарқандда Имом Бухорий номидаги ҳалқаро илмий-тадқиқот марказини, Тошкент шаҳрида эса Ислом цивилизацияси марказини барпо этмоқдамиз. Бу ишларни кимгадир кўз-кўз қилиш учун амалга ошираётганимиз йўқ. Мақсадимиз – ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини, маърифий исломни болаларимиз онгига сингдириш. Шу йўлда бизнинг буюк аждодларимиз қандай улуғ ишларни амалга оширганлари ҳақида улар ана шундай масканларга келиб ўзлари учун керакли, энг муҳим бўлган билим ва тасаввурларга эга бўлади. Энг асосийси, уларнинг қалбида бой тарихимиз, маданий меросимиз билан фаҳрланиш туйғуси камол топади.

Айни пайтда фарзандларимиз тарбиясида ҳал килувчи бўгин ҳисобланган мактабгача таълим тизими-нинг замон талабларига мос келмаслиги ҳам сир эмас. Ушбу соҳага бир пайтлар эътиборимизни сусайтириб

юборганимиз окибатида кўпгина муаммолар йигилиб колганини очик айтиш лозим.

Боғча тарбиясини кўрган боланинг онги, дунёкараши қандай юкори бўлишини бугун кимгадир исботлаб ўтиришнинг, ўйлайманки, ҳеч қандай ҳожати йўқ.

Ана шу ҳолатларнинг барчасини хисобга олиб, **Мактабгача таълим вазирлиги** ташкил этилди. Мазкур вазирлик зиммасига маъмурий ислоҳотлар доирасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, бир катор муҳим вазифалар юкланди.

Шу соҳада қабул килинган дастурга мувофиқ яқин 3-4 йил мобайнида юртимиздаги барча ҳудудларда – улар катта шаҳарлар бўладими ёки олис қишлоқ ва овуллар бўладими, минглаб янги боғчаларни қуришимиз зарур. Ушбу масканларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаб, малакали тарбиячи ва мутахассислар, янги методика билан таъминлашимиз керак.

Ўзингиз тасаввур килинг, қишлоқда яшаётган оналар учун, опа-сингилларимиз учун ўз фарзандини боғчага бериш имконияти қандай янги, қандай кенг шароитлар түғдиради. Бола боғчада соғлом турмуш асосида, мактабга тайёр бўлиб вояга етади.

Хурматли аёлларимиз боласидан кўнгли тўқ бўлиб, ижтимоий меҳнат билан, уй-рўзғор ишлари билан бемалол шуғулланади. Қолаверса, уларда дам олиш, ўз соғлиғи ҳақида ўйлаш учун озгина бўлса ҳам шароит пайдо бўлади.

Шунинг учун мактабгача таълим соҳасида ана шундай улкан ислоҳотларни ҳаётга жорий этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Қанчалик қийин бўлмасин, бу

тариҳий вазифани амалга оширишимиз шарт ва уни барчамиз биргаликда албатта бажарамиз.

Хурматли дўстлар!

Маълумки, Конституциямизнинг 53-моддасида «Давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги ва муҳофаза этилишининг кафолати» деб белгилаб қўйилган. Бу фикрнинг амалий исботи сифатида жорий йилда миллий валютамиз – сўмнинг эркин конвертациясига йўл очилди.

Божхона тўловлари ставкалари 2 баробар пасайтирилди, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текширишлар бекор килинди.

Халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратиб бериш мақсадида, энг аввало, кучли иқтисодиётни барпо этишимиз, мамлакатимизнинг халқаро майдонда ҳар томонлама рақобатбардошлигини таъминлашимиз зарур.

Бугунги кунда дунё миқёсида шафқатсиз рақобат тобора кескин тус олмоқда. Бундай мураккаб шароитда замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш бўйича биз узлуксиз иш олиб боришимиш керак.

Нега деганда, бу масала ҳозирги вактда аҳоли фаронлигини юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини барқарор ривожлантириш, Ватанимизнинг ёруг келажагини бунёд этишнинг ҳал қилувчи омилига айланмоқда.

Яқинда кабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини таш-

кил этиш тўғрисида»ги Фармон айни шу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилгани билан ғоят мухим аҳамиятга эга.

Азиз юртдошлар!

Фукароларимизнинг Конституцияда мустаҳкамланган ижтимоий ҳукукларини таъминлаш борасида йил давомида қишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 24 мингта, шаҳарларда 187 та замонавий кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди.

Аҳолини марказлаштирилган тармоклар орқали сув билан таъминлаш мақсадида 218 та лойиҳа амалга оширилиб, 350 минг кишининг сув таъминоти яхшиланди.

Қишлоқ врачлик пунктлари негизида 800 га яқин оиласиий поликлиникалар, 400 дан зиёд тез тиббий ёрдам шохобчалари ташкил этилди. Тез тиббий ёрдам хизматлари 1 минг 260 та маҳсус транспорт воситаси билан таъминланди. 300 дан ортиқ мактабгача таълим муассасаси таъмирдан чиқарилди.

Соглиқни саклаш тизимини ривожлантириш борасидаги ишларга келгуси йилда ҳам алоҳида устувор аҳамият қаратамиз.

Ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш, кўмак ва ёрдамга муҳтоҷ инсонлар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун муносиб шароит яратиб бериш масаласига давлатимиз ва жамиятимиз томонидан устувор аҳамият қаратилди.

Шу борада жорий йилнинг ўзида ногиронларга 2 триллион 600 миллиард сўм пенсия ва нафакалар тўланди.

Кам таъминланган, уй-жойга мұхтож 1 минг 200 дан ортиқ ногирон фуқароларға арzon уй-жой ажратиш бўйича шартномалар имзоланиб, бошлангич тўловлар учун 22 миллиард сўмдан ортиқ маблаг ажратилди.

Меҳнатга лаёқати чекланган 972 нафар ногирон аёлга касаначилик билан шуғулланиш учун тикув машиналари олиб берилди ва улар учун доимий даромад манбаи яратилди. Шу тоифага мансуб фуқароларга 7 мингдан ортиқ протез-ортопедия воситалари, 6 минг 500 дан ортиқ ногиронлик аравачалари, 1 минг 600 га яқин эшитиш аппаратлари белуп берилди.

Ногиронлиги бўлган ва нафақа ёшидаги фуқароларнинг даволаш-профилактика муассасаларида белуп даволаниши учун 23 минг 500 га яқин йўлланма ажратилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Лекин аҳолининг ижтимоий ҳимояга мұхтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларга малакали тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш бўйича ҳали олдимиизда кўп вазифалар туриди.

Шунинг учун бу борадаги ишларимизни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш бўйича комиссия тузилиб, соҳада чукур ўрганишлар ўтказилди.

Кенг жамоатчилик вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирла-

ри түғрисида»ги Фармон қабул қилинди ва бу борада күшимча имтиёз ва имкониятлар берилди.

Бу йўналишда яна бир муҳим хужжат – «Ногиронлиги бўлган шахслар хуқуклари түғрисида»ги қонун қабул қилинади.

Бу масалаларни ҳал қилиш учун Соғликни саклаш вазирлиги қошида ташкил этилаётган Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-кувватлаш жамғармаси са-марали фаолият кўрсатиши керак. Шунингдек, ёлғиз қариялар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бошқа қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишга ихтисослаштирилган маҳсус тузилма ўз ишини кучайтириши талаб этилади.

Бундай савобли ишларни рўёбга чиқаришда жамоатчилигимиз, бутун ҳалқимиз, албатта, фаол иштирок этади деб ишонаман.

Хурматли маросим иштирокчилари!

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чукурлаштириш бўйича олдимизда улкан ва муҳим вазифалар турганини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушумиз.

Бу борада ҳар қандай ислоҳот конституциявий та-мойил ва коидаларга мувофиқ тарзда амалга оширилиши, қонун устуворлиги бош мезон бўлиши зарур.

Бизнинг мақсадимиз – ҳалқ ҳокимиятини сўзда эмас, амалда таъминлашдан иборат. Бу – биз яшаётган бугунги мураккаб даврнинг асосий талабидир. Такрор айтишга тўғри келади – одамларимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни бугун кутмоқда.

Шу сабабли биз ўз фаолиятимизни **«Буюк кела-жагимиз бугундан бошланади»** деган шиор асосида

ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга со- лишимиз зарур.

Бу ҳақда сўз юритганда, эътиборингизни қўйидаги устувор масалаларга қаратмокчиман.

Биринчидан, давлат органларининг қундалик фаолиятида инсон ҳукуқ ва эркинликлари устуворлигига оид конституциявий тамойил сўзсиз таъминланиши шарт.

«Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган принцип барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятида асосий қоидага айланиши керак. Албатта, раҳбарларнинг ишга муносабатини ўзгартиришга ҳаракат қиляпмиз, лекин уларнинг қотиб қолган онгу тафаккурини ўзгартириш қийин бўлмоқда.

Мунтазам равишда жойларга чикиб, одамларнинг эҳтиёжлари, муаммолари билан яшаш ва уларнинг ечимини топиш вазифаси мансабдорлар томонидан хўжакўрсинга эмас, балки амалда таъминланиши зарур.

Маълумки, биз халқнинг ичига кириб бориш, аҳоли билан мулоқот ўрнатиш йўлида биринчи қадам сифатида ҳар бир туман ва шаҳарда Халқ қабулхоналарини ташкил этдик. Улар одамларнинг кўплаб муаммоларини ечишда амалий ёрдам берадиган яхлит тизимга айланди. Бир йилда 1,5 миллионга яқин мурожаат кўриб чиқилди.

Бугунги кунда аҳолимизнинг Халқ қабулхоналарига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Ушбу тузилмаларнинг давлат органлари мансабдор шахслари

масъулиятини оширишдаги роли борган сари кўпроқ сезилмоқда.

Барчамиз яхши тушунамиз, халкимизнинг ҳаёт дарражаси ўсиши, кўпгина муаммолар ҳал қилиниши билан Халқ қабулхоналарига мурожаатлар камай-иб боради. Шунинг учун бу қабулхоналар имкониятларини биз давлат хизматларини кўрсатиш соҳасига йўналтирамиз.

Шу мақсадда барча давлат идоралари ва Аддия вазирлиги кошидаги «Ягона дарча» марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни Халқ қабулхоналари орқали самарали ташкил этиш масаласи кўриб чиқилмоқда. Шу муносабат билан Президент девонининг Фуқаролар хукуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматига ушбу масалалар билан бевосита шуғулланиш вазифасини юклаш кўзда тутилмоқда.

Мазкур хизмат таркибида янги тузилма ташкил этиб, унга Тезкор давлат хизматлари агентлиги деб ном берсак, айни муддао бўларди.

Маълумки, ҳаммамиз деярли ҳар куни турли идораларга мурожаат киласиз. Дейлик, нотариус, архив ёки кадастр идорасидан, газ, электр, сув таъминоти ташкилотидан ёки маҳалладан оддий бир маълумотнома олиш учун баъзан кун бўйи навбатда туришга тўғри келади.

Ана шундай, бир карашда арзимас бўлиб туюладиган ишлар учун одамларнинг қанча вақти, асаби кетади.

Шуларнинг ҳаммасини бир жойда, марказлаштирган ҳолда, тезлик билан ҳал қилса бўлади-ку!

Мамлакатимизда барча шаҳар ва туманларда, мисол учун, олис Чимбой ёки Кўргонтепа туманида ҳам аҳолига давлат хизматларини кўрсатадиган идоралар мавжуд. Улар ҳалққа хизмат қилиш учун тузилган. Лекин, афсуски, аксарият ҳолларда улар ҳалқдан узилиб қолган, десак, бу ҳам тўғри бўлади.

Аслида XXI асрда – Интернет ва ахборот коммуникациялари даврида бу ишларнинг барчасини уйдан чиқмасдан туриб, компьютер ёки уяли телефон орқали бажариш имкони бор-ку!

Ривожланган давлатларда бундай тизим аллақачон йўлга кўйилган. Шу тизимни юртимизда ҳам жорий этишга, нима, имкониятимиз йўқми? Бор, албатта. Факат биз бу масалага қандайдир арзимас, майда масала, деб қарашга ўрганиб қолганимиз. Ҳолбуки, инсон ҳаёти, инсон манфаати билан боғлиқ соҳаларда майда нарсанинг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Шунинг учун биз бундан буён давлат хизматларини кўрсатиш борасидаги ишни мутлако янгича асосда ташкил этамиз. Энди давлат хизматларини кўрсатадиган ташкилот ва тузилмалар бевосита жойларга, маҳаллаларга чиқиб, аҳолига хизмат кўрсатади.

Вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги Халқ қабулхоналари бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб, назорат қилиб боради.

Яқинда Жанубий Кореяга ташрифимиз пайтида шу масала билан қизиқиб кўрдим. Ушбу мамлакатда 750 турдаги давлат хизматлари кўрсатилар экан. Сеул шаҳри

мэри билан шу масалада келишиб олдик. Уларнинг вакиллари келиб, Тошкент шаҳрида шундай хизматларни йўлга кўйиш бўйича ёрдам беради.

Ана шундай тизимни йўлга кўйсак, ўйлайманки, ҳалқимизга катта енгиллик яратилади, одамлар биздан рози бўлади.

Шу муносабат билан Вазирлар Махкамасига дахлдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 15 кун муддатда ушбу масала бўйича Президент карори лойиҳасини киритиш вазифаси топширилади.

Иккинчидан, ҳалқ ҳокимиётчилиги ҳақидаги конституциявий тамойилнинг асл моҳиятини барчамиз чукур англаб этишимиз зарур.

Бунинг учун турли даражадаги ижро ҳокимиёти орғанларининг ҳалқ вакиллари – парламент ва маҳаллий кенгашлар олдида ҳисобот бериш амалиётини кенг жорий килиш керак. Парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати механизmlарини янада ривожлантиришимиз зарур.

Ҳар бир давлат хизматчиси ҳалқ олдида масъул эканини ҳеч качон унутмаслиги лозим.

Шу билан бирга, давлат идоралари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳам ушбу тамойилни амалда карор топтиришнинг ажralmas шарти ҳисобланади.

Одамларимиз давлат органлари, шунингдек, ўзлари сайлаган вакиллар нима билан шуғулланаётганини билишлари, уларнинг фаолиятига холисона баҳо бера олиши учун барча имкониятларни яратишимиш даркор.

Учинчидан, биз учун энг катта бойлик бўлган аҳоли саломатлигини саклашга оид конституциявий нормалар

ижросини таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиши лозим.

Бу борада малакали тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, касалликлар профилактикаси, патронаж ва скрининг хизматларини замонавий даражага кўтариш, аҳолини арzon ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш биринчи даражали вазифамиз бўлиб қолади. Жамиятда соғлом турмуш тарзини ва тиббий маданиятни оммалаштириш бўйича ҳам жиддий иш олиб боришимиз зарур.

Тўртингчидан, бизнинг фаолиятимиз энг муҳим конституциявий қоидага – ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга қаратилиши шарт.

Ижтимоий адолат – бу сиёсий қарашлари, жинси, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, конун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашдир. Бу – таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглигидир. Бу – кафолатланган меҳнат фаолияти эркинлиги, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиб боришдаги имкониятлар тенглигидир. Энг муҳими, бу – кекса авлод вакиллари ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрликдир.

Жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтириш борасидаги асосий вазифамиз – бу адолатли конунлар қабул қилишдан иборат.

Қисқача айтганда, конун адолатли бўлса, у инсон хуқуқларини амалда ҳимоя қилса, шундагина одамлар конунни хурмат қиласи ва унга итоат этади.

Бешинчидан, фуқароларнинг фикр, сўз ва эътиқод эркинлигига доир конституциявий хукукларини таъминлаш – ривожланган демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартидир.

Биз бугун, демократик ўзгаришлар даврида мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида бевосита ва фаол иштирок этиш истагида бўлган фуқароларимизнинг салоҳияти тўла намоён бўлишини таъминлашимиз лозим. Бу борада кўп партиявийлик тизими, партиялар аро баҳс-мунозара, фикрлар ва дастурлар ўртасидаги рақобатни жадал ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Оммавий ахборот воситалари аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ҳокимият идораларига етказишнинг муҳим ва таъсирчан воситасига, ҳалқнинг энг якин кўмакчиси ва ҳамдардига, демократия кўзгусига айланиши зарур. Ҳокимият ва бошқарув органлари фаолиятига танқидий ва холис баҳо бериш, турли соҳалардаги камчиликлар, долзарб муаммоларни дадил кўтариб чикиш улар фаолиятида асосий мезон бўлиши керак.

Олтинчидан, бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – фуқаролар, давлат ва жамият ўртасида ўзаро масъулият, хукук ва бурч боғлик эканига оид принципни изчил амалга оширишдан иборат.

Бу принцип мамлакатимиз олдида турган муҳим вазифаларни ҳал қилишда давлат ва шахс, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида самарали ҳамкорликни таъминлайдиган конституциявий асосдир.

Биз барчамиз – фуқаролар ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам Ватанимиз равнақи учун, мамлакатимизда тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш учун, тарихий, маънавий ва маданий меросимизни саклаш, бойитиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш учун бирдек масъулмиз.

Юртимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва тотувлик муҳити, ўзаро хурмат ва ҳамжиҳатликни асраш ва мустаҳкамлаш мақсадида олиб бораётган ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим.

Еттинчидан, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиғи, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш бундан буён ҳам давлат сиёсатида устувор йўналиш бўлиб қолади.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ана шу конституциявий қоиданинг изчил амалга оширилиши ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини жадал ривожлантириш бўйича олиб бораётган барча ишларимизнинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Биз иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш, тадбиркорларга кенг йўл очиб бериш сиёсатини бундан кейин ҳам қатъий давом эттирамиз. Ҳал килувчи аҳамиятга эга бу соҳани ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, унинг олдида пайдо бўладиган тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш масаласи давлат раҳбари сифатида менинг доимий эътиборим ва назоратимда бўлади.

Яна бир бор алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: тадбиркор йўлига тўсиқ бўлишни давлат сиёсатига хиёнат деб қабул қилиш керак.

Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси ўз худудида ҳам, мамлакат ташкарисида ҳам ўз фуқароларининг ҳукукий ҳимоясини кафолатлаши ҳақидаги конституциявий қоиданинг ижросини сўзсиз таъминлашимиз шарт.

Афсуски, шу вактга қадар чет элларда меҳнат килаётган фуқароларимизнинг ҳукуқларини ҳимоя килиш масаласига етарлича эътибор берилмади, десак, бу ҳам адолатдан бўлади.

Бугунги кунда юртдошларимиз чет элда факат қора меҳнат билан эмас, илм-фан, банк-молия, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларида фаолият кўрсатмоқда.

Ана шу ҳолатни инобатга олиб, хорижда қонуний асосда меҳнат килаётган, таълим олаётган фуқароларимизга бўлган муносабат бугунги кунда тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш зарур. Ўзбекистон ҳукумати бундан буён ўз фуқароларининг ҳукуқ ва манфаатларини, улар каерда бўлишидан қатъи назар, ҳар томонлама ҳимоя килади.

Бу ишларни амалга ошириш йўлида биринчи қадамларни бошладик. Россия билан меҳнат миграцияси бўйича келишувга эришилди. Ўзбекистондан маҳсус делегациялар бориб, хориждаги ватандошларимиз билан учрашувлар ўтказмоқда. Уларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, ҳак-ҳукукларини таъминлаш бўйича маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Чет эллардаги юртдошларимизга консуллик хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, уларнинг юрти-

мизга бемалол келиб-кетишилари, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшишилари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Биз бу ишларни келгусида янада кенгайтирамиз.

Яна бир муҳим масала – Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда қонунийлик тамойилларининг сўзсиз таъминланиши инсон ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя килишининг муҳим кафолатидир. Биз бу фикрни янада теран англаб олишимиз керак.

Шу нуқтаи назардан, Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт.

Биз жаҳон ҳамжамияти билан яқин ҳамкорликни изчил давом эттиришни ўз олдимизга қўйган улуг мақсадларга етишнинг энг муҳим омили, деб биламиз. Шу мақсадда дунёдаги барча узок-яқин давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан самарали алоқаларимизни янада кучайтирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган ҳалқаро ташкилотлар вакиллари, чет давлатларнинг муҳтарам элчиларини самимий қутлашга ижозат бергайсиз. Уларнинг барчасига яқин ҳамкорлик учун миннатдорлик билдириб, масъулиятли фаолиятларида янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Бугун биз жонажон Ватанимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқишидек юксак мақсад йўлида кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз.

Ишончим комил, ана шу олижаноб мақсадларга эришишда давлат органлари, кенг жамоатчилик, барча фуқароларимиз ўзининг муносиб ҳиссасини кўшади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Конституцияга амал қилинишининг кафили сифатида жамиятимизда конун устуворлигини таъминлашни, ҳар бир фуқаронинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзимнинг нафакат вазифам, энг аввало, муқаддас бурчим деб ҳисоблайман.

Ҳеч шубҳасиз, орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин халкимиз сиёсий-хукукий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз янги-янги авлодлар учун ҳаёт комуси, даврнинг ўзи ўртага қўядиган долзарб муаммоларни ечиш йўлида мустаҳкам пойdevor бўлиб хизмат киласи.

Сиз, азизларни Конституциямизнинг қутлуғ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оиласвий хотиржамлик, фарзандлар, набиралар бахту камолини кўришни тилайман.

Яратганинг ўзи юртимизни бало-қазолардан асрасин, эзгу ишларимизда доимо мададкор бўлсин!

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганининг 25 йиллигига
багишланган тантанали маросимдаги маъруза
2017 йил 7 декабрь*

РИЗҚ-РҮЗИМИЗ БУНЁДКОРИ БЎЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ УЛУҒЛАШ, СОҲА РИВОЖИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Хурматли қишлоқ хўжалиги ходимлари!

Мен учун қадрли бўлган деҳқон ва фермерлар!

Муҳтарам дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни ва сизлар оркали бутун ҳалқимизни юртимизда биринчи маротаба нишонланаётган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугун мана шу муҳташам кошонада йифилган миришкор деҳқон ва фермерлар, сувчи ва ирригаторлар, механизатор ва агрономлар, аграр тармоқ олимлари тимсолида дунёдаги энг шарафли касб эгаларини кўриб турибмиз.

Узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаган инсон сифатида менинг турли соҳа вакиллари орасида дўстларим, танишларим кўп. Лекин қалбимга энг яқин инсонлар, қадрдонларимнинг энг кўпи мана шу соҳа – қишлоқ хўжалиги тармоқларида, десам, ишонинглар, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Бу билан мен, албатта, доимо чин дилдан фахрланаман, сизларни қалбимга, юрагимга энг яқин ва азиз инсонлар, деб биламан.

Чиндан ҳам, ҳаммамиз болалигимиздан ерга, дехқончилик ва чорвачиликка меҳр кўйғанмиз.

Бу соҳанинг меҳнати қанчалик шарафли, нони эса, қанчалик тотли ва ширин эканини барчамиз яхши биламиз.

Дехқон деганда, бепоён далалар, боғу роғлар, дастурхонимиздаги турли ноз-неъматлар, тўй-томушалар, хурсандчилик кунларимиз, бутун ҳаётимиз кўз олдимиизда намоён бўлади.

Шу маънода, дехқон бу – ҳаётнинг бақувват устуни, тирикликнинг мустаҳкам таянчи, десак, ҳеч кандай муболаға бўлмайди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомиз «олам аҳлининг тўқлиги, қувончи, аввало, ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиштирадиган фидойи иисонлар меҳнатидандир», деб миришкор дехқонлар хизматига жуда катта баҳо берганлар.

Мамлакатимизда ҳамма соҳа вакилларининг байрами бор. Лекин барчамизни, бутун ҳалқимизни боқадиган, кийинтирадиган кишлоп хўжалиги ходимларининг байрами шу пайтгача йўқ эди. Шуни ўйлаб, очигини айтганда, мен сизларнинг олдингизда ва бутун заҳматкаш дехқонларимиз олдида ҳақиқатдан ҳам хижолат бўлиб юрардим. Албатта, бу адолатдан эмас эди.

Шунинг учун маҳсус қонун қабул килиб, Ўзбекистон Республикаси кишлоп хўжалиги ходимлари кунини белгилаганимиз, ўйлайманки, ҳаётимиздаги яна бир адолатли қарор, ҳалқимизнинг дилидаги гап бўлди.

Илгари республикамиизда дехқончилик мавсуми якуни бўйича кишлоп хўжалиги ходимларининг

курултойи ўтказилар эди. Бундай курултойларда ўтган мавсумда қўлга киритилган ютуқлар ҳам, йўл қўйилган камчиликлар ҳам батафсил таҳлил қилинар, соҳага тегишли янги режалар белгилаб олинар эди.

Бугун биз нафақат қишлоқ хўжалиги соҳаси, балки бутун ижтимоий-иктисодий ҳаётимиз таракқиёти учун янги уфқларни очиб берадиган ана шундай анжумани – эзгу анъянани қайта тикламоқдамиз.

Хурматли дўстлар!

Хозирги кунда аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини таҳлил қилиш ва келгуси йил учун энг муҳим чора-тадбирларни белгилаб олиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш натижасида мамлакатимизда кейинги йилларда 160 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари шаклланиб, улар бугунги кунда 10 дан ортиқ йўналишларда самарали фаолият юритмоқда.

Энг кувонарлиси, 12 мингдан зиёд фермер хўжалиги раҳбарларини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этса, 6 мингдан ортиқ фермер хўжалигига хотин-қизларимиз раҳбарлик қилмоқда.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари охирги икки йилда 45 фоизга кўпайиб, бугунги кунда уларнинг сони 75 мингтага етди. Фақат шунинг ҳисобидан жойларда, узоқ-узоқ қишлоқларда юз минглаб янги иш ўринлари барпо этилди.

Олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар, фермерлик ҳаракатининг ривожланиши натижасида жорий

йилда мамлакатимиз бўйича 8 миллион 377 минг тонна ғалла етиштирилди.

Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли 2 миллион 930 тоннадан зиёд пахта хосили, 12 минг 450 тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 23 миллион тонна мева-сабзавот, 13 миллион тонна гўшт ва сут маҳсулотлари олишга эришдик.

Бу йил биринчи марта ғалладан бўшаган қарийб 1 миллион гектар майдонга сабзавот, картошка, полиз ва дуккакли экинлар экилди ва 5,5 миллион тоннадан ортик маҳсулот етиштирилди.

Кишлок хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали дех-қонларнинг даромадини ошириш борасида олиб бораётган тизимли ишларимиз ҳам аста-секин ўз самарасини бермоқда.

Масалан, жорий йилда 96 минг гектар ҳосилдорлиги паст майдонларда пахта ва ғалла ўрнига 32 минг гектар ерда карам, турли сабзавот ва кўкатлар экилди ва бу майдонлардан олинган минглаб тонна маҳсулотлар экспорт қилинди. Шунингдек, 11 минг гектарда интенсив боғ ва янги токзорлар, 1 минг 500 гектарда иссиқхоналар барпо этилди.

Бу борада Испания, Польша, Нидерландия, Греция, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Вьетнам ва Индонезия давлатларининг илғор тажрибасидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, мамлакатимизда биринчи марта шафран каби ноанъанавий экин экиш йўлга қўйилди, соя экиш кенгайди.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот, эътибор беринг, тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 724 минг тонна ҳўл мева четга сотилди ва бу юртимизга 856 миллион доллар валюта келтириди. Ҳолбуки, илгари минг-минг тонна турли ширин-шакар меваларимиз далада қолиб, чириб кетар, исроф бўларди, энг ёмони, увол бўлар эди.

Пиллачиликда юқори ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган, аммо деярли йўқолиб бораётган анъаналар қайта тикланмоқда. Энг муҳими, қиммат-баҳо хомашё бўлган ипак етиширишнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди. Ушбу соҳада ишларни мутлақо янги асосда йўлга қўйиш мақсадида «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ташкил этилди. Бу йил мамлакатимизда биринчи марта пилладан йилига икки марта ҳосил олиш тажрибаси синовдан ўтказилди ва ижобий натижা берди.

Ҳар бир вилоятда пилла хомашёсини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот олиш мақсадида тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари жалб қилинмоқда. Натижада шу йилнинг ўзида ипакни қайта ишлашга ихтисослашган 10 дан ортиқ янги корхона ишга туширилди.

Кейинги йилларда чорвачилик тармоғини ривожлантириш дастурлари доирасида балиқ, асал етишириладиган, парранда, эчки, корамол боқила-диган кўплаб хўжаликлар фаолияти йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим, аммо кейинги йилларда эътиборимиздан четда қолиб кетган масала ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳозирги кунда мамлакати-

мизда йилкичилик тармоғи бўйича 15 та насл хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларда 3 минг 150 дан зиёд зотдор от боқилмоқда.

Зотдор корабайир отларини кўпайтириш ва от спортини ривожлантириш мақсадида Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида янги йилкичилик комплекси ташкил этилди. Тошкент вилоятида ва юртимизнинг бошқа худудларида ҳам бундай мажмуалар барпо этилмоқда.

Умуман олганда, ота-боболаримиз ардоқлаб, парваришлаб келган, яхши ва ёмон кунларида дўст билган корабайир отларни миллатимизнинг ғуури, десак, арзиди. Фарзандларимиз қалбида мардлик, жасурлик, она юрга садоқат фазилатларини шакллантиришда ундан тўғри фойдалансак, ўйлайманки, нур устига нур бўлади.

Охириги 20 йилда эътибордан четда қолган яна бир тармок – балиқчилик соҳасини тиклаш учун «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ташкил этилди. Унинг тизимиға 3 минг 600 та балиқчилик хўжалиги киритилди. Жорий йилда 580 минг гектар майдондаги табиий ва 28 минг гектар сунъий кўлларда 100 минг тоннадан ортиқ балиқ етиштирилди.

Вьетнам ва Хитой технологияси асосида интенсив усулда балиқ етиштириш, уни кўпайтириш, балиқ озукаси ишлаб чиқариш борасида ушбу мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик йўлга кўйилди.

Яна бир муҳим йўналиш – асаларичилик соҳасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси ташкил этилиб, унга асал етишти-

радиган 14 мингдан ортиқ тадбиркор аъзо бўлиб кирди.

Бундай салмоқли ютуқлар хақида гапирганда, сиз, азиз фермер ва дехқонлар, барча миришкорларнинг фидокорона меҳнатингизни, шу соҳа ривожига умрини, бутун ҳаётини бағишлаган инсонлар номларини фахр билан тилга оламиз.

Айникса, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Азим Латипов, Аваз Эргашев, Анорбай Эшматов, Парда Зиёдов, Сарсенбай Сейтназаров, Дўстмурод Абдуллаев, Исахон Баҳромов, Сиёсатхон Абдуллаева, Аваз Ҳосилов, Гулмат Ҳайитметов, Шарифбой Ражабов, Аҳмад Нарзуллаев, Абдумурод Бозоров, Абдурайим Ҳомидов, Патилахон Эргашева, Халчахон Мирзаева, Тўра Нарзиев каби фидойи юртдошларимиз ҳақида ҳар қанча гапирсак арзиди.

Сизларга яхши маълумки, ҳозирги кунда фермер хўжаликлари ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-кувватланиб, уларга барча зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда.

Мамлакатимизда ирригация ва мелиорация тадбирларининг барча ҳаражатлари тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан қопланмоқда. Бу қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишда муҳим омил бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида ҳар йили давлат бюджетидан 2 триллион сўмдан ортиқ, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 400 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилмоқда.

Хосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта етиширадиган фермер хўжаликларини молиявий кўллаб-куватлаш мақсадида давлат бюджетидан маблағ ажратиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 2008 йилда ушбу мақсадлар учун 80 миллиард сўм маблағ йўналтирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 300 миллиард сўмни ташкил этди.

Йил давомида килинған машаққатли меҳнат, агротехник тадбирларнинг ўз муддатида ва сифатли ўтказилиши натижасида гектаридан ўртacha 50 центнердан зиёд хосил олган фермерлар 1 минг 121 тани, 45 центнерлик мэррани эгаллаган фермерларимиз 2 минг 130 тани, 40 центнерчилар 7 минг 208 тани ташкил этди. Бу пахтачилик бўйича ўз тажриба мактабини яратоётган фермерлар кўпайиб бораётганидан далолат беради.

Жорий мавсумда Амударё, Булокбоши, Пахтаобод, Вобкент, Бухоро, Миришкор, Нишон, Қизилтепа, Мингбулоқ, Каттакўргон, Нарпай, Жаркўргон, Юкоричирчик, Богот, Хонқа, Кўшкўпир туманларида пахтадан мўл хосил олинди.

Пахта етиширишда юқори хосилдорликка эришган Амударё туманидаги «Амударё соҳили» фермер хўжалиги раҳбари Исломбек Маткаримов, Миришкор туманидаги «Турдиали бобо» фермер хўжалиги раҳбари Абдувоҳид Бегалиев, Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер хўжалиги раҳбари Ёкуб Фаттоев каби фермерлар фаолияти таҳсинга сазовордир.

Ғаллачилик бўйича эришган ютукларимизда Беруний, Олтинкўл, Кўрғонтепа, Дўстлик, Ромитан,

Пешку, Шахрисабз, Норин, Иштихон, Пискент, Олтиарик, Учкўприк, Кува туманлари фермерлари ўрнак ва намуна бўлдилар.

Энг асосийси, бу йил этиширилган ғалланинг 5 миллион 200 минг тоннадан ортиғи фермер ва дехкон хўжаликлари ҳамда аҳоли ихтиёрида қолдирилди. Буларнинг барчаси дехқонларимизнинг омборлари донга, рўзгорлари кут-баракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётгани, халқимиз ибораси билан айтганда, том маънода уларнинг косаси оқараётганининг амалий далили, десак, айни ҳакиқатни айтган бўламиз.

Сув ресурслари чекланган минтақамизда дехқончилик қилиш, мўл ва сифатли ҳосил олиш қанчалар оғир ва машаққатли эканини сиз, шу соҳанинг моҳир усталари жуда яхши биласиз. Шунинг учун сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилган тадбирлар кўллаб-куватланиб, бунинг ташаббускори бўлган хўжалик ва ташкилотларга қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиб берилмоқда. Натижада бугунги кунда қарийб 240 минг гектар майдонда ана шундай технологиялар, жумладан, 28 минг гектар ерда томчилатиб сугориш технологияси жорий қилинди.

2017 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги соҳасига оид 5 та қонун, 20 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилинди, 2 та янги қўмита ва 3 та уюшма тузилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Қишлоқ туманларида ҳокимларнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозими

жорий килинди. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши Ўзбекистон Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши сифатида кайта ташкил этилди.

Энди ана шундай ўзгаришлар амалий натижа ва самара бериши учун барчамиз бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз керак.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим.

Фермер ва дехконларимиз кишлок хўжалигида асосий куч бўлиб, нафакат мазкур соҳани, балки бутун мамлакатимиз тараккиётини юксалтириш, халкимизнинг турмуш даражасини ошириш, юртимизни ҳар жихатдан обод ва фаровон қилишда бекиёс ишларни амалга ошираётганини бугун фахр ва гуур билан, миннатдорлик билан қайд этамиз.

Ўзбек дехконлари она заминимизга, мукаддас тупротимизга энг садоқатли, элу юрт тақдири учун чинакам фидойи инсонлардир. Уларнинг бундай фазилатларидан барчамиз ўrnak олсак арзиди.

Азиз фермерлар, дехкон ва миришкорлар!

Кишлок хўжалиги соҳасида эришаётган ютуқ ва натижаларимиз ҳакида яна кўп гапиришимиз мумкин. Лекин ютукларга маҳлиё бўлиб ўтириш, хотиржамликка берилиш бизга ярашмайди. Чунки кишлок хўжалиги соҳасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар, ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам жуда кўплигини барчамиз яхши биламиз.

Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида барча соҳалар қатори кишлок хўжалигини ҳам модернизация

қилиш борасида энг мухим вазифаларни аник белгилаб, уларни изчил амалга ошириб бораётганимиз соҳадаги улкан муваффакиятларга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун сизлар билан ана шу масалалар ҳақида очик-ойдин гаплашиб, уларни ечиш йўлларини аник белгилаб олсак, ўйлайманки, айни муддао бўлади. Бу келгуси йилда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида янада юксак натижаларга эришишимиз учун пухта замин яратади.

Биринчидан, ердан унумли фойдаланиш ва уни талон-тарож қилишнинг олдини олиш – энг мухим вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда суғориладиган ерлар атиги 3 миллион 300 минг гектар бўлиб, уни кўпайтиришнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки бизда сув ресурслари чекланган. Аҳолимиз эса йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Жойларда қатъий назорат йўқлиги оқибатида суғориладиган ерларни фермерлар ва бошқа мутасадди раҳбарлар томонидан сотиш, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва талон-тарож қилиш ҳолатлари, афсуски, давом этмоқда.

Жорий йилнинг ўзида 20 дан ортиқ туманда, жумладан, Бўз, Ангор, Навбаҳор, Жомбой, Оҳангарон ва бошқа туманларда суғориладиган ерлар фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган. Бундай нохуш ҳолатларни деярли барча вилоятларда кузатиш мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги мавжуд 700 минг гектарга яқин лалми ернинг бор-йўғи 300 минг гектара рига ғалла ва мойли экинлар экилмоқда. Қани, айтинг-

лар, колган 400 минг гектар ердан нега фойдаланмаймиз?

Бундай майдонларни ўзлаштириш, уларни мунтазам равишида дехкончилик экинлари экиладиган ерларга айлантириш осон бўлмайди, деб ўтирсак, ўтираверамиз.

Холбуки, бугунги вазият барчамиздан ташаббус кўрсатиб, жаҳондаги илғор тажрибаларни чукур ўрганиш, фидойилик билан меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Бундай эзгу ишга кўл урган фермер ва дехконларимизга биз ҳар томонлама кўмак беришга тайёрмиз.

Ўзингизга маълум, ҳар қарич ер – давлатнинг, демакки, халқимизнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Ундан ноконуний, ўзбошимчалик билан фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳакки йўқ. Афсуски, ана шу оддий ҳакиқатни тушуниб етмаган ёки тушунишни ва унга амал қилишни истамаётганлар ҳамон учраб турибди.

«Ергеодезкадастр» кўмитаси томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида жорий Йилда 3 минг 600 га якин фермер хўжалиги ғалла ва пахтани шартномада қайд этилганига нисбатан 19 минг гектар ерга кам эккани аникланган. 833 та фермер хўжалиги эса 13 минг гектар ерда пахта ва ғалла етиштириш бўйича шартнома тузган бўлса-да, амалда бу экинларни умуман экмаган.

Унумдор ерларни сотаётган, ноконуний тарзда уй-жой куриб олаётган, шартномада кўзда тутилган экинларни экишдан бўйин товлаётган фермерларга нисбатан қатъий чоралар кўрадиган ва қонуний баҳо берадиган вақт келди.

Шунинг учун Бош вазир ўринбосари, кишлоқ ва сув хўжалиги вазири Зойир Мирзаев, мутасадди идоралар ва вилоятлар ҳокимлари бир ой муддатда ана шундай муаммоларни тўлиқ бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, кўриб чикиш учун тақдим этиши зарур.

Иккинчидан, суғориш иншоотлари эскириб, тармоқлар яроқсиз ҳолга келиб қолгани оқибатида 830 минг гектар ерни суғоришда қийинчиликлар юзага келмоқда.

Бундан ташқари, 1 миллион 300 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 18 минг километр коллектор ва дренаж тармоқларини босқичма-босқич тозалаш лозим. Шунингдек, 103 та йирик, 720 та ўрта ва кичик сув иншоотлари янгилаш ва таъмиглашга муҳтож.

2017-2018 йилларда бу тадбирлар учун давлат бюджетидан 1,5 триллион сўм, халқаро молия институтларининг 150 миллион доллар маблағини йўналтириш режалаштирилган. Бироқ шуларнинг ўзи билан соҳадаги мавжуд муаммоларни тўлиқ ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун Бош вазир ўринбосарлари Зойир Мирзаев ва Жамшид Кўчкоров бир ҳафта муддатда давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун қўшимча маблағ ажратиш ва халқаро молия институтларининг мазкур лойиҳаларда янада кенгроқ иштирок этишини таъминлаш бўйича аниқ таклифлар киритиши лозим.

Мамлакатимизда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида ҳам кўплаб ишларни амалга оширишимиз зарур. Бу борада сув омборлари тармоғини

кенгайтириш хисобидан лалми ерларни ўзлаштириш масаласига алохиди эътибор каратиш керак.

2018-2019 йиллар давомида Тошкент вилоятида жами 44 миллион куб метр сув йигиладиган «Паркентсой», «Қизилсой», «Тоштепа» сув омборлари курилади. Шу тариқа Паркент ва Оҳангарон туманларида 5 минг гектар лалми ерларни ўзлаштириш имконияти яратилади.

Жиззах вилоятининг Фориш туманида «Караман» сув омбори ишга туширилгач, 20 минг гектар ер ўзлаштирилади.

Қашқадарё вилоятида «Гулдара», «Аяқчисой», Самарқанд вилоятида «Булунғур» сув омборларини курсак, бу кўшимча равишда 2 минг гектар экин майдонларини ўзлаштириш, 2 минг 300 гектар ерда сув таъминотини яхшилаш имконини беради.

Навоий вилоядаги «Сентобсой», Наманган вилоядаги «Қорасув», «Ертикан», «Уйчи» сув омборлари кариб 2 баробар кенгайтирилади.

2018-2019 йилларда ирригация тармоқларини ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастурига мувофиқ, келгуси икки йилда 1 минг 86 километр узунликдаги каналлар бетонлаштирилиб, 661 километр лотоклар янгидан бунёд этилади. Шунингдек, 109 та йирик гидротехник иншоотлар курилади ва янги насос станциялари ўрнатилади.

Ана шу тадбирларни амалга ошириш натижасида 1 миллион 200 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади.

Энг асосийси, йилига 1 миллиард 700 миллион куб метр сув тежалади ва 600 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, «Ерни боксанг, ер ҳам сени бокади», деган мақол бежиз айтилмаган. Соҳада катта натижага эришмоқчи бўлсак, биринчи навбатда ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни бокишимиз, тупрок унумдорлигини оширишимиз керак.

Учинчидан, аҳолини сифатли гўшт, сут, тухум ва балиқ маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш – энг асосий вазифаларимизданdir.

Бунга эришиш учун куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиz зарур. 2018-2019 йилларда банк кредитлари ҳисобидан 145 та лойиҳа доирасида қўшимча 35 минг бош зотдор қорамол бокиши йўлга кўйилади. Умумий қиймати 280 миллиард сўм бўлган 80 та лойиҳа асосида қўшимча 3 миллион 200 минг бош парранда бокишга мўлжалланган хўжаликларни ташкил этиш керак. Шунинг ҳисобидан 2018 йилда тухум етиштиришни 10 фоизга ошириб, унинг умумий ҳажмини 7 миллиард 800 миллион донага етказиш имкони юзага келади.

Келгуси йилда балиқ етиштиришни 150 минг тоннага етказиш мақсадида 215 миллиард сўмлик 280 та лойиҳа амалга оширилади, 1 минг 650 гектар сунъий сув ҳавзалари ташкил этилади. 25 та сув омборида Вьетнам тажрибаси асосида 13 минг тонна, 37 минг гектар шолизорда қарийб 15 минг тонна балиқ етиштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон ва Наманган вилоятларида Индо-

незиядан келтириладиган 380 минг дона сермаҳсул балиқ чавогини ушбу мамлакат мутахассислари билан ҳамкорликда маҳаллий иқлимга мослаштириш лозим.

Тўртингчидан, мева-сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш, уни сифатли тарзда аҳолига етказиш ва экспорт килиш ишлари, афсуски, етарли даражада эмас.

Бугунги кунда юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавотнинг атиги 15 фоизи қайта ишланиб, 8 фоизи экспорт килинмоқда, холос. Айниқса, Сирдарё, Жиззах, Хоразм, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу кўрсаткичлар ҳамон пастлигича қолмоқда.

Жорий йилда 860 минг тонна ёки 620 миллион долларлик мева-сабзавот экспорт килингани бизнинг имконият ва салоҳиятимизга мосми? Йўқ, албаттаг!

Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида боғлар ва токзорларга ишлов берадиган, сабзавот ва картошка урутларини экадиган ва йиғишириб оладиган техникалар мавжуд эмас, фермер, дехқон хўжаликларига ёкилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, уруғлик етказиб бериш, касаллик ва заараркунандаларга карши кураш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Бу ҳам ҳақиқат.

Бош вазир ўринбосарлари Нодир Отажонов, Зойир Мирзаев бир ой муддатда ҳар бир вилоят ва туманда мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, уни қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чикиб, амалга оширишлари керак.

Бешинчидан, республикамиз бўйича 445 минг гектар энг унумдор ер ахолига томорка сифатида берилган.

Лекин томорқадан фойдаланиш талаб даражасида змас. Бу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тизими йўқ, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Соҳада назоратни таъминлаш, томорқа эгаларини ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш мақсадида Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига қатор ваколатлар берилди.

Вазирлар Махкамаси (З.Мирзаев), Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Б.Юсупов), Касаба уюшмалари федерацияси (Қ.Рафиков), «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси (А.Абдуллаев), «Махалла» жамғармаси (Ш.Жавлонов), Хотин-қизлар қўмитаси (Т.Норбоева) ва ҳудудлардаги секторлар раҳбарлари уйма-уй юриб, ахолига томорқадан самарали фойдаланиш юзасидан зарур тавсия ва амалий ёрдам бериш механизмини ишлаб чиқиб, амалга ошириши лозим.

Бу ишларни самарали йўлга қўйиш натижасида томорқалардан мева, сабзавот, картошка, қўкат, дук-какли ва бошқа маҳсулотлар етиштириш имкониятлари янада кенгаяди. Шунингдек, ахоли томорқаларида цитрус мевалар етиштиришга мўлжалланган ихчам иссиқхоналар барпо қилиш, ёнғоқ, унаби ва бошқа кўчатлар етиштиришни ташкил этиш лозим.

Олтинчидан, ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги 146 минг 295 та қишлоқ хўжалиги техникасининг

38 фоизи аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган, яъни бутунлай эскирган.

Айниқса, мева ва сабзавотчиликка ихтисослашган туманлар боғ ва токзорларга ишлов бериш, сабзавот экиш, парваришлаш ва йигиб олишга мўлжалланган техникалар билан бор-йўғи 34 фоиз таъминланган, холос. Бу меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Айни пайтда мамлакатимиз бўйича 16 минг 495 та кишлоқ хўжалиги техникаси етишмаслиги аниқланган. Бунинг оқибатида белгиланган агротехник тадбирларни ўз вактида ва сифатли амалга оширишнинг имкони бўлмаяпти ва шунинг учун пиравард натижада кутилган самарага эришилмаяпти.

Бош вазир ўринбосарлари Зойир Мирзаев, Жамшид Кўчкоров ва Нодир Отажоновга кишлоқ хўжалиги техникасини юртимиизда ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш, зарур холларда уларни хорижий давлатлардан сотиб олиш учун молиявий манбаларни аниқлаш масалаларини ҳал этиш бўйича жорий йил 20 декабря қадар аниқ ва амалий таклифлар киритиш вазифаси топширилади.

Еттингчидан, кишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда илм-фан ҳаёт талабларидан орқада қолаётгани жиддий муаммолардан биридир.

Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли илмий-тадқикот институтларининг аграр фан ва селекцияни ривожлантириш, илғор агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, ҳар бир ҳудудда тупроқ ва иклим шароитига мос экин

навларини яратиш ва жойлаштириш борасидаги ўрни ва ролини кескин ошириш лозим.

Ҳозирги кунда ана шу илмий муассасаларнинг моддий-техник базаси замонавий тадқиқотларни амалга ошириш имконини бермайди. Илмий-тадқиқот ишлари ҳамон эскича усулларда олиб борилаётгани ҳам ҳақиқат.

Соҳада замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган кадрлар етишмаётганини ҳам тан олишимиз керак. Айниқса, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларида ветеринар мутахассисларга эҳтиёж катта.

Чорва молларининг зотини яхшилаш, паррандаларда касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш бўйича илмий изланишлар деярли олиб борилмаяпти.

Яқин вақтгача чорвачилик соҳасида етакчи бўлиб келган юртимизда бугун зотдор молларни фақат четдан олиб келиш билан чекланиб қолаётганимизни нима билан изоҳлаш мумкин?

Бундай эътиборсизлик ва соҳанинг эртанги ривожини ўйламасликни ҳеч нарса билан оклаб бўлмайди.

Ана шу ҳолатларнинг барчасини инобатга олиб, соҳага илмий ёндашувни ташкил этиш ва малакали кадрлар тайёрлаш тизимиин йўлга қўйиш мақсадида юртимизда Ветеринария институтини ташкил этишнинг фурсати келди, деб ҳисоблайман.

Яна бир муҳим масала, яъни йилига мамлакатимизда етиштирилаётган 12 миллион донадан зиёд терини йиғиши, уни чукур қайта ишлаш, айниқса, дунёга машҳур қоракўл теридан юқори сифатли, рақобатдош

маҳсулот тайёрлаш бўйича ишларимиз ҳам талаб даражасида эмас.

Бош вазир ўринбосари Зойир Мирзаев тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси фаолиятини тубдан қайта кўриб чикиб, тизимни такомиллаштириш, бу борадаги экспорт кўрсаткичини 150 миллион доллардан камида 300 миллион долларга ошириш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаши зарур.

Хабарингиз бор, биз яқинда ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чикиб, ҳаётимизга янги инновацион технологиялар жорий этиш кўламини янада кенгайтириш максадида Инновацияларни ривожлантириш вазирлигини ташкил этдик. Ушбу вазирлик бу борада алоҳида дастур ишлаб чикиб, қишлоқ хўжалиги соҳасига илғор технологияларни жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириши ғоят муҳим масаладир.

Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти фаолиятини чукур таҳлил қилган ҳолда, узумнинг саноатбоп навлари, лимон ва мевали дараҳт қўчатлари этиштириш – ҳозирги давр талабидир. Афсуски, ушбу институтнинг айни пайтдаги ҳолати бугунги мезон ва талабга мутлако жавоб бермайди.

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси негизида Лалмикор деҳқончилик институтини ташкил этишни замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Бундай илмий-тадқиқот маркази лалми ерлардан самарали

фойдаланиш бўйича замонавий илмий изланишларни янада кенгайтириш имконини яратади.

Мамлакатимизда паррандачиликни ривожлантириш, жумладан, курка, бедана, гоз, ўрдак ва түякуш парваришлишни илмий асосда йўлга қўйиш мақсадида Паррандачилик илмий марказини ташкил этиш зарур, деб ўйлайман.

Халқимизни энг кўп истеъмол қилинадиган озиқовқат турларидан бири бўлган картошка билан тўла таъминлаш учун бизга йилига ўртача 50 минг тонна сифатли картошка уруғи керак бўлади. Бунинг учун Голландия, Польша, Россия каби давлатлар билан ҳамкорликда замонавий лаборатория ускуналарига эга бўлган маҳаллий уруғчилик маркази ва маҳсус корхоналар ташкил этишимиз керак.

Саккизинчидан, фермер хўжаликларида ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, даромад ҳажмини ошириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратишимиз зарур.

Шу мақсадда мавжуд 2 миллион 626 минг гектар майдоннинг умумий узунлиги 385 минг километр бўлган чекка қисмларида сабзавот ва полиз экинлари экишни йўлга қўйиш орқали 415 минг тонна қўшимча маҳсулот этиштиришга эришиш мумкин.

Оддий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вактда ҳар бир фермер хўжалиги даласида бир бошдан, жами 14 минг согин сигир, 21 минг 125 фермер хўжалигининг ҳар бирида 50 бошдан, жами 1 миллион 57 минг парранда, 66 минг фермер хўжалигининг дала четларида 329 минг кути асалари боқиши ҳисоби-

дан 7 минг 200 тонна асал етиштиришни йўлга қўйиш мумкин.

Юзаки қараганда, бу оддий гапга ўхшайди. Агар масалага жиддий ёндашиб, ҳар бир рақам замидаги маънени теран англаб етсак, булар дехконларимиз учун кўшимча даромад манбаи экани маълум бўлади.

Келгуси йилда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган яна бир муҳим йўналиш – бу суғориш ва коллектор-дренаж тармоклари бўйларида, йирик гидротехник иншоотлар атрофидаги майдонлар ва дала четларида оддий ва арzon усусларда 30 мингдан зиёд ихчам иссиқхоналар ташкил этишдан иборат.

Тўққизинчидан, пахта ва ғалла экилаётган паст рентабелли майдонларни йилдан-йилга қисқартириб, уларнинг ўрнига интенсив боғлар, ёнғоқзор ва токзорлар барпо этиш, шунингдек, сердаромад бўлган соя, қалампир ва кўкатлар экиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда рапс етиштиришни кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, енгил саноат корхоналарини сифатли тола билан таъминлаш ҳақида ҳам жиддий ўйлашимиз керак. 2018 йилда мамлакатимизда етиштирилаётган 1 миллион 200 минг тонна пахта толасини юртимизда тўлиқ қайта ишлаб, хорижга факат тайёр маҳсулотлар экспорт қилишни йўлга қўйишимиз зарур.

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида амалда кўлланган – пахтани етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни

ўз ичига қамраб олган кластер усулига биз Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қарамоқдамиз.

Бу истиқболли тажрибани кенг ёйиш мақсадида мамлакатимиздаги ўттиздан зиёд енгил саноат корхонасига тўрт юз минг гектардан кўпроқ пахта майдонлари биритириб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Нигматович Ариповга тегишли комплекс раҳбарлари, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Давлат солик кўмитаси билан биргаликда бу масала бўйича қарор лойиҳасини 15 кун муддатда ишлаб чишиш, вилоят ҳокимларига лойиҳа ташаббускорлари учун барча зарур шароитни яратиб бериш вазифаси топширилади.

Қолган пахта майдонларида ҳосилдорликни ошириш ва ердан самарали фойдаланиш мақсадида чигитни «кўшқатор» ва «олтмишлик» схемаси асосида экишни йўлга кўйиш ва самарашиб бўлган «тўқсонлик» схемадан босқичма-босқич воз кечиш керак. Шунингдек, хитойлик олимлар билан ҳамкорликда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида гўза парваришини замонавий технологиялар асосида олиб боришимиз зарур. Сурхондарё, Самарқанд ва бошқа вилоятларда томчилатиб сугориш технологияларини кенг жорий этишимиз лозим.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Бугунги кунда олдимизда турган энг асосий муаммолардан бири бу – республикамиз қишлоқ хўжалигида илм ва амалиётнинг бир-биридан узоқлашгани, аксарият ҳолларда узилиб қолганидир.

Бир ҳакиқат барчамизга яхши маълум: илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва, умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди.

Афсуски, кейинги 20 йил мобайнида биз аграр тармоқни илм-фан ютуклари асосида ривожлантиришга етарлича эътибор бермадик, эътиборсизлигимиз туфайли мавжуд илмий-текшириш институтлари молиявий муаммолар гирдобига, ночор аҳволга тушиб колди, таъбир жоиз бўлса, «чалажон» бўлиб қолди.

Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўзбекистон кишлок хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази (собик Ўзбекистон кишлок хўжалиги фанлари академияси) таркибида айни пайтда 11 та илмий-тадқикот институти ва 44 та илмий-тажриба станцияси мавжуд.

Бундан ташкари, бевосита Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида 4 та олий таълим муассасаси ва уларнинг 3 та филиали, шунингдек, 132 та касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Лекин Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институти, Андижон ва Самарқанд кишлок хўжалиги институтларининг илмий салоҳияти ва кадрлар тайёрлашдаги мавқеи йилдан-йилга пасайиб бормоқда. Агар ўтган асрнинг 80-90-йиллари билан солиштирадиган бўлсак, ушбу олий таълим муассасаларида илмий, педагогик ва амалий тажриба борасида салоҳият кескин пасайиб кетган.

Қишлоқ хўжалигига аниқ мезонлар асосида кадрлар тайёрлашнинг ягона тизими мавжуд эмас. Буига

вазирлик ва олий таълим даргоҳлари раҳбарлари ҳам умуман эътибор қаратмаяпти, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун олий таълим муассасаси ёки коллежда ўкиётган талаба эртага қаерга ишга боради, амалиётда унинг билим ва мутахассислигига айнан қандай талаблар кўйилади, у шу талабларга жавоб берадими-йўқми – буни ҳеч ким билмайди.

Хатто шу даражага бориб етдики, аудиторияда талабага бошқа нарса ўқитилади, амалиётда эса ундан умуман бошқа билим ва кўникма талаб этилади. Агар тармоқдаги бирор-бир олий ёки ўрта маҳсус таълим муассасаси ишлаб чиқариш ёки амалиётнинг аниқ буюртмаси бўйича мутахассислар тайёрлаётгани йўқ ва, афсуски, бу бўйича ҳали ҳаракат ҳам бошланмаган. Шундай экан, малакали ва рақобатдош мутахассис-кадрлар тайёрлаш тўғрисида қандай гапиришимиз мумкин.

Тошкент давлат аграр университети ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти таянч ўкув даргоҳлари ва ўкув-методик марказ сифатида белгиланган эди. Лекин ҳар иккала таълим муассасасининг раҳбарияти ҳам бу борада ўз зиммасидаги вазифани тўла уддалаётгани йўқ. Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтларининг фаолиятини эса қониқарли деб бўлмайди.

Бугунги давр шуни тақозо этмоқдаки, олий таълим муассасаси ва коллежлардаги ўкув дастурлари ишлаб чиқариш, фирма ва компанияларнинг аниқ талаб

ва буюртмалари асосида тузилиши ва ракобатдош кадрларни тайёрлаб бериши керак.

Агар талаб бўлса, олий таълим муассасаси ва коллеж мутахассис тайёрлаши керак, муайян йўналиш бўйича битираётган кадрларга эҳтиёж бўлмаса ёки кадрнинг билим савияси ва илмий даражаси паст бўлса, бундай ўкув муассасаси ёпилиши зарур.

Бу борада бир мисол келтираман. Фарғона водийсида бир неча йиллардан буён заарли ҳашаротлар пахта майдонларига сезиларли даражада зиён етказяпти. Лекин водийдаги бирорта ўкув даргоҳида олим ва мутахассислар бундай касалликларга қарши курашиш ҳакида жиддий бош котираётгандарни йўқ.

Ана шундай ўткир ва ҳаётий муаммоларни ҳал этиш ва зарур ечимларни топиш мақсадида қуидаги долзарб вазифаларни амалга ошириш талаб этилади.

Биринчидан, кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва илмий тадқикотчиларининг иш ҳаки миқдори, жумладан, янги ўкув йилидан бошлаб докторантлар стипендияларини сезиларли даражада ошириш бўйича Молия вазирлиги (Ж.Қўчкоров) таклиф тайёрласин.

Шу билан бирга, соҳадаги олий таълим муассасаларида таълим даражасини ошириш учун уларни модернизация килиш дастурини 2021 йилгача чўзмасдан, 2019 йил охирига қадар якунлаш мақсадга мувофик бўлади.

Барчага маълумки, кишлоқ хўжалиги мутахассисларини магистратурада контракт асосида ўқитиш илмий кадрлар тайёрлашга жиддий тўсқинлик

қилмоқда. Шунинг учун янги ўкув йилидан бошлаб қишлоқ хўжалигининг тор мутахассисликлари бўйича магистратурада кадрлар тайёрлашни тўлиқ бюджет грантлари ҳисобига ўtkазиш таклиф этилади. Бу масала бўйича Молия вазирлиги тегишли ташкилотлар билан биргаликда 10 кунда таклиф киритсин.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий дастурларни молиялаштиришга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни 2017 йилдаги 39 миллиард сўмдан 2-3 йилда 150 миллиард сўмга етказиш топширилади.

Шу билан бирга, агросаноат комплекси таркибидаги 14 та илмий-тадқиқот институтини кейинги 2 йилда Давлат бюджетидан базавий молиялаштиришга ўtkазиш лозим.

Буларга кўшимча равишда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий муассасаларни замонавий лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга 20 миллион доллар ажратиш Молия вазирлигига топширилади. Бундан кўзланган мақсад – илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг илмий-тажриба станцияларини замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналари билан таъминлашни тубдан яхшилашдан иборат.

Учинчидан, юкоридаги топшириклар бўйича Бош вазир ўринбосарлари З.Мирзаев ва Ж.Кўчкоров бир ой муддатда Президент қарори лойиҳасини киритсин.

Қарор лойиҳасида қишлоқ хўжалигига илмий изланишларни молиялаштириш ва инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-куватлашга йўнал-

тирилган маҳсус жамғарма тузиш ҳакида таклиф назарда тутилсин. Жамғарманинг манбаи сифатида айрим маҳсулотларга солинадиган акциз солиғининг қатъий белгиланган ажратмаларини белгилашни таклиф этаман.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш учун барча даражадаги раҳбарлар, айниқса, туманлардаги 4 та сектор раҳбарлари масъулиятини кучайтириш талаб этилади.

Вазир бўладими, вилоят ёки туман ҳокими бўладими – барча раҳбарлар қишлоқ хўжалиги масалалари, яъни озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташаббус кўрсатиб ишлаши, энг муҳими, натижадорликка эришмоғи шарт.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида номига, кўзбўямачилик билан иш юритиб, натижага эришиб бўлмайди. Масалага ана шу нуқтаи назардан караган ҳолда, ишдаги нуқсон ва камчиликлари учун Жиззах ва Тошкент вилоятлари ҳокимларини, бир қатор вазирлар ва туманлар ҳокимларини алмаштиришга тўғри келди.

Вактида олди олинмаса, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашилмаса, бундай жиддий камчиликлар қишлоқ хўжалиги унумдорлиги ва натижадорликка салбий таъсир кўрсатишини барча раҳбарлар яхши тушуниб етиши зарур.

Юкорида айтилган режа ва дастурларни амалга ошириш учун бизда куч ва имкониятлар, билим ва тажриба етарли. Гап факат ишни фидойилик

ва омилкорлик билан, тўғри ва самарали ташкил этишимизга боғлиқ.

Мухтарам дўстларим, қадрдонларим!

Бу дунёда барчамиз эзгу ва пок ниятлар билан яшаймиз.

Ҳаммамиз фарзандларимиз, набираларимиз камолини кўрсак, юртимиз тинч, халқимиз фаровон ҳаёт кечирса, деб орзу қиласиз.

Агар бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатидан кўзланган асосий мақсадни оддий сўзлар билан ифода этадиган бўлсак, у аввало халқимиз қалбидаги ана шундай эзгу орзу-ниятларни амалга оширишга қаратилгандир.

Кейинги бир йил давомида эл-юртимиз билан бўлган мулокотлар давомида мен бу ҳақиқатга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Биз олдимизга кўйган, ҳар бир ватандошимиз кўнглида акс садо бераётган ана шу буюк мақсадларни амалга оширишга энг кўп ҳисса қўшаётган, келгусида ҳам катта ҳисса қўшадиган инсонлар қаторида аввало сиз, азизларни кўрамиз.

Барчангизни, сизлар орқали ўз ҳаётини қишлоқ хўжалиги соҳаси билан, айниқса, саховатли заманимиз билан bogлагan фидойи инсонларни, бутун халқимизни бугунги куттуғ байрам билан яна бир бор самимий табриклайман.

Жонажон Ватанимиздан ҳеч қачон тинчлик осойишталик, хонадонларимиздан файзу барака аримасин!

Оллоҳ таолонинг ўзи барча ишларимизнинг барорини берсин.

Янги йилда ҳамма экинлардан ҳосилимиз янада мўл, хирмонимиз ҳар қачонгидан юксак бўлсин!

Ўзбек замини, ўзбек дехкони доимо бор бўлсин, омон бўлсин, унга ҳамиша улут зафарлар ёр бўлсин!

Яна бир бор барчангизга катта раҳмат.

*Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кунига
багишланган тантанали маросимдаги нутқ
2017 йил 9 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

Мухтарам депутат ва сенаторлар!

Азиз ватандошлар!

Хурматли меҳмонлар!

Бугун биз барчамиз жонажон Ватанимизнинг сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеада иштирок этмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга **Мурожаатнома** тақдим этилмоқда.

Сизларга яхши маълумки, дунёдаги кўпчилик тараққий топган мамлакатларда давлат раҳбарининг миллий парламент аъзолари хузурида энг асосий ва долзарб сиёсий, ижтимоий-иктисодий масалалар ва жамиятни демократик ривожлантириш бўйича Мурожаатнома билан чиқиш тажрибаси мавжуд.

Давлат бошқарувининг бундай демократик усули бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, авваламбор, ҳалқ билан мулоқот принципиға гоят уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, бизнинг иш фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат килади, деб ўйлайман.

Бугунги нуфузли анжуманда Олий Мажлис Сенати ва Конунчилик палатаси аъзолари билан бирга, видеоконференция алоқа тизими орқали туман, шаҳар

ва вилоятлардаги махаллий кенгашларга сайланган халқ ноиблари ҳамда барча бўғиндаги ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, нодавлат ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда.

Таракқиётимизнинг янги босқичи бўлган 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишлиланган Мурожаатномани эътиборингизга ҳавола этишга рухсат бергайсиз.

Аввало, йил давомида мамлакатимизни янада тараккий эттириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган максад ва вазифаларни бажариш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилганини таъкидлаш жоиз.

Бу борада «Халқ билан мулокот ва инсон манфатлари йили» Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим қадам бўлди, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламили ислохотлар халқимиз томонидан кўллаб-куватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари ахолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яккол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эрганги кунга ишончи ўсиб бормоқда.

Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулокот асосида қабул килмоқдамиз. **«Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга**

хизмат қилиши керак» деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Давлат ходимлари, аввало, биринчи раҳбарлар фақат кабинетда ўтирмасдан, жойларга бориб, аҳолини безовта қилаётган энг долзарб муаммоларнинг амалий ечими билан шуғулланмоқда.

Шу маънода, 2017 йил ҳалқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлди, деб айтишга тўла ҳақлимиш.

Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳалқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда.

Қисқа муддатда ана шу қабулхоналарга бир яrim миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилгани ва қанча-қанча одамнинг йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолари ижобий ечилгани Ўзбекистонда ҳалқ ҳокимияти номига эмас, амалда жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарларнинг йўл кўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди.

Айнан ҳалқимиз манфаатларини ҳисобга олиб, ижтимоий адолатни таъминлаш бўйича энг муҳим институт бўлган суд-хукук соҳасида, прокуратура ва ички ишлар органлари тизимида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон

Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига бағышланган тантанали маросимда атрофлича сўз юритилгани учун, ўйлайманки, бугун бу мавзуда ортикча тўхталиб ўтиришга зарурат йўк.

Жорий йилда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқини ташкил этиш, Хотин-кизлар қўмитаси, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари ишини янада фаоллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Ўйлайманки, бу инсон хуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлашга қаратилган ишларимизнинг яна бир тасдиғидир.

2017 йилда **иктисодиёт соҳасида** замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъно-мазмундаги ва самарали ислоҳотларни амалга ошириш йўлида биринчи кадамларни кўйдик.

Иктисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг хуқукий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича катор конунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар кабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та йирик саноат обьекти ишга туширилди. Бу биз учун келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Масалан, Тошкент иссиқлик электр станциясида буғ-газ курилмаси

барпо этилди. Бу эса қўшимча равища 2,5 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, Навоий иссиқлик электр станциясида иккинчи буғ-газ курилмаси, Кизилкум бағридаги Авминзо-Амантой олтин конлари негизида гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда.

Ҳозирги вактда Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан «Ёшлиқ-1», «Ёшлиқ-2» конлари ни ўзлаштиришга киришилди. Сардоба, Марказий Фарғона ва Тўпаланг сув омборларини қуриш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Бу йирик иншоотлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа бўлади.

Фарғона – Марғилон йўналишидаги темир йўл тармоғи айни пайтда электрлаштирилмоқда.

Яна бир йирик обьект – Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равища 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортиқ олtingугурт ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан бири бўлган Муборак газни қайта ишлаш заводида келгуси йили қўшимча равища 6 миллиард куб метр табиий газни олtingугуртдан тозалайдиган блоклар тўлиқ фаолият бошлайди. Шулар қаторида «Ўзагротехсаноатхолдинг» акциядорлик жамиятида янги йилда 5 мингдан кўпроқ замонавий тракторлар, мингдан зиёд пахта териш машинаси ва 2 мингдан ортиқ прицеплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бундай мисолларни яна узок давом эттириш мумкин.

Энг муҳими, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида нореал ракамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъкул иш услуби танқидий қайта кўриб чикилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислоҳотларнинг бош мақсади этиб белгиланди.

Айни шу асосда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташки савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди.

Миллий валютамизни эркин конвертация қилишга киришдик. Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларидан чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди. Чет эл валютасининг олди-сотди операциялари ҳажми либерализация даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, ўртacha 1,3 миллиард долларни ташкил этди. Шу билан бирга, давлатимизнинг олтин-валюта захиралари йил давомида 1,1 миллиард долларга кўпайди.

Жорий йилда мамлакатимизда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва бу ташкилий чоралар ҳудудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Яқин вакт ичida яна 50 та янги саноат зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Йил давомида биз учун ғоят муҳим бўлган янги иш ўринларини ташкил этиш масаласи доимий

эътиборимиз марказида бўлди. 2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш обьектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ўз-ўзидан аёнки, биз аҳоли бандлигини таъминлашни ўз олдимиизга устувор вазифа қилиб қўйган эканмиз, бу масалага нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамият беришимиз зарур.

Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг ғоят муҳим йўналиши бўлган **ижтимоий соҳани** ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси ҳам босқичма-босқич таъминланмоқда.

Маълумки, аҳолимизни, айниқса, бюджет соҳаси ходимларини, кам таъминланган оиласаларни уйжой масаласи кўпдан буён қийнаб келарди. Бу оғир ижтимоий муаммога биз деярли эътибор бермай келганимиз ҳам бор гап.

Халқимизнинг талаб ва истакларини инобатта олиб, биз жорий йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида **арzon уй-жойлар қуриш** лойиҳасини амалга оширишга киришдик. Шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўпқаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу рақамни аввалги йилларга таққослайдиган бўлсак, 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилга нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилганини кўрамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, биз кейинги 25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арzon, бар-

ча кулагайликларга эга бўлган кўп қаватли уй-жойлар куришни бошладик. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар куриб фойдаланишга топширилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида жорий йилда 420 минг квадрат метр кўп қаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўпдир.

Одамларимизнинг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашда бу муҳим масаланинг нақадар ўткир ва долзарб муаммо бўлиб турганини ҳисобга олиб, бу ишларни, уларнинг ҳажмини оширган ҳолда, биз янги йилда ҳам албатта давом эттирамиз. Чунки, халқимиз эртага эмас, узок келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди. Бизнинг меҳнаткаш, оққўнгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳаклидир.

Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан аник чоралар кўрилди. Молия вазирлиги хузурида Оролбўй минтақасини ривожлантириш жамғармаси тузилди ва унга 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Ана шу маблағлар ҳисобидан Қорақалпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг сув таъминоти, турмуш шароити яхшиланмоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳудудларда 3 минг километрдан ортиқ ички йўллар капитал таъмирланди ва реконструкция қилинди.

Жорий йилда янги **таълим муассасалари** куриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та умумтаълим мактаби янгитдан

барпо этилди, 320 таси реконструкция килинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунингдек, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция килинди ва курилди, 195 та боғча капитал таъмирланди.

Фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин хисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик. Биз ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз, жумладан, яқин 3-4 йилда барча худудларда минглаб янги боғчалар қуришимиз, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтаришимиз лозим.

Кўплаб ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар асосида юртимизда 11 йиллик таълим қайта тикланди.

Жойлардаги ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун Тошкент вилоятида Чирчик давлат педагогика институти ташкил этилди. Бундан ташқари, 15 та олий таълим муассасасида ташкил этилган маҳсус сиртқи бўлимларда ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган 5 мингдан ортиқ педагоглар учун олий маълумот олиш имконияти яратилди.

Таълим тизимидағи инновация ва креатив ёндашувлар асосида Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улуғбек номлари билан аталадиган, аниқ фанлар чукур ўқитиладиган маҳсус мактаблар ташкил этилди.

Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2017–2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул килинди.

Янги ташкил этилган институт ва филиаллар хисобидан юртимиздаги олий таълим муассасалари сони 81 тага, худудлардаги филиаллар 15 тага, хорижий университетлар филиаллари 7 тага етди. Шулар каторида Олмалик шаҳрида Москва пўлат ва қотишмалар институтининг, Тошкент шаҳрида эса АҚШнинг Вебстер университетининг филиалларини ташкил этиш бўйича келишувларга эришилганини таъкидлаш лозим. Олий таълим муассасаларида иқтисодиётнинг реал секторидаги талаб ва эҳтиёждан келиб чикиб, сиртки ва кечки бўлимлар очилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси тизими такомиллаштирилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, унинг таркибида бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тикланди. Кўп йиллик танаффусдан сўнг Фанлар академиясига сайлов ўтказилиб, ўзининг илмий ишлари билан мамлакатимиз ва халкаро миқёсда ном қозонган истеъододли олимлар академик деган юксак шарафга сазовор бўлдилар. Энди барчамиз Фанлар академиясидан янги илмий ишланмалар, истиқболли тадқиқотлар яратиш бўйича амалий натижалар кутиб коламиз.

Буларнинг барчасидан биз ягона бир мақсадни кўзда тутмоқдамиз. Яъни, Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт.

Азиз дўстлар!

Жорий йилда маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш бўйича қилинган ишлар ҳақида гапирганда, аввало, маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари соҳасига тааллукли 12 та муҳим хужжат қабул қилинганини қайд этиш лозим.

Юртимиздаги ижодий уюшмаларнинг ижтимоий ҳаётимиздағи ўрни ва нуфузини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ижодкорларини кўллаб-кувватлаш «Илҳом» жамоат фонди, шунингдек, маданият ва санъат муассасалари ҳамда йирик компания ва банклар ҳамкорлигига «Дўстлар клублари» ташкил этилди.

Яна бир муҳим янгилик – Тошкент шаҳридаги Миллий боғ ҳудудида муҳташам Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, Коракал-поғистонда ва бир қатор вилоятларимизда улуғ адибларимизнинг номлари билан аталган ижод мактаблари барпо этилди. Шунингдек, Кўкон шаҳри, Хоразм ва Жиззах вилоят драма театрлари қайта реконструкция қилинди, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил этилди.

Маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган ана шундай лойиҳалар ҳақида гапирганда, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш ишла-

ри бошланганини алоҳида қайд этиш зарур. Шулар қаторида буюк алломаларимизнинг ёдгорлик мажмуалари кошида ҳадисшунослик, ислом ҳукуқшунуслиги, тасаввуф, қалом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича маҳсус мактаблар ташкил этилди. Албатта, бизнинг бу ишларимиз чукур илмий ва амалий асосларга эга.

Маълумки, қадимијадан маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олим уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиқкан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд кўлёзма асарлар сакланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўкувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага кўяётган жуда қўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. Хусусан, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чукур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-окибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва гоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас. Лекин биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўлатуриб, уларни ҳар томонлама ўкиш-ўрганиш, ҳалқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшлиаримизга, жаҳон ҳамжамиятияга етказиш бўйича етарли иш қилмаганимизни ҳам очик тан олиш керак.

Биз диний жаҳолатга, заарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақида кўп гапирамиз. Бу – тўғри, албатта. Лекин маърифат, маърифий билимлар қаерда – аввало ота-боболаримиз бизга қолдириб кетган мана шундай мўътабар китобларда эмасми?

Бизнинг ушбу йўналишдаги барча амалий ҳаракатларимиз айнан мана шундай эзгу мақсадга қаратилган бўлиб, нафақат мамлакатимиз ва мусулмон дунёсида, балки жаҳон миқёсида ҳам катта қизиқиш ва эътибор уйготмоқда. Ана шундай бебаҳо бойликка, минглаб билимдон уламолар, фаол зиёлиларга эга бўлган, бу соҳада катта ташабbusлар билан чиқаётган халқ ва давлат сифатида юртимиздан қандайдир ақидапараст, диний оқимларга берилган кимсаларнинг чиқиши албатта бизга ярашмайди.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

2017 йилда **жисмоний тарбия ва спорт соҳаси** бўйича ҳам катта ишлар қилинди. Юртимиз ёшлиарининг спорт соҳасидаги ютуқлари барчамизни қувонтироқда. Жаҳон ва қитъа миқёсида янги-янги чемпионлар, шахмат бўйича халқаро гроссмейстерлар етишиб чиқмоқда.

Якунига етиб бораётган йилда ўзбекистонлик спортчилар бокс, дзюдо, таэквандо, оғир атлетика, эркин кураш, самбо бўйича ўтказилган турли халқаро мусобақаларда салмоқли ютуқларга эришилар. 2017 йил айниқса ўзбек миллий кураши тарихида ёркин сахифа бўлди. Сентябрь ойида Туркманистанда бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгаши

Бош ассамблеяси йиғилишида ушбу миллий спорт турини Осиё ўйинлари дастурига киритиш ҳакида қарор қабул килинди. Яъни, 2018 йил Индонезияда бўлиб ўтадиган 18-Осиё ўйинларида китъамиз спортчилари ўзбек миллий кураши бўйича ҳам ўзаро беллашадилар. Энди жаҳон спорт майдонларида «ҳалол», «ғирром», «чала», «ёнбош» деган сўзлар жаранглаб, ўзбек номини, Ўзбекистон номини дунёга тараннум этади.

Айни вактда биз Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитасининг фаолиятини такомиллаштириш устидаги иш олиб бормоқдамиз. Бўлғуси халқаро олимпиада ўйинлари ва бошка нуфузли мусобақаларга тайёргарлик ишлари энди бутунлай янгича асосда йўлга кўйилади.

Бугун, мана шу юксак минбардан туриб, барча спортчи ёшларимизга, уларнинг устоз ва мураббийлагрига миллий спортивизни ривожлантириш йўлидаги хизматлари учун катта миннатдорлик билдириб, янги зафарлар тилашга рухсат бергайсиз.

Мухтарам юртдошлар!

Ўтган давр мобайнида ташқи сиёsat соҳасида хорижий давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришдик.

2017 йилда 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, карийб 60 миллиард

АҚШ доллары ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланды. Қабул қилинган хужжат ва келишувларни ўз вақтида түлиқ бажариш мақсадида 40 та «йўл харитаси» ишлаб чиқилди ва хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилмоқда.

«Ўзбекистоннинг ташки сиёсатида Марказий Осиё – бош устувор йўналиш» тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада миңтақамизда мутлақо янги сиёсий мухит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Туркманистон ва Қирғизистон билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилди. Қозогистон билан стратегик ҳамкорлигимизни янада чукурлаштириш борасида бир қатор муҳим хужжатлар имзоланди, 2 миллиард доллар миқдорида иқтисодий битимлар тузилди. Тоҷикистон билан ҳамкорлигимиз ҳар томонлама мустаҳкамланмоқда. Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида авиақатнов йўлга қўйилди.

Қирғизистон билан давлат чегаралари тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган катта қадам бўлди. Қўшни Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида муҳим келишувларга эришилди, янги иқтисодий лойиҳалар бўйича амалий ишлар бошланди. Шунингдек, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, АҚШ ва Европа Иттифоки давлатлари, мусулмон мамлакатлари билан ҳам самарали битим ва келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттироқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимиз тикланди, Европа инвестиция банки билан шериклик алоқалари ўрнатилди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки билан ўзаро ҳамкорлик самара-ли тус олмоқда.

Мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ошириб, унинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Албатта, йил давомида амалга оширган ишларимиз тўғрисида яна кўп гапириш мумкин. Лекин буларнинг барчаси биз танлаган узқ ва машаккатли, айни пайтда ягона тўғри йўлдаги дастлабки қадамлар, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Фурсатдан фойдаланиб, «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини амалга оширишда муносиб иштирок этган давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик бирлашмалари ва компанияларга, бу эзгу ишга ҳисса кўшган барча инсонларга самимий миннатдорлик билдираман.

Мухтарам мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимизда шаклланган ижобий анъанага мувофиқ, энди сизлар билан бирга кириб келаётган янги – 2018 йилга қандай ном бериш ҳакида келишиб олишимиз керак. Биз бу масала бўйича кўп ўйладик.

Йил давомида фуқароларимиздан Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасига, давлат идораларига келган кўплаб мурожаат ва хатлар, жойларда бўлиб ўтган учрашувларда билдирилган фикр мулоҳазаларни ҳам ҳисобга олдик, жамоатчилик фикрини ўргандик.

Билдирилган таклиф ва тавсияларнинг барчасини инобатга олиб, мен янги – 2018 йилга юртимизда **Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**, деб ном беришни таклиф этаман.

Шу ўринда фаол тадбиркорлик деган тушунчага қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илфор технология ва бошқарув усуслари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишdir.

Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини бокадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишビルармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юкори технологиилар, илм-фаннынг энг сўнгги ютукларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, тадбиркорларимиз хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим.

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга каратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажак гимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион гоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдига аниқ вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафакат иктисадиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз.

Келгуси йилда илмий тадқикот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни хар томонлама қўллаб-куватлаш вазифаси эътиборимиз марказида бўлади.

I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

Хурматли халқ ноиблари!

Бугунги кунда жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни самарали ечиш, кенг қўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш зарурати давлат бошқаруви соҳасида мутлако янги тизим яратишни тақозо

этмоқда. Ўйлайманки, бунинг учун «Давлат хизмати түғрисида»ги қонунни ишлаб чикиш ва қабул қилиш вакти келди.

Бу борада бошқа мухим масалалар қаторида давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг муносиб ижтимоий таъминот тизимини яратиш, айни вактда мансабдор шахслар жавобгарлигини оширишини ҳам кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Биз бошқарув соҳасида **биринчи навбатда** ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этишимиз зарур.

Иккинчидан, ижро ҳокимияти органлари зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш тартибини, уларнинг масъулият доирасини аниқ белгилаш лозим.

Учинчидан, иқтисодиёт тармокларига маъмурий таъсирларни қисқартириш ва бозор механизmlаридан кенг фойдаланиш керак. Яъни, давлат иштирокидаги бизнес тузилмаларини ташкил этишни чеклаш, бу борада бозорга хос механизмларни ишлаб чикиш, давлатнинг айрим функцияларни хусусий секторга ўтказиш даркор.

Тўртинчидан, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириб, ўта марказлашган бошқарувдан босқичмабосқич воз кечиш лозим.

Давлат хизматларини бевосита қуий бўғинларда кўрсатиш, маҳаллий ҳокимият идоралари учун молиявий ва бошқа имкониятларни кенгайтириш зарур. Бу

борада мавжуд тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва соддалаштириш, бошқарувнинг инновацион шаклларини жорий этиш лозим.

Бешинчидан, давлат хизмати институтини ислоҳ килиш, коррупцияга карши таъсирчан кураш механизmlарини жорий этиш керак.

Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чикишни талаб этмоқда.

Юкорида зикр этилган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини оғишмай амалга оширишимиз даркор.

Маълумки, мамлакатимизда коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш мақсадида ушбу йўналишда алоҳида конун қабул қилинди. Шу асосда аниқ мақсадларга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олган давлат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ана шундай ишларимиз натижасида шу йилнинг 9 ойида коррупция билан боғлик жиноятлар ўтган йилга нисбатан 33 фоизга камайди. Биз бундай натижаларни коррупцияга қарши кураш борасидаги узок ва давомли фаолиятимизнинг дастлабки самараси, деб қабул қилишимиз, бу йўлда янада катъий иш олиб боришмиз шарт.

Қадрли дўстлар!

Ислоҳотларимиз самарасини оширишда парламент, депутат ва сенаторларнинг ўрни ва ролига алоҳида тўхталишни жоиз, деб ҳисоблайман.

Шу йил 12 июля Олий Мажлис аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочисига айланиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб, амалий чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаган эдик. Лекин бу дастур ижросидан ҳалқимиз қандай наф кўрди, қайси депутат ёки сенатор одамларимизнинг оғирини енгил қилишга, соглиқни сақлаш, экология, коммунал хўжалик, таълим ёки бошқа соҳаларда уларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилишга қандай ҳисса қўшди?

Бу борадаги аниқ мисолларни ҳалқимиз ҳаётда ҳам, матбуот ва телевидениеда ҳам кўраётгани йўқ. Бу – ҳақиқат.

Афсуски, депутатлар, сенаторларимиз уйғониши керак, бу – ҳаёт талаби, деган гаплар гаплигича қолиб кетди. Яна бир бор айтаман, кутилган амалий натижа йўқ.

Йил давомида билдирилган 136 та қонунчилик ташаббусидан бор-йўғи 27 таси депутатларга тегишли бўлиб, улар ҳам асосан амалдаги қонунларга Президентнинг фармон ва қарорларидан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалардир. Шунинг ўзи парламентимиз фаолияти самараси етарли эмаслигини кўрсатмайдими?

Нима, ислохотларни амалга ошириш учун фақат Президент фармон ва қарорлар қабул қилиши керакми?

Қачон парламент, майли, кўп эмас, ҳеч бўлмаса битта соҳани тубдан яхшилашга қаратилган қарор ёки қонун ишлаб чиқади? Қачон бўлади бу иш?

Эл-юртимиз сизлардан, мұхтарам халқ ноиблари-дан бу борада жавоб күтмөқда. Депутат ёки сенатор бўлиб сайландик, энди ўзимиз хоҳлаганча юрамиз, деган гаплар ўтмишда қолиб кетди. Яна бир бор айтаман, уйғониш керак.

Афсуски, парламентимиз фаолияти кўп ҳолларда шунчаки расмий йигилишлардан иборат бўлиб колмоқда.

Нима учун аниқланган муаммолар ёки сайловчилар кўтараётган масалалар тегишли қонунлар қабул килиш йўли билан ёки ижро ҳокимияти олдига масалани қатъий қўйиш билан ҳал этилмаяпти? Самарасиз назорат, қуруқ мажлисларнинг, айтинглар, кимга кераги бор?

Парламентимиз соғликни саклаш тизими, жиноятчилик ва хукуқбузарликларнинг барвакт олдини олиш ҳамда маҳаллий кенгашларда ишчанлик, ўзўзини танкид рухини яратишга бош-кош бўлиши зарурлиги таклиф килинган эди.

Бирок бу соҳаларда парламент ва депутатларнинг ўрни етарлича сезилмаяпти.

Бугунги кунда биронта ҳам ҳудудда согликни саклаш тизими ахоли учун муносиб хизмат қиласидаги даражада ташкил этилган, деб айттолмаймиз.

Қонунчилик палатаси ўз иш фаолиятида асосий эътиборни тизимдаги ана шу мухим муаммоларни, айниқса, жойларда ҳал этишга қаратса, мақсадга мувоғик бўлар эди. Керак бўлса, Қонунчилик палатасида соғликни саклаш масалалари бўйича алоҳида қўмита ташкил этиб, унинг аъзолари

асосан худудларда фаолият кўрсатса, нур устига нур бўларди.

Ҳисоботларга эътибор берсак, маҳаллий кенгашлар фаолиятида гўёки ижобий ўзгаришлар юз бераётгандек туюлади, лекин улар факат ракамларда акс этмоқда, холос. Бизга ракамлар эмас, аниқ натижа керак.

Қачонки худудлардаги вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, жиноятчилик камайса, янги иш ўринлари яратилса, энг муҳими, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланса, маҳаллий кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади.

Афсуски, биронта туманда халқ депутатлари кенгашининг фаолияти намунали асосда ташкил этилгани йўқ.

Сенат раҳбарияти юқори палатанинг бу йўналишдаги ишини танқидий кўриб чиқиши, аҳолининг фикр ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда, вакилллик органлари фаолиятини тубдан ўзгаририш бўйича зарур чораларни кўриши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, худудларда хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни ҳам сусайтирмаслик лозим.

Парламентимизнинг энг муҳим фаолияти – қонун ижодкорлигини ҳам камчилик ва нуқсонлардан ҳоли, деб бўлмайди. Очиқ тан олиш керак, аксарият ҳолларда бирон-бир масалани аниқ ҳал этмайдиган, бир-бирига тўгри келмайдиган қонун ва қонуности

хужжатларини қабул қилиш амалда күплаб муаммолар туғдирмоқда.

Үзингиз айтинг, самарасиз ишчи гурухлар ташкил этиш, хуқукни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатмайдиган, ижро механизмларига эга бўлмаган, таъбир жоиз бўлса, «ўлик» қонунлар кимга керак? Ана шундай салбий ҳолатларни бартараф этиш максадида **Конунчилик ва норматив хужжатлар ижодкорлигини такомиллаштиришга доир концепция** ишлаб чикиб, амалга оширишимиз лозим.

Бундан буён турли дастурлар ижроси доирасида конун қабул қилиш амалиётини қайта кўриб чиқамиз.

Барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслиғимиз керак: конуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода ҳалқ бўлиши шарт.

Ҳар бир конун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қуидан – фуқаролардан, жойлардаги ҳалқ депутатлари кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш зарур. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама мухокама қилиш тизимидан самарали фойдаланишимиз керак.

Олий Мажлис раҳбарияти қонунлар мухокамасига кенг ҳалқ оммасини жалб қилиши, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиши, жумладан, Интернет тармоғида маҳсус «майдон»лар яратиши зарур. Шу муносабат билан мамлакатимиз фуқаролари давлат ва жамият ҳаётига дахлдор мухим масалалар бўйича ўз фикрларини бил-

диришлари учун Интернет тармоғида «Менинг фикрим» деб номланган маҳсус веб-саҳифа ташкил этиш мақсадга мувоғиқ. Хусусан, демократиянинг илғор механизми сифатида жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартибини татбиқ килиш зарур. Яъни, бир гуруҳ фуқаролар томонидан илгари сурилган ташаббусларни Олий Мажлис ёки халқ депутатлари кенгашлари кўриб чиқиши мажбурий экани қонунда белгилаб кўйилиши лозим.

Биз яқинда Олий Мажлис хузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтини ташкил этдик. Ушбу институт Олий Мажлисга келаётган турли таклифларни чукур таҳлил қиласиган, тъбир жоиз бўлса, элақдан ўтказадиган илмий марказ бўлиши лозим.

Яна бир муҳим масала – барча соҳаларда вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таъсирчан чоралар ишлаб чиқища Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш керак. Бу жараёнда ҳам рақамлар кетидан қувиш амалиётидан воз кечиш лозим. Қоғозда юзлаб масалаларни ҳал қиласигандан кўра, амалда бир нечта муаммони ҳал қилиб берсангиз, одамлар сизлардан рози бўлади.

Энг муҳими, ҳаётдаги ўзгаришларни ҳалқимиз билishi, давлат ҳокимияти тизимида ҳақиқатда ҳам ўз вакили борлигини сезиши керак. Бўлмаса, барча ишларимиз, тадбирларимиз зое кетади.

Партияларро рақобатни таъминлаш, барча сиёсий субъектлар учун teng шароитлар яратиш

парламент ролини кучайтиришнинг муҳим шарти хисобланади.

Маълумки, 2008 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўтган даврда чинакам сиёсий кучга айланди. Аммо тан олиш керак, Ҳаракат вакиллари парламент қуи палатасига квота асосида киритилиши унинг фаол ва ташаббускор бўлиб ишлашини муайян даражада сусайтирмоқда. Барча сиёсий кучлар учун тенг шароит яратиш ва парламент қуи палатасидан Экологик ҳаракат вакиллари учун маҳсус ўрин ажратишдан воз кечиш вақти келди, деб ўйлайман. Бу ўзгариш сиёсий майдонда соглом ракобатни кучайтиради ва Экологик ҳаракатнинг алоҳида сиёсий куч сифатида мустаҳкамланишига хизмат килади.

Шу ўринда сиёсий ҳаётимиизда муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги ҳакида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Бу борада кабул қилинган б та қонун ва бир катор конуности хужжатлари, афсуски, ҳалигача яхлит бир хужжат шаклига келтирилмаган. Шу сабабли ҳалқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган **ягона Сайлов кодексини** ишлаб чикиш ва кабул килиш лозим. Шунингдек, 2019 йилда ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чикишга ҳозирдан киришиш керак. Дастурда мазкур сиёсий жараён янада ошкоралик руҳида ўтишини таъминлайдиган янги, илғор амалиётни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Хурматли дўстлар!

Олдимизда турган навбатдаги муҳим масала – давлат хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, уларнинг **кўламини кенгайтириш** орқали аҳоли учун кулай муҳит яратишдан иборат. Шунинг учун барча давлат идоралари томонидан кўрсатиладиган хизматларни мувофиқлаштириб ва назорат килиб борадиган янги тузилма – Адлия вазирлиги хузурида Давлат хизматлари агентлигини ташкил этдик. Эндиликда ушбу Агентликнинг Халқ қабулхоналари қошида фаолият олиб борадиган Давлат хизматлари марказлари нафақат тадбиркорларга, балки бутун халқимизга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатадиган идора бўлади.

Давлат органлари фаолиятини режалаштириш, санарадорлигини ошириш ҳамон долзарб масала бўлиб турибди.

Бугун бирорта идоранинг ўтган даврдаги фаолиятини холисона баҳолаш имконини берадиган аниқ мезон йўқ. Масалан, ҳозирги кунгача мен Иқтисодиёт вазирлиги ёки бошқа бирон вазирлик фаолиятига қайси мезонлар бўйича баҳо берилишини билмайман. Шунинг учун вазирлик ва идоралар, барча даражадаги ҳокимликлар прогноз кўрсаткичларни белгилашда ўз фаолиятида кутилаётган натижаларнинг аниқ микдор ва сифат кўрсаткичларини белгилаб олиши лозим.

Давлат органлари тузилмаси ва вазифаларини қайта кўриб чиқиши талаб этилмоқда. Энг муҳими, бу борада хатога йўл қўймаслик, чукур ўйлаб қарор қабул қилиш

учун Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш бўйича комиссиядан албатта ижобий хуроса олиниши лозим.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган чора-тадбирларни самарали амалга оширишда ижро ҳокимияти орғонларининг уйғун фаолият олиб бориши ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Афсуски, бугунги кунда фаолият йўналишидаги жавобгарлик даражаси, ваколат механизmlари аниқ чегаралаб, белгилаб қўйилмагани ишимизга ҳалақит бермоқда.

Шу муносабат билан давлат бошқарувида очикликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш лозим.

Давлат бошқарув органлари ва Вазирлар Маҳкамаси ўртасида ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш бўйича принцип ва механизmlарни қайта кўриб чиқиш максадга мувофиқдир.

Ҳар бир вазирлик ўзига ишониб топширилган соҳада давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлаши ва якуний натижага учун тўлиқ жавобгар бўлиши шарт.

Вазирликлар билан teng мақомда фаолият олиб бораётган, ҳукумат ва парламент билан бевосита ҳамкорлик килаётган агентликлар, қўмита, инспекция ва марказларни тегишли вазирликларга бўйсундириш талаб этилади. Шуни назарда тутган ҳолда, Ҳукуматнинг вазифа ва тузилмасини танқидий қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш лозим. Бундай ўзгаришлар давлат ва хўжалик иши соҳасида деярли бир

хил вазифаларни бажараётган юздан ортик бошқарув органлари сонини тубдан қисқартириш имконини беради.

Биз учун энг оғир муаммолардан бири – давлатнинг функция ва ваколатлари ҳаддан ташқари марказлашиб кетганидир. Масалан, ҳозирги вақтда 64 та лицензия тури мавжуд бўлса, шундан 21 таси Вазирлар Маҳкамаси ва 40 таси марказий идоралар томонидан берилади. Бу лицензияларнинг учтаси вилоят ҳокимликлари ва фақатгина биттаси туман ҳокимликлари ваколатига тегишилдири. Бундай ҳолатни рухсат бериш билан боғлиқ хужжатларни расмийлаштириш соҳасида ҳам кузатиш мумкин.

Рухсат беришга оид 220 та хужжатдан фақатгина 11 тасини туман ёки шаҳарларда олиш мумкин. Қолган 209 таси учун республика ва вилоят органларига мурожаат қилишга тўғри келади. Ўзингиз айтинг, буни тўғри деб бўладими? Масалан, Шовот туманида хусусий bogча очишга лицензия олиш учун тадбиркор минг километр масофани босиб, Тошкентга келиб-кетишга, 3-4 ойлаб кутишга мажбур бўлмоқда.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, кредит ва молия воситаларини ажратиш, маҳаллий даражада кўпгина муҳим қарорларни тасдиқлаш борасида ҳам шундай ҳолатлар кузатилмоқда.

Маҳаллий ҳокимлик органлари оддий масалаларни ҳал этишда ҳам ваколатга эга бўлмаса, буни қандай тушуниш мумкин?

Буларнинг барчаси маҳаллий тузилмаларга ҳудудлардаги долзарб ижтимоий-иктисодий муаммоларни

ҳал этиш бўйича мустақил иш олиб боришда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш зарур. Бунинг учун кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларга ўтказиш керак. Шунинг учун жойларда – туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликларида инвестицияларни фаол жалб этиш бўйича ҳоким ўринbosарлари лавозими жорий этилди.

Шу билан бирга, ҳудудий бошқарув органларининг бюджет маблағларини шакллантириш, қўшимча захираларни яратиш бўйича солик, молия ва иқтисодиёт соҳалари органларининг масъулиятини ошириш юзасидан карор қабул қилинди.

Бюджет тизимини ислоҳ қилиш соҳасида маҳаллий ҳокимият органлари ваколатлари янада кенгайтирилди. Энди ҳар бир ҳудуд раҳбари берилган имкониятлардан фойдаланиб, масъулиятни тўла ўз зиммасига олиши, ўз аравасини ўзи тортиши керак.

Якин истикболдаги долзарб вазифалардан бири – ҳудудларда ижтимоий-иктисодий масалаларга масъул бўлган раҳбарларни танлаш ва жойжойига кўйиш бўйича ваколатларни туман ва шаҳар ҳокимларига тўлиқ ўтказишдан иборат. Бундан буён тиббиёт бирлашмаси, ҳалқ таълими, иқтисодиёт, молия бўлимлари, солик инспекцияси ва бошқа тузилмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш туман ҳокими томонидан амалга оширилади. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бўйича кадрларни танлаш, тайинлаш ва лавозим-

дан озод этиш билан боғлиқ ваколатлар қайта кўриб чиқилади.

Айни пайтда маҳаллий раҳбарларга бундай кенг ваколат ва мустақиллик бериш билан бирга, якуний натижа учун уларнинг жавобгарлигини тубдан оширишимиз зарур.

Яна бир муҳим вазифа – ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб кўйиш билан боғлиқ.

Кейинги пайтда юртимизда халқ депутатлари кенгашларининг роли, халқ ноибларининг ваколатлари тубдан оширилди. Сиёсий партияларнинг маҳаллий ҳокимият идораларини шакллантириш борасидаги ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, депутатлик назорати эса мустаҳкамланди. Бирок, очиқ тан олишимиз лозим, ҳокимларнинг ҳам маҳаллий кенгашларга, ҳам ижро ҳокимиятига раҳбарлик килиши демократик принципларга мос келади, деб бўлмайди.

Ҳаммага маълум, ҳокимлар ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан маҳаллий кенгашларга ҳисоботлар тақдим этади. Кенгашлар эса ўз ўрнида тегишли қарорлар қабул қиласи. Энди, айтинглар, ҳокимнинг ҳисоботини ўзи раҳбарлик қилиб келаётган маҳаллий кенгашга тақдим қилиши ва тасдиқлатиши, ўзининг фаолиятига ўзи баҳо бериши тўғрими?

Бу тизим ҳокимлар ва маҳаллий кенгашларнинг ўз вазифаларини самарали бажаришига салбий таъсир этаётганини замоннинг ўзи кўрсатмоқда. Биз келгуси-

да бу масала бўйича қонунга асосланган тўғри ечим топамиз.

Ҳокимларнинг худудларни ривожлантириш, маҳаллий бюджетни ижро этиш, коммунал муаммоларни ҳал қилиш каби долзарб масалалар бўйича фаолияти устидан ҳалкимиз ўз вакиллари орқали тегишли назоратни амалга оширишига имконият яратиб бериш бизнинг энг муҳим вазифамиз бўлиб қолиши зарур.

Бугунги шароитда айнан очиклик ва ҳисоб бериш масъулияти давлат аппаратини самарали шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Яқин келажакда барча давлат харидларини амалга ошириш ва давлат мулкини сотиш учун Интернет тармогида ягона майдон ташкил этиш лозим. Бу бюджет харажатларини қисқартириш, давлат мулкини самарали бошқариш ва катта молиявий маблагларни иқтисод қилиш имконини беради.

Мұхтарам юртдошлар!

Эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ислоҳотларимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли бекиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги кунда юртимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд, 29 та ҳалқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда. 2017 йилда «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар иттифоки, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари

кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши каби нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, уларни кўллаб-кувватлашга қаратилган алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилинди. Аммо ана шундай мухим саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни аниқ ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир аёлларни кўллаб-кувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида хукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида бу ташкилотларнинг иштироки етарли даражада сезилмаяпти. Улар факат номига йигилишлар ўtkазиш билан машғул бўлиб қолмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари бугун айтилган танқидий гаплардан хulosа чиқариб, ўз фаолиятида бурилиш ясайди, деб ишонамиз. Ушбу ижтимоий тузилмалар билан амалий мулокотни йўлга кўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашини тузиш мақсадга мувофик, деб ҳисоблайман.

Бу йўналишдаги яна бир долзарб муаммога тўхталиб ўтмоқчиман. Бугунги кунга қадар давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ хуқукий механизmlари яратилмаган. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини холисона баҳолашга халақит бермоқда.

Шундан келиб чиқиб, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизmlарини жорий этиш мақсадида «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш зарур. Шу муносабат билан барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишини таклиф қиласман. Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлайдиган, уларни ахоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим.

Жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади. Бу борада чинакам профессионал, замонавий журналистикани шакллантириш, хусусан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини, ахборот ва таҳлилий Интернет сайтларни молиявий кўллаб-куватлашга эътибор қаратиш, бунинг учун алоҳида давлат фондини тузиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда юртимизда 1 минг 500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Улар мулк шакли, йўналиши, ахборот узатиш воситаларига кўра турличадир. Ўз-ўзидан равшанки, уларнинг барчасига юкори малакали кадрлар керак.

Афсуски, бундай кенг кўламли вазифани талаб даражасида ҳал этадиган таянч олий ўкув юрти мамлакатимизда мавжуд эмас. Шу муносабат билан Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университетини ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайман.

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқук тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

Хурматли депутат ва сенаторлар!

Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: ҳалқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт.

Ўтган бир йил давомида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар бошланди. Хусусан, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган – Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгаш томонидан судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашда таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Мазкур соҳадаги ислоҳотларни давом эттиришимиз лозим. Шу мақсадда Олий Мажлис хузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссиясини ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайман. Бу комиссия одамлардан келиб тушаётган мурожаатлар, ҳалқ билан бевосита учрашув ва мулокот жараёнида кўтарилаётган масалаларни умумлаштириши, парламент сўрови орқали ҳақконий вазиятни таҳлил қилиши, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши билан бирга муаммоларни ҳал этиш чоралаrintи кўриши лозим.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, судьяларни

одил судловга таъсир ўтказадиган омиллардан ҳимоя килиш керак. Тергов ва суд ишига аралашиш ҳолатларини аниқлаш, бунинг учун жавобгарликни кучайтириш ва жазо мукаррарлигини таъминлаш ғоят мухимдир.

Биз «Хабеас корпус» институтини жорий этиш ва тергов олиб бориша суд назоратини кучайтириш борасидаги ишларни изчил давом эттирамиз. Шундан келиб чиккан ҳолда, тинтуб ўтказишга ва жиноят содир этишда гумон килинган шахсларнинг телефондаги мулокотларини эшитиб туришга санкция бериш хукукини судларга ўтказиш зарур.

Биз айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва либераллаштириш, жиноий жазоларни инсонпарварлик нуктаи назаридан ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда 2018-2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясини қабул килишимиз ва амалга оширишимиз зарур.

Халқимизнинг кечиримли бўлиш ва бағрикенглик каби азалий кадриятларидан келиб чиқиб, жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш лозим. Шунингдек, юксак профессионал даражада фаолият юритадиган малакали судьяларни тайёрлашга хизмат қиласидиган Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясини ташкил этишимиз керак.

Конституция байрамига бағишлиланган мажлисда таъкидланганидек, бундан буён Ўзбекистонда ҳисбга олинган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахслар-

га нисбатан қийноққа солиш, руҳий ҳамда жисмоний босим ўтказиш, бошқа ғайриинсоний зўравонликка мутлақо йўл кўйилмайди. Бундай ҳаракатларни содир этган ходим ёки кимнингдир «буюртмаси»ни бажарган ҳар қандай шахс, ким бўлишидан қатъи назар, мукаррар қонуний жазога тортилади.

Маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлайдиган қўшимча механизmlар яратишни ҳисобга олган ҳолда, жиноят-ижро қонунчилигини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Жазони ижро этиш муассасалари тизимини танқидий ўрганиш ва тубдан такомиллаштириш доирасида 2018-2022 йилларда тегишли чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Инсон ҳуқуклари бузилишининг олдини олиш мақсадида барча вақтингча сақлаш ва тергов хибсхоналари, жазони ижро этиш муассасалари видеокузатув воситалари билан жиҳозланади. Келгуси йилдан бошлаб ички ишлар органлари йўл-патруль ва пост-патруль хизматларини ўз вазифасини бажариш, айникса, фуқаролар билан мулокот жараёнини қайд этиш имконини берадиган видеокамералар билан таъминлаймиз. Бу тизим соҳадаги мавжуд тамагирлик ва суистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш имконини яратади.

Ҳозирги вактда вилоятлар ўртасида йўл-патруль постларининг эскича жойлашуви ҳаракатланиш эркинлигини чеклаб, савдо-иктисодий муносабатлар, ички ва ташқи туризм ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзингиз ўйланг, бугунги кунда мамлакатимиз худудида 60 дан зиёд бундай постлар мавжуд. Энди тасаввур қилинг, оддий одам Хоразмдан Тошкентга машинада келмокчи бўлса, йўлда 17 та постдан ўтади. Фаргона водийсидан келаётган киши эса 8 та ана шундай постга дуч келади. Шу муносабат билан вилоятлар чегарасидаги барча йўл-патруль постларини тугатиш, патруль хизмати стационар постлари сонини кескин камайтириш лозим.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, биз ҳукукий демократик давлат қураётган эканмиз, ҳар томонлама билимли, юкори малакали, халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўз қасбининг ҳақиқий фидойиси бўлган ҳукукшунос кадрлар тайёрлаш ишларини такомиллаштиришимиз керак.

Айни пайтда юртимиздаги олий таълим муассасаларига юридик мутахассислик бўйича бир йилда 600 га якин талаба қабул қилинади. Бу жами олий ўкув юртларига қабул қилинадиган талабаларнинг атиги бир фоизини ташкил этади. Ўзингиз айтинг, бу билан давлатимиз ва жамиятимизнинг ҳукукшунос мутахассисларга бўлган, тобора ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкинми? Албатта, йўқ. Бу борада Тошкент давлат юридик университетининг ўкув-методик базасини кенгайтириш билан бирга, мамлакатимизда мазкур йўналишдаги йирик ва нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш биз учун муҳим вазифа хисобланади.

Барчага маълумки, юртимизда охирги йилларда адвокатурани ривожлантириш бўйича эътиборга лойик

ишлар амалга оширилди. Эндиликда адвокатларнинг консалтинг хизмати, яъни маслаҳат бериш ва тадбиркорлик субъектларига ҳукукий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш чораларини кўришимиз лозим. Адвокатлар томонидан юридик хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятни кенгайтириш даркор. Жумладан, тадбиркорларга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш, давлат органларида вакиллик қилиш, низоларни судгача ҳал этиш, меҳнат ҳукуки бўйича юридик хизматлар кўрсатиш, ҳукукий саводхонликни ошириш каби йўналишларда бундай хизматларни кучайтириш керак.

Ҳаммамизга аёнки, шу вақтгача ҳуқукни муҳофаза қилувчи органлар ва суд идораларининг асосий вазифаси аксарият ҳолларда одамларни жазолашдан иборат бўлиб келган. Бу – аччик ҳақиқат. Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: ҳуқук-тартибот органлари ходимлари яхши билиб олсин – «текшир-текшир» ва «деди-деди» қабилидаги гаплар асосида жавобгарликка тортишлардан халқимиз қаттиқ чарчаган.

Ваколат доирасидан чиқиб, барча соҳаларга аралашиш, Ватан ва халқ манфаати бир четда қолиб, ўз манфаати йўлида «идора» номини рўкач қилиш даври ўтди. Яъни, энди биронта фуқаро қалбаки далиллар, тухмат ва бўхтонлар асосида жавобгарликка тортилмаслиги шарт. Конституция ва қонун нормалари сўзсиз ишлаши учун ишончли кафолатлар яратишимиз зарур.

Биз ҳар қайси ҳукукни муҳофаза қилиш органи бевосита ўз ваколати доирасидан чиқмайдиган, бир-бирининг функциясини тақрор этмайдиган тизим шакллантиришимиз шарт. Лўнда қилиб айтганда, ички ишлар – жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан, миллий хавфсизлик – давлатни ички ва ташки таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан шуғулланиши лозим. Прокуратура эса қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориши зарур. Судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат. Бунинг учун суд ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариши лозим. Шу мақсадда ўтган бир йил мобайнида суд, прокуратура, ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширдик. Ушбу идораларнинг вазифалари аник белгиланиб, уларнинг фаолияти ҳалқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилмоқда. Лекин бу борада қабул қилинган қатор қонун, фармон ва қарорларимиз хаётга тўлиқ татбик этилди, дейишга, албатта, ҳали эрта.

Кўрилаётган чораларга қарамасдан, ички ишлар идоралари ҳали чинакам ҳалқпарвар ички ишлар идораларига айлангани йўқ.

Прокуратура органларининг эса жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги фаолияти етарли эмас.

Суд идоралари ҳали-ҳамон ҳар қандай ҳолатда адолат қарор топадиган масканга айлангани йўқ.

Мазкур идоралардаги барча ходимлар фаолияти фуқароларнинг конституциявий ҳукукларини ҳимоя

қилишга тўлиқ сафарбар этилмоқда, деб айттолмаймиз. Шу сабабли бу соҳадаги ислоҳотларни келгусида ҳам қатъий ва изчил давом эттирамиз.

Суд ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи идоралар ишига факат ва фақат ҳалқимизнинг ўзи баҳо беради. Улар учун ягона ва энг қаттиқ талаб – бу фуқароларнинг қонуний манфаатларига хизмат қилиш ва уларнинг ҳукукларини ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳимоя қилишдан иборат. Энг асосийси, биз бир идора қўлида барча ваколат ва ресурслар тўпланиб қолишига, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати принципи бузилишига йўл қўймаслигимиз зарур.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Миллий хавфсизлик хизмати идоралари бугунги кунгача 26 йил аввал Хукумат тасдиқлаган низом асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу низом чорак аср давомида ўзгартирилмагани ва ҳар қандай оддий масала ҳам миллий хавфсизликка таҳдид, деб баҳолаб келингани ушбу идора ваколатларининг асоссиз кенгайиб кетишига сабаб бўлган.

Айни вақтда дунёнинг баъзи минтақаларида юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига, бу эса, ўз навбатида, терроризм ва экстремизмнинг тарқалишига ҳамда уларнинг глобал муаммолардан бирига айланишига олиб келмоқда. Бундай вазиятда миллий давлатчилигимиз, мустақиллигимиз, аҳолимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ва хавфсизлигимизни саклаш биз учун энг устувор вазифага айланиб бормоқда. Айнан шу нуқтаи назардан ва глобаллашув даврининг барча таҳдидларини инобатга олган

холда, Миллий хавфсизлик хизмати фаолиятини ҳам ислоҳ қилиш вакти келди. Шу муносабат билан «Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида»ги ва «Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги конунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таклиф этаман. Ўйлайманки, ушбу конунларнинг қабул қилиниши фуқароларнинг конституциявий ҳукуқ ва эркинликларини ҳамда фаровон ҳаёти кафолатларини янада мустаҳкамлаш учун ҳукукий пойдевор яратади.

III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари

Қадрли дўстлар!

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, ҳар қандай ислоҳот ва ўзгаришни барқарор иқтисодиётсиз амалга ошириб бўлмайди. Биз ўтган йил давомида бу борада кенг кўламли ишларни бошладик. Лекин миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш, юртимизни ривожланган давлатлар каторига олиб чиқиш учун олдимиизда хали кўплаб вазифалар турибди.

Бугунги кунда дунёда инновацион тараккиёт моделларини жорий этиш, илфор ғоялар, «нау-хау» ва «акъли» технологияларни экспорт қилиш ҳисобидан тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар сони тобора ортиб бормокда. Мамлакатимизда бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни, афсуски, ко ниқарли деб бўлмайди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича Ўзбекистон дунё рейтингида 187 мамлакат ўртасида 134-ўринда турибди. Ваҳоланки, Ўзбекистон жуда бой табиий ресурсларга, катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлат. Юртимиз заминида олтин, кумуш, мис, уран, нефть, табиий газ, кўмир каби қазилма бойликларнинг катта захиралари мавжуд. Умуман, Менделеевнинг кимёвий моддалар жадвалидаги барча элементларни мамлакатимиздан топиш мумкин.

Биздаги унумдор тупроқ, тўрт фаслда ҳам офтоб чиқиб турадиган қулай иқлим ва бетакрор табиатни, ўзингиз айтинг, яна қаерда топиш мумкин?

Ҳамма гап ана шу бебаҳо бойликни халқимиз манфаати йўлида оқилона ва самарали ишлата олишда. Лекин, очик тан олишимиз керак, бу масалада биз орқада қолмоқдамиз. Масалан, 2017 йилда юртимизда газ ишлаб чиқариш ҳажми 56,5 миллиард куб метрни ташкил этди. Аммо мазкур соҳа йиллар давомида модернизация қилинмагани туфайли йўқотиш миқдори жуда катта – 20-23 фоизни ташкил этмокда. Бу бойликнинг катта қисми бекордан-бекорга исроф бўлаётгани албатта барчамизни ўйлантириши, ташвишга солиши керак. Чунки Худо бундай неъматни ҳаммага ҳам бермаган. Уни қадрлаш, ҳар бир мисқолини асрраб-авайлаб ишлатиш керак.

Иқтисодиёт – бу ҳисоб-китоб дегани. Ҳар бир ишимизда пухта ҳисоб-китоб биринчи ўринда туриши лозим. Акс ҳолда, ҳамма ишимиз эски ҳаммом,

эски тос бўлиб қолаверади. Мана, масалан, 2018 йилда 66 миллиард куб метр табиий газ ишлаб чиқарishimiz kerak. Shundan 17 миллиард куб метр газ «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятига етказиб берилади. Бунинг хисобидан 56 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқарилади. Афсуски, бизда электр узатиш тармоклари эскириб кетган. Бунинг оқибатида 15-20 фоиз электр энергияси истеъмолчига етиб бормасдан, тармоқнинг ўзида бехуда йўқотилмоқда.

Ёки яна бир мисол. «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти таркибиға кирадиган корхоналар томонидан йилига 10 миллиард куб метр табиий газ истеъмол қилинади. Шу асосда минерал ўғитлар ишлаб чиқарилиб, фермерларимизга етказиб берилади. Фермер хўжаликларидан бунинг учун маблағлар ўз вақтида ундирилмагани сабабли «Ўзкимёсаноат» корхоналари 2017 йил 1 декабргача табиий газдан 890 миллиард сўм қарздор бўлиб қолган.

Бозор шароитида маҳсулот етказиб берувчи ҳам, истеъмолчи ҳам ўз шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажариши керак. Акс ҳолда, бир жойда депсениб, бошимиз муаммодан чиқмайди.

Иқтисодиётда бошқарув тизими эскиргани, инновацион ғояларни қўллаб-куватлаш бўйича самарали механизмлар ўз вақтида жорий қилинмагани ҳам жиддий муаммо бўлиб колмоқда. Шунингдек, технологик қолоклик, ресурс ва энергияни тежайдиган технологиялар, мукобил энергия манбаларини татбик этишининг сустлиги ҳам иқтисодий тараккиёт йўлида тўсик бўлмоқда.

Энг ёмони, истиқболли йирик лойиҳаларни белгилаш ва амалга оширишда жиддий хатоларга йўл кўйилгани, хорижий кредитлар самарасиз ишларга сарфлангани иқтисодиёт ривожига халақит бермоқда. Масалан, мамлакатимизда 25 йил давомида олинган кредитларнинг аксарияти етарлича иқтисодий самара бермаганини турли эксперт ва мутахассислар очик тан олмоқда. Мисол учун, Қорақалпоғистонда барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуаси кутилган иқтисодий фойдани бермаяпти. Молия вазирлигига ўтирган баъзи «валломатлар» вақтида бу – дунёдаги энг зўр лойиҳа, деб бутун оламга жарсолган эди. Лекин қани натижага?

Бундай ачинарли ҳолатни ҳалқимизнинг энг ўткир эҳтиёжлари билан боғлиқ ижтимоий дастурлар бўйича ҳам кўриш мумкин. Мисол учун, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида охирги 10 йилда 17 та лойиҳа доирасида 618 миллион доллардан зиёд хорижий кредит маблағлари жалб этилди. Агар шунча валюта ҳалқимиз турмуш шароитини яхшилаш учун самарали ишлатилиб, аниқ натижага эришилганида, албатта, бу ишда ташаббускор бўлган иқтисодиёт комплексининг раҳбарларига бугун минг бор раҳматлар айтар эдик. Лекин, афсуски, бундай бўлгани йўқ. Бошланган лойиҳаларнинг кўпчилиги охирига етказилмади. Ичимлик суви қанча-қанча одамлар учун ҳали ҳам ширин орзулигича қолмоқда. Уларнинг умиди, ишончи оқланмагани учун ким жавоб беради?

Биз, аввало, четдан кредит ва сармоялар олиб келиш бўйича самарали тизим яратишимиш, ҳар бир кредитни аниқ ишлатишни ўрганишимиз лозим. Бу

масалада етти ўлчаб, бир марта кесадиган, оқибатини пухта ўйлаб иш олиб борадиган давр келди.

Шу нуктаи назардан, давлатнинг инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация килиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараккий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чикишга имкон яратиши лозим.

Мамлакатимизда асосий энергия ресурсларининг нархи паст бўлиб қолаётгани бозор иқтисодиёти шароитида ўзини окламаслигини албатта ҳаммамиз яхши тушунамиз. Масалан, Ўзбекистонда аҳоли ва саноат корхоналари учун 1 мегаватт соат электр энергиянинг нархи 25 АҚШ долларини ташкил этади. Германияда эса бу нарх аҳоли учун – 332 доллар, корхоналар учун – 144 доллардан иборат. Россияда тегишлича 47 ва 51 долларни, Ҳиндистонда 68 ва 87 долларни ташкил этади. Шунингдек, 1000 куб метр табиий газнинг нархи Ўзбекистонда 32,9 доллар, Швецияда 1552, Португалияда 1132 доллардан зиёд, Италияда 1045, Германияда 785 доллардан, Англияда эса 770 доллардан ортикни ташкил этади. Бу рақам Россияда 83 доллардан, Қозоғистонда 45 доллардан зиёддир.

Кўриниб турибдики, бизда энергия ва табиий газ ресурслари ривожланган давлатларга нисбатан бир

неча баробар арzon. Лекин ресурслардан оқилона фойдаланиш йўқлиги натижасида таннархнинг пасайишига, маҳсулот ҳажми ўсишига эришиш кийин бўлмокда.

Энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун мамлакатимиз энергетика тизими ислоҳ қилишимиз, бу борада аниқ стратегия ишлаб чикишимиз лозим. Аввало, самараисиз ва зарар билан ишлайдиган корхоналарни хусусийлаштириш, монополияни тугатиш керак. Шунингдек, электр энергияси етказиб беришда рақобат мухитини шакллантириш ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишини рағбатлантириш зарур. Бунинг учун хусусий секторни кенг жалб этган ҳолда, ишлаб чиқаришни молиялаштириш бўйича бозор механизмларига ўтиш талаб этилади.

Биз 2018 йилни Фаол тадбиркорлик, инновацион тоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили, деб эълон қилган эканмиз, келгуси йили фаол тадбиркорликни ривожлантириш эътиборимиз марказида бўлади. Бу соҳани қўллаб-куватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсик ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилади.

Афсуски, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда хали ҳам муаммолар йўқ эмас.

Юртимизда тадбиркорлик нима учун кутилган дарражада ривожланмаяпти? Чунки бу соҳа вакилларини асоссиз равишда текшириш ҳолатлари кўп. Очигини айтганда, тадбиркорликнинг эркин ривожланиши-

га ўзимиз – давлат идоралари йўл қўймаяпмиз. Ҳеч кимга керак бўлмаган тартиб-таомиллар хамон сақланиб қолмоқда, жойларда кўпгина амалдорлар факат ўз шахсий манфаатини ўйлаб иш кўрмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, машхур давлат ва сиёsat арбоби Уинстон Черчиллнинг бир гапи беихтиёр эсга тушади. Қаранг, у нима деб ёзган экан: «Баъзилар тадбиркор деганда соғин сигирни, факат саноқли одамларгина тадбиркор деганда оғир аравани тортаётган меҳнаткаш отни тушунади».

Ўйлайманки, бу гапларнинг нақадар тўғри эканига изоҳ беришнинг ҳожати йўқ.

Бозор иктисадиётининг талаби шундайки, ресурс ва шароитлардан фойдаланиш имкони, яъни фаолият майдони ҳаммага teng бўлиши керак. Яккаҳокимликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу нуқтаи назардан карайдиган бўлсақ, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни мамлакатимизга импорт килиш факат айrim гурухлар қўлида тўпланиб, улар учун мўмай даромад манбаига айланиб қолганини адолатдан деб бўлмайди.

Баъзи бир корхоналарга имтиёзлар бериш орқали ўзимиз эркин ракобат мухитини бўғиб, нархларнинг барқарор бўлишига салбий таъсир кўрсатмокдамиз.

Энди биз бундай амалиётдан воз кечамиз. Бу масалада ҳаммага teng шароит яратилади. Имтиёзлар айrim корхоналарга эмас, балки алоҳида ишлаб чиқариш ва хизмат турларини рағбатлантириш мақсадида берилади. Имтиёзни рўкач қилиб, энг мухим фаолият

турларини тўла монополия қилиб олишга мутлақо йўл қўйилмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида teng ва ҳалол ракобат мухитини яратиш мақсадида «Мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада самарали тъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

Кўпчиликка яхши аён: божхона тартиб-таомилларининг мураккаблиги тадбиркорликка тўсқинлик килаётган асосий омиллардан бири хисобланади.

Жаҳон банкининг хисботига кўра, экспорт-импорт хужжатларини расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон 190 та давлат орасида 175-ўринда тургани ачинарли, албатта. Айтайлик, божхона хужжатларини расмийлаштириш учун Бельгияда 1 соат кифоя қилса, бизда бунга 1 ойлаб вақт сарфланади.

Импорт товарлар ҳар бир божхона режимида алоҳида-алоҳида текширувдан ўтказилади. Бундай божхона режими бизда бир нечта. Нима учун мамлакатимиз ҳудудининг ўзида битта юк бир неча марта текширилиши керак? Бундан ким манфаатдор? Ҳар бир текшириш харажат талаб қиласи-ку! Нима, бизнинг молиявий имкониятларимиз чексизми? Бундан ташқари, товарнинг турига қараб мувофиқлик, гигиеник ёки ветеринария бўйича сертификатларсиз товарларни божхона омборидан чиқаришга йўл қўйилмайди. Бизнинг ҳар бир божхона омборимиз экспресс-лабораториялар билан жиҳозланган эмасми? Бу жараёнлар қанчалик очиқ

ва ошкора, нега бу ҳақда мутасадди идоралар бонг урмайди?

Барча ривожланган давлатларда божхона кўриги хавф-хатардан огоҳ этиш тизими орқали амалга оширилади. Бу ҳам давлат ресурсларини, ҳам тадбиркорларнинг вақтини тежайди. Лекин бу тизим бизда ҳанузгача жорий этилмаган. Келгуси йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун божхона кўригига хавф-хатардан огоҳ этиш тизими, яъни тадбиркорлар қанчалик ҳалол эканига қараб, уларни «яшил» ва «қизил» йўлаклар орқали ўтказишни жорий этамиз.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2 ой муддатда тегишли қарор лойиҳаси тайёрлаб, киритилиши зарур.

Айни вактда ноконуний текширишлар, хусусий бизнес фаолиятига асоссиз аралашибашга қарши курашни кучайтириш керак. Шу мақсадда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тизимини тубдан қайта кўриб чикиш лозим.

Назорат килувчи органлар фаолиятини мувофиклаштириш бўйича республика кенгаши фаолияти давр талабига жавоб бермаяпти. Буни очик тан олиш керак. Ўзингиз ўйланг, ушбу кенгашнинг ишчи органи ҳам, энг кўп текшириш ўтказадиган назорат органи ҳам – солик идорасининг ўзи. Текшириш учун ҳам ўзи рухсат берса, ҳам ўзи текширса, буни кандай тушуниш мумкин?

Шу муносабат билан текширишлар ўтказишга рухсат беришнинг маҳсус электрон ахборот тизимига ўтиш ва унинг назоратини Бош прокуратурага юклаш мақсадга мувофик, деб ўйлайман.

Биз 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-қувватлаш йили, деб ном берганимиз муносабати билан барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни 2 йилга тўхтатсак, нима дейизлар?

Бош прокурор бошлигига назорат килувчи органлар раҳбарлари ҳар ойда намунали, фаол тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил этиб, уларни кийнаётган муаммоларни эшлитиш, қонуний фаолиятига тўскинлик қилаётган камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриб бориши талаб этилади.

Тадбиркорлар хуқукларини ишончли ҳимоя қилишда Савдо-саноат палатаси томошабин бўлиб ўтирмаслиги лозим. Шу билан бирга, палата факат давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилаётган камчиликларни муҳокама қилмасдан, тадбиркорлар содир этаётган номаъқул ишларни, айниқса, жиноятларни танқидий муҳокама қилиши зарур.

Тадбиркорлар ҳамжамияти нопок тадбиркорларга нисбатан муросасиз бўлиши лозим. Уларга нисбатан биринчи навбатда давлат эмас, балки тадбиркорларнинг ўзлари муносабат билдирадиган ва ушбу муҳит соғлигини таъминлайдиган тизим яратишимииз керак.

Яна бир муҳим масала – юртимизда фонд бозори, фонд биржасини янада ривожлантириш учун Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривож-

лантириш маркази ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим.

Биз бўш турган давлат мулки обьектларини ўзаро шериклик асосида хусусий секторга ўтказиш бўйича ишларни давом эттирамиз. Интернет тармогида электрон савдолар ва аукционлар орқали ер участкаларини, жумладан, тадбиркорлар учун ажратишнинг ягона тартибини ўрнатиш зарур. Шу мақсадда 2018 йилдан бошлаб электрон савдо майдонлари орқали давлат активларини сотиш бўйича электрон тизим ташкил этилади.

Иктисодиётни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Биз аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини кучайтирмасдан туриб, «яширин икти-содиёт»дан тўлиқ халос бўла олмаймиз.

2018 йилда банк тизими фаолиятини ривож-лантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектла-ри ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни каратиш зарур.

Валюта бозорини ислоҳ қилишга қарши бўлган айрим «экспертлар»нинг иккиланиши ва «мас-лаҳат»ларига қарамасдан, биз қисқа муддатда халқаро стандартлар асосида валютани либераллаштириш жараёнини бошладик. Лекин биз яхши тушунамизки, бу иш ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг бошланиши, холос.

Валюта сиёсати бизнес ва иқтисодиётни ривожлантириш манфаатларига тўлиқ хизмат қилиши, инвестиция фаолиятига ижобий турткни бериши лозим.

2018 йилда солик сиёсатини амалга оширишда кескин чора-тадбирлардан воз кечамиз. Чунки ислоҳотлар даврида давлат тизимининг узлуксиз фаолият кўрсатиши учун бюджет барқарорлиги сув билан ҳаводек зарур.

Ўзбекистонда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ниятида бўлган инвесторлар учун мамлакатимизни жозибали қилиш максадида солик тизимини такомиллаштириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Барча бизнес тоифалари учун солик юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва соликқа тортиладиган базани кенгайтириш зарур.

Ўз эҳтиёжи учун обьектлар кураётган, янги ташкил этилган кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ягона солик тўловини маълум муддатга кечикириш хукукини бериш даркор. Шунингдек, кичик корхоналар учун қўшимча қиймат солиғи тўлашга ўтишни рағбатлантириш шарт.

Шу билан бирга, тез ривожланаётган, йириклишиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш лозим.

Солик имтиёзлари беришда индивидуал ёндашувлардан воз кечиб, уларни факат иқтисодиётнинг маълум тармоқлари учун кўллаш амалиётига ўтишни таклиф этаман.

Энг муҳими, инвесторлар назари билан қарағанда, солик тизими узок муддат давомида аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Шунинг учун солик тизимида пухта ўйланган, узок муддатга мўлжалланган сиёсатни амалга ошириш лозим.

Биз мамлакатимиз бюджет тизимини қайта кўриб чикишимиз, бюджет даромадлари ва харажатлари халқимиз учун очик ва ошкора бўлишини таъминлашимиз зарур.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, куни кеча бўлиб ўтган Сенат мажлисида Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги давлат бюджети ҳамда солик тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ муҳим қонунлар маъқулланди. Ушбу қонунларга имзо кўйишда мен уларда халқимиз манфаатларини тўла акс эттириш, тадбиркорлар ва инвесторлар учун янада кулай шароит яратиш, худудларимизни ривожлантириш бўйича аниқ чоралар назарда тутилганми, йўкми – шунга алоҳида эътибор қаратаман. Керак бўлса, бу қонунларни оддий одамларимиз ва тадбиркорларимиз манфаати нуктаи назаридан қайта кўриб чикишга ҳам тайёрман.

Бизда энг катта муаммо нима, биласизларми?

Бизда инвестиция дастурларини шакллантиришда пухта режалаштирилган, узок муддатга мўлжалланган ягона концепция йўқ.

Хар бир давлат ташрифидаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича бир неча миллиард долларлик келишувларга эришмоқдамиз. Аммо бу келишувларни амалга ошириш жуда сусткашлик билан

бормоқда. Негаки, бу борада аниқ ишлайдиган тизим мавжуд эмас.

Амалдаги инвестиция дастурларида аниқ бир лойихага оид маълумотлар йўқ. Дастурларни шакллантиришда Иқтисодиёт вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар факат рақамлар ортидан кувиш билан банд. Улар шу мақсадда иқтисодий наф бермайдиган, истиқболи йўқ, молиялаштириш манбалари аниқ бўлмаган лойиҳаларни ҳам дастурга қўшиб юбориш, лойиҳа нархини асоссиз ошириб кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, кўзбўямачилик билан шуғулланмоқда.

Бундай нохуш амалиётга чек қўйиш вақти келди. Биз бу ҳолатларга барҳам бериш ва инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилиш, лойиҳаларни шакллантиришнинг бутунлай янги механизмини жорий этиш бўйича қарор қабул қилдик. Шошма-шошарлик билан ишлаб чиқиладиган сохта инвестиция дастурларини қабул қилиш амалиётидан бутунлай воз кечилди.

Бундан буён ривожланишнинг узоқ муддатга мўлжалланган концепциялари ишлаб чиқилади. Бу борада биринчи қадам сифатида Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари қабул қилиниб, мазкур дастурларни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

Иқтисодиётни ривожлантиришда аҳоли қўлида тўпланган маблағларни инвестиция шаклида ҳаракатга келтириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини кучайтириш муҳим вазифаларимиздан биридир. Шу мақсадда

Интернет тармоғида маҳаллий ва хорижий инвесторларни керакли статистик ахборотлар билан таъминлайдиган, бизнес юритиш учун яратилган шароитлар ҳақида маълумот берадиган «**Инвестиция портали**» очиши тақлиф этаман.

Хорижий тажрибалар асосида барча инвесторлар учун туну кун ишлайдиган бепул мобиЛЬ телефонлар алоқасини ташкил этиш зарур. Чет эл инвесторлари учун ўз капиталини тезроқ олиб чиқиб кетмасдан, уни қайта инвестиция қилишга ундаидиган рағбатлантириш тизимини яратиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг инвестицияларни жалб этиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш, янги ишлаб чиқариш турларини ташкил этиш, иш ўринлари яратиш бўйича фаоллигини ошириш зарур. Кейинги йилдан бошлаб жойларда инвесторлар учун яратилган шароитларни аниглаш бўйича рейтинг натижалари эълон қилиб борилади, керак бўлса, худуд раҳбарлари фаолиятига айни шу мезон асосида баҳо берилади.

Маълумки, бугунги кунда дунёнинг 33 та мамлакатида элчихоналаримиз мавжуд. Лекин мамлакатимизнинг инвестиция соҳасидаги жозибасини ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга кўмаклашиш бўйича Ташки ишлар вазирлиги ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланяптими? Элчихоналардаги савдо-иктисодий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг иши қоникарлими?

Элчиларимиз учун иктисодиёт, инвестиция масалалари, афсуски, иккинчи даражали бўлиб қолган. Улар фақатгина «сиёсат» билан банд. Элчихоналарда иктисодиёт, молия, инвестиция масалалари бўйича мутахассислар етишмайди. Бундан буён, керак бўлса, ҳар бир элчихона ходимини лавозимга тайинлашда уларнинг иктисодий билим ва кўникмаларини алоҳида ўрганиш тизимини жорий қилиш зарур.

Хурматли дўстлар!

Ташки иктисодий соҳада ҳали ишга солинмаган катта имконият ва захиралар мавжудлигини тъкидлаш лозим. Бу борада биз Марказий Осиё мамлакатлари ва йирик шерикларимиз – Хитой, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо-иктисодий алоқаларни кенгайтиришни давом эттирамиз.

Келгуси йилда Ўзбекистон Республикасининг ташки савдо юкларини жаҳондаги ва минтақадаги асосий бозорларга олиб чиқадиган ишончли транспорт ва транзит йўлакларини изчил шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда бизнинг асосий юкларимиз Қозоғистон транзит йўлаклари орқали, айниқса, энг кўп юклар «Сариоғоч» станциясидан ўтади ва бу маршрут имкониятлари бизнинг эҳтиёжларимизни тўлик қондирмокда, деб айтольмаймиз. Ушбу станциядан товарларни Ўзбекистон ҳудудига олиб киришда электровозлар, замонавий терминаллар етишмаслиги, темир йўл тармоқларидағи бандлик маҳсулотларнинг узоқ муддат қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу эса мамлакатимиз иктисодиётига салбий таъсир кўр-

сатмоқда. Шу сабабли логистик маршрутларни диверсификация килиш, бу борада кўшниларимиз билан амалий музокаралар ўтказиш зарур.

Хитой давлатининг ташаббуси билан амалга оширилаётган «Бир макон, бир йўл» лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг транспорт-коммуникация инфратузилмалари соҳасидаги имкониятларини ошириш лозим. Транзит давлатлар, хусусан, Туркманистон, Эрон, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон ва Грузия худудларидан асосий экспорт юкларини транзит шаклида ташишда преференцияларга эга бўлиш ҳақида жиддий ўйлашимиз керак. Шу сабабли хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг логистика соҳасида аник лойиҳаларни амалга ошириш борасида ги ҳаракатларини рағбатлантиришимиз даркор.

Шунингдек, миллий юк ташувчиларни қўллаб-куватлаш, тадбиркорларга кўшимча шароитлар яратиш мақсадида **«Миллий логистика портали»**ни ташкил этиш лозим.

Келгуси йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларни қайта бошлаймиз. Экспортни янада рағбатлантириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини халқаро стандартларга уйғунлаштириш лозим. Асосий мақсадларимиздан бири – ташки бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни «ўзбек бренд» номи билан олиб чиқишдан иборат.

Ҳозирги кунда миллий иктисадиётга юқори даромад келтирадиган истиқболли тармоклардан бири – бу туризмдир. Ўзбекистон туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлган давлат хисобланади. Юртимиз-

да 7 минг 300 дан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд ва уларнинг аксарияти ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Шу билан бирга, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, гўзал дам олиш зоналари имкониятларидан фойдаланиб, янги туристик йўналишлар очиш мумкин. Бу соҳага жаҳон брендларини фаол жалб этган ҳолда, биз зиёрат туризми, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик туризм ва бу соҳанинг бошқа тармокларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу борада давлат-хусусий шериклик муносабатларини кўллаш соҳани тараққий эттиришда кенг имкониятлар очишини ҳисобга олишимиз лозим.

Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидағи мұқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган «кичик ҳаж» дастурини ривожлантириш ва жадаллаштириш зарур. Ички туризм соҳасидаги катта имкониятларни ҳам тўлиқ ишга солиш лозим.

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Рұксатингиз билан иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ – қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг мухим вазифаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Шу йил 9 декабрда бўлиб ўтган Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишиланган йиғилишда биз бу ҳақда батафсил гаплашиб олдик. Айтилган фикрларни такрорламасдан, қуйидаги мухим масалаларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман.

Маълумки, ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ

кишлок хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Агарар соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чикиш лозим.

Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал этиш, генетик модификация қилинган маҳсулотлар етиштирмаслик бўйича қатъий назорат ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Сўнгги йилларда мамлакатимиз бозорларида импорт мева-сабзавот маҳсулотлари кўпайиб бораётгани бизни, албатта, хушёрликка чакириши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун, аввало, йўқолиб бораётган қадимги навларни тиклаш, селекция ишларини оқилона ва самарали йўлга қўйиш, соҳага илм-фан ютуклари, инновацион ишланмаларни кенг жорий этишимиз зарур.

Маълумки, мамлакатимиз тўқимачилик саноати 1 миллион 400 минг тоннагача пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга. Бу республикамиздаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжини тўлиқ коплай олади. Лекин пахта толасини қайта ишлаш саноатини бошқаришда кўпгина муаммолар мавжуд. Бу эса пахта хомашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда рентабелликнинг пасайишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни

янада рағбатлантиришга оид алоҳида фармон қабул қилинди. Бугунги кунгача ўзимизнинг тўқимачилик корхоналаримизга пахта хомашёсини фақат «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти орқали сотар эдик. Фармонга мувофиқ тўқимачилик корхоналари пахта хомашёсини энди тўғридан-тўғри тузилган шартнома асосида бевосита фермерлардан сотиб олиш имкониятига эга бўлди.

Навоий, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида пахта тўқимачилик кластерларини яратиш доирасида пахта хомашёсини бозор талаблари асосида етиштириш, нарх-навони шакллантириш ва сотишини ташкил этиш бўйича тажриба бошланди. Келгусида бундай ижобий тажрибани бутун мамлакатимиз миқёсида жорий қилишни буғун хаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Чорвачилик соҳасига тўхталадиган бўлсак, корамол ва парранда сонини кўпайтириш, бу борада сифат ва маҳсулдорликка эришиш учун етарли шароит яратишимиз зарур. Яқин истиқболда ҳар бир туманда ихтисослаштирилган бўрдокичилик комплекслари, юқори технологик паррандачилик фабрикалари, шунингдек, иссиқхона хўжаликлари ташкил этилиши лозим.

Биз ҳозирги вақтда 1,5-2 миллиард доллар миқдорида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Лекин ушбу соҳада йилига 10-15 миллиард доллар маҳсулот экспорт қилиш имконияти мавжуд. Маҳсулот тайёрлаш ва экспорт қилишда

«Ўзагроэкспорт» акциядорлик жамияти, биржалар, агрофирмалар ва улгуржи компаниялар катта роль ўйнаши лозим.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини самарали реализация килиш жуда муҳим масаладир. Шу мақсадда фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ягона базасини яратиш зарур.

Қадрли халқ ноиблари!

Шу ўринда ҳудудларни жадал иқтисодий ривожлантириш ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, имконият ва жавобгарлигини кенгайтириш мақсадга мувофик, деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 9 та туманида хорижий инвестиция иштирокида биронта ҳам корхона ташкил этилмаган. Тўғридан-тўғри инвестициялар асосан Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳамда Фарғона водийсига тўғри келмоқда.

Худудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари бўйича лойиҳаларни давлат-ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш орқали тўлиқ амалга оширишимиз зарур. Бироқ бу борада етарли иш олиб борилмаётганини қайд этиш жоиз. Шунинг учун давлат-хусусий шериклик муносабатларини жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак.

Иқтисодиётимизнинг тўла ишга солинмаган, катта салоҳиятга эга йўналишларидан бири – бу курилиш соҳасидир. Келгуси йилда курилиш соҳасини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш асосий вазифалардан бири бўлади.

Биз курилиш-пудрат ташкилотлари ва курувчиликларнинг замонавий авлодини яратиш устида жиддий бош қотиришимиз зарур. Шу мақсадда курилиш соҳасини 2030 йилгача инновацион ривожлантириш дастури ишлаб чиқилади. Бу борада хориждан малакали мутахассисларни жалб этиш ва маҳаллий кадрларнинг чет мамлакатларда малака ошириши учун барча зарур шароитни яратамиз.

Келгуси йилда шаҳар ва қишлоқларимизнинг меъморий қиёфасини янада яхшилаш борасидаги ишларни изчил давом эттирамиз.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз керак: ҳар бир бино, у боғча бўладими, шифохона бўладими, ўз асосий вазифасини бажаришдан ташқари, кўриниши билан одамларнинг кайфиятига ҳам бевосита таъсир этади. Шу сабабли ҳудудларда курилиши режалаштирилаётган ижтимоий обьектларни лойиҳалаштиришда эски қолиплардан воз кечиб, инновацион ёндашувларни жорий этиш зарур.

Аҳоли, айниқса, ёш оиласлар, эски уйларда яшаётган ва бошқа тоифадаги фуқароларнинг эҳтиёжини хисобга олиб, биз арzon ва сифатли уй-жойлар куриш бўйича ишларни изчил давом эттирамиз. Шу мақсадда 2018 йилда намунавий ва арzon уй-жойлар

куриш кўламини жорий йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайтириш бўйича аник режалар ишлаб чиқилган.

Яна бир муҳим масала – хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада янги тузилган вазирлик – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташаббус кўрсатиб ишлаши керак.

Янги йилда кўпгина аҳоли пунктларида, аввало, Коракалпогистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жizzах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида аҳолини тоза ичимлик суви ва канализация хизматлари билан таъминлаш лойиҳалари амалга оширилади. Шу тариқа ҳудудларда яшаётган 580 мингга яқин аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Хурматли мажлис катнашчилари!

2018 йилда янги йўллар барпо этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича куйидаги ишларни режалаштирганимиз:

биринчидан, 180 километр узунликдаги темир йўлларни қайта тиклаш ва 200 километрдан ортиқ темир йўлларни электрлаштириш;

иккинчидан, Тошкент – Урганч – Хива тезюарар поезди ва Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Урганч – Хива туристик поезди харакатини йўлга қўйиш, Тошкент Жанубий вокзали ҳамда Хива янги вокзалини фойдаланишга топшириш;

учинчидан, Бухоро – Мискин ва Қарши – Китоб темир йўл йўналишларини электрлаштириш ва

Карши – Шахрисабз янги темир йўл тармоғини куриш;

тўртингичидан, Тошкент шаҳрида Сергели ва Юнусобод метро йўналишлари, пойтахтимиз атрофидаги катта ҳалқа йўл бўйлаб ҳаракат қиласиган ер усти метроси куриш борасидаги ишларни жадаллаштириш;

бешинчидан, сифатли хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий инфратузилмалар барпо этиш орқали автомобиль йўллари ва темир йўл йўналишларида йирик транзит хабларини ташкил этиш.

Кейинги йилларда мухим стратегик тармок – **аэрокосмик технологияларни** сунъий йўлдош орқали иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармокларига жорий этишга, афсуски, биз етарлича зътибор бермадик. Замонавий тараққиётнинг мухим шарти ва омили бўлган ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвесторларни жалб қиласиган ҳолда, миллый космик инфратузилмаларимизни яратишимиш керак. Ушбу йўналишга дахлдор бўлган илмий тадқиқот институтларини такомиллаштириш ва уларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш зарур.

Биз аэрокосмик фаолият борасида алоҳида давлат органини ташкил этиб, бу соҳани ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни комплекс равишда ҳал этишимиз керак.

IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар

Мухтарам парламент аъзолари!

Хурматли вилоят ва туман кенгашлари депутатлари!

Биз илгор хорижий тажриба асосида аҳолининг муносаб ҳаёт даражаси учун зарур бўлган даромадларни аниклаш бўйича «истеъмол саватчаси» тушунчасини конунчиликда мустаҳкамлаш ва уни амалда таъминлаш механизmlарини яратишимиz лозим.

Айни вактда аҳолининг реал даромадлари, иш ҳаки, стипендия, пенсия ва ижтимоий нафақаларни боскичма-боскич ошириш бўйича ҳам амалий чоралар кўрилади.

Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида сўнгги вактда олиб бораётган ишларимизга қарамасдан, афсуски, жойларда кўплаб муаммолар ҳамон сакланиб колмоқда. Ана шуларни ҳисобга олиб, ҳудудлар аҳолиси учун кулай бўлган, сифатли ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларни барвакт аниклаш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттирамиз. Бу борада масофадан туриб профилактика қилишни таъминлайдиган «Ақли тиббиёт» ва «Ягона тиббий ахборот маркази» концепцияларини ўз шароитимизга мослаштириб татбик этишимиз керак.

Айни вактда хусусий тиббиётни жадал ривожлантириш учун хорижий инвесторларни жалб этиш ва чет эллик мутахассислар мамлакатимизда до-

имий фаолият юритишини таъминлашга қаратилган ишларни янада кучайтирамиз.

Хеч кимга сир эмас, аҳолини дори-дармон билан таъминлаш одамларни қийнаётган долзарб муаммолардан биридир. Бу масалани ҳал этиш мақсадида якин вақт ичидаги аҳолини арzon ва сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган 2 мингта ижтимоий дорихона курилиб, ишга туширилади.

Она ва бола саломатлигини асрашда муҳим омил бўлган скрининг марказлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишини бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. 2018 йилда 46 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси негизида туманлараро перинатал марказлар ташкил этилади. Улар замонавий тиббиёт ускуналари, юқори малакали кадрлар билан таъминланади. Тиббиёт фани ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда, қишлоқ врачлик пунктларида касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича замонавий диагностика лабораторияларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Аҳолини телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш мақсадида узок туманларда 2 минг километр оптик толали алоқа тизимлари куриш, Интернет ўтказувчанлигини 2,5 баробар ошириш ва 4 мингдан ортиқ таянч мобиль алоқа станциясини ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Мазкур чора-тадбирлар натижасида 600 дан зиёд аҳоли пункти Интернет ва мобиль алоқа билан таъминланади.

Аҳолининг маданий ҳордик чиқариши ва бўш вақтини мазмунли ўтказишига қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Маданий мерос объектларини ишончли қўриқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Археологик тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва археологик топилмаларни сақлаш дастурини ҳам қабул қилиш лозим.

Шу билан бирга, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларида сидкидилдан хизмат қилаётган юртдошларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг уй-жой, ижтимоий ва тиббий шароитларини яхшилаш, гонорарлар миқдорини ошириш, ёш истеъодод эгаларининг салоҳиятини юзага чиқариш бўйича қабул қилган барча қарорларимизнинг ижроси албатта таъминланади.

Нега деганда, ҳақиқий олимлик, ҳақиқий ижодкорлик – бу игна билан кудук қазишдек машаққатли иш. Буни билган одам билади, билмаган билиб олиши зарур.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича келгуси йилда кенг кўламдаги ишлар кўзда тутилмоқда. Жумладан, Нукус шаҳрида Олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган олий спорт маҳорати мактаби, Урганчда «Ёшлик» спорт мажмуаси, Тошкент, Андижон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида универсал спорт комплекслари, Қарши шаҳрида спорт-согломлаштириш мажмуаси, кўп тармоқли ёпик сузиш хавзаси барпо этилади.

Азиз дўстлар!

Биз ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ишлари-

мизни янги босқичга күтариш мақсадида «Ёшларга оид давлат сиёсати тұғрисида»ги қонунни янги таҳрирда қабул қылдик. Шу асосда янгича ёндашувлар ҳаётга фаол жорий этилмоқда.

Ёшлар ҳақида гап кетғанда, мен доим бир нарсаны ўйлайман. Мана, бугунғи кунда қанча-қанча ёшларимиз чет залларда таълим олмоқда, меңнат қилмоқда. Албатта, уларнинг орасида ўз йўлини топиб, бегона юртда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаётганлари ҳам кўп. Лекин Ватан согинчи ҳар қандай одамни ҳам кийнайди. Шунинг учун улар билан доимий алоқа ўрнатиш, уларнинг хуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизга қайтиш истагида бўлганларни кўллаб-куватлаш бўйича ишларни кучайтиришимиз зарур.

Шу мақсадда **Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини** тузиш ва унинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шароит яратиб беришимиз керак. Ёшларимиз хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишлари мақсадга мувофиқ. Бу уларнинг ўз салоҳиятини дунё миқёсида намоён этишлари учун катта имконият яратади. Шунинг учун келгуси йили Самарқанд шаҳрида **Марказий Осиё ёшлари форумини** ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда олиб борган ислоҳотларимизнинг энг мухим натижаларидан бири – бу, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда болалар меңнати ва мажбурий меңнатга бутунлай чек кўйилгани бўлди. Бундай

ижобий ўзгаришлар Халқаро мөхнат ташкилоти ва бошка тузилмалар томонидан эътироф этилгани эътиборга лойик, албатта.

Биз бундан буён ҳам инглиз тили ва бошка хорижий тилларни чукур ўқитиш масаласига устувор аҳамият қаратамиз. Шу билан бирга, биз учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўямиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, айтиш лозимки, биз улуг боболаримизнинг муносиб давомчилари бўладиган етук инсонларни тарбиялаш масаласига, афсуски, етарлича аҳамият бермадик. Ҳолбуки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик экани, нодир талант эгаларини тарбиялаб камолга етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаккимиз йўқ. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак таракқиёт даражасига айнан шунинг ҳисобидан етгани – бу ҳам ҳақиқат.

Минг афсуски, мамлакатимизда катта илмий салоҳиятга эга бўлган айрим олимлар, истеъдодли ёшлар ўртасида хорижий давлатларга кетиб қолиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Қанча-қанча ўзбек йигитлари, ўзбек кизлари бугун чет эллардаги йирик компания ва банкларда, нуфузли университетлар, халқаро ташкилотларда катта-катта лавозимларда хизмат қилмокда. Мен шахсан ўзим хорижий мамлакатларга сафарларим чоғида ўнлаб ана шундай ватандошларимиз билан учрашиб, мулокотда бўлдим.

Чет эллардаги юртдошларимизга консуллик хизматлари ва бошқа хизматлар күрсатиш, уларнинг юртимизга бемалол келиб-кетиши, мамлакатимизни тараққий эттиришда иштирок этишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Биз бу ишларни келгусида янада кенгайтирамиз.

Шу муносабат билан чет элларда яшаётган ва ишлаётган ватандошларимиз билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиши тақлиф этаман.

V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташки сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар

Мухтарам депутат ва сенаторлар!

Барчамизга аёнки, жаҳонда кескин иктисадий рақобат, ахборот хуружлари, террористик таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Дунёнинг турли жойларида, айниқса, Яқин Шарқ минтақасида қонли тўқнашув ва низолар давом этмоқда. Минг афсуски, бундай нотинч кескинлик ўчоқлари камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда.

Ана шундай таҳликали вазиятни хисобга олган ҳолда, биз юртимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича фаолиятимизни ҳар томонлама кучайтиришимиз шарт. Бу – замон талаби.

Аввало, шу йўналишда шаклланган тизим самародорлигини янада оширишимиз, айниқса, диний масалалар билан бевосита шутгулланадиган ҳоким

ўринбосарлари, мутасадди ташкилотлар масъулиятини янада кучайтиришимиз зарур. Хусусан, маҳалла раислари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар, диний-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари – барча-барчамиз биргаликда иш олиб боришимиз лозим.

Ишни ана шундай ташкил этсак, ҳар биримиз бу масалага бефарқ бўлмасдан, ўз боламизни, ўз уйимиз, ўз маҳалламизни ўзимиз асрайдиган бўлсак, мен ишонаман, бундай бало-қазолар ҳаётимииздан албатта йирок бўлади.

Биз диний экстремизм ғоялари таъсирига адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соглом ҳаётга қайтариш бўйича ишларни янада такомиллаштирамиз.

Ахборот ресурслари орқали тарқатилаётган бузгунчи ғояларнинг олдини олиш мақсадида ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари таркибида алоҳида бўлинмалар ташкил этиш зарур.

Жамиятимизда диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатлик ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашни биз бундан буён ҳам энг долзарб ва эзгу вазифамиз деб биламиз. Шу мақсадда мамлакатимиздаги диний ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилади.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Шу ўринда яна бир муҳим масала – мамлакатимиз мудофаа тизимининг ташкилий тузилмаси,

унинг ҳарбий-жанговар ҳолати, аскар ва офицерларнинг маънавий ва руҳий тайёргарлик даражаси бугунги тез ўзгараётган давр талабларидан ортда қолаётганини қайд этиш лозим.

Ўтган қисқа даврда миллий армиямизни ислоҳ килиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиниб, Куролли Кучларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш жараёни бошланди.

Ҳарбий соҳадаги ислоҳотларимизнинг самарасини ошириш мақсадида янгидан қабул қилинаётган Мудофаа доктринаси муҳим роль ўйнайди. Ушбу доктрина Ўзбекистон ташки сиёсатининг очиқлик тамойилини, яқин қўшнилар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантиришни ифода этади. Унда давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида аниқ белгилаб қўйилган.

Мамлакатимиз геостратегик жойлашувининг ўзиға хослиги, шунингдек, минтақада вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Куролли Кучлар бирлашмаларининг вазифа ва тузилмалари қайта кўриб чиқилди. Миллий гвардия барпо этилди, армияни янги курол-аслаҳа ва замонавий ҳарбий техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси тузилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Куролли Кучлар академиясининг фаолияти тубдан қайта ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оиласлари ва фахрийларни ижтимоий химоя қилиш бўйича

салмокли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, 2017 йилда ҳарбий хизматчилар учун 56 та кўп қаватли уй барпо этилганини ва бу ишлар келгуси йилда янада катта ҳажмда давом эттирилишини таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда мудофаа соҳасида олдимизда янги ва муҳим вазифалар турганини барчамиз яхши тушумиз. Аввало, Миллий ҳавфсизлик концепцияси ҳамда Мудофаа доктринасининг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича ҳали кўп иш килишимиз керак.

Давлатимизнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, армиямизнинг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш ҳам энг муҳим вазифаларимиздан бири хисобланади. Куролли Кучларни замонавий курол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан таъминлаш учун Мудофаа-саноат комплексини шакллантириш ва ривожлантириш давлат дастурини қабул қилишимиз зарур.

Мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, биз ташқи сиёsat соҳасида барча узоқ ва якин давлатлар, аввало, кўшни мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алокаларини ҳар томонлама ривожлантириш сиёsatини изчил давом эттирамиз.

Биз Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро молия институтлари билан сиёсий, савдо-иктисодий, маданий-гуманитар соҳаларда тузилган шартнома ва

келишувларни ўз вактида, тўлиқ ва сифатли бажариш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-кувватлаб, бизга хайрихоҳ бўлиб келаётган халқаро ташкилотлар вакилларига, хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига самимий миннатдорлик билдиришга руҳсат этгайсиз.

Хурматли дўстлар!

Бугун сизларнинг эътиборингизга тақдим этилган ушбу Мурожаатномада баён қилинган режа ва лойиҳалар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини янги, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қиласди.

Айни вактда барчамиз яхши тушунамизки, бу устувор йўналишларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш учун тегишли ҳуқукий асос ва механизmlарни яратиш зарур.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар хокимлари билан биргаликда, ушбу Мурожаатномадан келиб чиқадиган устувор вазифаларни сўзсиз амалга оширишга доир комплекс чора-тадбирларни 2018 йил 10 январгача ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни таъминлаш вазифаси топширилади.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Албаттa, Мурожаатномада баён этилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи

боскич бўладиган 2018 йил биз учун осон бўлмайди. Буни очик айтиш керак. Лекин, халқимиз таъбири билан айтганда, сув келса симириб, тош келса кемириб бўлса ҳам, танлаган йўлимииздан қайт-маслигимиз шарт. Нега деганда, бу ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Ўзимиз ҳаракат қиласак, ҳеч ким бизга беғараз ёрдам бермайди.

Барчамиз бир ҳакиқатни чукур тушуниб, англаб олишимиз керак: бугун гап халқимиз, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги, жондан азиз болаларимизнинг бахти ва камоли ҳакида бормоқда. Шундай улуғ мақсадлар йўлида барчамиз белимизни маҳкам бoggлаб ишлашимиз, бор акл-заковатимиз, билим ва тажрибамизни, жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этишимиз керак.

Ўзимиз ўзимизга хиёнат қиласак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол-пок бўлиб меҳнат қиласак, мен аминман, кўзлаган барча мэрраларимизга албатта етамиз. Бу борада мен аввало кўп синовлардан ёруғ юз билан ўтган олижаноб халқимизнинг мустаҳкам иродаси ва бунёдкорлик салоҳиятига ишонаман.

Эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида барчангизга куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик, оилавий баҳт ва фаровонлик тилайман.

Катта раҳмат сизларга, сог-омон бўлинглар!

2017 йил 22 декабрь

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ – МАМЛАКАТИМИЗ БАРҚАРОРИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАФОЛАТИДИР

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунғи йиғилишимиз мамлакатимиз ҳаётидаги мұхым воқеа – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни араfasида үтказилмоқда.

Аввало, сизларни ва барча юртдошларимизни ана шу умумхалқ байрами билан чин қалбимдан самимий табриклашга рухсат бергайсиз.

Бундан роппа-роса бир йил аввал мана шу ўқув юртида – Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясида мамлакатимиз Қуролли Кучларини янада ислоҳ қилиш бўйича олдимиизда турган вазифаларни атрофлича муҳокама қилган эдик.

Учрашувда ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасидаги долзарб вазифалардан бири сифатида Академия фалиятини такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилган эди. Бугунги йиғилишимиз мутлақо янгиланган Академияда үтказилаётгани ҳаммамизни қувонтирумокда. Бу ерда ташкил этилган замонавий ситуациян марказ йил давомида амалга оширган ишларимиз натижасидир.

Ўтган йил мобайнида биз бу борада эришган ютуқ ва ижобий мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиягини

мустаҳкамлаш соҳасида ҳали анча муаммолар борлигини кайд этиш зарур. Уларни ҳал қилиш юзасидан 2018 йилда ва келгуси йилларда қаттиқ иш олиб боришимиз лозим.

Мен йил давомида Куролли Кучларнинг жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини таҳлил қилиб бордим. Ҳарбий ўкув машқларини Каттакўрғон полигонида кузатдим, Жануби-Ғарбий, Шаркий ва Тошкент ҳарбий округларида Мудофаа вазирлиги ва чегара қўшинлари бўлинмаларини, бугун эса Чирчик шахридаги ҳарбий кисмни бориб кўрдим. Ҳарбий хизматчилар билан сұхбатлашдим, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшилдим. Натижада кўп йиллар давомида йиғилиб колган жиддий, тизимли муаммолар аниқланди. Булар – кадрлар масаласи, қўшинларни замонавий курол-яроғлар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий химоя қилиш, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга тааллукли муаммолардир.

Албатта, ўтган йили биринчи навбатда ҳал этилиши керак бўлган кўплаб масалалар бўйича аниқ қарорлар кабул қилинди. Лекин, тан олишимиз керак, уларнинг барчаси тизимли эмас, балки маълум бир йўналиш ва бўғиндаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган ишлардир. Ана шу ҳолатни ҳисобга олиб, Ватанимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш, унинг мудофаа қобилиятини кучайтиришдек ғоят муҳим соҳада кўплаб муаммолар мавжудлигини англаган ҳолда, биз янги Мудофаа доктринасини кабул килдик. Ушбу ҳужжатда мамлакатимизнинг ҳарбий қурилиши ва Куролли Куч-

ларни ривожлантириш масалалари бўйича асосий йўналиш ва замонавий ёндашувлар акс эттирилди.

2017 йил 12 декабрда Президент фармони қабул килиниб, унда мавжуд мураккаб ҳолатдан чикишнинг таъсирчан ва самарали чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Бугун сизлар билан ўтган йилда амалга оширган ишларимизга якун ясад, келгусидаги вазифаларимиз ҳакида гаплашиб олишимиз зарур.

Хурматли йигилиш қатнашчилари!

Хозирги вақтда минтақамизда ва дунёда ҳукм суроётган, олдиндан айтиб бўлмайдиган мураккаб шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш қанчалик катта аҳамиятга эга эканини барчамиз чукур англаймиз. Бу эса ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз ва йўл қўйган камчиликларимиз, тўпланиб қолган муаммоларни чукур таҳлил қилиш, бугун хаётнинг ўзи илгари суроётган талабларни ҳисобга олишни тақозо этмоқда.

Биз айни шу асосда мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашни Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олдик. Стратегияга биноан 2017 йилда бошқа соҳалар каторида ҳарбий қурилиш борасида ҳам кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди. Қиска муддатда дастлабки аниқ натижаларга эришдик ва янгиланаётган Куролли Кучларимиз бўйича стратегик ёндашувни ишлаб чиқдик.

Биринчидан, ташки сиёсатимизнинг мослашувчанлик ва очиқлик принципларига, энг асосийси, кўшни давлатлар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, Ватанимиз суверенитети ва мустакиллигини мустаҳкамлашдек биз учун устувор бўлган тамойилларга таянган ҳолда, мамлакатимиз Мудофаа доктринаси сифат жиҳатидан янгиланди. Бу доктринанинг маъно-мазмуни биринчи марта очиқлик хусусиятига эга бўлди. Бу эса бизнинг мудофаа сиёсатимизнинг очиклигини намойиш этмоқда. Доктринада Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги сиёсати бўйича принципиал ёндашувлар, уларни қўллаш асослари, Куролли Кучлар олдида турган вазифалар, шунингдек, миллий армиямиз курилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишлар белгилаб берилди.

Барчангизнинг эътиборингизни мухим бир масала га каратмокчиман: Мудофаа доктринаси қоидалари қозода қолиб кетмаслиги, биз уларни ҳаётга сўзсиз жорий этишни таъминлашимиз шарт.

Шу муносабат билан Олий Мажлис Мудофаа доктринасини амалга ошириш, бу масала бўйича мунтазам равища парламент назоратини олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда, депутат ва сенаторларимиз мудофаа ва ҳарбий қурилиш масалаларига бефарқ бўлмасдан, бу борада ўз фаолиятларини кучайтиришлари, ҳар бир чоракда икки марта Олий Мажлис палаталарининг йиғилишларида ушбу йўналишдаги ишларнинг ахволини мухокама қилиб борсалар, айни муддао бўларди.

Куи палата ҳамда Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича қўмиталари раислари, мудофаа вазири ва бошқа тегишли тузилмалар раҳбарлари куйидаги вазифаларни амалга оширишлари зарур:

– амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Мудофаа доктринаси асосида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларини стратегик қўллаш бўйича хужжатлар қайта ишлаб чиқилишини таъминлаш;

– ҳарбий хизматчилар, жамоатчилигимиз ва чет эллик ҳамкорларимиз ўртасида мудофаа сиёsatимизнинг асосий принципларини тушунтириш бўйича кенг кўламли ишларни ташкил этиш лозим. Бу борада мазкур сиёsatнинг очиқлиги ҳамда хавфсизлик ва мудофаа соҳасида бошқа хорижий мамлакатлар билан амалий муносабатларни ривожлантириш биз учун устувор аҳамиятга эга эканига эътибор қаратиш даркор.

Иккинчидан, Мудофаа доктринаси коидалари ва мамлакатимизнинг геостратегик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди.

Хусусан, Мудофаа вазирлигининг барча бирлашма ва қисмларининг таркибий тузилмаси тўлик янгиланди. Биз бўлинмаларга жанговар тайёргарлик билан тўлақонли шуғулланиш, ҳарбий хизматчиларнинг касбий малакасини ошириш ва ўз йўналиши бўйича вазифаларни аниқ бажариш учун тайёр бўлишига алоҳида эътибор қаратдик. Бунга имкон бермаган тузилмалардан бутунлай воз кечдик.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, ҳар бир офицер ва сержант эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, ўз

фаолиятига танқидий баҳо бериши керак. Улар «Мен келгусида хизматни давом эттиришга муносибманни ёки йўқми?» деган саволга жавоб бериши шарт.

Мен ҳарбий хизматчиларимизнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги билан боғлиқ бир қатор муаммаларга эътибор қаратмоқчиман. Нега деганда, жисмоний тайёргарлик ҳарбий хизматчилар учун хизмат фаолиятида, ҳарбий карьерасида ва умуман, турмуш тарзида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиши зарур.

Ҳарбий хизматчиларнинг руҳий жиҳатдан чидами бўлиши ҳакида гапирганда, кейинги пайтда дунёнинг турли минтақаларида содир бўлаётган қуролли тўқнашувларда кўзга ташланаётган бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни, жанговар ҳаракатлар давомида шахсий таркиб ўртасидаги йўқотишларнинг асосий кисми кучли руҳий таъсир ва зарбалар билан боғлиқ экани маълум бўлмоқда. Бундай руҳий жароҳатларни ҳатто тинч ҳаёт шароитида ҳам даволаш жуда мураккаб масаладир.

Шу муносабат билан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги бўйича принципиал жиҳатдан янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиши зарур. Бу борада асосий эътиборни ҳарбий-амалий масалаларни ҳал этишга йўналтириш лозим. Ҳарбий хизматчилар ҳар томонлама соғлом ва чидами бўлиши, ҳар қандай мураккаб жисмоний ва руҳий синовларга бардош бериши керак.

Қўшинлардаги ташкилий-штат ўзгаришларига оид масалаларга яна бир бор эътибор қаратиб, таъкидлаб

айтмоқчиман: ҳозирги пайтда Мудофаа вазирлиги томонидан қўшинларни янги ташкилий тузилмага ўтказиш ишлари бошланди. Бу ишлар янги ўқув йилига қадар якунланиши зарур.

Ана шу чора-тадбирлар ҳақида гапирганда, мудофаа вазири ва унинг ўринбосарлари эътиборини ушбу вазифаларнинг нақадар мухим эканига қаратмоқчиман. Уларнинг ижросини шахсан ўзим назорат қилиб бораман.

Куролли Кучлар Бош штаби бу борада фақат механизм яратиш эмас, балки уни самарали ишлатиш ўта мухим аҳамиятга эга эканини чукур англаб етиши керак. Қўшинлар исталган дақиқада ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қодир бўлиши керак. Улар жанговар тайёргарликнинг янги тизими бўйича мунтазам шугулланиб бориши, барча ҳарбий хизматчилар ҳақиқий профессионал кадр бўлиши учун ўз соҳасини пухта эгаллаши шарт.

Нима учун бу талаблар бугун кун тартибига кескин килиб қўйилмоқда? Чунки, Мудофаа вазирлигидаги кўплаб мансабдор шахслар ишончни окламагани, ўзларини кўрсатишда сусткашликка йўл қўйгани, уларда ташаббус йўклиги, мустақил қарорлар қабул килишни, масъулиятни ўзига олишга тайёр эмаслиги бунга сабаб бўлмоқда.

Ҳолбуки, уларга ўз кобилиятини амалда намоён этиши учун барча имкониятлар яратиб берилган эди. Бундай камчиликлар мудофаа вазирлиги собиқ раҳбарияти фаолиятининг натижаси, десак хато бўлмайди. Очик айтиш керак, улар асосан эски усуллар билан иш-

лаб, кўшинлар билан мунтазам алоқа ўрнатмаган, ҳарбий кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратмаган, зарур ҳолларда мустақил қарор қабул килишда уларга қатъият етишмаган.

Афсуски, бунинг оқибатида бизда кўп ҳолларда ҳарбий бошликлар тепадан буйруқ кутиб ўтиришга ўрганиб қолди. Яна бир бор такрорлаб айтаман: ҳар бир командир ва кўмондон ўз ҳарбий қисми ва окружининг шароитидан, мавжуд жанговар вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тезкорлик билан ҳар томонлама асосланган, мустақил қарор қабул килишга қодир бўлиши шарт.

Мен мудофаа вазирининг тавсиясига биноан, вазирнинг иккита ўринbosари, Куролли Кучлар академияси раҳбари ва Чирчик ҳарбий билим юрти бошлиғини лавозимидан озод қилдим. Ҳозиргача ҳарбий округ кўшин кўмондони вазифасини вактинча бажариб келаётганлардан бири бу лавозимга тасдиқланмади.

Айни пайтда, қўйилган талабларга жавоб бермаётган ва кўшинлар билан фаол ишлашдан ўзини четта олган 40 га яқин ҳарбий хизматчи мудофаа вазири томонидан ишдан бўшатилгани, 36 нафарининг лавозими пасайтирилгани нимадан далолат беради? Бу биринчи навбатда, соҳада ҳарбий кадрлар фаолиятини аник баҳолашнинг рейтинг тизими мавжуд эмаслигини, оқибатда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишлари қониқарсиз эканини кўрсатади.

Мана шу ва бошка мавжуд камчиликларни бартараф этиш, тизимда барча ишларни замон талаблари дараҷасида ташкил этиш, ҳарбий соҳада ислоҳотларни яна-

да чукурлаштириш мақсадида мен Баш штаб бошлиғи ҳамда барча ҳарбий округ кўмондонларини янгитдан тайинладим.

Шу муносабат билан барчангизни огоҳлантириб айтмоқчиман: 2018 йил сизлар учун катта синов йили бўлади. Нега деганда, ҳар қайси округ олдида турган вазифалар, мавжуд таҳдид ва хавф-хатарлар бир-бирига ўхшамайди. Буни ҳар қайси раҳбар чукур билиши ва ўз фаолияти учун зарур хулоса чиқариб олиши даркор.

Яна бир мухим масала – Мудофаа вазирлиги кисмлари ва муассасалари сонини оптималлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида ҳарбий шаҳарчаларни инвентаризациядан ўтказиш зарурати юзага келмоқда.

Шу муносабат билан Баш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари мудофаа вазири билан биргаликда барча истиқболли ҳарбий шаҳарчалардаги мавжуд ҳолатни, масалага жиддий ёндашган ҳолда, пухта таҳлил қилиши зарур.

Бу борада бўшаётган ҳарбий шаҳарчаларни белгиланган тартибда тегишли идораларга бериш ва келгусида улардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш бўйича назорат ўрнатиш Баш вазир А.Арипов зиммасига юкланди.

Кейинги пайтларда Куролли Кучларнинг ташкилий тузилмаси бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритганда, Миллий гвардия ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Маълумки, бу маҳсус ҳарбий бўлинма фаолияти жамият ва давлат

хавфсизлигини таъминлаш, инсон хукуқ ва эркинликларини рўёбга чикариш, аҳолини турли террорчилик хатарларидан, жиноий ва бошқа ноконуний хатти-харакатлардан ҳимоя қилишга қаратилган.

Қиска вакт ичida Миллий гвардия мамлакат хавфсизлигини таъминлаш тизимидағи муҳим бўғинга айланди ва Куролли Кучлар таркибий қисмлари билан якин ҳамкорлик ўрнатди.

Афсуски, охирги 15-20 йил давомида жамоат тартиби ва хавфсизлигини саклаш масалаларига нотўри ёндашув туфайли бу муҳим масала эътиборимиздан четда колиб келди. Жумладан, Хавфсизлик кенгаши ҳам бунга етарлича эътибор бермаганини очик айтиш керак. Бу тизимнинг аниқ эгаси бўлмаган, бу масалалар билан шуғулланадиган бўлинмалар гоҳ Ички ишлар вазирлиги, гоҳ Мудофаа вазирлиги тасарруфида бўлиб келган. Шу сабабли ушбу бўлинмалар ўз ўрнини тополмади. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини саклаш бўйича ўқув машклари деярли ўtkazilmagan. Тезкор вазифаларни бажариш зарур бўлган пайтда турли бюрократик тўсикларга дуч келинған. Натижада тезкор қарорлар ўз вактида кабул килинмаган, вазифалар самарали бажарилмаган.

Холбуки, бутун дунёда мамлакат ичida тартиб-интизом ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан армия эмас, Мудофаа вазирлиги эмас, балки алоҳида тузилмалар шуғулланади.

Маълумки, бугунги кунда биз «Хавфсиз шаҳар – хавфсиз мамлакат» концепцияси асосида юртимизда жамоат тартибини таъминлашга қаратилган катта иш-

ларни амалга оширмоқдамиз. Шу муносабат билан мана шу янги тузилма, яъни, Миллий гвардия ташкил этилди. Энди бундан буён ҳар бир шаҳар ва вилоятда хавфсиз худуд лойиҳасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш учун Ички ишлар вазирлиги билан бирга Миллий гвардия масъул ва жавобгар этиб белгиланади. Бу вазифаларни бажариш учун Миллий гвардия жойлардаги давлат ҳокимияти идоралари, жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Шу муносабат билан Миллий гвардия қўмондонига ташкилий ишларни тезроқ якунлаб, ўзининг бевосита вазифаси бўлган жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш масаласи билан яқиндан шуғулланиш топширилади. Бундан буён мамлакатимизда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш масаласига ички ишлар вазири ва Миллий гвардия қўмондони шахсан жавобгар бўлади.

Ҳозирги пайтда Миллий гвардия томонидан қўшинлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилмоқда, шунингдек, ўз Ватанига садоқатли, юкори малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Учинчидан, мамлакатимиздаги барча турдош корхоналарни бирлаштирган Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитасининг ташкил қилиниши миллий мудофаа-саноат комплексини шакллантириш йўлидаги биринчи ва муҳим қадам бўлди.

Шуни очиқ тан олиш керакки, тегишли илмий ва саноат салоҳиятига эга бўлган ҳолда, биз 25 йил давомида мамлакатнинг мудофаа-саноат комплексини ташкил қилишга умуман эътибор қаратмадик. Бу эса, табиийки, Куролли Кучларни ҳарбий техника ва қурол-яроглар билан таъминлаш даражасига салбий таъсир кўрсатди.

Масалан, радиоалоқа ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича биз амалга оширган лойиҳани олайлик. Ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, уни ҳаётга жорий этиш учун бор-йўги тўқиз ой етарли бўлди. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ривожланган мудофаа саноати инновацион ва юқори технологияларга асосланган иқтисодиётнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири хисобланади.

Ишончим комилки, иқтисодиётнинг тўлақонли мудофаа секторини шакллантириш бўйича биз бошлаган иш яқин келажакда миллий армиямизни қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш билан бирга қўшимча иш ўринлари яратиш, мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификация килиш имконини ҳам беради.

Ушбу йўналишда ҳарбий ва икки хил мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган, импорт ўрнини босадиган, ракобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган комплекс вазифаларни ҳам ҳал қилишимиз керак.

Мамлакатимизда мудофаа саноати комплексини ривожлантириш бўйича улкан салоҳият ва имкониятлар мавжуд. Бироқ биз улардан умуман фойдаланмаяпмиз.

Масалан, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳудудларда ҳарбий хизматчилар учун маҳсус кийим-кечаклар, экипировка, турли асбоб-ускуналар, куруқ паёклар ишлаб чиқариш, икки хил мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотларни тайёрлайдиган цехларни ташкил қилиш бўйича катта имкониятларга эга. Буларнинг барчаси бизга қўшимча иш ўринлари яратишда жуда қўл келади. Президентнинг яқинда эълон қилинган Фармони билан сизларга бу борада тегишли ваколатлар берилган. Сизлар ҳарбий қўшин турларининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, бу йўналишда ишни тўғри ташкил этишингиз мумкинку!

Энди вилоят ҳокимлари ва округ раҳбарларининг фаолиятига шу вазифа қандай бажарилаётганига ҳам қараб баҳо берамиз.

Биз Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитасини Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи ҳудудида жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилдик. Нега деганда, мазкур қўмитанинг бошқарув аппарати бевосита ишлаб чиқариш муҳитида доимий фаолият олиб бориши лозим.

Бош вазир ўринбосари Н.Отажонов ва Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси раиси А.Ибодуллаев 2018 йилда қўмита фаолиятини самарали ташкил қилиш бўйича «йўл ҳаритаси» ишлаб чиқишни қисқа мuddатда якунлаб, Куролли Кучларнинг бугунги ҳолати ва келажак истиқболларини ҳисобга олиб, уни амалга оширишга киришиши зарур.

Бу борада тегишли муассасалар ва хорижий ҳамкорларимизнинг етакчи ташкилотлари билан битим-

лар тузиш ва давлатлааро қўмиталар йигилишларини ўтказган ҳолда, тўғридан-тўғри яқин ҳамкорликни йўлга кўйиш керак.

Тўртингидан, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда жойлардаги давлат ҳокимиюти органларининг фаоллигини ва ролини ошириш бўйича ишлар сифат жиҳатдан бутунлай янги боскичга кўтарилиди. «Миллий армиямиз – бизнинг ифтихоримиз ва ғуруримиз» тамойили асосида худудларда мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, армия ва ҳалқнинг яқдиллигини таъминлаш мақсадида харбий-маъмурий секторлар ташкил этилди.

Барчамиз бир фикрни яхши англаб олишимиз кепак: эл-юртимизнинг тинчлигини таъминлаш мақсадида бугун мудофаа соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг канчалик самара бериши армия ва ҳалқнинг бирдамлигига боғлиқ.

Афуски, ёшларни, умуман, мамлакатимиз аҳолисини харбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларига Мудофаа вазирлиги ва бошқа дахлдор идоралар томонидан етарли аҳамият берилмаган, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз бу борада куйидаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, харбий-маъмурий секторлар ташкил этиш хақида қарор қабул килдик.

Биринчидан, харбий округлар ва жойлардаги давлат ҳокимиюти органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик даражаси кўшинларда вужудга келган долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича ишларни самарали олиб бориш имконини бермаётган эди.

Бу тадбирлар асосан муддатли ҳарбий хизматга қақиувлар, ҳарбий хизматчиларни захирага бўшатиш ва шунингдек, байрамлар пайтидаги биргаликдаги фолият билан чекланар эди.

Иккинчидан, ҳарбий округлар ва қисмларнинг мансабдор шахслари томонидан аҳоли билан мулоқот йўлга қўйилмаган эди. Эл-юртимизни ҳарбий қурилиш ва мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасидаги ўзгаришлардан хабардор килиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик бўйича ишлар олиб борилмаган эди.

Учинчидан, маҳаллий бюджетлар маблағларини ҳарбий қисмлардаги устувор аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш учун жалб килиш бўйича амалий механизм йўқ эди. Бу ҳол ҳарбий-ватанпарварлик, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳарбий инфратузилмаларни ривожлантириш билан bogлиқ масалаларни тез ва самарали ҳал этиш имконини бермас эди.

Тўртингидан, энг ёмони, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва ўқитиш, навқирон авлодимизни бизнинг ҳалқимизга мутлақо бегона бўлган бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш масалаларига зарур даражада эътибор қаратилмади.

Айниқса, диний экстремизм ғояларига берилиб, йўлдан адашган ёшларни соглом турмуш тарзига қайтаришда биз Куролли Кучлар сафида хизмат

килаётган аскар ва офицерларимизнинг салоҳиятидан фойдалана олмаяпмиз.

Ҳолбуки, Ватан ҳимоясида тобланган мард ўғлонларимиз ўзининг мардлик ва жасурлик фазилатлари, юксак ватанпарварлик туйғуси билан обрў-эътибор козонган ҳарбий хизматчиларимиз ёшларга ҳар томонлама ибрат ва ўrnak намунаси бўлиши мумкин.

Бир фикрни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак: армияни моддий жиҳатдан барча замонавий зарур техника ва жиҳозлар, курол-яроғлар билан таъминлаш мумкин. Аммо шахсий таркиб маънавий жиҳатдан заиф бўлса, яъни, аскар ва офицерларимизда жанговар рух, Ватанга меҳр ва садоқат, унинг тақдири учун масъулият бўлмаса ёки уларнинг ўртасида бепарволик хукм сурса, бундай ҳолат ниҳоятда нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бугунги йигилишнинг барча иштирокчилари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ушбу масалани улкан ҳаётий аҳамиятга эга, мамлакатимиз ва фуқароларимиз хавфсизлигига, миллий армиямизнинг мудофаа қобилиятига бевосита таъсир кўрсатадиган ўта муҳим вазифа сифатида қабул килсин.

Бешинчидан, ёш авлодимизда қатъий ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Шуни хисобга олиб, мамлакатимизда ўрта мактабдан бошлаб олий ўкув юртларигача камраб оладиган узлуксиз ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича ўзига хос ноёб ва яхлит тизим яратилмоқда.

Ушбу тизим мутлако янги Куролли Кучлар академиясими шакллантиришни, ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар фаолиятини такомиллаштиришни, «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейлари ташкил этишни кўзда тутади.

Айни вақтда, айтиш жоизки, кўрилаётган чоратдабирларга қарамасдан, ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизими замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Бунинг сабаби – айрим мансабдор шахслар, масаланинг моҳияти ва аҳамиятини етарли даражада тушунмагани билан боғлик десак, тўғри бўлади.

Академияда ўкув жараёнини ташкил қилишда эскича ёндашувлар ҳали ҳам бартараф этилмаган. Бундай ҳолат билан муроса қилиб бўлмайди. Биз бу масалада доимо замон билан бирга қадам ташлашимиз, керак бўлса, ундан олдинда юришимиз зарур. Академияда ва бошқа ҳарбий ўкув юртларида замонавий шартшароитларни хўжакўрсинга яратганимиз йўқ. Аксинча, курсантларимиз ва тингловчиларимиз таълим соҳасида энг илғор, инновацион билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарур. Мана, бизнинг асосий максадимиз.

Бундан ташқари, ҳарбий кўшинларни замонавий техника ва қурол-ярог билан таъминлаш масаласининг долзарб аҳамиятга эга эканини ҳисобга олиб, юқори малакали офицер кадрларни тайёрлашда хорижий тиллар, жумладан, рус тилини ўрганишга алоҳида аҳамият бериш даркор.

Шунингдек, авлодлар ўртасида узвийлик ва устозлик анъаналари йўқолгани ҳам ўткир муаммо бўлиб қолмоқда. Бунинг сабаби, биринчи навбатда, ай-

рим раҳбарларнинг ўзига ўринбосарлар тайёрлаш, ўзининг «иссиқ жойи»ни ёшларға бўшатиб беришни хоҳламаслиги билан боғлик. Улар ёшларнинг малакасини ошириш ва хизмат пиллапояларидан кўтарилишига онгли равишда тўсик бўлмоқда, десак, буям ҳақиқат.

Мен эътибор қаратмоқчи бўлган яна бир масала, бу – кадрларимизни хорижий давлатларда тайёрлаш билан боғлик. Маълумки, биз ошиб-тошиб кетган бой давлат эмасмиз. Шунинг учун бу масалага чуқур ўйламасдан ёндашишга ҳаққимиз йўқ. Бу борада номзодларни ҳар томонлама пухта саралашимиз ва тайёрлашимиз керак. Токи, улар олган билим ва тажрибалари ни кейинчалик амалда қўллаш ва жорий этишга қодир бўлсин. Шу билан бирга, янги билим ва ғояларни янада кенг ёйиш мақсадида ҳарбий ўқитувчиларимизни чет элларда тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратиш зарур.

Миллий гвардия Ҳарбий-техника институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган чоратадбирларни сифатли ва тўлиқ амалга оширишни таъминлансан. Мазкур институтни мамлакатимизнинг энг яхши олий ўкув юртларидан бирига айлантириш лозим. Келгусида армиямиз учун юксак малакали тайёр кадрлар, керак бўлса, Куролли Кучлар қўмондонлари даражасидаги номзодлар захираси айнан мана шу ўкув юртидан етишиб чикиши зарур.

Мудофаа вазирлиги:

– юкорида айтиб ўтилган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, кадрлар билан ишлаш, уларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича самарали тизим фаолиятини таъминласин, олий ҳарбий таълим муассасалага

римиз билан мамлакатимиздаги ва хориждаги етакчи олий ўкув юртлари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга кўйисин;

– бой амалий тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар орасидан энг муносаб шахсларни ўқитувчилик фаолияти учун танлаб олиш бўйича самарали тизимни жорий этсин. Танлаб олинган ўқитувчилар малакасини оширишни шундай йўлга қўйиш керакки, улар ёш кадрларни тайёрлашда ўз салоҳиятини янада тўлиқ сафарбар этишга эришсин. Шу муносабат билан биз баъзи ҳарбий пенссионерларни ўқитувчилик фаолиятига жалб этиш бўйича қарор қабул қилдик.

Миллий гвардия қўмондони Миллий гвардия ўкув юртларида ҳам худди шундай тизимни жорий этсин.

Шу муносабат билан Куролли Кучлар академияси қошида мамлакатимиздаги барча ҳарбий таълим йўналишидаги олий ва ўрта маҳсус билим юртлари фаолиятини ўкув жараёни ва илмий нуқтаи назардан мувофиқлаштирадиган Илмий-методик кенгаш ташкил этилсин. Ушбу кенгашга раислик қилиш Хавфсизлик кенгаши котиби В.Махмудовга, кенгаш раиси нинг ўринбосари вазифаси эса Давлат маслаҳатчиси Р.Қосимов зиммасига юклатилсин.

Олтинчидан, ёшларга оид давлат сиёсати самародорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларимизнинг мантикий давоми сифатида Куролли Кучлар тизимида Ўзбекистон Ёшлар иттифокининг бошлангич ташкилотлари ташкил этилди ва ўз фаолиятини бошлади. Бу, ўз навбатида, ёш ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбия-

лаш, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига жалб этиш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат килмоқда.

Маълумки, ҳозирги вактда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан мамлакатимиздаги ҳарбий тузилмалар билан биргаликда униб-ўсиб келаётган ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича иш олиб борилмоқда ва унинг самарасини ошириш лозим.

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг минтақавий тузилмаларини ташкил этиш орқали мазкур кенгашнинг вазифалари қайта кўриб чиқилди ва кенгайтирилди. Ушбу кенгаш ва унинг тузилмалари бугунги кунда жамоат бирлашмалари, фукаролик жамияти институтлари ва ҳарбий қисмлар ўртасида якин ҳамкорликни таъминлаш бўйича ишончли кўприкка айланди. Улар ҳарбий хизматчилар ва чақириккача бўлган ёшлар ўртасида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, ҳарбий хизматчиларни хуқукий ва ижтимоий жиҳатдан химоя килишни кучайтиришга хизмат килмоқда.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг самарасини ошириш мақсадида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Қ.Қуронбоевга, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгashi ва Республика Маънавият ва маърифат маркази тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилади.

Еттинчидан, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларимиз сезиларли даражада фаоллашди. Чет эллик шерикларимиз билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича 13 та амалий ҳаракатлар режаси ёки «йўл ҳаритаси» амалга оширилмоқда.

Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ҳарбий соҳада ҳалқаро миқёсдаги тадбирлар сони кўпайишига қарамасдан, Мудофаа вазирлиги қўшинлари фаолиятига илғор хорижий тажрибаларни амалий жиҳатдан жорий этиш даражаси пастлигича қолмоқда. Орттирилган тажрибани ўрганиш ва жорий қилиш борасидаги ишлар тизимли асосда олиб борилмаяпти.

Шу муносабат билан мудофаа вазири А.Азизов бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратиши зарур. Миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш жараённида ҳарбий хизматчиларимизни професионал жиҳатдан шунга мос равиша тайёрлаш ҳал қилувчи вазифалардан бири бўлиб турибди.

Қуролли Кучлар Бош штаби қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги бўйича тизимни такомиллаштириш доирасида ушбу масалага ҳам жиддий эътибор қаратсин. Айниқса, ҳарбий хизматчилар томонидан замонавий техника ва қурол-яроғларни пухта эгаллаш, уларни асрар-авайлаб ишлатиш, бу борада ёқилғи-мойлаш материаллари, ўқ-дори ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатишга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Саккизинчидан, мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларни, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда.

Худудларда кўп қаватли уйлар боскичма-боскич фойдаланишга топширилмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш борасида, жумладан, узок муддатли имтиёзли ипотека кредитлари берилишини кўзда тутадиган янгича ёндашувлар жорий этилмоқда.

Ҳозирги кунга кадар мамлакатимиз худудларида 28 та ана шундай уй-жой фойдаланишга топширилди, 522 нафар ҳарбий хизматчининг оиласи замонавий, шинам квартиралар билан таъминланди.

Яқин икки ой ичida яна 720 нафар ҳарбий хизматчининг оиласи янги уйларга кўчиб ўтади. Бу ишлар доимий асосда давом эттирилиб, ҳар йили 1500 нафар Ватан ҳимоячисининг оиласи уй-жой билан таъминланади.

Афсуски, бу масалада ҳам барча раҳбарлар берилган топшириқнинг маъно-моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниб етмаяпти. Натижада ушбу лойихани бошлаш хеч бир сабабсиз бир неча ойга чўзилиб кетди ва шахсан ўзим ушбу масала билан шуғулланишимга тўғри келди.

2018 йил учун режалаштирилган уйларни қуриш бўйича ишлар бугунок бошланиши керак. Нега деганда, жорий йилда ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун юртимизнинг барча худудларида 100 та кўп қаватли уй

куриш белгиланган. Бу борада қандайдир баҳона ёки сабабларни рўкач қилишга ҳеч кимнинг ҳакки йўқ, бу масала бўйича талаб қаттиқ бўлади.

Бундан ташкари, қўшинларни озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича биринчи марта аутсорсинг тизими жорий қилинди. Аутсорсинг дегани шуки, ҳарбий хизматчиларга кунлик овқат тайёрлаб бериш билан энди армиянинг ўзи эмас, балки мустақил ташкилотлар шуғулланади. Бу ишни ташкил қилиш жойлардаги ҳокимиятларга топширилади. Бундай тизимнинг жорий этилиши шахсий таркибни унга хос бўлмаган вазифалардан озод қилиб, ҳарбий хизматчиларнинг бутун куч-ғайратини ўз профессионал малакасини оширишга қаратиш имконини беради. Биз бу йўналишдаги ишларни албатта давом эттирамиз.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Барчангизнинг эътиборингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Бундан буён мен қайси ҳудудга хизмат сафарига борадиган бўлсам, биринчи куни жойлардаги ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар қандай бораётгани билан танишаман. Иккинчи куни эса, шу ҳудуддаги ҳарбий-маъмурий секторлардаги ахволни ҳар томонлама ўрганиб чиқаман. Йил давомида шундай тартибда иш олиб борамиз. Ҳокимлар, округ кўмондонлари ва бошқа тегишли мутасадди раҳбарлар буни албатта эътиборга олиши лозим.

Сизларга маълумки, амалга оширилаётган чуқур ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари жамиятимизнинг ажралмас бир

қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг кафолатига, ҳарбий хизматчилар ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланмоқда.

Айни пайтда бутун дунёда, жумладан, ён-атрофимизда ҳалқаро терроризм, экстремизм ва радикализм ҳавфи тобора ортиб бормоқда, айрим ҳудудларда куролли тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда. Ана шундай кескин вазиятдан келиб чикқан ҳолда, мавжуд таҳдидларга қарши муносаб зарба беришга тайёр бўлишимиз, Ўзбекистоннинг тинч ва барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида Куролли Кучларимизни янада ислоҳ қилиш, унинг жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини юксалтириш бўйича келгусида амалга оширадиган ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарур.

Шу муносабат билан асосий саъй-ҳаракатларимизни куйидаги устувор вазифаларга қаратишни ғоят муҳим, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашда фукаролик жамияти ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ролини ошириш ва фаоллаштириш лозим.

Барча бўғиндаги ҳокимият органлари раҳбарлари қўшинларнинг кундалик ҳаётида, ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш ва уларнинг инфратузилмасини яхшилаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳарбий хизматчиларда ғурур, садоқат ва ватанпарварлик туйғусини, жанговарлик руҳи ва исталган пайтда

Ватан ҳимоясига тайёргарликни тарбиялашда фаол иштирок этиши шарт.

Ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқишида асосий масъулият Мудофаа вазирлиги зиммасига юкланиди. Бу борада амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар кенг дунёқараш ва юксак интеллектуал дарражага эга бўлган, ўз фуқаролик бурчини адо этишга масъулият билан ёндашадиган ёшларни тарбиялашга хизмат қилиши даркор.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, жумладан, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Куролли Кучларимиз барча давлат идоралари, муассаса ва корхоналар учун етук кадрлар тайёрлайдиган ҳақиқий мардлик ва юксак ватанпарварлик мактабига айланишига эришишимиз зарур.

Ҳарбий хизматчиларни ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда халқимизнинг қадимий тарихи, буюк аждодларимиз мероси ва уларнинг ҳарбий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини чукур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳеч шубҳасиз, Ватан олдидағи бурчини адо этиш чоғида юртимиз озодлиги, халқимизнинг бугунги тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида ҳалок бўлган мард ва жасур ўғлонларимизнинг азиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir.

Шу муносабат билан тегишли вазирлик ва хукуқтартибот идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти орғанлари раҳбарлари ана шундай қаҳрамонларимизнинг хотирасини абадийлаштириш, уларнинг оиласи ва яқинларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш ва кўллаб-куватлаш борасидаги ишларни янада кучайтириши лозим.

Ўз хизмат бурчини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларимиз жасоратини улуғлаш, ёш авлод учун ибрат намунасига айлантириш мақсадида Бosh вазир А.Арипов, Давлат маслаҳатчиси X.Султоновга тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда шу мавзуга бағишиланган Хотира китобини юкори савияда нашр этиш бўйича таклиф тайёрлаш вазифаси топширилади.

Иккинчидан, ҳарбий округлар қўшинларининг жанговар таркибини янада такомиллаштириш, жанговар шайлиги ва ҳарбий қобилиятини кучайтириш, шунингдек, қўшинларни бошқариш тизимини автоматлаштириш ва оптималлаштириш орқали армиямизнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариш салоҳиятини оширишимиз зарур.

Учинчидан, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш ва ташкилий-штат тузилмаларини такомиллаштириш бўйича концептуал ҳужжатлар янгилангани муносабати билан Куролли Кучларни режалаштириш ва уларни кўллашнинг меъёрий-хукукий асосларини қайта кўриб чикиш лозим.

Тўртингидан, қўшинларнинг жанговар ва тезкор тайёргарлик тизимини янада такомиллаштириш, ўкув машқлари фаоллигини, уларнинг самарадорлигини ошириш – муҳим вазифадир.

Ўкув машғулотлари ҳарбий бўлинмаларни имкон қадар тўлиқ қамраб олган ва ўзаро ҳамкорлиқда ҳаракат киладиган тузилмаларни жалб этган ҳолда ўтказилиши лозим. Шу асосда бошқарув органлари ва бўлинмалар имкониятлари, аскардан тортиб командиргача бўлган ҳар бир ҳарбий хизматчининг хатти-ҳаракати ва жанговар вазифаларни бажаришда қўлланаётган тактика-нинг мақсадга мувофиқлиги ва тўғри эканини баҳолаш мумкин бўлади.

Бешинчидан, қўшинларнинг реал эҳтиёжларини тизимили равишда таҳлил қилиб бориш, уларнинг замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланиш даражасини ошириш доимо эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Бу борада Мудофаа вазирлиги, Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси томонидан 2018-2021 йилларга мўлжалланган қўшинларни модернизация қилиш ва замонавий қурол-ярог ва ҳарбий техника билан таъминлаш бўйича комплекс дастурни тўлиқ амалга ошириш лозим.

Олтинчидан, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминот тизимини янада такомиллаштириш биз учун энг муҳим вазифа бўлиб қолади. Бу борада 2020 йилгача мўлжалланган Куролли Кучларни ижтимоий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича

комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш долзарб аҳамиятга эгадир.

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги йиғилишни якунлар эканмиз, қуидаги масалаларни алохида таъкидлаш зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, Куролли Кучлар, ҳарбий округлар кўмондонлиги, давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва ушбу йиғилишда иштирок этаётган барча мансабдор шахслар чукур тушуниб олсин: бизнинг барча куч ва имкониятларимиз мен бугун қисқача баён килган, куни кеча қабул килинган аниқ чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш учун тўла сафарбар этилиши шарт.

Иккинчидан, яқинлашиб келаётган Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш масаласига алохида тўхталиб ўтиш лозим, деб ҳисоблайман.

Маълумки, хозирга қадар биз ушбу сана муносабати билан Тошкент шаҳрида республика миқёсида тантанали бир тадбир ўтказиш билан чекланар эдик. Бундай тажриба энди эскириб қолди ва ундан воз кечиш вақти келди, деб ўйлайман.

Бу масаланинг ҳаётимиздаги ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, Ватан ҳимоячилари кунини расмиятчиликдан холи, кўтаринки ва таъсирчан рухда, ҳақиқий ҳалқ байрами сифатида, янгича шаклда ташкил этиш зарур. Бундай тадбирларни айниқса худудларда, Қоракалпогистон Республикаси ва вилоятларда ҳарбий-маъмурий секторлар – маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари раҳбарлари иштирокида, юксак савияда
ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Қадрли дўстлар!

Сўзимнинг якунида сизларни ва оила аъзоларин-
гизни яна бир бор Ўзбекистон Республикаси Куролли
Кучлари ташкил этилганинг 26 йиллиги ва Ватан
химоячилари куни билан самимий табриклайман.

Сизларнинг шарафли ва масъулиятли хизматингизда
улкан ютуқлар ва оиласвий баҳт тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Хавфсизлик Кенгашининг кенгайтирилган марқибдаги
йигилишида сўзланган нутқ*

2018 йил 10 январь

АДАБИЁТ ВА САНЬАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ХАЛҚИМИЗ МАЊНАВИЙ ОЛАМИНИ ЎКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

Ассалому алайкум, азиз дўстлар, қадрли устозлар!
Мухтарам ватандошлар!

Бугун мана шу муҳташам саройда сиз, азизлар билан – миллий маданиятимизнинг кўзга кўринган намояндадари, атоқли шоир ва адиларимиз, театр, кино, мусика санъати соҳасининг таникли ҳамда ёш вакиллари билан, санъатшунос олимлар, журналистлар билан учрашиб турганимдан бениҳоя хурсандман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизлар орқали ўзининг ёркин истеъоди, билим ва маҳорати, фидокорона меҳнати билан жамиятимизнинг мањавий тарақкиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча ижодкор зиёлиларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, самимий тилакларимни изҳор этаман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Инсон қалбини, унинг дарду ташвишларини, халкнинг орзу-интилишлари, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини бетакрор сўз, оҳанг ва рангларда тараннум этишни ўз ҳаётининг мањно-мазмуни деб биладиган сиз, мухтарам ижод аҳлининг меҳнати накадар машаққатли, масъулиятли ва шарафли эканини барчамиз яхши биламиз.

Мен сизларнинг кўпчилигингизни узоқ йиллардан бўён якиндан танийман, асарларингизни ўқиганман, сизлар яратган куй-кўшикларни, картиналар, фильм ва спектаклларни доимо катта қизиқиш билан тинглаб, томоша қилиб келаман.

Бир сўз билан айтганда, адабиёт ва санъатнинг чинакам мухлиси бўлиш насиб эттанидан баҳтиёрман.

Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ҳоким бўлиб ишлаганимда ҳам, Тошкентдаги фаолиятим давомида ҳам сиз, муҳтарам ижодкорлар билан катта-катта тадбирлар, байрам ва маросимларда кўп-кўп учрашганимиз, сухбатлашганимизни, керак бўлганида, ижодий баҳслар ҳам қилганимизни, биргаликда амалга оширган ишларимизни мен доимо миннатдорлик билан эслайман.

Демоқчиманки, биз ҳаммамиз бир-биримизни яхши биламиз, машхур бир қўшиқда айтилганидек, «ўртада бегона йўқ».

Шу сабабли ҳам бугунги учрашувимизни, агар сизлар рози бўлсаларингиз, мана шундай самимий ва очик мулокот руҳида ўтказсак, маданиятимиз ва санъатимизнинг ривожланиш жараёнларини холисона ва танқидий баҳолаб, бу борада ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни бартараф этиш ҳақида атрофлича фикрлашиб, бамаслаҳат бир қарорга келсак, айни муддао бўларди.

Азиз дўстлар!

Барчангиз яхши хабардорсиз, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигига амалга

оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида муҳим пойдевор бўлди. Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Айни вактда, бугунги глобаллашув даврида жаҳон микёсида чукур молиявий-иктисодий инкиroz давом этаётган, ракобат тобора кучайиб бораётган кескин бир шароитда биз мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини ҳар томонлама таҳлил қилиб, давлатимизни баркарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш мақсадида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқдик.

Ушбу стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёsat юритиш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Мана шу стратегияга мувоғиқ, барча соҳа ва тармоклар қатори маданият ва санъат, адабиёт,

оммавий ахборот воситалари равнакини янги боскичга кўтаришни биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу борада олиб борилаётган амалий ҳаракатлар сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Шу ҳакда қисқача тўхталиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Биз ҳозирги вақтда йирик бир лойиха – Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш бўйича катта ишларни бошлаб юбордик.

Бу марказ аввало халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, халқаро микёсда динлараро ва цивилизациялараро мулокотни йўлга қўйиш, бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларни кўзда тутади.

Шунингдек, Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази барпо этилаётганидан ҳам хабардорсиз, албатта.

Бундан ташқари, яқинда «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдик. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази, Фанлар академияси қошида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази тузилди.

Биз ана шундай марказлар фаолиятини самарали ташкил этишда сиз, азизлар ўз истеъдодингиз, билим

ва тажрибангиз билан яқиндан ёрдам берасиз, деб ишонамиз.

Маънавий ҳайтимизни янада ривожлантириш мақсадида кейинги пайтда бир қанча муҳим хужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштириш, ҳудудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил этиш тўғрисидаги карор ва фармойишлар ҳам қабул килинди.

Бу ҳақда гапирганда, Тошкент шаҳрида Адиблар хиёбони бунёд этилаётгани, у ерда адабиётимизнинг буюк намояндайларига бағишлиб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилаётгани, шунингдек, Наманган вилоятида улкан маърифатпарвар Ибрат домла, Жizzах шаҳрида атоқли ижодкорлар Ҳамид Олимжон, Зулфия ва Шароф Рашидов, Хоразм вилоятида оташнафас ҳофиз Комилжон Отаниёзов, Нукус шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Ибройим Юсупов, Фарғона, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф хотираларини агадийлаштириш ишлари олиб борилаётганини қайд этиш лозим.

Бу ишларнинг мантикий давоми сифатида ёш шоир ва адиблар, актёр, рассом ва қўшиқчилар, журналистларнинг истеъодини юзага чиқариш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Биргина мисол. 2010 йилдан буён Ёзувчилар ўюшмасининг «Ижод» фонди томонидан «Биринчи китобим» сериясида 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфланиб, 73 номда, жами 1 миллион 220 минг

нусхада ёш ижодкорларнинг китоблари нашр этилди ва улар республикамизнинг барча таълим муассасаларига белул етказиб берилмоқда.

Биз мана шу ўта муҳим йўналишдаги ишларимизни бундан кейин ҳам қатъият ва изчилик билан давом эттирамиз – мен бу ҳақда кейинроқ батафсил гапираман. Нега деганда, адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало ҳалқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

Лекин табиий бир савол туғилади. Мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида ижодкор зиёлиларимизнинг ўрни ва ҳиссаси қандай бўлмоқда?

Албатта, биз ҳалқимизнинг маънавий камол топишида маданият намояндаларининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Юксак идеаллар йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, ўзлигимизни англаш, ғурур ва ифтихор, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиш – сиз, ижод аҳлига хос эзгу фазилат эканини ҳаммамиз яхши биламиз ва буни юксак қадрлаймиз.

Лекин, кўлимиизни кўксимиизга қўйиб холисона айтайлик: ижодкор зиёлиларимизнинг бугунги фаолияти жамиятимизни, энг аввало, эл-юрт тақдири учун доимо куюниб, ёниб яшайдиган, бедор қалб эгалари бўлган сизларнинг ўзингизни қониқтирадими?

Ўйлайманки, ҳозирги кунда маданият ва санъат аҳлида фаоллик, янги-янги ижодий гоя ва ташабbusлар

билан яшаш, изланиш руҳи етишмаётганини ўзларингиз ҳам ҳис қилиб турибсиз.

Юртимиздаги бугунги ижодий мухитни кузатсак, у кандайдир турғунликка тушиб, бир жойда депсиниб тургандай, кўпчилик ижодкорларимиз ўз ташвиш ва муаммолари билан ўралашиб қолгандай таассурот колдиради. Ҳолбуки, маданият ва санъат арбоблари ҳамиша жамиятнинг энг олдинги сафларида бўлиши, ўз асарлари, фаол гражданлик позицияси билан одамларни эзгу максад ва мэрралар сари бошлиши, илҳомлантириши керак эмасми?

Азал-азалдан ҳалқ ижод ахлига жуда катта хурмат ва ишонч билан караши сизларга яхши маълум. Русча ибора билан айтганда, уларга «властители дум», яъни «жамият тафаккурининг эгалари» деган юксак баҳо бериб келиниши албатта бежиз эмас. Чунки, сизларга Яратганинг ўзи шундай ноёб истеъдод ва салоҳият ато этганки, бундай хусусият, бундай фазилат ҳар кимга ҳам насиб этмайди.

Адабиёт ва санъатнинг накадар қудратли кучга эга экани ҳакида сиздек зукко инсонлар хузурида сўз юритишга, очигини айтсам, мен бироз тортинаман. Лекин мана шундай буюк, илохий кучдан биз мамлакатимиз, эл-юртимиз равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланяпмизми? Ёки улуғ адабимиз Абдулла Қаххор айтганидек, атомнинг кучини ўтин ёришга сарфлаяпмизми?

Албатта, санъаткорларимиз ўргасида ҳалқимиз олдидаги маънавий ва ижтимоий бурчини, фарзандлик карзини чукур англаб, ўзини аямасдан меҳнат қила-

ётган, жамиятимизнинг олдинги сафларида бўлиб келаётган инсонлар оз эмас.

Замон билан ҳамнафас ижод қилиб, бошқаларга ўрнак ва намуна қўрсатаётган фидойи, фаол зиёли-ларимизнинг аксарият қисмини бугунги даврамизда кўриш шахсан менга катта хурсандчилик бағишлайди. Уларнинг ижодий изланиш ва ютуклари, хусусан, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётига бағишланган сермаз-мун асарлари ҳақида узоқ гапириш мумкин ва бунинг учун биз улардан миннатдормиз. Лекин, бундай асарлар асосан шоир ёки адаб, рассом ёки режиссёр, бастакорнинг шахсий ташаббуси билан яратилаётгани сир эмас. Уларнинг дунёға келишида ижодий жараёнларни мувофиқлаштириб, санъат аҳлини ҳар томонлама қўллаб-куватлаб, ҳақиқий таянч ва суюнч бўлиши зарур бўлган ижодий уюшмаларимиз ва давлат идораларининг ўрни ва таъсири етарлича сезилмаяпти. Ижодий ташкилотларимиз шиддат билан ўзгараётган замонга ҳамқадам бўлиб яшаш, ўз фаолиятини самарали ташкил этишда давр талабларидан орқада қолмоқда.

Аслида улар нафакат бугунги кун, балки келажакни кўзлаб иш тутиши, шу асосда пухта ўйланган, мустаҳкам режаларни тузиши керак эмасми? Дейлик, 15-20 йилдан кейин Ўзбекистоннинг маданий ривожланиши қандай кечади, бугун биз яшаётган Интернет ва юксак технологиялар асрида адабиёт ва санъат, маданиятимизнинг ўрни ва таъсирини нафакат сақлаб қолиш, балки қандай қилиб уни кучайтириш мумкин, деган тўгри ва одилона саволлар барчамизни, биринчи навбатда, ҳалқимизнинг энг илғор вакиллари бўлган ижод аҳлини ўйлантириши зарур эмасми?

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ижодий уюшмаларнинг бугунги фаолиятида тадбирбозлиқ, шунчаки хўжакўрсинга ишлаш, сусткашлик ва лоқайдлик кайфијатлари тобора яққол кўзга ташланмоқда. Ижодий ташкилотлар раҳбарларининг аксарияти фақат юқоридан буйруқ кутиб ишлашга ўрганиб қолгани, уларнинг фаолиятида умумий максад учун жон кўйдириш, ташаббус ва ташкилотчилик сезилмаёттани албатта ачинарли ҳол.

Мен бугунги учрашувга тайёргарлик кўриш жараёнида ижодий ташкилотларимизнинг низомлари билан танишиб чиқдим. Қаранг, бугун биз кўяётган саволлар, долзарб вазифаларни амалга ошириш аслида бу тузилмаларнинг низомларида аниқ белгилаб кўйилган экан. Демак, ижодий ташкилотларимиз ўз фаолиятининг пойдеворини ташкил этадиган асосий хужжат – низом талабларига амал қилмаяпти, десак, тўғри бўлади.

Мисол учун, Ўзбекистон Бадиий академияси, Бастакорлар уюшмаси каби ташкилотларда ана шу талабларга эътибор қилмаслик, хусусан, съезд ва сайловларни ўз вақтида ўтказмаслик ҳолатлари ҳам шундан далолат беради.

Бастакорлар уюшмасининг курултойи 1995 йилдан сўнг – орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтиб, ниҳоят 2014 йилда, шунда ҳам юкори ташкилотларнинг талаби билан ўтказилганини қандай баҳолаш мумкин? Ҳолбуки, бугунги кунда барча давлат ва нодавлат ташкилотлар учун ҳалқ билан доимий мулокот килиш, ҳалқ олдида хисбот бериш энг асосий талаб сифатида кўйилмоқда.

Ёки биз бир пайтлар катта умид билан ташкил этган Бадий академия фаолиятини оладиган бўлсақ, бу ерда 2003 йилдан бўён сайлов ўtkазилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Ҳозирги вақтда академияда 10 та ҳақиқий аъзолик ўрни бўшаб қолгани ҳолда, нега янги сайлов ўtkазилмаётганини тушуниш қийин.

Бу албатта мазкур уюшмаларда масъулият туйғуси, ишчанлик ва ижодий муҳит йўқолиб бораётганининг натижасидир.

Айни пайтда, адабий-бадий жараёнларда кўзга ташланаётган салбий тенденциялар, хусусан, маданият соҳасида тижоратлашув, шахсий манфаатнинг биринчи ўринга чиқаётгани, гоявий-бадий жиҳатдан саёз асарларнинг бозори чақкон бўлиб бораётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Афсуски, ижодий уюшмалар томонидан бундай ҳолатларга принципial баҳо берилмаяпти, уларни бартараф этиш бўйича ҳар томонлама асосланган амалий таклифлар ўртага қўйилмаяпти.

Нима учун маданий ҳаётимизда танкидий рух сезилмайди? Соғлом танкид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинакам ижод бўлиши мумкинми ўзи? Бу борада Маданият вазирлиги, «Ўзбеккино» агентлиги, Бастакорлар уюшмаси, «Ўзбекконцерт» ва бошқа ижодий ташкилотлар қошидаги бадий кенгашларнинг фаолияти деярли сезилмаяпти.

Яратилаётган асарлар, фильм ва спектакллар, кўргазма ва концерт дастурларига принципial ва малакали баҳо бериш, матбуотда холис ва ҳақконий рецензиялар, хулосалар билдириш тобора камёб ҳодисага айланиб бормоқда.

Яна бир ташвишли ҳолат – ижодий уюшмалар ўртасида ҳамкорлик алокалари яхши йўлга кўйилмаган. Бадиий академия, Бастакорлар, Ёзувчилар, Журналистлар, Кино арбоблари уюшмалари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ижодий муносабатлари деярли тўхтаб колган, уларнинг ҳар бири ўз ёгига ўзи қоврилиб ётибди. Ваҳоланки, ушбу тузилмалар фаолиятида биргаликда ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб ижодий ва ижтимоий муаммолар тўпланиб қолган.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича мавжуд хуқукий-норматив базани такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш, ижод ахлининг машакқатли меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан муносиб рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ва ислоҳ қилиш каби бир-биридан муҳим ва долзарб масалалар ижодий уюшмалар эътиборидан четда қолиб келаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда зиёлилар даврасида енгил-елпи китблар, саёз, олди-кочди газета-журналлар, теле-радио станциялар кўпайиб бораётгани тўғрисида ҳақли эътирозларни эшитиш мумкин.

Хозирги пайтда юртимизда турли мулк шаклига эга бўлган 1513 та оммавий ахборот воситаси, шунингдек, 122 та нашриёт фаолият олиб бормоқда. Аммо уларнинг барчаси ҳам бизнинг миллий гоямизни ривожлантириш, ҳалқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат киляптими, деган савол кўндаланг турибди. Хусусий нашриётларнинг кўпчилиги бир вақтлар вилоятларда ҳам нашриётлар бўлсин, деган нотўғри ёндашув билан

ташкил этилгани, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти ниҳоятда ночор экани китоб деган мўътабар тушунчанинг қадрини туширишга олиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Лекин бу муаммони қонуний асосда қандай ҳал қилиш мумкинлиги ҳакида амалий таклифлар деярли учрамайди.

Бошқаларга қандай, билмадим-у, аммо менинг назаримда, бундай салбий ҳолатнинг бош сабаби мамлакатимиз ахборот бозорининг тартибиға солинмагани билан боғлик. Бу борада сон эмас, сифат ва самара муҳим. Майли, нашриётлар сони 122 та бўлмасин, озроқ бўлсин, лекин талабга жавоб берадиган бўлсин.

Биз бугун китобхонлик маданиятини ошириш, илмий, бадиий, сиёсий адабиётларни қўпайтириш масаласига алоҳида эътибор беряпмиз. Аммо бу ишларни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширишимиз, бошлаган олижаноб ҳаракатимизни обрўсизлантиришга йўл қўймаслигимиз шарт.

Афсуски, матбуот ва ахборот соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда ваколатли ва масъул орган вазифасини бажариши керак бўлган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бу борада факат кузатувчи бўлиб ўтирибди. Шунинг учун яқинда Матбуот ва ахборот агентлигига янги раҳбар тайинланди. Шу билан бирга, ушбу ташкилот фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича Президент қарори тайёрланмоқда.

Қадрли дўстлар!

Ҳаммангиз гувоҳсиз, бугунги кунда Ўзбекистон улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланмоқда.

Замонавий корхона ва иншоотлар, автомобиль ва нефть заводлари, тўқимачилик комбинатлари, эркин иқтисодий зоналар барпо этиляпти. Янги-янги конлар ишга туширилмоқда, минтақа ва худудларимизда автомобиль ва темир йўллари, сув омборлари, мухташам кўприклар, аҳоли учун арzon уй-жойлар, кўплаб илм-фан, тиббиёт, маданият ва спорт марказлари курилмоқда, минглаб гектар майдонларда катта-катта боғ-роғлар яратилмоқда.

Энг муҳими, мураккаб ва оғир, чукур билим ва тажрибани талаб киладиган шароитларда, кечани кеча, кундузни кундуз демасдан, мана шундай катта лойиҳаларни ким амалга оширяпти, ким бу ишларни киляпти? Ўзимизнинг одамлар, ўзимизнинг йигит-қизларимиз. Ана шу кора кўзларнинг меҳнати ва жасорати, Ватанга фидойилиги ҳар қандай эътироф ва таҳсинга лойик эмасми?

Бундай бунёдкорлик ишлари, мен ўйлайманки, ҳар қандай ижодкор учун илҳом манбаи бўлиб, янги асарлар учун мавзу бўлиб хизмат қилиши мумкин. Замонамизнинг ҳакиқий қаҳрамонлари бўлган мана шундай курувчи ва муҳандислар, дала заҳматкашлари ҳакида, жонкуяр муаллим ва шифокорларимиз, жасур ҳарбийларимиз, навқирон ёшлиаримиз эришаётган ютуқ ва марралар ҳакида сизлар ёзмасангиз, Ватанимиз тарихининг бадиий солномасини сизлар яратмасангиз, ким яратади? Агар биз истеъод ва маҳоратимизни шу мукаддас замин, шу олижаноб халқимиз учун сафарбар этмасак, ҳазрат Навоий айтмокчи, бу ҳунарни асраб нима қиласиз, каерга опкетамиз уни?

Неча йиллардан бери масала қўямиз – замонавий қаҳрамон образини яратайлик, деб. Лекин бирорта жиддий натижага эриша олдикими?

Албатта, бу борада қандайдир интилиш ва ҳаракатлар кўзга ташланаётганини, бадиий ва публицистик асарлар, пьеса ва киноленталар пайдо бўлаётганини инкор этиб бўлмайди. Аммо уларнинг кўпчилиги юракдан чиқмаган, зўрма-зўраки уринишлар бўлиб, ҳали маданий ҳаётимизда воқеа бўладиган етук ва мукаммал асарлар яратилгани йўқ, десак, бу ҳам ҳақиқат бўлади.

Очиғини айтганда, баъзи ижодкорларга бу масала бироз ғалати туюлиши, улар буюртма билан яхши асар, тўлақонли образ яратиб бўлмайди, деган фикрни билдириши ҳам мумкин. Лекин мен ўйлайманки, санъаткор – агар у ҳақиқий истеъдод эгаси бўлса – ижтимоий буюртма асосида ҳам етук асар яратишга кодир бўлади.Faфур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Туроб Тўла, Жуманиёз Жабборов ва бошқа атоқли шоирларимиз ижодидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. «Алишер Навоий», «Тоҳир ва Зухра», «Абу Райҳон Беруний», «Маҳаллада дув-дув гап», «Ёр-ёр» каби машҳур фильмларимиз ҳам ўз вақтида давлат буюртмаси билан яратилгани сизларга яхши маълум.

Ёки Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳордек талабчан адид ҳам бир пайтлар Мирзачўлга бориб, икки-уч ой чайлада яшаб, буюртма билан «Шоҳи сўзана» деган гўзал асар ёзганини, у дунёнинг кўплаб мамлакатларида саҳнага қўйилиб, шуҳрат қозонганини ҳаммамиз биламиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, сиз, азизларга бир таклиф билан мурожаат килмоқчиман. Энг истеъдодли ва масъулиятли ёзувчиларимиз, кино, театр, мусика ва тасвирий санъат арбобларига ижтимоий буюртма бериш масаласини тизимли асосда йўлга қўйсак, уларни юртимизнинг турли худудларига ижодий сафарларга юбориб, янги асарлар яратишга рағбатлантиrsак, нима дейсизлар?

Масалан, таникли шоирларимиз Анвар Обиджон Фарғона водийсида, Маҳмуд Тоир Тошкент вилоятида, Сироҳиддин Сайид Сурхон воҳасида бўлаётган бугунги улкан ўзгаришлар ҳакида янги асарлар ёзиб берса, қандай яхши бўларди.

Ёки хурматли шоирларимиз Ҳалима Худойбердиева бугунги ёш ўзбек қизлари ҳаёти, уларнинг орзуинтилишлари ҳакида бир асар – майли, бу достон бўладими, драма ёки сценарий бўладими – ёзиб берсалар, айни муддао бўларди. Мана шундай асарларни биз Ойдин Ҳожиева, Энахон Сиддиқова, Шарифа Салимова, Ҳосият Бобомуродова, Фарида Бўтаева, Гулайша Есемуратова, Зулфия Мўминова, Зулфия Куролбой қизи ва бошқа фаол ижодкор аёлларимиздан ҳам кутиб қоламиз.

Мана шу даврада ўтирган, жойларда бизни эшиштаётган барча ижодкор дўстларимизнинг ҳам ижодий режалари бўлса, биз ижодий уюшмаларимиз оркали бундай таклифларни кўриб чиқишига тайёрмиз. Агар Абдулла Қаххор чайлада яшаб асар ёзган бўлса, биз сизлар учун барча шароитларни яратиб, керак бўлса, гонорарини олдиндан, 5-10 хисса қилиб тўлаб беришга ҳам тайёрмиз.

Шу ўринда мени кўпдан буён ўйлантириб келаётган яна бир масала бўйича сизлар билан фикрлашмоқчиман.

Барчамиз, айниқса, бу ерда йигилган ижодкор зиёлиларимиз, бизнинг қандай буюк ва шонли ўтмишимиз, қандай улуғ аждодларимиз борлигини яхши биламиз ва бу билан ҳамиша фахрланамиз. Мисол учун, биронта жангда енгилмаган буюк саркарда Соҳибқирон Амир Темурни оламизми, алгебра фанига асос солган Ал-Хоразмийни оламизми, Колумбдан 500 йил олдин Американи кашф этган Беруний бобомизни оламизми, ўрта асрларда тиббиёт фанининг пойдеворини яратган Ибн Синони оламизми, астрономия соҳасида бекиёс кашфиётлар қилган Мирзо Улуғбекни оламизми – жаҳон цивилизацияси ва маданиятига улкан ҳисса кўшган бундай улуғ аждодларимизнинг ҳар бири ҳакида соатлаб гапиришимиз мумкин.

Лекин, холисона айтганда, кейинги пайтда ана шундай улуғ зотлар, улар қаторида Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мўъин Насафий каби азизавлиёларимиз, Алишер Навоий, Бобур каби шоир ва мурафакирларимиз хотирасини кино экранларида акс эттириш учун бирон-бир арзидиган иш қилдикими? Тан олиш керакки, йўқ.

Бу мавзуларда бундан қирқ-эллик йил олдин устоз кино ижодкорларимиз томонидан баъзи бир асарлар яратилган бўлиб, улар ҳозирга қадар экранлардан тушмай келмоқда. Мустабид тузумнинг оғир шароитида шундай кинофильмлар яратганлари учун улардан албатта миннатдормиз. Лекин бу асарлар ўз даврининг

мафкураси билан сугорилгани, уларнинг айримларида тарихий ҳакикат бузилганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Албатта, якин ўтмишишимизда ҳам таникли режиссёrlаримиз томонидан бу борада баъзи бир ҳаракатлар бўлганини эътироф этиш лозим. Масалан, атокли адибларимиз Ойбек ҳамда Пиримкул Қодировнинг романлари асосида таникли телережиссёр Максад Юнусов «Алишер Навоий» ва «Бобур» видеофильмларини яратганини, уларда машхур актёрларимиз маҳорат кўрсатганини яхши биламиз. Аммо бу фильмларни суратга олишда моддий-молиявий ва техник имкониятлар ниҳоятда чеклангани яққол сезилиб туради. Кейинчалик «Ўзбекфильм» студияси «Буюк Амир Темур» бадиий фильмини яратди. Лекин, минг афсуски, бу асар кутилган натижани бермади, уни «Мана бизнинг Сохибқирон бобомиз!» деб фахрланиб, кўз-кўз қилиб кўрсатишнинг имкони бўлмади.

Ижодкорларимиз тарихий мавзуга кўл урад эканлар, кўламни кенгрок олишга, маррани баланд кўйишга алоҳида эътибор каратишлирини истардик. Чет элларда Спартак, Ганибал, Александр Македонский, Наполеон, Леонардо да Винчи, Бетховен, Лев Толстой каби буюк шахслар ҳакида тарихий ва бадиий жиҳатдан мукаммал кандай етук асарлар яратилган!

Холбуки, бизнинг улуғ боболаримиз ҳам улардан зиёд бўлса зиёдки, лекин асло кам эмас. Агар биз аждодларимиз хотирасини улуғламоқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино санъати орқали амалга оширишимиз керак.

Айнан кино санъати орқали жаҳон экранларини забт этишимиз, шу йўл билан дунё ахлининг диккат-эътиборини қозонишимиш мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда, давлат буюртмаси асосида буюк тарихий аждодларимиз ҳақида ҳар томонлама етук бадиий фильмлар яратиш учун маҳсус ижодий гурухлар ташкил этиш, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мисол учун, хурматли адибимиз Муҳаммад Али кўп йиллардан буён Амир Темур бобомиз ҳақида қанчаканча китоблар, романлар яратди. Мана шу асарлар асосида кино режиссрларимиз, айтайлик, муҳтарам Шуҳрат Аббосов ёки Зулфикор Мусоқов юксак ҳалқаро мезонларга жавоб берадиган фильмни нима учун яратиши мумкин эмас?

Ёки, масалан, атоқли режиссримиз Баҳодир Йўлдошев ҳам неча йиллардан буён Мирзо Улуғбек ҳақида мукаммал бир асар яратиш орзуси билан юрганини мен яхши биламан. Таниқли олим, Астрономия институтининг директори Шуҳрат Эгамбердиев ҳам Мирзо Улуғбекнинг ўлмас меросини бутун дунёда тарғиб қилиб юрибди. Уларнинг мана шундай саъйхаракатларини рӯёбга чиқариш учун зарур шароит яратиб берсак, мен ўйлайманки, жаҳон кино экранларига чиқа оладиган гўзал бир бадиий фильм вужудга келган бўларди.

Мана, бугун даврамизда Рихсивой Муҳаммаджонов, Ҳилол Насимов, Ёлқин Тўйчиев каби истеъоддли сценарист ва режиссрларимиз ўтирибди. Айни вактда, Баҳодир Одилов, Абдухалил Менгноров, Аюб

Шаҳобиддинов, Мансур Абдухоликов сингари таникли режиссёrlаримиз ҳам фаол ижод киляпти.

Мен сезиб турибман, бу гапларни эшитиб, кўпчилик ижодкорларда «Эй, жаноб Президент, сиз айтиётган таклифларни амалга ошириш учун жуда катта маблағ керак, энг замонавий киноаппаратлар, тарихий лиbosлар керак, канча чет мамлакатларда съёмка ишларини олиб бориш керак, минг-минглаб одамларни бу жараёнларга жалб этиш керак», деган фикр туғилиши табиий.

Бизнинг нафакат тарихимиз, балки бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу вазифани амалга ошириш учун биз катта миқдордаги маблағларни, керак бўлса, эркин муомаладаги валюта маблағларини ҳам топиб беришга, киночиларимизни чет давлатларга ижодий сафарларга юборишга ҳам тайёрмиз. Худога шукур, бугунги иқтисодий аҳволимиз бунга имкон беради.

Азиз дўстлар, менинг бу сўzlаримни буйруқ ёки топширик деб эмас, илтимос деб, ижодга даъват деб қабул килишингизни истардим. Агарки, бирон кишига «давлат буюртмаси» деган сўз бошқача туюладиган ёки малол келадиган бўлса, марҳамат, буни ҳозирги мода бўлган тилда «давлат гранти» деб атайлик.

Мухтарам анжуман катнашчилари!

Биз учун ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган яна бир ўта муҳим масала борки, унга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан. У ҳам бўлса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз, фарзандларимиз тарбияси билан боғлиқдир.

Буюк бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, бу масала биз учун ҳақиқатан ҳам ё нажот, ё ҳалокат, ё

саодат, ё фалокат масаласидир ва ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган, таъбир жоиз бўлса, масалаларнинг масаласидир.

Шу маънода, бугунги кунда юртимизда тобора кенг тарқалиб бораётган «Ўз болангни ўзинг асра!» деган даъват фақат қуруқ шиор бўлиб қолмасдан, ҳар бир ота-она, ҳар бир фуқаронинг қалбига, юрагига чукур кириб бориши, амалий ҳаракатга айланishi учун ижодий ташкилотларимиз ҳам ўз масъулиятини жиддий равишда қайта кўриб чиқишилари давр талабига айланмоқда.

Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар «оммавий маданият» таҳди迪 фақат четдан – Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чикиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтиаётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларни кузатиб, соглом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий.

Энг ёмони, бадий ижод соҳасида жаҳолат кўринишлари кучайиб бормоқда.

Биз «жаҳолат» деганда одатда диний жаҳолат, ақидапарастликни тушунамиз. Лекин бугунги ҳаётий жараёнлар жаҳолат ҳамма соҳада ҳам учраши, агар унга қарши ўз вақтида кураш олиб борилмаса, ўта оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Биз бугун жаҳолат деган балога иқтисодиёт соҳасида ҳам, таълим-тарбия, соглиқни сақлаш,

маданият тизимида ҳам, қўйингки, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида дуч келяпмиз ва бу иллат қўл-оёғимизда бамисоли кишан бўлиб турибди. Бу кишандан халос бўлмасдан туриб, тараққиёт ва ривожланиш ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас.

Айни вактда, маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазифалар турибди.

Шу нуқтаи назардан, кино соҳаси фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, бу борада муайян ютуқлар билан бирга, жиддий нуқсон ва камчиликлар ҳам яққол кўзга ташланади. Баъзи фильмларда майда мақсадлар билан яшайдиган, ҳаётга факат истеъмолчилик кайфияти билан қарайдиган кимсалар асосий қаҳрамон сифатида тасвирланаётгани ташвиш уйғотмасдан кўймайди. Энг ёмони, номдор санъаткорлар, ҳатто «Ўзбекистон ҳалқ артисти» деган юксак унвонга сазовор бўлган актёрлар ҳам мана шундай киноларда турли бачкана ролларни ижро этмоқда. Аввал дурустгина фильмлар яратган режиссёrlар ҳам, сал ўтмасдан, хомхатала асарлар билан томошабинларнинг ихлосини қайтармоқда.

Якинда «Тошкент ҳақиқати» газетасида шу мавзудаги бир мақолани ўқидим. Мақола муаллифи айрим киноларимизнинг хорижий фильмлардан айнан кўчириб олингани, яъни адабий ўғрилик – плагиатга йўл кўйилаётгани ҳақидаги фикрларни баён этиб, аниқ мисолларни келтиради. Афсуски, бу миллий кинолари-

мизга нисбатан билдирилаётган ягона танқидий фикр эмас. Бундай мақолаларни матбуотда кўплаб учрашиш, бундай фикрларни жуда кўп одамлардан эшитиш мумкин.

Ўзингиз айтинг, ижодкорнинг шаъни, гурури, санъатга садоқат деган тушунчалар қаёқда қолди?

Ваҳоланки, ҳозирги вактда биз кино соҳасига давлат бюджетидан ҳар йили миллиардлаб сўм маблағ ажратяпмиз. Биргина шу йилнинг ўзида «Ўзбеккино» миллий агентлигига бюджетдан 12 миллиард 400 миллион сўм ажратилади.

Ёки бўлмаса, республикамиздаги мавжуд 37 та театр фаолиятини таъминлаш учун ҳам ҳар йили катта микдорда маблағлар йўналтирилади. Бу йилнинг ўзида ушбу мақсадда давлат бюджетидан 81 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган.

Албатта, давлатимиз, жамиятимиз санъат ривожи учун ҳеч нарсани аямайди. Лекин бу борада кутилган натижага эришилайтими? Бу саволга бугун ижобий жавоб бериш қийин эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши биламиз.

Аксарият театрларимизнинг репертуарлари ғоявий-бадиий жиҳатдан ночор, улардан ўрин олган спектаклларда бугунги кун нафаси, одамларни ўйлантираётган, ҳаяжонга solaётган жиддий ижтимоий муаммолар ўз аксини топмаяпти.

Афсуски, театрларимиз кўпроқ майший мавзулардаги енгил-елпи, бачкана асарлар, одамга на маънавий озиқ, на эстетик завқ берадиган томошаларни намойиш этишга ўрганиб қолган.

Хурматли театр арбобларимиз ўзларининг матбуот ва телевидениедаги чиқишлиарида кўпинча маърифат-парвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Театр – ибратхонадир» деган ҳикматли сўзларини келтиришни яхши кўрадилар. Лекин мана шу доно сўзларни фақат оғизда айтмасдан, ўз фаолиятимизда уларга амал қилсак, айни муддао бўларди, деб ўйлайман.

Мен гоҳ-гоҳида маданият соҳасига масъул бўлган раҳбарларимиздан «Қачон энди, бир яхши спектакль ёки кинофильм яратиб, бизни таклиф киласизлар», деб сўраб тураман. Афсуски, шунда улар хижолат тортиб, «Шавкат Миромонович, ҳали сизга кўрсатадиган муносиб асарлар яратолганимиз йўқ, бизга яна озгина фурсат беринг», дейишади. Майли, мен тушунаман, бу ижодий жараён, лекин ҳар қандай муддатнинг ҳам чегараси бўлиши керак-ку. Ўзингиз айтинг, ҳалқимизга манзур бўладиган фильм ва спектакллар қачон яратилади?

Азиз дўстлар!

Барчангиз яхши хабардорсиз, мамлакатимизда маданият тизимини ривожлантириш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган киска даврда бу борада иккита муҳим ҳужжат – «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармон, «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдик. Лекин, шундай бўлса-да, бугунги кунда тизим фаолиятини қониқарли баҳолай олмаймиз. Маданият вазирлиги

мутасаддиларида сусткашлик, ўзибўларчилик, хотиржамликка берилиш кайфияти давом этмоқда.

Вазирлик раҳбариятида барча маданият ва санъат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга илмий-услубий ёрдам бериш, бир сўз билан айтганда, маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш салоҳияти етишмаяпти.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вактда маданият ва санъат муассасаларида меҳнат қилаётган кадрларнинг 50 фоиздан зиёди олий маълумотга эга эмас. Бунинг асосий сабаби, институтларни битириб жойларга ишга бораётган кадрларга зарур шароит яратиб берилмаган.

Бугунги кунда вазирлик тизимида 41 та музей ва уларнинг 76 та филиали фаолият кўрсатмоқда. Ана шу музейларда, ёрдамчи фондлар билан бирга, 1 миллион 736 мингдан зиёд экспонат мавжуд. Бу – жуда катта бойлик. Лекин бу бойликни асрраб-авайлаш, уларни илмий асосда ўрганиш, ташвиқот қилиш, келажак авлодларга етказиш масаласида, афсуски, қатор муаммолар бор. Масалан, «Музейлар тўғрисида»ги қонунда белгиланган миллий музей фондининг давлат каталогини яратиш ҳақидаги талаб 8 йилдан бўён бажарилмаяпти.

Яна бир муҳим масала – энг оммавий санъат бўлган эстрада санъатини ривожлантириш вазирлик эътиборидан четда қолмоқда.

Энг асосий камчилик – бу соҳада ижод қилаётган аксарият ижрочилар фаолиятида талабчанлик ва масъулият, ижтимоий жараёнларга дахлдорлик туйғуси тобора пасайиб бормоқда.

Мен ўз тажрибамдан яхши биламан, катта байрамларимизни – бу Мустакиллик, Наврӯз ёки Конституция байрами бўладими – уларни ўтказиша бизни энг кийнайдиган, хунобимизни чиқарадиган нарса – бу эстрада дастури эканини ҳаммангиз яхши биласиз. Минг афсуски, мана шу ҳолат ҳали ҳам барҳам топгани йўқ.

Эстрада санъатидаги камчиликларнинг асосий сабаблари хеч кимга сир эмас. Кўпчилик қўшиқчилар масъулиятни унутиб, ўз устида ишламай қўйган, изланиш, маҳоратини ошириш, янги ижодий гоялар билан яшаш, санъат дунёсига, муҳлисларга хурмат каби тушунчалар уларга бегона бўлиб қолган, десак, қанчалик аччик бўлмасин, бу ҳам ҳақиқат.

Шундай санъаткорлар ҳам борки, унвон олгунича тинимсиз елиб-югурди, ҳол-жонингизга қўймайди. Унвон олдими, тамом, сувга тушган тошдек жим бўлиб кетади. Улардан унвонга яраша, халқнинг зътиборига яраша ижод кани, деб сўраш ўринлими ёки йўқми? Ижодкорнинг талаби билан бирга бурчи ҳам бўлиши керак эмасми?

Шу муносабат билан мусиқа санъати соҳасида фахрий унвонлар, аввалимбор, «Ўзбекистон ҳалқ артисти», «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» каби мукофотлар билан тақдирлаш масаласини, бу борада қабул қилинган норматив-меъёрий хужжатларни танқидий нуктаи назардан қайта кўриб чиқиш вакти келди, деб ўйлайман.

Кўпчилигимиз яхши биламиз, илгари «Халқ артисти» деган унвон олиш учун санъаткор неча ўн йиллар самарали ижод қилиши талаб этиларди. Масалан, машҳур ҳофиз Таваккал Қодиров «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини олганидан кейин – шунга эътибор беринг – орадан 25 йил ўтиб, «Ўзбекистон халқ артисти» унвони билан тақдирланган эди. Яқин ўтмишдан бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу маънода, унвон беришда санъаткорнинг факат тўртта қўшиги эмас, унинг ижтимоий фаоллиги, муносиб шогирдлар тарбиялагани, эл-юрт ўртасидаги обрў-эътибори, энг мухими, санъатга садоқати устувор мезон сифатида белгиланиши шарт. Бошқача айтганда, биз бу юксак унвонларнинг нуфузи ва обрўсини саклашимиз лозим.

Бизнинг халқимиз – санъатсевар халқ, ўзи севган, ёқтирган ижрочиларни нафақат телевизор ёки саҳнада, балки ўзининг яхши кунларида, тўй-ҳашамларида ҳам кўргиси келади. Буни ҳаммамиз тўғри тушунамиз. Минг афсуски, бугунги эстрада хонандаларининг аксарияти ҳали Янгийўлга, ҳали Шовотга, ҳали Янгиқўрғонга, ҳали Чирокчига тўйга қатнаш билан овора. Бошқа бирон масала билан иши йўқ.

Албатта, санъаткорда ҳам оила, бола-чақа бор, уларнинг ҳам ҳаётий эҳтиёжлари бор. Буниям тўғри тушунамиз. Лекин ижодни пулга, мол-дунёга алмаштирган одамдан санъат шафқатсиз ўч олади. Охир-оқибатда ҳар қандай ёрқин истеъдод ҳам сўниб, эл-юрт назаридан қолади.

Шу ўринда, яна бир масалага сизларнинг эътиборингизни қаратмокчиман. Гап санъаткор одоби, уларнинг юриш-туриши, кийиниш маданияти, муомаласи билан бошкalarга, энг аввало, ёшларимизга ўrnak бўлиши зарурлиги ҳакида бормоқда.

Хушовоз хонанда Санобар Раҳмонованинг бир пайтлар куйлаган дилбар қўшиқларини томошибинлар ҳозир ҳам соғиниб эслайди. Бу санъаткор телекранда ҳам, саҳнада ҳам иболи, ҳаёли, ҳақиқий ўзбек кизининг киёфасини, чинакам образини яратиб, қанча-қанча кизларимизга ибрат бўлган эди.

Афсуски, бугун телевидение орқали берилаётган баъзи клипларни оила, фарзандлар даврасида томоша килиб бўлмай колди. Ҳар бир харакатида ғарбга таклид сезилиб турадиган, очик-сочиқ кийинған ёшларни кўриб, наҳотки шулар ҳам бизнинг фарзандларимиз, бизнинг миллатимиз вакиллари бўлса, деб ўйлаб коласан киши.

Албатта, бундай муаммолар санъатни муқаддас деб биладиган устоз ижодкорларимизни ҳам қийнаётгани табиий. Шундан келиб чиқсан ҳолда, «Ўзбекконцерт» кошида «Ўзбекистон халқ артистлари» клубини ташкил этсак, нима дейсизлар?

Ушбу клуб аъзолари мунтазам йигилишиб, юртимиз ва жаҳон санъат оламида юз бераётган ижодий жараёнларни муҳокама қилиб борса, юкорида тилга олинган камчилик ва муаммоларни ечиш, ёш истеъододлар тарбияси, маданиятимизни равнақ топтириш бўйича янги ғоя, ташаббус ва таклифлар билдириб борса, ўйлайманки, фойдадан холи бўлмасди.

Клубнинг энг фаол аъзолари бўлган Халқ артистларини йил якуни бўйича эътироф этиб, рағбатлантириб боришни ҳам йўлга қўйиш лозим.

Сизларга маълумки, собиқ иттифоқ ҳудудидаги бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, факат Ўзбекистонда эстрада ижодкорлари ахолига маданий хизмат кўрсатишдан топадиган даромадлари бўйича солик тўлаш мажбуриятидан озод қилинган. Айтайлик, хонандаларимиз ўзининг гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш учун бир йилда бир марта белгиланган тартибда маълум миқдордаги маблағни тўлаб, лицензия олади. Бўлди. Бошқа солик йўқ. Аксарият қўшиқчилар мана шу лицензияга тўлайдиган пулини битта тўйда топиши ҳам сир эмас.

Шунинг учун баъзан молия ва солик идоралари томонидан эстрада хонандаларини, бошқа давлатлардаги каби, даромад солигига тортиш бўйича таклифлар билдирилади. Лекин биз азбаройи санъатимиз, маданиятимиз ривожини, халқимизнинг маънавий савиясини юксалтиришни ўйлаб, бу таклифларга розилик бермай келаяпмиз.

Ҳаммангиз тушунасиз, саломга яраша алик ҳам бўлиши керак. Халқимиз санъаткорлардан яратилган ана шундай имконият ва имтиёзларга яраша жавоб кутишга ҳақли, албатта.

Шу муносабат билан бугун бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтишни зарур, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий аҳборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

Кимда-ким бу соҳаларга фақат пул ишлаш, фақат иқтисодий фойда кўриш мақсадида кираётган бўлса, улар, марҳамат, тадбиркорлик, бизнес соҳасига борсин. Мана, бу борада канча-канча имконият ва имтиёзлар яратиб беряпмиз – шу соҳага ўтиб ишласин. Лекин ижодий ишларга аралашиб, ўзини ҳам, санъат деган мукаддас тушунчани ҳам беобрў қилмасин. Буни ҳеч ким ҳеч качон унудишига ҳакки йўқ.

Мухтарам дўстлар!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, яна бир муҳим, таъбир жоиз бўлса, нозик бир масала хусусида сизлар билан маслаҳатлашиб олишни зарур деб биламан.

Жойларда бўлаётган учрашув ва мулоқотларда кўп-кўп одамлар менга айтаяпти, Виртуал қабулхонага ёзяпти, «Тўй-маъракаларимизни бир тартибга солиб беринглар», деб мурожаат киляпти. Ҳақиқатан ҳам, айни шу масала неча йиллар, ҳатто асрлардан бери кун тартибидан тушмасдан келади. Жадид боболаримиз ҳам тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик, дабдаба-бозлик, мақтанчоқлик миллатимизни маънавий таназзулга етаклайдиган иллат экани ҳақида қандай куюниб ўтганларини яхши биламиз.

Мана, ўзинглар кўряпсизлар, соппа-соғ юрған айрим одамлар элликка кирмасдан туриб тўсатдан инсульт бўляпти, инфаркт бўляпти. Сабабини суриштирсангиз, бошқалардан қолмасликка тиришиб, катта тўй қиласман, деб карзга ботган бўлади. Ҳали қарзидан кутулмасдан, яна тўй килиши керак. Очигини айтадиган бўлсак, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар минг-минглаб оилаларнинг нафакат иқтисодий

ахволига, балки, бутун ҳаётига жиддий салбий таъсир күрсатмоқда.

Бугун ҳаётимизда күпайиб бораётган оилавий мажаролар, уруш-жанжаллар, ажралишлар, кудалар ўртасидаги совукчилик сабаблари ҳам аксарият холларда худди шу нарсага бориб тақалади.

Энг ёмони, айрим пул топиб ақл топмаган, маънавий савијаси паст кимсалар тўй-ҳашамлар, маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман янги одатларни ўйлаб топяпти. Буларни эшишиб, баъзан одам ҳайратдан ёқасини ушлаб қолади.

Мана, Тошкентдаги тўйларда «келиннавкар» деган яна бир бало чиқиби. Нима эмиш, энди келиннинг ота-онаси кизига қўшиб унинг ўнлаб дугоналарини ҳам бир хил кийинтириши, ясантириши керак экан. Бундай bemаза қиликлар қаердан чиқяпти? Ёшларимиз кимдан ўрганяпти буни?

Яқинда ўтган «Камолот» курултойида мен ёшларнинг оғзини пойладим. Бирорта йигит ёки қиз чиқиб, «Эй, дўстлар, тенгдошлар, биз уйланамиз, турмушга чиқамиз деб ота-оналаримизни ниҳоятда кийнаб қўйдик. Келинглар энди, уларни бундай огири ташвишга қўймайлик, келажагимизни, миллатимизнинг шаънини ўйлаб, тўйларимизни камтарона, ихчам қилиб ўтказайлик», деган гапларни айтармикан, деб кутдим. Афсуски, улардан бу масалада ҳеч қандай фикр эшифтмадим.

Тўй-маърака – бу фақат шахсий иш эмас, балки ижтимоий масала эканини инобатга олган ҳолда, Бош вазир А.Арипов, Бош вазир ўринбосари Т.Норбоевага

тегишли ташкилотлар билан биргаликда оилавий маросимларни тартибга солиш, уларни ихчам, исрофгарчилик ва дабдабага йўл қўймасдан ўтказиш бўйича бир ой муддатда тегишли чора-тадбирлар белгилаш вазифаси топширилади.

Қадрли юртдошлар!

Албатта, адабиёт ва санъат, маданият соҳаларида юзага келган жиддий муаммо ва камчиликларнинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Буларни барчамиз яхши тушуниб турибмиз.

Бугун биз «ижодкорларимиз ишламаяпти», деб сизлардан, сизлар эса «давлат ёрдам бермаяпти», деб бизлардан гина қилиб ўтиришимизнинг мавриди эмас. Келинглар, бугун ўз олдимизга «Ким айбдор?» деб эмас, «Ким нима қилиши керак?» деган савол қўяйлик.

Мен биламан, юксак маданиятли, камтарин инсонлар сифатида сизлар иш шароитингиз ёки моддий ахволингиз ҳақида шикоят қилмайсиз. Бугунги учрашувга тайёргарлик кўриш жараёнида тегишли соҳа мутахассислари билан биргаликда сизларни қийнаётган муаммоларни атрофлича ўрганиб чиқдик ва уларнинг ечимлари бўйича бир қанча қарор лойиҳаларини тайёрладик.

Рухсатингиз билан, ана шу ҳужжатларнинг кисқача мазмуни билан сизларни таништириб ўтсан.

Биринчидан. Маънавий ҳаётимизни янги, юксак боскичга кўтариш, авваламбор, Бастикорлар, Расомлар, Театр арбоблари ва Журналистлар ижодий уюшмаларининг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш, мамлакатимиз ижодкор зиёлиларининг салоҳиятини рӯёбга чикариш, муносиб иш ва турмуш шароитини яратиб беришга хизмат қиласиган «Илҳом» жамоат фондини ташкил этиш бўйича қарор лойиҳаси тайёрланганини маълум килмоқчиман.

Ушбу фондни молиявий қўллаб-куватлаш мақсадида давлат томонидан 20 миллиард сўм микдорда маблағ ажратилади ҳамда у 2022 йилга қадар барча солик ва мажбурий тўловлардан озод қилинади.

Иккинчидан. Сизларга маълумки, Ўзбекистон Ёзувчилик уюшмаси ташкил топганига 70 йил тўлганига қарамасдан, ҳозиргача ўз биносига эга бўлмасдан, ижара биноларда фаолият кўрсатиб келаётган эди. Шуни ҳисобга олиб, Адиблар хиёбони худудида Уюшма учун алоҳида бино қуриляпти. Насиб килса, мустақиллигимизнинг 26 йиллик байрами арафасида уни ёзувчиларимиз ихтиёрига топширамиз. Ушбу янги бинода «Ижод» жамоат фонди, шунингдек «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Ёшлиқ» журналлари ҳам жойлашади.

Шунингдек, бу худудда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари учун имтиёзли ипотека кредити асосида 2 та кўп қаватли уй барпо этиш, шу тариқа ушбу худудни том маънода адиблар масканига айлантириш кўзда тутилмоқда.

Яқин келгусида Зомин ва Паркент туманларининг сўлим ва хушманзара, илҳомбахш худудларида ижодкор зиёлиларимиз учун замонавий ижод уйлари – коттежлар қурилиши режалаштирилмоқда. Бу коттежлар ижодий иш учун маълум муддатга ижарага берилади. Уларга

йўлланма билан борадиган адиб ва санъаткорларимиз ҳам ижод килади, ҳам ёшларга маҳорат сирларидан сабок беради, деб умид киламиз.

Маълумки, бир вактлар Ўзбекистон Миллий университети кошида Олий адабиёт курси ташкил этилган эди. Ҳозирги вактда унинг фаолияти нима учундир тўхтаб колган. Сабабини суриштирсак, ушбу курс битирувчиларига тегишли давлат гувоҳномасини бериш масаласида муаммо бўлган экан. Мен ўйлайманки, бу курс ёш истеъдод эгаларини тарбиялаб вояга етказишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда бу масалани ўрганиб, тегишли таклиф киритишини сўрайман.

Иқтидорли ёшларимизни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш, уларнинг ижодий камолоти учун барча шароитларни яратиб бериш устувор вазифаларимиздан бири бўлиши керак. Шу маънода, сизлар билан яна бир таклифни ўртоклашмоқчиман.

Эсингизда бўлса, илгари яхши бир анъана бор эди. Яъни, маданият ва санъатнинг барча йўналишлари бўйича истеъдодли ёшларнинг республика микёсидаги семинарлари ўtkazilarди. Ана шу эзгу анъанани тиклаб, адабиёт, театр ва кино, мусика ва тасвирий санъат, журналистика соҳаларига кириб келаётган ёш истеъдод эгалари учун Ўзбекистон ёш ижодкорларининг семинарини ташкил этсак, нима дейсизлар?

Бу ижодий анжуман ёшларимизни маҳорат сирларига ошно килиш билан бирга, улар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳам қарор топтиришга хизмат килган бўларди.

Учинчидан. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг тўлақонли фаолият юритишини таъминлайдиган молиявий механизм, орадан 20 йилдан ошик муддат ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз аниқ белгиланмаган. Уюшмани алоҳида бино билан таъминлаш масаласи ҳам неча йиллардан бери ечишмай келмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини кучайтириш бўйича қарор лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Ушбу қарорда Уюшманинг молиявий манбаларини аниклаш, вилоят бўлимларининг моддий-техник базасини кучайтириш, Уюшма ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилаш каби масалалар ҳам ўз амалий ифодасини топади. Ёзувчилар уюшмаси йил охирига қадар янги бинога кўчиб ўтиши муносабати билан унинг Ислом Каримов кўчаси, 16-«А» уйда жойлашган идораси Журналистлар ижодий уюшмасига берилишини сизларга маълум қилмоқчиман.

Тўртингчидан. Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш бўйича ҳам Президент қарори тайёрланмоқда. Унга кўра, Бадиий академия аъзоларининг ижтимоий таъминот шароитлари Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоларининг ижтимоий таъминот шароитларига tenglashshirilmokda. Қарор лойиҳасида яна бир муҳим масала, яъни рассом ва ҳайкалтарошлар томонидан яратилган асарларни давлат музейларига сотиб олиш учун Маданият вазирлигига ҳар йили 2 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратиш белгиланган.

Бешинчидан. Бугун биз Бастикорлар уюшмасининг фаолиятини танқид қилдик. Лекин кўп йиллар давомида бу Уюшмани ўз ҳолига ташлаб қўйганимиз, унинг ахволидан хабар олмаганимиз – буям ҳақиқат. Шундан келиб чиқкан ҳолда, Бастикорлар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, композитор ва бастикорларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-кувватлаш мақсадини кўзда тутадиган Президент қарори лойиҳаси тайёрланди.

Олтинчидан. «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳам Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, «Ўзбекфильм», «Қорақалпоғфильм» ва Илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлар киностудияларини таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини кучайтириш, энг замонавий технологиялар билан таъминлаш, янги кинотеатрлар қуриш кўзда тутилмоқда.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги учун давлат буюртмасига асосан ишлаб чиқариладиган бадиий фильмлар сонини 2018 йилда 20 та, 2020 йилда 30 тага, мультиплексион фильмлар сонини эса 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб 50 тага етказиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Агентлик хузурида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси тузилиши белгиланган.

Еттинчидан. 2002 йилда ташкил этилган Ўзбекистон давлат консерваториясининг бугунги фаолияти, жумладан, қабул квоталари, ўкув дастурлари ва қўлланмалари, профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва ижодий салоҳияти, моддий-техник базаси,

ётоқхоналарнинг аҳволи талабга жавоб бермай қолгани бу ерда ўтирган аксарият ижодкорларимизга яхши аён. Бугунги кунда бу ерда 700 нафар ўрнига 1352 нафар талаба таҳсил олаётгани ҳам албатта таълим сифатига салбий таъсир қўрсатмасдан қолмайди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қарорга кўра, бу ерда ўқув бинолари етишмай қолганини инобатга олиб, унинг Мирзо Улуғбек туманидаги Мустақиллик проспектида жойлашган аввалги биносини қайтариб бериш кўзда тутилмоқда. Бу бинода фаолият қўрсатаётган В.Успенский номидаги академик мусика лицейи ўқувчилари ўзларининг олдинги биносида ўқишини давом эттиришлари учун имконият етарли.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг энг яхши санъат коллежлари неғизида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ижодий таянч марказларини ташкил этиш режалаштирилган.

Айни вақтда, консерватория фаолиятини қўллаб-куvvatлаш учун унинг хузурида маҳсус фонд тузилади. Бундан ташқари, собиқ Свердлов концерт залини ҳам капитал таъмирлаб, консерватория ихтиёрига берамиз. Консерватория ёнида унга янги ётоқхона барпо этилади. Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги мавжуд замонавий санаторийлардан бири консерватория ва умуман, шу йўналишдаги таълим муассасалари жамоаларига ажратилади.

Мусиқа санъати соҳасидаги ушбу етакчи олий ўқув даргохининг нуфузи ва мақомини янада ошириш мақсадида Маданият вазири айни вақтда консерватория ректори вазифасини бажариши ҳам қарорда белгиланган.

Саккизинчидан. Сизларга маълумки, бутун дунёда маданият вазирликлари шу мамлакатнинг юзи ҳисобланиб, энг гўзал, энг салобатли биноларда фаолият олиб боради. Афсуски, бизнинг вазирлигимиз ҳозирги вақтда нокулай бир шароитда, асосан расмий идоралар жойлашган бинода иш олиб бормоқда. Бу эса маданий жамоатчилигимиз, ижод ахлининг вазирликка бемалол, эркин кириб-чиқишига, бу ерда турли ижодий тадбирлар ўтказишга тўскинлик қилмоқда. Шунинг учун пойтахтимизнинг Тарас Шевченко кўчасидаги 1-уйни – илгари Ташқи савдо вазирлиги жойлашган кўркам, тарихий бинони Маданият вазирлигига ажратиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Тўққизинчидан. Бугунги кунда адабиёт ва санъат, умуман маданият соҳаларида мавжуд муаммо ва камчиликларнинг туб илдизларини таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, уларнинг аксарияти малакали кадрлар етиш-маслиги билан боғлиқ экани аён бўлади.

Юкорида маданият ва санъат муассасаларида меҳнат қилаётган кадрларнинг 50 фоиздан зиёди олий маълумотга эга эмаслигини айтиб ўтдик. Айни вақтда, республика театрларида 45 фоиз ижодий ходимлар тегишли олий маълумотга эга бўлмаган ҳолда фаолият юритаётгани, туманларда жойлашган болалар мусиқа ва санъат мактабларида ишлаётган ўқитувчиларнинг

72 фоизи ўрта маҳсус маълумотга эга экани ҳам барчамизда жиддий ташвиш уйғотади.

Яқинда Кўкон шаҳар мусиқали драма театрига борганимизда ҳам худди шундай аҳволга дуч келдик. У ерда ишлаётган жами 53 нафар ижодий ходимнинг атиги 11 нафари олий маълумотга эга, холос. Қолган 42 нафарини ўрта маҳсус ва ўрта маълумотта эга ходимлар ташкил этади. Албатта, бу муассасаларда ишлаётган ёш йигит ва қизлар астойдил интилиб харакат қилаётган бўлса-да, барибир уларнинг фаолиятида зарур билим ва малака етишмаётгани сезилиб турибди.

Шунинг учун ҳам аввало маданият ва санъат йўналишидағи олий ўқув юртлари, лицей ва коллежлар, мусиқа ва санъат мактабларининг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Мана, юртимизда қанча болалар мусиқа ва санъат мактаблари бор, айни вактда миллий адабиётимиз ва санъатимизнинг атоқли намояндлари номида янги ижодий марказлар ташкил қиляпмиз. Хўш, уларда кимлар меҳнат қиляпти? Ёшларимизга ижод сирларини кимлар қай даражада ўргатяпти? Таникли санъаткорларимиз, ёзувчи ва шоирларимизнинг бу мактаблар билан алоқаси қандай?

Хабарингиз бор, яқинда юртимизда атоқли санъаткор Комилжон Отаниёзовнинг 100 йиллик юбилейи катта тантана билан нишонланди. Ушбу тадбирларда бу ерда ўтирган кўпчилик ижодкорларимиз иштирок этди. Кўшни республикалардан – Қозогистондан, Тожикистондан меҳмонлар келди. Машхур ҳофиз Жўрабек

Муродовнинг самимий сўзларини ҳаммамиз ҳаяжон билан эшитдик.

Қаранг, Комилжон Отаниёзовнинг нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Ўрта Осиё бўйича қанча-қанча шогирдлари бор экан. Шу гапларни эшитғанда, шахсан мен, буюк хофизимизнинг қўшиғидан ҳам шогирди кўп экан, деб ўйлаб колдим.

Қани, айтинг-чи, бугун кайси Халқ артистимиз ўзининг шундай муносиб шогирдлари борлиги, шогирдпарварлиги билан мактана олади? Шу саволлардан келиб чикиб, сизларга бир таклиф билан мурожаат килмокчиман. Республикадаги ҳар бир мусиқа ва санъат мактабига, ижодий марказларга таниқли адабиёт, санъат ва маданият намояндайларини бадиий раҳбар ёки директор сифатида тайинласак, улар учун барча шарт-шароитларни яратиб берсак, нима дейсизлар?

Мана, даврамизда Ғуломжон Ёкубов, Фаррух Зокиров, Ортиқ Отажонов, Юлдуз Усмонова, Махмуд Намозов, Зулайҳо Бойхонова, Озодбек Назарбеков, Гафур ва Ғулом Эшжоновлар, Гулсанам Мамазоитова каби Халқ артистлари ўтирибди. Сизларнинг ҳар бирингиз биттадан санъат коллежи ёки мусиқа мактабига бориб раҳбарлик килсангиз, мен ўйлайманки, бундан санъатимиз факат ютган бўлар эди. Айни вактда юзлаб шогирдлар етиштириб, ўзингизга ҳайкал қўйган бўлардингиз.

Масалан, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқовни ёш дикторлар мактабига раҳбар қилиб қўйсак, иктидорли ёшларимиз у кишидан жуда кўп билим ва тажрибаларни ўрганган бўлар эди.

Биз халқимизнинг ноёб мероси бўлган мақом санъатини нафақат юртимизда, балки бутун дунё бўйлаб кенг тарғиб қилиш, керак бўлса, халқаро миқёсда мақом танловларини ташкил этиш устида ишлашимиз керак.

Сизларга маълум, ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус шаҳридаги филиали муваффақиятли фаолият кўрсатяпти. Шу ижобий тажрибани давом эттирган ҳолда, Кўкон шаҳрида ҳам мазкур институтнинг филиалини ташкил этяпмиз. Бу ўқув юрти Фарғона водийси вилоятлари учун юқори малакали маданият ходимларини тайёрлашга хизмат қиласди.

Шу билан бирга, Кўкон шаҳрида санъат аҳли учун янги кўп қаватли турар жой биноси ҳам қуриб фойдаланишга топширилади.

Юқорида зикр этилган барча масалаларни комплекс ҳал этиш бўйича Вазирлар Махкамаси дахлдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тегишли таклифлар киритиши зарур.

Ўнинчидан. Бугун маърифатли дунёда шундай анъана мавжудки, йирик компаниялар, банклар, фирмалар маданий ташкилотларга ҳомийлик қилишни ўзлари учун шараф деб биладилар. Баъзан, қани эди, бизда ҳам шундай ҳомийлар кўпайса, деб орзу киламан.

Аждодларимиз ўз даврида яратган илмий ва ижодий мактабларнинг вужудга келишида аввало ана шундай маърифатпарвар ҳомийларнинг ҳиссаси ҳал килувчи аҳамият касб этгани яхши маълум.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, яна бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Юртимиздаги етакчи ижодий ташкилотларнинг «дўстлари клублари»ни ташкил этсак, уларга йирик корхона, банк ва компанияларни ҳомий сифатида бириктириб қўйсак, шартнома асосида уларнинг доимий ҳамкорлигини йўлга қўйсак, нима дейсизлар?

Масалан, Миллий банк раҳбари Сухроб Холмуродов биз Ўзбекистон давлат консерваториясини оталиққа оламиз, «Консерваториянинг дўстлари клуби»ни тузиб, унга раҳбарлик қиласиз, деган ташабbus билан чикяпти.

Олмалиқ кон-металлургия компанияси раҳбари, сенатор Александр Фармонов эса «Биз Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг дўстлари клубига раҳбарлик қилсак», деган таклифни билдирияпти. Халқ банки «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг дўстлари клуби»га раҳбарлик қилмоқчи.

Якинда фаолияти тўхтаб қолган Театр арбоблари уюшмасини қайта тиклаш тўғрисида таклифлар билдирилмоқда. Бу уюшма фаолиятига «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясининг ҳомийлик қилиш ҳакидаги ташабbusини биз албатта кўллаб-куvvatлаймиз. «Ўзозик-овқатсаноатхолдинг» компанияси Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблига ҳомийлик қилмоқчи.

«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти Ўзбек Миллий академик драма театри билан ёнма-ён жойлашган. Компания раҳбарияти «Кўшнимга ёрдам

кўрсатаман, Миллий театрнинг дўстлари клубига раҳбарлик қиласман», деяпти. Раҳмат уларга.

Шулар қаторида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрига – «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбек давлат драма театрига – Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрига – «Ўзсаноатқурилишбанк», Республика ёш томошибинлар театрига – Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Республика қўғирчоқ театрига – «Ўзэлтехсаноат» компанияси ҳомийлик қилиш истагини билдирамокда.

Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театрини эса – «Капиталбанк», Ўзбекистон академик рус драма театрини – «Ўзагросуғурта» компанияси, Ўзбекистон ёшлар театрини – «Ўзметкомбинат» акциядорлик жамияти, Республика сатира театрини – «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти, «Томоша» болалар театр-студиясини – «Алоқабанк», «Дийдор» театр-студиясини – «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки оталиқقا олмоқчи.

Худди шу асосда Бастикорлар уюшмасига – «Асака банк», Рассомлар уюшмасига – «Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабига – «Ипотека банк», Миллий рассомлик ва дизайн институтига – «Ўздонмаҳсолот» компанияси, «Ўзбеккино» миллий агентлигига – «Ўзавтосаноат» компанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига – Республика товар-хомашё биржаси ҳомий бўлиш ташаббуси билан чиқмоқда.

Мамлакатимиздаги етакчи музейларни, аввало Адабиёт музейини молиявий қўллаб-куватлаш ишлари ни ташкил этиш бўйича Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси раиси томонидан амалий таклифлар билдирилмоқда.

Айни вактда Коракалпогистон Республикаси ва вилоят ҳокимларни ўз ҳудудларидағи театрларга ҳомийлик қилиб, уларнинг фаолиятини кучайтириш учун 1 миллиард сўмдан маблағ ажратиш ниятида экани барчамизни хурсанд қилмоқда.

«Ўткан кунлар» фильмида Юсуфбек ҳожи айтганидек, қаранг, бизнинг шундай маърифатпарвар раҳбарларимиз бор экан-у, биз бехабар юрган эканмиз. Келинглар, барчамизнинг номимиздан уларга раҳмат айтиб, ишларига муваффакият тилайлик.

Мен ишонаман, бу раҳбарларимиз ижодий уюшмаларга нафакат моддий, балки энг аввало, маънавий ёрдам берадилар. Яъни, оила аъзолари, меҳнат жамоалари билан биргаликда театрларга, кино ва кўргазма залларига, концерпларга бориб, бошқаларга намуна кўрсатсалар, нур устига нур бўларди.

Яна бир мухим масала – ижодий соҳалар, жумладан, оммавий ахборот воситаларини бугунги талаблар асосида янада ривожлантириш мақсадида солик ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган қўшимча имтиёз ва преференциялар муддатини яна 5 йилга узайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Энг мухими, бадиий ижодкорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларига тўланаётган қалам

ҳақи – гонорар миқдорини сезиларли даражада оширишга доир қарор лойиҳаси устида ҳам иш олиб борилмокда ва у яқин кунларда қабул килинади.

Таъкидлаш жоизки, муаллифлик хуқуқини химоя қилиш борасидаги ишларимиз ҳам талабга жавоб бермайди. Шу мақсадда Интеллектуал мулк агентлигининг фаолиятини танқидий кўз билан кайтадан кўриб чиқиш зарур.

Ижод аҳлини қийнаб келаётган муаммолардан бири – бу уй-жой масаласи билан боғлиқ. Мана шу долзарб муаммони ечиш учун Тошкент ва Нукус шаҳарларида, барча вилоятлар марказларида имтиёзли кредит асосида «Ижодкорлар уйлари» барпо этилиб, бу уйлардан адиллар, рассомлар, актёр ва режиссёrlар, композиторлар, маънавият тарғиботчилари, оммавий ахборот воситаларининг фаол вакилларига, шу жумладан, истеъододли ёш ижодкорларга квартиралар ажратилади.

Маълумки, ҳозирги вақтда пенсия ёшидаги ижодкорлар энг кам иш ҳақининг 2 баробаридан кўп миқдорда қалам ҳақи олган тақдирда, уларнинг пенсиясидан 50 фоиз маблағни ушлаб қоладиган тартиб мавжуд. Бир вақтлар узоқни кўзламаган баъзи мансабдорлар томонидан жорий этилган бу тартиб айни ижодий камолотга етган ижодкорларимизнинг рағбатини сўндиришга хизмат қилаётгани сир эмас.

Шу муносабат билан Бош вазир А.Ариповга тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан биргаликда бир ой муддатда ушбу масала бўйича тегишли таклиф тайёрлаш вазифаси топширилади.

Мухтарам дўстлар!

Биз жамиятимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Айни пайтда шу мақсадни ўзида ифода этган «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида» қарор лойиҳаси тайёрланаётганини сизларга маълум килмокчиман.

Ҳаммангизга маълум, матбаа корхоналари учун зарур коғоз ва бўёқ маҳсулотлари четдан валюта эвазига олиб келинаётгани китоб, газета ва журналлар нархининг кимматлашишига сабаб бўлмоқда. Шу бонс, биз республикамизда замонавий қоғоз саноатини йўлга кўйиш бўйича фаол иш олиб боряпмиз. Бу борада якинда Хитой давлатига бўлган сафаримиз чоғида «Син папер индастри» компанияси ва бошқа ташкилотлар билан келишувга эришилди.

Вазирлар Маҳкамаси, Ташки савдо вазирлиги, Инвестиция давлат қўмитаси бу лойиҳани белгиланган муддатларда бажариш чораларини кўриши керак.

Мана, азиз дўстлар, кўриб турганингиздек, адабиёт ва санъат, маданият соҳасини замон талаблари асосида тараққий топтириш мақсадида қанча қарорлар, қанча лойиҳалар ишлаб чикиляпти. Бугунги учрашувда сизлар билдирадиган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар асосида, биз бу хужжатларни янада такомиллаштириб, шундан кейин албатта қабул қиласиз.

Маданий ҳаётимиз равнақи йўлида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ишларни амалга ошириш, рӯёбга чиқаришда сиз, муҳтарам ижодкор зиёлиларимиз фаол иштирок этиб, ўз муносиб ҳиссангизни кўшасизлар, деб ишонаман.

Азиз ватандошлар!

Миллионлаб одамларнинг эътиборида бўлган, маданият, адабиёт ва санъат деган муқаддас даргоҳга қадам қўйган ҳар бир ижодкор, ҳеч шубҳасиз, аввало ўз халқининг қалбига қулоқ солиб, унинг дардига дармон бўлишга интилади. Сизларнинг барчангизни мен ўз ижодий фаолияти билан мана шундай ҳаётий эътиқодга умрбод амал қилиб келаётган фидойи инсонлар, деб биламан.

Мен шу ўринда аввал билдирган бир фикримни яна тақрор айтмоқчиман. Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улут аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади.

Шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, янги ижодий ютуклар, оиласвий фаровонлик, фарзандлар камолини кўриш баҳти насиб этишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари
билин учрашувдаги маъруза
2017 йил 3 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИННИГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, мана шундай кутлут кунда сиз, азизларни ва бутун халқимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Мустақиллик куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, ўзимнинг энг эзгу тилакларимни билдиришга руҳсат бергайсиз.

Бундан роппа-роса йигирма олти йил муқаддам Биринчи Президентимиз, атоқли давлат ва сиёsat арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон килди.

Шу кундан эътиборан жаҳон харитасида янги мустақил ва суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Жонажон Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихида янги давр – эркинлик ва озодлик, миллий тикланиш ва тараккиёт даври бошланди.

Биз бугун халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган, истиқлол йилларида босиб ўтган оғир ва машаккатли, шу билан бирга, гоят шарафли йўлимизни

сархисоб қилар эканмиз, тарихан кисқа бир даврда ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, миллий давлатчилигимизни, азалий қадрият ва урф-одатларимизни, мукаддас динимизни тиклаш, инсон ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ютуқ ва мэрраларни кўлга киритганимизни фахр билан тилга оламиз.

Албатта, ушбу ютукларнинг кўлга киритилишида Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тарихий хизматлари бекиёс бўлганини бугун барчамиз, бутун ҳалқимиз тақороран эсга олишимиз табиийдир.

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Оксарой қароргоҳи олдида Ислом Абдуғаниевичнинг ҳайкалини очдик. 2 сентябрь куни эса Ислом ака туғилиб вояга етган Самарқанд шаҳрида у кишининг ҳайкали очилади.

Насиб этса, 2018 йил 30 январда – у киши туғилган кунга 80 йил тўладиган санада Қарши шаҳрида Биринчи Президентимизга ҳайкал ўрнатиш, Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуаси барпо этиш ишларини тўла якунига етказиб, уларнинг ҳам тантанали очилиш маросимларини ўтказамиз.

Бугун барчамиз бир фикрда яқдилмиз: Биринчи Президентимизнинг Ватан ва давлат олдидаги буюк тарихий хизматлари, сўнмас хотираси ҳалқимиз қалбида абадий яшайди.

Хурматли ватандошлар!

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни, ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш борасида бугун олдимизда янада мухим ва долзарб вазифалар турганини биз ҳар томонлама чуқур англаймиз.

Жаҳон микёсида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кескин бир давр барчамиздан янгича ишлаш ва фикрлашни, юкори даражада сафарбарликни талаб этмоқда.

Олдимизда турган ана шу улкан вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз тараққиётини янги боскичга кўтариш мақсадида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик.

Ушбу стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикентликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёsatни изчил давом эттириш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Ҳаракатлар стратегиясида «Халқ давлат идоралари га эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойил давлат сиёsatининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани албатта бежиз эмас.

Биринчидан, бугунги кунда барча бўғиндаги ҳокимлар, вазирлик ва идоралар, прокуратура, суд-хукуқ ва ички ишлар органлари раҳбарлари, депутат ва сенаторлар бевосита жойларга чикиб, ўз фаолияти бўйича халқ олдида ҳисбот бермоқда.

Махаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, одамларнинг ҳаётий муаммоларини ўрганмоқда, уларни конуний асосда ҳал қилиш учун амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Иккинчидан, биз иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация килиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва шу тариқа жаҳон бозорида муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллашга асосий эътибор қаратмоқдамиз.

Шу мақсадда ўтган қисқа даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида минглаб лойиҳалар амалга оширилиб, юқори технологияларга асосланган замонавий завод ва фабрикалар барпо этилаётгани, янги иш ўринлари ташкил қилинаётганини таъкидлаш лозим.

Бугунги ва эртанги тараққиётимизга бевосита боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Айникса, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришда анъанавий ёндашувлардан воз кечиб, дехқонлар даромадини кўпайтирадиган, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни етиштиришга инвестициялар жалб қилинаётгани сизларга яхши маълум.

Мамлакатимизнинг барқарор таракқиётини таъминлаш мақсадида «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади» деган тамойилдан келиб чиқиб, бугунги кунда юртимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик мухитини тубдан яхшилаш учун янги имконият ва имтиёзлар яратилмоқда.

Энг муҳими, бу соҳа минг-минглаб фуқароларимиз, аввало, ёшларимиз учун ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиш, эл фаровонлигини оширишда мустаҳкам замин бўлаётгани барчамизни хурсанд қиласди.

Учинчидан, ижтимоий соҳалар, айниқса, одамларда энг кўп эътиroz уйготаётган соғликни сақлаш, таълимтарбия, табиий газ ва электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизмат, йўл курилиши соҳаларида мавжуд ахволни ижобий томонга ўзгартириш, ички ишлар идораларининг фаолият самародорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлардан ҳам албатта хабардорсиз.

Узок йиллардан буён ҳалқимизни қийнаб келаётган ўткир бир муаммо – арzon уй-жойлар масаласини ҳал этиш мақсадида биз 2017-2021 йилларга мўлжалланган алоҳида дастур қабул қилдик.

Ушбу дастурга биноан келгуси беш йилда 1 минг 136 та қўп қаватли, арzon уй-жойлар, жумладан, кишлок жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида 100 мингдан ортиқ тураг жой бинолари барпо этилади.

Шу кунларда факат қишлок жойларнинг ўзида жорий йилда куриб битказилган янги уйларда 5 мингдан ортиқ оила ҳовли тўйларини ўтказаётгани албатта ҳаммамизни кувонтиради.

Бу ишларни изчил давом эттириш хақида гапирав эканмиз, инсонларнинг дарду ташвишини ўйлаб яшаш биз учун одамийликнинг энг олий мезони, энг мухим вазифа бўлиб қолишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Чунки ҳалқимиз ўз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни келажакда эмас, балки бугун кўришни, улардан бугун баҳраманд бўлишни истайди.

Аҳолимизнинг ана шундай табиий истак ва талабларини бажариш барча раҳбар ва етакчиларнинг асосий бурчи ва вазифасига айланиши шарт.

Тўртингидан, биз парламент ва фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари бўлган сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Жумладан, кейинги пайтда маҳалла тизими, «Нуроний» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, ёшлар ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар ўзининг дастлабки натижасини бераётганини таъкидлаш лозим.

Айниска, мамлакатимиз ёшларининг ҳукуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш максадида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи тузилгани ва бу ташкилотнинг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, унга янги имтиёз ҳамда имкониятлар бериш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Чунки мамлакатимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, бу йўлда бор билим ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлган, азму шиҷоатли ёшларни тарбиялаб вояга етказиш – биз учун энг муҳим масаладир.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ўзининг амалий фаолияти билан барчамизнинг, биринчи навбатда, ёшларимизнинг умидларини албатта оклайди, деб ишонамиз.

Бугунги давр талаби, халқимизнинг ҳоҳиш ва истакларини инобатга олиб, илм-фан, таълим-тарбия тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мактаб таълим тизими тубдан ўзгартирилиб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта тикланмоқда. Мамлакатимизнинг қатор ҳудудларида янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртларига қабул квоталари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сиртки ва кечки олий таълим шакллари тикланмоқда.

Шунингдек, бу борада бизни энг кўп ўйлантираётган масалалардан бири – мактабгача таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Максадимиз келгуси 3-4 йилда мамлакатимиздаги боғча ёшидаги болаларни ана шундай таълим муассасаларига тўлиқ камраб олишдан иборат ва биз бунга албатта эришамиз. Ушбу максадда айни қунларда маҳсус давлат дастури тайёрланмоқда.

Бешинчидан, республикамида ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш, диний экстремизм ва терроризм хавфига карши кураш олиб бориш бўйича ишлар ҳам янгича ёндашувлар асосида ташкил этилмоқда.

Ҳаётда билиб-бilmай адашган одамларни тўғри йўлга солиш, кечиримли бўлиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш масалалари ҳам дикқат марказимизда турибди.

Биз бир ҳаётий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Яъни хато қилган, йўлдан адашган

одамни «ёмон» деб четга суриб қўйсак, у ёмон бўлиб қолаверади. Ёмонни яхши қилиш, уни дўстга айлантириш – бу фақат соғлом жамиятнинг қўлидан келади.

Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, ахоли, аввало ёшларимизни турли заарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар килиб тарбиялаш ҳақида мунтазам ўйлашимиз, фаол иш олиб боришимиз зарур.

Бу борада амалга ошираётган ислоҳотларимиз, хусусан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий ўюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар сизларга яхши маълум, албатта.

Айни вактда бундай кенг кўламли ишларимиз биз бошлиган ислоҳотларнинг фақат бир қисми, дастлабки қадамлар эканини таъкидлаш лозим.

Олдимизга қўйган юксак мақсад ва режаларимизни реал натижага айлантириш учун ҳаммамиз бор куч ва билимимизни аямасдан, фидокорона ва вижданан меҳнат қилишимиз, ташабbus кўрсатиб ишлашимиз зарур.

Шунинг учун ҳам, келгуси икки йил бизнинг фаолиятимизда фавқулодда сафарбарликни талаб этадиган давр бўлади ва бу вазифани барчамиз сид-қидилдан бажаришни таъминлашимиз албатта лозим. Халкимиз биздан шуни кутяпти.

Бу борада, айникса, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик мухитини мустахкамлаш, Куролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Қадрли дўстлар!

Бугун биз мамлакатимизни ҳар томонлама модернизация қилиш, таркибий ўзгаришлар ва демократик ислоҳотларни чукурлаштириш, мустақиллигимизни янада мустахкамлаш бўйича улкан ишларни бошлиған эканмиз, уларни амалга ошириш ташки омилларга ҳам боғлиқ эканини яхши тушунамиз.

Шунинг учун ташки сиёсатимизда узок-яқин давлатлар, энг аввало, бизга қўшни бўлган Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш энг мухим йўналишлардан бири бўлиб қолади. Бу борадаги амалий ишларимиздан албатта халқимиз хабардор.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларига, чет эллик меҳмонларимизга бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдириб, барча давлатлар халқларига самимий табрик ва саломларимизни йўллашга ижозат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Бугун эл-юртимиз Мустақиллик байрами билан бирга муборак Курбон ҳайитини ҳам катта шоду ҳуррамлик билан кутиб олмоқда.

Бу икки улуг байрамнинг айнан бир кунга тўғри келишида ҳам ўзига хос чукур ва рамзий маъно бор.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, сиз, азизларни ана шу қўшалоқ айёmlар билан яна бир бор самимий табриклайман.

Шу юксак минбардан туриб, барча ютуқларимиз, буюк келажагимиз ижодкори ва бунёдкори бўлган мард ва олижаноб, меҳнаткаш ва танти халқимизга таъзим киламан.

Бугунги улуғ айём кунларида қалбимдағи энг эзгу тилакларимни мужассам қилиб айтмоқчиман:

Бетакрор Ватанимиз равнақи йўлида садоқат билан хизмат қилишдан ҳеч қачон толмайлик, чарчамайлик!

Барчамизга, жонажон юртимизнинг камолини, фарзандларимиз ва набираларимизнинг баҳту иқболини кўриш насиб этсин!

Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

2017 йил 31 август

ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ, ЁНИБ ЯШАГАН ИНСОН

Қадрли ватандошлар!
Хурматли Татьяна Акбаровна!
Азиз меҳмонлар!

Бугун сизлар билан азим Тошкентнинг табаррук маскани – Оқсарой қароргоҳи олдида мухим тарихий воқеа муносабати билан тўпланиб турибмиз.

Буюк давлат ва сиёsat арбоби, мустакил давлатимиз асосчиси, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти мухтарам Ислом Абдуғаниевич хотирасига бағишилаб бунёд этилган ҳайкалнинг очилиш маросимида иштирок этмоқдамиз.

Ислом Абдуғаниевич бутун умрини жонажон Ўзбекистонимиз учун, унинг озодлиги ва буюк келажаги учун бағишилади.

Ислом ака тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврида – миллатлараро зиддиятлар авж олган, иқтисодиёт чуқур инқизозга учраб, республикамиз жар ёқасига келиб колган кескин ва таҳлиқали бир шароитда мамлакатга раҳбарлик қилиш масъулиятини ўз зиммасига олдилар.

Ватанимиз тарихида янги давр бошланган кун – 1991 йил 31 августда Ислом Абдуғаниевич Ўзбекистон мустакиллигини эълон қилдилар ва чорак аср давомида давлатимизни изчилилк ва сабитқадамлик билан бошқардилар.

Биринчи Президентимиз раҳбарлиги остида тарихан қисқа даврда юртимизда кенг кўламли таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Юқори технологияларга асосланган янги саноат тармоқлари барпо этилди ва ривожлантирилди. Замонавий йўл-транспорт ва мұхандислик-коммуникация инфратузилмалари бунёд этилди. Қишлоқ хўжалигига чукур ислоҳотлар амалга оширилди.

Ислом Абдуғаниевич бошчилигига Ватанимиз мустақиллиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, ҳалқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя килишга кодир бўлган замонавий миллий армия барпо этилди.

Буюк Юртбошимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда маънавий қадриятларимизни тиклаш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асрраб-авайлаш ва ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.

Ислом Абдуғаниевич ўз ҳаёти ва фаолиятининг мазмуни бўлган «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!» деган эзгу ғояни илгари сурдилар ва бу даъват барчамизнинг қалбимиздан чукур жой олди.

У киши «Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак» деган ўзининг ғоясига бир умр амал қилиб, келажак авлодлар учун буюк ибрат мактабини яратдилар.

Ислом ака миллатнинг ҳақиқий етакчиси сифатида она ҳалқини, гўзал ва бетакрор Ўзбекистонни жонидан ҳам ортиқ севар, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни ўз ҳаётининг бош максади, деб билар эдилар.

Ўз навбатида, халқимиз ҳам доимо эл-юрт ташвиши билан яшаган Биринчи Президентимизни чексиз меҳр билан севар ва ўзининг улут раҳбари сифатида у киши билан ҳақли равишда фахрланар эди.

Хурматли ватандошлар!

Биринчи Президентимизнинг хотирасини абадийлаштириш учун халқимиз, кенг жамоатчиликнинг хоҳиш-истаклари ва таклифларини инобатга олиб амалга ошираётган ишларимиз, ўйлайманки, барчангизга яхши маълум.

Тошкент шаҳридаги халқаро аэропорт, Тошкент давлат техника университети, Асака автомобиль заводи, Фарғона шаҳридаги Санъат саройи, пойтахтимиз ва худудларимиздаги марказий кўчалар, Оқсарай кароргоҳида ўз фаолиятини бошлаган илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, маҳсус хайрия жамоат фонди Ислом Абдуғаниевичнинг муборак номлари билан аталди.

2 сентябрь куни хайрли ишларимизнинг давоми сифатида Ислом Абдуғаниевич тутилиб вояга етган, мангу ором топган азим Самарқанд шаҳрида улут Йўлбошчимизнинг ҳайкали очилишига бағишлиланган маросим ўтказилади.

Шунингдек, Қарши шаҳрида ҳайкал ўрнатиш ва Самарқанд шаҳрида ёдгорлик мажмуасини барпо этиш бўйича бошлаган ишларимизни тўлик якунлаб, у кишининг туғилган кунига 80 йил тўладиган сана – 2018 йил 30 январда тантанали очилиш маросимини ўтказамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Биринчи Президентимиз ҳаётининг энг фаол ва жўшкин пайтини – талабаликдан бошлаб умрининг охирига қадар бўлган даврни азим Тошкент шахрида ўтказдилар. Ўзларининг бор билим ва салоҳиятини, гайрат-шижоатини Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудлари қатори пойтахтимизнинг янада обод ва кўркам бўлишига, гуллаб-яшнашига багишладилар.

Ислом Абдуғаниевич Тошкентни Ватанимизнинг олтин остонаси, деб атар эдилар.

У кишининг «Тошкент тимсолида Ўзбекистонни, Ўзбекистон тимсолида Тошкентни кўрамиз» деган чуқур маъноли сўзларини шу бугунги тарихий кунда яна бир бор эсга олиш ўринли, деб ўйлайман.

Биринчи Президентимиз томонидан барпо этилган мана шу қароргоҳда у кишининг давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг энг ёркин дамлари ўтган эди.

Айнан шу ерда ҳалқимиз, мамлакатимиз тақдири ва келажагига оид ғоят муҳим бўлган кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилингани сизларга яхши маълум.

Бундан бир йил олдин бошимизга тушган оғир мусибат туфайли ҳувиллаб қолган Оқсанор қароргоҳи бугун Ислом аканинг меҳрли сиймоси туфайли янада очилиб, нурафшон бўлиб, эл-юртимизни ўз бағрига чорламокда.

Бугун ушбу қароргоҳ олдида ҳалқимиз, давлатимиз номидан буюк Йўлбошчимизнинг хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатар эканмиз, ўйлайманки, барчамиз Ислом Абдуғаниевичнинг бу муazzам ҳайкали шу

майдонга алохига улутворлик ва салобат бағишлиб турганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ишончим комил, бугундан бошлаб ушбу мажмуа бутун халқимиз учун бир умрга кутлуғ ва табаррук қадамжо бўлиб колади, албатта.

Тошкент аҳли, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан келадиган ватандошларимиз, чет эллик меҳмонлар, давлат ва жамоат арбоблари бу ерга ташриф буюриб, ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирадилар.

Бу масканга қадам қўйган ҳар бир инсон муҳтарам Ислом Абдуғаниевич юрган йўлаклардан, хиёбонлардан ўтиб, музей билан яқиндан танишиб, истиқлолимиз меъмори ва асосчиси билан хаёлан учрашгандек, мулоқот қилгандек бўлади.

Барчамизга яхши маълум, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашида ҳам Ислом Абдуғаниевичнинг хизматлари бекиёсdir.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги маросимда иштирок эттаётган, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчилари ва дипломатик корпус вакилларига Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти хотирасига кўрсатаётган ҳурмат ва эътиборлари учун чин қалбимдан миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Азиз дўстлар!

Ишонаман, Ислом Абдуғаниевичнинг муҳташам ҳайкали қад ростлаган ушбу кутлуғ маскан халқимиз, барча ёшларимиз учун Ватанга юксак меҳр ва садоқат

кўрсатиб яшашнинг чинакам тимсолига айланади,
катта тарбия ва ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, муҳтарам Биринчи
Президентимизнинг номи ва у киши бошчилигига
амалга оширилган буюк ишлар юртимизнинг шонли
тариҳида ўчмас сахифа бўлиб мангу қолади.

*Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг
Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкаланинг
очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ
2017 йил 31 август*

ЮКСАҚ ҲУРМАТ-ЭХТИРОМНИНГ ЯНА БИР АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Азиз ватандошлар!

Ҳурматли Татьяна Акбаровна!

Мұхтарам Самарқанд ахли!

Бугун – 2 сентябрь, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг вафот этганига бир йил түлди.

Шу муносабат билан кенг жамоатчилик, жумладан, жонажон Самарқанд ахли вакиллари билан Ислом акани ёд этиб, у кишининг ёрқин хотирасини абадийлаштириш учун бугунги тадбирда йиғилиб турибмиз.

Барчамиз яхши биламиз, йил давомида бутун халқымиз, шунингдек, кўплаб хорижий давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва чет эллик фуқаролар Биринчи Президентимизнинг ўчмас хотирасига чукур ҳурмат ва эхтиром кўрсатдилар.

Ҳабарларингиз бор, куни кеча, Мустақиллик байрами арафасида, азим пойтахтимиз – Тошкент шаҳрида, Ислом Абдуғаниевич узок йиллар фаолият олиб борган Оксарой қароргоҳи олдида у кишининг ҳайкали очилди.

Бугун эса Биринчи Президентимиз туғилиб ўсган, камолга етган ва мангу ором топган Самарқанд шаҳрида

Ислом аканинг сиймоси акс этган ҳайкални очаёт-ганимиз эл-юртимизнинг ушбу улуг инсонга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромининг яна бир амалий ифода-сидир.

Ислом Абдуғаниевичнинг улутвор киёфаси ёрқин намоён бўлган ушбу ёдгорликда у киши ўзининг до-нишманд нигоҳи ва меҳр тўла кўзлари билан барча-мизга бокиб турибди.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич бамисоли ўзи учун беҳад қадрли бўлган шу диёр ахлини, азиз юрт-дошларини Мустақиллик ва Ҳайит байрами билан таб-риклаб, барчамизга самимий тилаклар билдираётган-дек.

Ишончим комил, Ислом Абдуғаниевичнинг ҳайкали қад кўтарган мана шу табаррук маскан халқимиз учун, юртимизга келадиган минг-минглаб азиз меҳмонлар учун муқаддас зиёратгоҳга айланади.

«Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган даъватга бир умр амал қилиб яшаган бу улуг инсоннинг хотираси, айни пайт-да Ҳазрати Хизр мажмуасида барпо этилаётган табар-рук зиёратгоҳлари барчамизни эзгу ва хайрли ишларга чорлаб туради.

Қадрли анжуман иштирокчилари!

Ислом Абдуғаниевичнинг тарих ва келажак олдида-ги буюк хизматларини таърифлаб ўтиришга хожат йўқ, деб ўйлайман.

Нега деганда, бугунги Самарқанд, бугунги Ўзбе-кистоннинг гўзал ва обод киёфаси, халқимиз эришаёт-ган барча-барча ютуқлар у кишининг ана шундай тари-

хий хизматларини бамисоли кўзгудек яққол намойиш этиб турибди.

Биринчи Президентимиз ўтган асрнинг 90-йилларида кескин муаммолар, миллатлараро можаролар гирдобига тушиб колган юртимизни ўзининг юксак раҳбарлик салоҳияти, жасорат ва матонати билан мудхиш фожиалардан омон саклаб қолди, Ватанимизни катта тараққиёт йўлига олиб чиқди. Бу йўлда ўзининг куч-ғайрати, акл-заковати, билим ва тажрибасини аямади.

Бу, ҳеч шубҳасиз, том маънода қаҳрамонлик ва фидойилик намунаси бўлиб, тарихимизда мангу муҳрланиб колади.

Биз барчамиз, бутун ҳалқимиз ҳақли равишда Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом ака билан фахрланамиз, у киши бошлаган ишларни мутлақо янгича микёс ва талаблар асосида давом эттиришни ўзимиз учун юксак бурч ва масъулият деб биламиз.

Хурматли дўстлар!

Биринчи Президентимиз бутун Ўзбекистонимиз каби, унинг бебаҳо гавҳари бўлган Самарқанд заминини ҳам фарзандлик меҳри билан чин дилдан севар эдилар.

Самарқандни дунёдаги энг гўзал шаҳарлардан бирига, ҳақиқатан ҳам ер юзининг сайқалига айлантириш Ислом аканинг юксак орзузи эди.

У киши шу йўлда киска муддатда улкан ишларни амалга оширганларини сиз, муҳтарам Самарқанд аҳли яхши биласиз, албатта.

Ислом ака дунё миқёсида «Римнинг тенгдоши» деб тан олинган Самарқандек буюк шаҳарнинг шаъну шавкатига, ўзига туз-насиба берган бу замин ахлига, унинг ишончига доимо муносиб бўлиб яшади.

Биз эл-юртга садоқат, чинакам ватанпарварликнинг олий намунасини хурматли Йўлбошчимизнинг ўз она шахрига чексиз муҳаббатида, бунинг амалий намоёни бўлган катта-катта ишларида кўрамиз.

Жонажон Ватанимиз – Ўзбекистонимизни, мустақиллигимизни, тинч ва обод ҳаётимизни севиш ва қадрлашни, ўз юртимизга меҳр-муҳаббатни биз улут Юртбошимиздан ўргангандиз.

Биринчи Президентимиз мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳрини тубдан обод қилиш, унинг тарихий ва замонавий қиёфасини уйғунлаштиришга қаратилган улкан ишларга бевосита раҳбарлик қилди.

Имом Бухорий, Имом Мотуридий ёдгорлик мажмууларини барпо этиш, Шоҳи Зинда зиёратгоҳи, Регистон майдони, Амир Темур мақбараси, Ҳазрати Хизр масжидини таъмирлаш, обод қилиш, янги уй-жойлар, майдон ва хиёбонлар, ижтимоий ва маданий обьектлар куриш ишларида Ислом аканинг бекиёс ҳиссаси борлигини, ишонаман, Самарқанд аҳли ҳеч қачон унутмайди.

Ислом Абдуғаниевичнинг ташаббуслари билан 2007 иили Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик кутлув санаси ЮНЕСКО иштирокида кенг нишонлангани тарихимизда ёрқин сахифа бўлиб қолади.

Куни кеча мана шу муazzам Регистон майдонида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўз ишини катта муваффақият билан якунлади.

Дунёнинг тури китъа ва минтақаларидаги 60 га яқин мамлакатдан келиб, ушбу анжуманда иштирок этган атоқли сиёсат ва маданият арбоблари, машхур санъат намояндлари бундан йигирма йил олдин бу фестивалга асос солган Биринчи Президентимиз хотирасига чуқур ҳурмат билдириб, у кишининг хизматларини миннэтдорлик билан таъкидлаганлари, ҳеч шубҳасиз, барчамизга ғуур ва ифтихор багишлайди.

Қадрли ватандошлар!

Роппа-роса бир йил аввал бошимизга оғир қайғу ва мусибат тушган ташвишли кунларда дунё ахли биз билан ҳамдард бўлиб, Биринчи Президентимизнинг хотирасига юксак эҳтиром кўрсатгани ғоят мушкул дамларда бизга катта мадад берди.

Насиб этса, келгуси йил январь ойида Ислом Абдуғаниевич таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаймиз.

Ана шу қутлуг сана муносабати билан Самарқанд шаҳрида, Биринчи Президентимиз абадий ором топган масканда у кишининг шон-шухратига муносиб тарзда бунёд этилаётган улуғвор ва мухташам мақбара мажмуаси ҳам очилади. Шунингдек, Қарши шаҳрида ҳам мухташам ҳайкал барпо этилади.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич «Бу ҳаёт, бу умр Амударё сувидек тез ва шиддат билан ўтиб кетади, лекин инсоннинг эзгу ишлари, эзғу хотираси боқий яшайди» деган чуқур маъноли сўзларни такрор ва тақрор айтар эдилар.

Бугун Ислом аканинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли, амалга оширган хайрли ишларини эслар эканмиз,

бу фикрлар аввало у кишининг ўзларига тўла дахлдор эканини таъкидламоқчиман.

Миллий мустақиллигимизнинг асосчиси муҳтарам Ислом Абдуғаниевичнинг сўнмас хотирасига қўйилган энг буюк ҳайкал – бу мустакил ва суверен, эркин ва озод Ўзбекистон давлатидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун, мана шу муборак Ҳайит айёмида барчамиз Оллоҳ таолодан азиз Ислом акамиз, меҳрибон устозимизнинг охиратларини обод этишни сўраймиз.

Мен аминман – биз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни янада обод ва фаровон килиш учун қанчалик фидойилик ва қанчалик садоқат кўрсатиб меҳнат қилсак, у кишининг руҳлари шунчалик шод бўлади.

Бугун азим Самарқанд шаҳрида Биринчи Президентимизнинг улуғвор ҳайкалини очаётган эканмиз, бир фикрни таъкидлаб айтмоқчиман: биз – ҳаммамиз, эгаллаб турган вазифамиз, касбимиздан қатъи назар, ўзимиз фаолият кўрсатаётган соҳада Ватанимизга, халқимизга, Биринчи Президентимизга доимо муносиб бўлишимиз керак.

Бу борада сиз, азиз Самарқанд аҳли доимо ибрат ва намуна бўласиз, деб ишонаман.

Мана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳатсаломатлик, куч ва ғайрат, оиласвий баҳт тилайман.

*Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг
Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкалининг
очилишига бағишиланган тантанали маросимдаги нутқ
2017 йил 2 сентябрь*

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ АСОСИДИР

Муҳтарам Раис жаноби олийлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан нутқ сўзлаш имконияти яратилгани учун самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бизнинг халқимиз бундан бир неча ҳафта олдин ўз давлат мустақиллигининг 26 йиллигини кенг нишонлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги киёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз.

Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чукур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад – «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган оддий ва аниқ-равшан таомойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат.

Умумхалқ мухокамасидан сўнг беш йилга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси қабул килинди. Бу стратегияни ишлаб чиқища биз ўзимизга четдан назар ташлаб, салоҳият ва им-

кониятимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил килдик.

Стратегия – бу янгиланиш жараёнларининг ҳакикий ҳаракатлар дастуридир. Бу ҳужжат ҳозирги вактда ҳаётга изчил жорий этилмоқда.

2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди.

Бизнинг мақсадимиз – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат.

Ишончимиз комил: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар бир миллиондан ортиқ фуқароларимиз бу қабулхоналар орқали ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал килди.

Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда боалалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон хукуқлари бўйича Олий комиссари жаноб Ал-Хусайнинг ташрифи якунлари бўйича инсон хукуқларини химоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган хорижга чиқиш визалари сингари умрини мутлақо ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқлари бекор қилинди.

Инсон хукуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича миллий ва ҳалқаро нодавлат ташкилотлар билан очик мулокотимиз фаоллашиб бормоқда.

Инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, шахсни қамоқда саклаш билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар қайта кўриб чиқилди.

Экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолған, тўғри йўлдан адашган фуқаролар ижтимоий реабилитация қилинмоқда, уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Эндиликда инсон хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги барча хукукни муҳофаза қилиш органлари фаолияти парламент ва фуқаролар томонидан доимий назорат килиб борилмоқда.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг роли ортиб бормоқда, суд органларининг чинакам мустақиллиги таъминланмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг ўрни сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Иктисадиёт тизимини либераллаштириш, қулай инвестиция мухитини яратиш амалга оширилаётган ўзгаришларнинг энг муҳим йўналишларидир.

Биз оддий бир ҳақиқатдан келиб чиқмоқдамиз: ҳалқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кудратли бўлади.

Ўзбекистон шу ойнинг бошидан миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтди. Бу борада ахоли учун юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни юмшатиш бўйича барча зарур чоралар кўрилди.

Мамлакатимизда илк бор тадбиркорлар хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институти жорий

этиди. Бизнес соҳасидаги соликлар сезиларли равишда кисқартирилди, кредит олиш имкониятлари кенгайтирилди.

Янги эркин иқтисодий зоналар ташкил этиди, уларда инвесторларга кенг имтиёзлар яратиб берилди.

Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда, биз Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шериклик алоқаларини янгитдан тикладик.

Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанг эканини таъкидлашни истардим.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Биз қатъий ишонамиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундан кейин ҳам халқаро муносабатларда ҳал килувчи ўрин тутади.

Ўзбекистон ушбу ташкилотнинг босқичма-босқич ислоҳ этилиши тарафдоридир. Биз Хавфсизлик Кенгашини бугунги кун талабларига мос равишда кенгайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги раҳбарияти томонидан ташкилотни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни кўллаб-куватлаймиз.

Ишонтириб айтмоқчиман, Ўзбекистон БМТнинг тузилмалари билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам изчил давом эттиради.

Биз жаноб Бош котиб Антониу Гутеришнинг яқинда Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича ишлаб

чиқилган «йўл харитаси»нинг амалий ижросини таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўрамиз.

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташки сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият каратмокда. Бу – ҳар томонлама чукур ўйлаб танланган йўлдир.

Марказий Осиёнинг қок марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир.

Тинч-осоиишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир.

Ўзбекистон ўзаро мулокот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир.

Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли кейинги ойларда минтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Кўплаб масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эршилди.

Сентябрь ойининг бошида Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланиши том маънода муҳим воқеа бўлди.

Томонлар ўз сиёсий иродасини, ўзаро мақбул қарорлар қабул қилишга тайёр эканини намоён этгани туфайли ўтган йигирма олти йил давомида биринчи

марта ушбу ғоят нозик масала бўйича катта натижага эришилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган қисқа вақт мобайнида минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратишга эришилди.

Бу тенденциянинг мустаҳкамланиши Марказий Осиё давлатлари Президентлари мунтазам учрашувлар ўтказиши учун имконият яратган бўлур эди, деб хисоблайман.

Биз ноябрь ойида Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигига ўтказиладиган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги юкори даражадаги халқаро анжуманда минтақадаги фундаментал муаммоларни муҳокама қилишни режалаштирганимиз.

Ушбу анжуман якунида биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-харакатларини қўллаб-кувватлашга доир маҳсус резолюциясини қабул қилиш таклифини киритишни мўлжаллаганимиз.

Бу таклифни БМТ раҳбарияти ва халқаро ҳамжамият қўллаб-кувватлайди, деб ишонамиз.

Муҳтарам Раис жаноблари!

Марказий Осиёда хавфсизлик ва баркарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тўгрисида сўз юритар эканмиз, минтақанинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш каби муҳим масалани четлаб ўтолмаймиз.

БМТ Бош котибининг «сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ», деган позициясини тўла кўллаб-кувватлаймиз.

Ишончим комил, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва ҳалқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ.

Ўзбекистон БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини кўллаб-кувватлайди.

Бугунги қуннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокатига яна бир бор зътиборингизни қаратмоқчиман.

Мана, менинг қўлимда – Орол фожиаси акс эттирилган харита. Ўйлайманки, бунга ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.

Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш ҳалқаро микёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаширишни тақозо этмоқда.

Биз БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган ахолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган маҳсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдоримиз.

Хонимлар ва жаноблар!

Афғонистондаги вазиятни баркарорлаштириш нафакат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолади.

Аминмизки, Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай

шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориши дир.

Музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда, Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигига ўтиши лозим. Донишманд афғон ҳалки ўз тақдирини ўзи мустакил ҳал қилишга ҳаклидир.

АҚШ Президенти жаноб Дональд Трамп маъмуритининг Афғонистон билан қўшни мамлакатларни афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга қўмаклашишга оид даъватини қўллаб-кувватлаймиз.

Ўзбекистон Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига, унинг транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга, миллӣй кадрларини тайёрлашга катта ҳисса қўшмоқда ва бундан кейин ҳам ҳисса қўшади.

Афғонистон масаласи глобал миқёсдаги масалалар марказида бўлиши лозим. Ҳалқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатлари, биринчи навбатда, Афғонистондаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилиши керак.

Бу жафокаш юртда тинчлик ўрнатишга қўмаклашиш йўлидаги бизнинг умумий қатъий ҳаракатларимиз асло сусаймаслиги лозим.

Хурматли сессия иштирокчилари!

Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги ийларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан қуч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини окламаётганидан далолат беради.

Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки улар-

нинг окибатларига қарши курашиш билангина чекланниб қолинмокда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошка омиллар билан бирға, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда.

Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда.

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик гояси «вируси» тарқалишининг олдини олишdir.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-куватлаш, унинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқукий хужжат – БМТнинг Ёшлар ҳукуклари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишини таклиф этади.

Бизнинг назаримизда, мазкур ҳужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак.

Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга кўядиганларни қатъий коралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз.

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёркин намояндадарининг ислом ва жаҳон цивилизациясига кўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ана шундай буюк алломалардан бири И мом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Куръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган «Саҳиҳи Бухорий»нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган.

Бу улуғ зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида И мом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Тошкентда ташкил этилаётган Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қиласи.

Бугунги сессия иштирокчилариға БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилмоқчиман.

Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқукини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга бархам беришга кўмаклашишдан иборат.

Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқукини химоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган.

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолган ҳолда, очик мулоқотга тайёрдир. Биз барча шерикларимиз билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислогоҳтларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг мухим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти айнан шунда мужассам, деб биламиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқ
Нью-Йорк шаҳри,
2017 йил 19 сентябрь*

ЎЗБЕК ХАЛҚИННИГ БҮЮК ФАРЗАНДИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мұхтарам мәхмөнлар!

Қадрли Жиззах ахли!

Бугун барчамиз жонажон Ватанимиз ҳаётидаги ул-
кан воеа муносабати билан қадимий ва навқирон
Жиззах шаҳрида тўпланиб турибмиз.

Шу кунларда ўзбек халқининг буюк фарзанди,
атокли давлат арбоби, таникли ёзувчи ва беназир ин-
сон Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мам-
лакатимизда кенг нишонланмоқда.

Кўп миллатли халқимиз бу улуғ инсоннинг азиз но-
мини ёд этиб, унинг ўлмас хотирасига чуқур ҳурмат ва
эҳтиром бажо келтирмоқда.

Шароф Рашидов ўзининг ноёб ақл-заковати, бой би-
лим ва тажрибаси, меҳнатсеварлиги ва камтарлиги, юк-
сак инсоний фазилатлари билан нафакат Ўзбекистонда,
балки узок-яқин ўлкаларда ҳам катта обрў-эътибор
козонган эди.

Бу улуғ инсон, собиқ мустабид тузум даврида турли
тазийқ ва синовларга бардош бериб, халқимиз ва мил-
латимизга садоқат билан, ҳалол ва фидокорона хизмат
килди.

Умрининг сўнгги дақиқаларида ҳам далага бориб,
захматкаш ўзбек дәжонлари орасида бўлганини бар-
чамиз яхши биламиз.

Шароф Рашидов оддий халқ орасидан чикқан, ҳақиқий юртпарвар раҳбар эди.

У киши бир умр ўзи каби содда ва камтарин одамларга елкадош бўлиб, уларнинг дарду ташвишлари билан яшади. Уларга хизмат қилишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб билди.

Хар қандай мураккаб шароитда ҳам халқимиз манфаатини ўйлаб амалга оширган ана шундай савобли ишларини эл-юртимиз ҳеч качон унутмайди.

Минг афсуски, ҳаёт бу инсонга шундай мураккаб кисматни раво кўрдики, у юрагидаги барча орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўз меҳнатининг ҳосилидан тўла баҳраманд бўлиш имконига эга бўлмади.

Аксинча, мустабид тузум ўзига садоқат билан хизмат килган шундай улуғ инсонни охир-оқибатда турли тухмат ва маломатларга дучор килди.

Шароф Рашидов вафот этиши билан унинг хотирасини хўрлаб, қабрини қўчирдилар, оила аъзолари, қариндош-уруғларини, дўстлари ва шогирдларини кувғин қилдилар. «Пахта иши», «Ўзбек иши», «Рашидовчилик» деган бўхтон гаплар билан у кишининг азиз номини, бутун халқимизни ёмонотлик қилдилар.

Факатгина мустакиллик даврига келиб, Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан тарихий адолат тикланди – Шароф Рашидовнинг пок номи окланди ва 75 йиллик таваллуд санаси юртимизда кенг нишонланди.

Биз бутун яқин тарихимизда бўлган ана шундай аянчли воқеаларни эслар эканмиз, мустақиллигимизнинг қадр-қимматини янада теран англаб этиши-

миз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан химоя қилишга доимо тайёр туришимиз шарт.

Шароф Рашидов республика раҳбари сифатида зиммасидаги улкан вазифаларга қарамасдан, ўзи бутун борлиги билан севган адабиётга ҳамиша содик колди.

У ўзининг бетакрор истеъдоди билан эзгу қадриятларни тараннум этган роман ва қиссалар, шеър ва достонлар, публицистик мақолалар яратди.

Рус тилини мукаммал эгаллаган, бу тилда бадиий асарлар ёзиш салоҳиятига эга бўлган бу улкан адаб айнан ўзбек тилида ижод қилди. Шу тариқа, ўша пайтдаги мураккаб идеологик тазийкларга қарамасдан, миллий адабиётимиз, авваламбор, она тилимиз ривожига қўшган катта ҳиссаси ҳар томонлама ибратга муносибдир.

Шароф Рашидовнинг «Икки дил достони» деган гўзал асарини ҳаммамиз севиб ўқиганмиз. Менинг на заримда, чинакам севги ва садоқат достони бўлмиш бу асарда Шароф aka ва у кишининг меҳрибон рафиқаси, оқила ва мунис ўзбек аёли Хурсаной опанинг ибратли хаёти ва тақдири мужассам бўлгандек туюлади.

Ҳақиқатан ҳам, бу матонатли аёл умр бўйи Шароф Рашидов билан ҳамнафас бўлиб, ҳаётнинг барча синовларига бардош бериб, энг оғир дамларда ҳам умр йўлдошига содик бўлиб яшади. Бундай бебаҳо фазилатлари билан бу муштипар опамиз ҳалқимиз ўртасида чинакам вафо ва садоқат тимсолига айланди.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтишни ўринли, деб биламан: Шароф aka ва Хурсаной

опанинг берган таълим ва тарбияси, шахсий намунаси туфайли уларнинг оиласи, фарзандлари ўз ота-оналарига муносиб бўлиб, эл-юртга фидойилиги билан бу куттуғ хонадон номини доимо пок сақлаб келмоқда. Бундай хислатлар кўп миллатли халқимиз, юртимиздаги барча оиласлар учун ҳар томонлама ўrnак ва ибратга лойик бўлган маънавий ҳодисадир.

Қадрли ватандошлар!

Хурматли меҳмонлар!

Бугун биз ўзбек халқининг буюк фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг хотирасига хурмат бажо келтирадар эканмиз, унинг номи ва ҳаёти Ватанимиз, халқимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ эканига яна бир бор амин бўлмоқдамиз.

Шароф Рашидовнинг мураккаб, шу билан бирға, шарафли ҳаёт йўлида ўзбек халқининг XX асрдаги тақдири ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Улуг Ватан уруши бошланиши билан у биринчилар каторида фронтта отланди ва душман билан курашда ҳакикий мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатди. Оғир яраланганидан сўнг Ўзбекистонга қайтиб, бор куч ва тайратини аямасдан, турли лавозимларда ишлади.

Шароф Рашидов ўта машақкатли йилларда Ўзбекистонга қарийб чорак аср давомида раҳбарлик килди. Унинг раҳнамолигида республикамиз иқтисодий тараккиёт, илм-фан, таълим ва соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида улкан муваффакиятларга эришди.

Минглаб гектар қаровсиз ерлар ўзлаштирилди. Ўзбекистон харитасида янги шаҳар ва қишлоқлар пай-

до бўлди, юзлаб завод ва фабрикалар курилди, боғу роғлар барпо этилди. 1966 йилдаги кўплаб вайронагарчиликлар келтирган зилзиладан сўнг қисқа муддатда замонавий Тошкентнинг мустаҳкам пойдевори яратилди.

Бугунги маросимда мамлакатимизнинг барча худудларидан Шароф Рашидов билан узок йиллар давомида бирга ишлаган вакиллар иштирок этётгани бу тадбирга алоҳида рух ва маъно-мазмун бағишламоқда. Уларнинг орасида атоқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, маданият ва санъат намояндадари борлигини таъкидлаш лозим.

Биз, шунингдек, Шароф Рашидовни яхши таниган ва яқиндан билган мухтарам меҳмонларимизни самимий кутлашдан мамнунмиз.

Булар учувчи-космонавтлар – ватандошимиз Владимир Жонибеков ва Солижон Шарипов, таникли селекционер олим Иван Кузьмин, Шароф Рашидов ҳақидаги қатор китоблар муаллифи, ёзувчи Фёдор Рассоқов ва бошқалардир.

Қадрли меҳмонлар, Шароф Рашидовнинг хотирасига бўлган ҳурмат ва эҳтиромингизни биз аввало бутун Ўзбекистон халқига бўлган ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида қабул қиласиз.

Барчангизга самимий миннатдорлик билдириб, чин қалбимдан мустаҳкам соғлик, баҳт ва омад тилайман.

Мухтарам юртдошлиар!

Бундан бир йил муқаддам халқимизнинг хоҳишистакларини инобатга олиб, Шароф Рашидовнинг

100 йиллик таваллуд тўйини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш, у киши туғилиб камолга етган мана шу заминда мухташам ёдгорлик мажмуасини барпо этишга қарор килган эдик.

Шу асосда Жиззах туманига Шароф Рашидовнинг муборак номи берилгани ҳалқимиз томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди.

Ўтган қиска вақт давомида ушбу мажмуада Жиззах ахли, бутун республикамиздан келган кўли гул усталар, қурувчи ва меъморлар, мутасадди ходимлар сидқидилдан меҳнат қилдилар. Натижада бу ёдгорлик мажмуаси табаррук зиёратгоҳга айланганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бу эзгу ишга муносиб ҳисса кўшган барча-барча юртдошларимизга самимий миннатдорлик билдираман.

Шулар қаторида Шароф Рашидовнинг хотирасини агадийлаштириш, бу улут инсон ҳакидаги тарихий адолатни тиклаш мақсадида янги илмий ва бадиий асарлар, мақола ва хотиралар ёзган, спектакль ва фильмлар, ҳайкаллар яратган ижодкор зиёлиларимизга ҳам чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Ишончим комил, бу гўзал масканга қадам қўйган ҳар бир одам, авваламбор, ёшларимиз Шароф Рашидовнинг нурли сиймосида мард ва матонатли ҳалқимизга хос олижаноб фазилатларни кўргандек бўлади.

Бу улут инсоннинг бетакрор тимсоли барчамизни Ватанини ҳақиқий фарзандлик меҳри билан севишга, унга ва ўзбек ҳалқига садоқат билан хизмат қилишга даъват этиб туради.

Азиз дўстлар!

Ҳаммангиз яхши хабардорсиз, кейинги бир йил давомида юртимизнинг турли худудларида Ибрат домла, Ибройим Юсупов, Эркин Вохидов, Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф сингари улуғ адибларимиз хотирасига багишлаб ёдгорлик мажмуалари, уларнинг номидаги ижод мактаблари барпо этилди.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида куни кеча Жizzах шаҳрида миллий адабиётимизнинг улкан намояндлари – Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига қўйилган муazzзам ҳайкал очилди. Уларнинг номи билан аталган хиёбон, ижод мактаби ва музей ўзишини бошлади.

Бор-йўғи ўттиз беш йил яшаб, адабиётимиз осмонида чакмоқдек чақнаган нодир истеъдод сохиби Ҳамид Олимжон ва атоқли шоира Зулфияхонимнинг ҳаёт ва ижод йўли ёш авлодимиз учун ҳар жиҳатдан ибрат на-мунасидир.

Ана шу ижод маскани ёшларимиз, энг аввало, мунис ва лобар қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, уларни Зулфияхоним каби вафодор, доно ва оқила, ўз юргига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда мустаҳкам замин бўлади.

Бу маънавият кошонасининг эшиклари нафақат Жizzах вилояти, балки бутун мамлакатимиз ёшлари учун очикдир.

Бугунги маросимда иштирок этаётган сиз, азизлардан битта илтимосим бор: фарзандларимизни, айникса, қизларимизни мана шундай гўзал масканларга кўпроқ олиб келсак, уларни адабиёт ва санъатнинг сирли

дунёси билан ошно этсак, ўйлайманки, нур устига нур бўларди.

Мен ишонаман, ушбу таклифимни Жиззах аҳли ва бутун халқимиз албатта қўллаб-кувватлади.

Қадрли ватандошлар!

Муқаддас китобларимизда, яхшиликнинг мукофоти факат яхшилик эканига алоҳида ургу берилади.

Шароф Рашидов умр бўйи ўз халқига, барча соғниятли инсонларга яхшилик қилиб, уларни улуғ мақсадлар йўлида бирлаштириб, эзгу ишларга сафарбар этиб яшади.

Бу олижаноб, донишманд ва бағрикенг инсон, қандай суронли синовларга дуч келган бўлмасин, юксак гуманистик ғояларга доимо содик бўлиб, халқимиз қалбида яхши ном, сўнмас хотира қолдирди.

Бугун Шароф Рашидовнинг ёркин хотирасига кўрсатилаётган чексиз эҳтиром, ҳурмат ва иззат бу фикримни яна бир бор якқол тасдиқлаб турибди.

Мухтарам дўстлар, қадрдонлар!

Буюк арбоб, улуғ инсон ўзбек халқининг атоқли фарзанди Шароф Рашидовнинг охиратлари обод бўлсин!

Азиз фарзандларининг хотирасини ардоқлаб, руҳларини шод этиб яшаёттан халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо, эл-юртимиз фаровон бўлсин!

Жиззах шаҳрида Шароф Рашидов ҳайкалининг очилишига багишланган тантанали маросимдаги нутқ

2017 йил 6 ноябрь

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎЗАРО ДҮСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИДИР

Мухтарам Мирослав Енча жаноблари!

Қадрли Федерика Могерини хоним!

Хурматли ташки ишлар вазирлари, халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик миссия раҳбарлари, конференция иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор ривожланиш масалаларига бағишлиланган халқаро конференциянинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини саҳоватли Ўзбекистон заминида, қадимий Самарқанд шаҳрида самимий қутлайман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва шахсан Бош котиб Антониу Гуттерриш жанобларига мазкур форумни ўтказиш ташаббусини қўллаб-куватлагани учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Ушбу залда Марказий Осиё мамлакатлари ташки ишлар вазирлари, Россия, Хитой, АҚШ, Европа мамлакатлари, Япония, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистондан ташриф буюрган юқори мартабали меҳмонлар, Мустақил Давлатлар Ҳамдүстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ҳамкор ташкилотлар вакилларини қўриб турганимдан мамнунман.

Хурматли конференция иштирокчилари!

Бугунги Форумнинг нечоғли мухим ва долзарблиги унинг «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, баркарор ривожланиш ва тараккиёт йўлидаги ҳамкорлик» деб номланишидан ҳам яққол кўриниб турибди.

Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлиқ ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради.

Евроосиёнинг «юраги»да жойлашган минтақамиз Европа ва Якин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприк бўлиб, Россия ва Хитой сингари иирик давлатлар билан чегарадошдир.

Минтақамиз табиий ресурсларга бой, бу ерда кўп-лаб мамлакатлар ва бутун минтақалар ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараккиёт салоҳияти мавжуд.

Айни пайтда Марказий Осиёда кудратли давлатларнинг манфаатлари кесиshmокда, бекарорлик ва қарама-қаршилик ўчокларига туташ бўлган ушбу минтақа яқин ва узок хорижда рўй бераётган барча салбий жараёнлар таъсирини ҳис этмоқда.

Табиий савол туғилади: минтақада вазият қандай ривожланади?

Бу ерда қандай куч устун келади – низо ва қарама-қаршиликларми ёки ҳамкорлик ва тараққиётми?

Умумий аҳолиси 70 миллиондан ортиқ бўлган минтақамизнинг келажаги бугунги кунда Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати томонидан барпо этилмоқда.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, амалий ҳамкорликка тайёрлик ва унга астойдил интилиш, шунингдек, барча Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақанинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигининг мустаҳкам пойдевори ва кафолатидир.

Ўзбекистон баҳсли масалаларни тезроқ ҳал қилиш ва ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш тарафдоридир.

Давлатларимиз айнан яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иктисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятини янада самарали амалга ошира олади.

Ишончим комил, бундан барча – Марказий Осиё давлатлари ҳам, бошқа мамлакатлар ҳам бирдек манфаат кўради.

Бизнинг бош мақсадимиз – умумий саъй-харакатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иктиносидий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат.

Бунинг учун биз турли низоларни қўзғайдиган ва унга кўмаклашадиган сабаб ва омилларга биргаликда барҳам бермоғимиз, умумминтақавий устувор манфаатларни инобатга олиш асосида миллий ривожланишни таъминламоғимиз зарур.

Биз бугун тараққиётимизнинг умумий устувор йўналишларини англаган ҳолда, чегара, сувдан фойдаланиш, транспорт ва савдо сингари ўткир минтақа-

вий масалаларни ечиш бўйича оқилона муроса йўлини изламоқдамиз.

Бугунги конференция доирасида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон томонидан Давлат чегараларининг туташган нуктаси худуди ҳакида шартнома имзоланди.

Ушбу шартнома муддатсиз бўлиб, денонсация қилинмайди, у уч кўшни давлат ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

Сўнгги пайтда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўз чегараларининг 85 фоизи юзасидан келишувга эришди. Кўпдан буён давом этиб келаётган муаммолардан бири деярли ҳал этилди.

Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик кенгайди. Тожикистон билан тўғридан-тўғри авиақатновлар тикланди. Товар айирбошлиш ҳажми ошмокда, чегараолди худудлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда, маданий-гуманитар соҳадаги муносабатлар фаоллашмокда.

Шу билан бирга, кўлга киритилган дастлабки натижалардан хотиржамликка берилишимиз мумкин эмас, биз ҳали йўлнинг бошида турибмиз, деб ҳисоблайман.

Муносиб келажакни таъминлаш учун бугун биз қандай аниқ вазифаларни бажаришимиз мухим ва зарур?

Биринчидан, бу савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлиш ҳажмини ошириш ҳамда кооперацияни мустаҳкамлаш учун кулай шароитлар яратишdir.

Минтақавий иқтисодий форумни ташкил этиш бу йўналишдаги амалий қадам бўлиши мумкин.

Бу ўринда гап бизнес ҳамжамиятлари ўртасида бевосита мулокот ва ўзаро савдо-иктисодий, сармоявий ва инновацион ҳамкорлик борасидаги аниқ лойиҳаларни атрофлича муҳокама қилиш ҳақида бормоқда.

Бизнинг минтақа мамлакатлари ишбилармон доиралари ҳамда етакчи корхоналар вакиллари билан бир неча бор ўтказган учрашувларимиз иктисодий алоқаларни сезиларли равишда фаоллаштириш ва ўзаро савдо ҳажмини ошириш имконини берди.

Масалан, йил бошидан бўён Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан товар айланмаси ўртacha 20 фоизга, айрим давлатлар билан эса қарийб 70 фоизга ўсди.

Минтақалараро ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Шу муносабат билан Марказий Осиё давлатларининг ҳудудлар раҳбарлари (ҳокимлари) бизнес ҳамжамиятининг ассоциациясини таъсис этишни таклиф қиласман.

БМТ экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги самарали кооперация алоқалари 10 йил мобайнида минтақавий ялпи ички маҳсулотни камида икки баробар ошириш имконини берган бўлар эди.

Ушбу механизмлар бутун Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминлаган ҳолда, мамлакатларимиз ҳудудларининг саноат, инвестиция ва интеллектуал соҳалардаги салоҳиятини тўла ишга солиш имконини беришига ишонаман.

Иккинчидан, минтақанинг транзит-логистика салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш лозим.

Бу йўналишда минтақа мамлакатлари томонидан амалий қадамлар кўйилганини мамнуният билан қайд этишни истардим.

Туркманистонлик дўстларимиз томонидан Амударёдан ўтадиган Туркманобод – Фороб янги темир ва автомобиль йўллари кўприклари ишга туширилди. У Ўзбекистон – Туркманистон – Эрон – Ўмон транспорт-транзит йўналишининг муҳим тармогидир.

Тез орада Ўзбекистон – Қиргизистон – Хитой темир йўли қурилишини бошлиш бўйича келишувга эришилди, шунингдек, ушбу транспорт йўлаги бўйлаб синов тариқасидаги автопойга амалга оширилди.

Шу муносабат билан Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича умуммитақавий дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур, деб хисоблаймиз.

Умумий ёндашувларимизни келишиб олиш учун биз 2018 йилда Тошкентда «Марказий Осиё ҳалқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва амалга оширилмаган имкониятлар» мавзусида ҳалқаро конференция ўtkазишини режалаштирмокдамиз.

Конференциянинг ишида барча шерикларимиз фаол иштирок этишига умид қиласиз.

Учинчидан, бу – Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдир.

Бугунги кунда минтақанинғ барча мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига дуч келмоқда.

Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашишни факат биргаликда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизмлари доирасида таъминлаш мумкин.

Хавфсизликка таҳдидларни «ўзиники ва ўзгаларники» деб ажратишдан воз кечиш, «яхлит хавфсизлик» тамойилига амалда риоя қилиш зарур, деган қатъий фикрдамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минтақавий хавфсизлик муаммосини, аввало, превентив дипломатия усулларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилишда мухим ўрин тутиши лозим.

Шунингдек, МДҲ, ШҲТ, ЕҲҲТ ва бошқа нуфузли халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар механизмлари доирасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарур.

Бугунги кунда Марказий Осиёда барқарор ва изчил тараккиётнинг истиқболлари кўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Биринчи галдаги вазифалардан бири Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилишига ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат.

Бу дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тарақ-қиётни таъминлашга қаратилган саъй-харакатларига ғоят мухим хисса бўлиб қўшилади.

Ўзбекистон бундан кейин ҳам бу кўшни мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тиклаш, унинг транспорт ва энергетик инфраузилмасини ривожлантириш, миллий

кадрлар тайёрлаш жараёнларида фаол иштирок этишини таъкидламоқчиман.

Марказий Осиёда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашнинг устувор йўналиши – экстремистик гояларга қарши қатъий курашишдан иборатdir. Кўпинча хаётга энди кадам қўяётган ёшлар унинг таъсирига тушиб қолмоқда.

Марказий Осиё – аҳолининг ёши бўйича энг «ёш» минтақалардан биридир: бу ерда аҳолининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади ва бу дунё бўйича ўртacha кўрсаткичдан анча юкоридир.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг яқинда Нью-Йоркда бўлиб ўтган сессиясида Ёшлар хукуклари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ҳамда «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган маҳсус резолюцияни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди.

Ушбу ташаббусларни Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари қўллаб-куvvatlagани ёшлар ўртасида радикал қарашлар тарқалишининг олдини олиш, тўғри йўлдан адашганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларни соғлом ҳаётга қайтаришга тайёрлигимизнинг амалдаги яққол ифодаси сифатида намоён бўлади.

Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, биринчи галда ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш экстремизмга қарши курашишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади.

Бу борада биз Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентда Ислом цивилизацияси марказини ташкил этишга қарор килдик.

Тўртнинчидан, бу – давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнини тезда ва узилкесил якунига етказишидир.

Биз чегараолди муаммоларини ҳал этиб, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлида мустаҳкам пойдевор яратамиз.

Биз давлат чегараларини делимитация қилиш борасидаги музокараларда юзага келадиган мураккаб масалаларни ҳал этиш бўйича изчил йўлга кўйилган ва биргаликда чукур ўйлаб амалга ошираётган ишларимизни давом эттириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз оқилона муроса ва ўзаро teng алмашинув асосида, ўзаро манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда, бу ўта долзарб муаммони тез орада ҳал этамиз, деб ишонаман.

Бешинчидан, минтақада сув ресурсларидан адолатли фойдаланиш муаммосини имкон қадар тезроқ тартибга солиш лозим.

Ишончим комил, мазкур масалаларни ҳал этишда минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга оладиган халқаро хуқуқий меъёрлар асосида иш олиб бориш кутилган самарани беради.

Ўзбекистон БМТ томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини кўллаб-кувватлайди.

Орол денгизининг экологик ҳалокати билан боғлик энг ўткир муаммоларни ҳал этиш ҳам саъй-харакатларимизни бирлаштиришни талаб этади. Орол муаммоси бизнинг нафакат умумий дардимиз, балки умумий вазифамизdir.

Минтақавий ва ҳалкаро даражада сайъ-харакатларимизни бирлаштирумасдан туриб, ушбу таҳдидларга қарши муносиб чоралар ишлаб чиқа олмаймиз.

Биз Оролбўйида юзага келган долзарб муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, ижтимоий муҳим аҳамиятга молик лойиха ва дастурларни амалга оширишга донорлик кўмагини жалб этиш максадида Марказий Осиё минтақасининг барча давлатлари фаолиятини янада фаоллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Олтинчидан, мамлакатларимиз ва ҳалқларимиз ўртасида маданий-гуманитар алокалар, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш лозим.

Бу Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликни жадаллаштиришнинг асосий шартларидан биридир.

Шу нуктаи назардан, биз фаол маданий-гуманитар мулокотни давом эттириш, мамлакатларимизда маданият кунлари ва турли ижодий тадбирларни мунтазам ташкил этиш, таълим ва сайёхлик соҳасидаги алмашувларни «ҳалқ дипломатияси»нинг энг муҳим воситаси сифатида ривожлантириш тарафдоримиз.

Оддий ва очик инсоний мулокот – минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва баркарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усулдир.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Марказий Осиёдаги долзарб масалаларни мамла-
катларимизнинг саъй-ҳаракатларини умумий масть-
улият тамойили асосида бирлаштириш орқалигина ҳал
этиш мумкин, деган фикримга, ўйлайманки, сизлар
ҳам кўшиласиз.

Юкорида қайд этилган вазифаларнинг амалга
оширилиши Марказий Осиё мамлакатлари давлат
раҳбарларининг ўзаро маслаҳатлашувлари бўйича
учрашувларни мунтазам ташкил қилиш имконини
яратган бўлар эди.

Бизнинг бу борадаги ёндашувларимиз бугунги
кунда минтақада умумий муаммоларни ҳал этишнинг
йўлларини биргаликда излаб топишга реал зарурат
мавжуд эканини англашдан келиб чиқкан ёнда-
шувдир.

Бу ёндашув Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош
Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида Марказий
Осиё мамлакатлари ташки ишлар вазирларининг
баёнотларида ҳам ўз ифодасини топган.

Бу ўринда гап Марказий Осиёда янги ҳалқаро
ташкилот тузиш ёки ўз устави ва миллий давлат
органларидан устун турадиган интеграциялашув
соҳасида қандайдир тузилма ташкил этиш ҳақида
кетмаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Минтақавий мулокотларимиз факат минтақамиз
тараққиётига оид ҳал қилувчи масалалар юзасидан
фаолиятимиз йўналишларини келишиб олишга
йўналтирилади.

Бугунги конференциямиз якунлари бўйича
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига

Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва баркарор ижтимоий-иктисодий тараккиётни таъминлаш бўйича минтакавий ва ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир маҳсус резолюция қабул қилиш ҳакида мурожаат қабул қилиш зарур, деб хи-соблаймиз.

Бундай резолюциянинг қабул килиниши БМТ ва бутун ҳалқаро ҳамжамият томонидан амалий муло-котни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва минтакадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича келишилган ёндашуввларни ишлаб чикиш борасида бизнинг давлатларимиз олиб бораётган саъй-харакатларни қўллаб-кувватлаш йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлур эди.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Марказий Осиё – бу ҳакикатдан ҳам ноёб имкониятлар ва ҳали ишга солинмаган улкан салоҳият ва имкониятларга эга бўлган минтақадир.

Минтақада мустаҳкам тараккиёт, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш – бизнинг тўлиқ эриша оладиган муштарак вазифамиздир.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги конференциямиз ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида яна бир муҳим қадам бўлиб, ҳал килувчи аҳамиятга эга вазифаларни амалга ошириш, барчамизнинг «Марказий Осиё» деб аталадиган умумий диёримизда тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган янги ғоя ва таклифларни илгари суришга хизмат қиласи.

Форумнинг барча иштирокчилари ва меҳмонлари
иш фаолияти самарали бўлишини, азим Самарқанд
шахрида уларга яхши кайфият ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Марказий Осиё:
ягона тарих ва умумий келажсак,
барқарор ривожланиш ва тараққиёт
йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги ҳалқаро
конференцияда сўзланган нутқ
2017 йил 10 ноябрь*

ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТЛАРИНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҚАТЪЙИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ДИПЛОМАТИК КОРПУСИМIZНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИДИР

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Барчангизга яхши маълум, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи барча соҳалар каби ташки сиёsat йўналишидаги фаолиятимизни ҳам танқидий қайта кўриб чиқишини, Ташки ишлар вазирлиги, элчихоналаримиз, бутун дипломатик корпусимиз ишини янгича ташкил қилишни талаб этмоқда.

Сизларнинг кўпчилигингиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси билан видеоконференция орқали бевосита танишдингиз. Айрим элчиларнинг ҳисоботларини бутун мамлакатимиз эшилди.

Мурожаатномада Ўзбекистоннинг ташки сиёsat соҳасидаги фаолиятини кучайтириш ва самарасини ошириш ғоят муҳим вазифа қилиб қўйилганидан барчангиз хабардорсиз.

Давлатимиз ва халқимиз номидан хорижий мамлакатларда иш олиб бораётган вакилларимиз, яъни, сизлар билан юзма-юз учрашиб, ҳар бирингиз билан

атрофлича гаплашиб олишни анчадан буён режалаштириб келаётган эдим.

Бундай учрашув биринчи марта ўтказилмоқда ва жуда муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилишимиз йил бошида ташкил этилаётгани сизларнинг фаолиятингизга ҳар томонлама холис баҳо бериш ва келгусидаги режаларни белгилаб олиш имконини беради.

Давлатимизнинг ташқи сиёсати ҳақида сўз юритар эканмиз, 2017 йил бу борада кўп жиҳатдан муваффақиятли бўлганини мамнуният билан қайд этиш ўринлидир.

Биз хорижий шерикларимиз, аввало, яқин қўшниларимиз билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича аниқ натижаларга эришдик.

Кўп йиллардан буён ечилмай келаётган масалаларни биргаликда амалда ҳал қилишни бошладик. Бўлиб ўтган кўплаб олий даражадаги ташриф ва учрашувлар барча мураккаб масалаларни ҳал этиш учун очиқ ва амалий мулоқот, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш ва оқилона муроса йўлини излаш муҳимлигини кўрсатди.

2017 йилда биз қўшниларимиз билан сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, чегараларни белгилаш, ўтиш пунктларини очиш, транспорт қатновини қайта тиклаш ва кенгайтириш каби кўплаб нозик масалаларнинг ечимини топдик.

Қўшни давлатлар билан товар айирбошлиш бўйича юқори кўрсаткичларга эришилди. Илк бор минтақалараро ва чегараолди худудлар ўртасида

ҳамкорлик йўлга қўйилди, барча даражаларда ўзаро алокаларимиз фаоллашди.

Якинда Қозогистон билан мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилди. Кеча узок йиллардан буён биринчи маротаба Ўзбекистон Бош вазирининг Тожикистонга ташрифи бўлиб ўтди.

Россия ва Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа мамлакатлари, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, шунингдек, Европа ва Осиё қитъаларидаги бир катор давлатлар билан ҳамкорлигимизни сезиларли даражада мустаҳкамладик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар ва молиявий институтлар билан шериклигимиз сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Тошкент шаҳрида Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг ваколатхонаси қайта иш бошлади.

Биз Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестициялари банки билан ҳамкорликни янгича асосда йўлга қўйдик.

Ўтган йили хорижий шерикларимиз билан 200 дан ортиқ халқаро шартномалар, шунингдек, савдо-иктисодий ва инвестиция соҳаларида қиймати қарийб 60 миллиард долларлик келишув ва битимлар имзоланди.

Чет эл мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича 40 дан ортиқ «йўл хариталари» тасдиқланди.

Кўриб турганингиздек, қиска вақт ичидаги жуда кўп ишлар қилинди. Бунда Ташки ишлар вазирлиги ва хориждаги қатор элчиҳоналаримизнинг ҳам муносабиҳиссаси бор.

Хурматли йигилиш иштирокчилари!

2018 йилда олдимиизда янада қўламли, ўта муҳим янги вазифалар турибди. Бу йил, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз ривожида ҳал қилувчи аҳамиятга эга йил бўлади.

Шу муносабат билан ўтган йили олий даражада эришилган барча келишувлар тўлиқ амалга оширилиши шарт эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бундан ташқари, жорий йилда 20 дан ортиқ олий даражадаги ташрифлар ва учрашувларни, мамлакатимизда бир қатор йирик ҳалқаро анжуманларни ўtkазиш режалаштирилган. Бу ишларнинг барчаси ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Ислоҳотлар ва ўзгаришлар жараёнида сизлар ҳам фаол иштирок этишингиз зарур.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар бирингиз фаолиятинингизни танқидий қайта кўриб чиқиб, уни кучайтиришингиз шарт.

Орангизда кимдир ана шу ўта муҳим жараёнларни четдан томошабин бўлиб кузатиб туришига ва лоқайдликка берилишига биз йўл қўймаймиз.

Минг афсуски, бугунги кунда барча элчи ва дипломатларимиз бирдек самарали фаолият кўрсатмоқда, деб айтолмаймиз.

Қайд этиш керакки, ўз фаолиятини тубдан ўзгартириб, янгича руҳда ишлаётган элчиларимиз ҳам йўқ эмас. Улар аниқ амалий натижаларга эришмоқда.

Аммо фаолияти бизни қониқтирмайдиган, ўз лавозимида узок ўтириб қолган, «мудраб ётган» дипломатлар кўпчиликни ташкил этади. Уларни уйқудан уйғотишнинг ўзи амримаҳол. Бу мени қаттиқ ташвишга солмоқда.

Фақат 2017 йилнинг ўзида ташаббуси ва натижадорлиги йўклиги, сусткашлиги ҳамда йўл қўйган хатолари учун 10 нафар элчи, жумладан, Хитой, Япония, Туркия, Малайзия ва бошқа давлатлардаги элчилар вазифасидан озод этилди.

Бугунги мажлисимииз натижалари бўйича ҳам ўзгаришлар бўлади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, элчи Президентнинг хориждаги расмий вакилидир. У давлатимизнинг ташки сиёсатини самарали амалга ошириш учун тўлик масъул ва жавобгар.

Шунинг учун элчи барча ходимларидан кўпроқ ишлаши, ўзининг акл-заковати, ташаббускорлиги ва талабчанлиги, билим ва салоҳияти билан бошқаларга намуна бўлиши лозим. У ҳар куни чуқур асосланган янги-янги таклифлар ишлаб чиқиб, тақдим этиши шарт.

Ўзи ишлаётган мамлакат худудларига бевосита бориб, уларнинг бозор сиёсатини чуқур ўрганиши, бизнесменлар билан учрашиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ташкил этиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вакили сифатида чет давлатларда ва элчихона ходимлари орасида обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлиши керак. Барча дипломатлар, ўзининг идоравий мансуб-

лигидан қатыи назар, элчининг хизмат топшириқла-
рини сўзсиз бажаришга мажбур.

Элчининг халқ, Ватан олдидағи бурчи ва вазифаси,
унинг касб малакаси, маънавий дунёси ҳақида гапир-
гандо, аввало, бугунги ўзбек дипломати, элчиси қандай
хусусият ва фазилатларга эга бўлиши керак, деган са-
вол туғилади.

Бунинг учун аввало «элчи» деган сўзниңг маъносига
эътибор қаратиш ўринли бўлади. Бу сўз элнинг, халқ-
нинг вакили, мамлакатларни бир-бирига боғлайдиган
инсон, деган маънони англатиши ўз-ўзидан кўриниб
турибди.

Маълумки, бизнинг миллий давлатчилигимиз неча
минг йиллик қадимий тарих ва бой маданиятга эга.
Бинобарин, дипломатик муносабатлар ҳам тарихимиз-
нинг энг чукур қатламларига бориб тақалади.

Бу ҳақиқат нафақат мамлакатимиз, балки дунё олим-
лари томонидан кенг эътироф этилган.

Бизнинг аждодларимиз орасидан машхур ва мохир
дипломатлар, элчилар етишиб чиққани ҳақида кўплаб
тарихий маълумотлар мавжуд.

Дунёдаги дипломатияга оид энг зўр китоблар ҳам
аслида Шарқда, жумладан, бизнинг заминимизда яра-
тилган, десак, адашмаган бўламиз.

Шу ўринда бир мисолга эътиборингизни қа-
ратмоқчиман. Самарқанд шаҳридаги қадимий Аф-
росиёб давлати жойлашган макондан топилган ноёб
деворий расмларни ҳаммангиз яхши биласиз. Ана шу
расмларда Самарқанд хукмдорининг Хитой, Корея,
Хинд, Чаганиён каби давлатлардан келган элчиларни
қабул қилиш маросими акс эттирилган.

Жанубий Кореяга давлат ташрифи билан борганимда мухтарам Президент Мун Чжэ Ин жаноблари Севулдаги музейда шу расмнинг нусхасини менга катта ифтихор билан кўрсатди.

Бундан неча минг йил аввал яратилган бу сурат кадим замонлардаёқ юртимиз заминида дипломатик анъаналар шаклланганидан, ота-боболаримиз узокяқин мамлакатлар билан дўст ва ҳамкор бўлиб яшашга интилиб келганидан далолат беради.

Ёки Амир Темур бобомиз ва темурийлар салтанатини оладиган бўлсак, ушбу сулола ҳукмронлик килган йилларда ўлкамизда дипломатик муносабатлар накадар юксак даражага кўтарилганига гувоҳ бўламиз.

Соҳибқирон бобомизнинг Франция, Англия, Испания, Византия, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Усмонийлар империяси каби кўплаб давлатларнинг ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик алоқалари ва ёзишмалари буни яққол тасдиклайди.

Амир Темур саройига дунёнинг турли мамлакатларидан, жумладан, Европа давлатларидан ўнлаб элчилар келгани тарихдан яхши маълум.

Ўша давр манбаларида 1389–1398 йиллар оралиғида, яъни, салкам ўн йил ичидан Амир Темур номидан Хитойга 9 марта элчилар боргани қайд этилади.

Айни вактда Амир Темур ва темурийлар салтанати номидан Европа ва Осиё мамлакатларига вакил бўлиб борган, асли шахрисабзлик Муҳаммад Кеший, шунингдек, Мавлоно Ҳофиз, Фиёсиддин Наққош, Абдураззок Самаркандий каби элчиларнинг номлари

тариҳ саҳифаларида сақланиб қолган. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти, афсуски, хозиргача чукур ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

Ташки ишлар вазирлиги бунга эътибор қаратиб, ушбу масаланинг тарихий илдизлари, мустақиллик даврида ўзбек дипломатиясининг шаклланиш жараёнлари ҳақида алоҳида бир китоб тайёрлаб чиқарса, бу соҳа ходимлари, аввало, ёш дипломатлар учун муҳим қўлланма бўларди.

Бу вазирликка қанча одам раҳбарлик қилди. Лекин улардан биронтаси ҳам бунга аҳамият бермагани уларнинг фақат вақтинчалик кайфият билан ишлаганидан далолат беради.

Ваҳоланки, дипломатия, дипломатлик – оддий касб эмас, балки инсондан жуда кўп фазилатларни талаб этадиган ноёб санъатдир.

Ҳақиқий дипломат бўлиш учун фақат билим ва тажриба, чет тилларни билиш етарли эмас, бунинг учун аввало туғма талант керак. Энг муҳими, дипломат ҳақиқий ватанпарвар бўлиши, ўз халки, ўз юртининг чинакам фидойиси бўлиши зарур.

Шу маънода, XVII асрда яшаб ўтган улуғ ватандошимиз Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» яъни, «Мамлакат дастури» деган китобида элчилик санъати ҳақида билдирилган мана бу фикрлар эътиборлидир:

«Элчи икки масалада ниҳоятда ҳушёр бўлиши зарур. У ўз давлатига садоқатини намоён этиш учун мамлакатнинг обрўси ва шаънини, шон-шуҳратини, салтанатнинг улугворлигини ҳар жиҳатдан эҳтиёт

қилиши лозим. Шунинг билан бирга, чет мамлакатлар билан бўладиган муносабатларда у ердаги дўстларнинг хайрихоҳлиги ва ғанимларнинг макр-хийласидан доимо огоҳ ва хушёр бўлиб туриши даркор».

Бу доно гапларга ҳеч қандай кўшимча килишнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Лекин, ўзингиз айтинг, элчи деган одам ўзбек халкининг бой тарихини, маданиятини, миллий қадриятларини, ватандошларининг дарду ташвишларини яқиндан билмаса, уларни юрагидан ўтказмаса, қандай қилиб Ўзбекистонни дунёга танитиши мумкин? Дейлик, Алишер Навоийдан, Бобурдан, Абдулла Орипов, Эркин Вохидовдан икки катор шеър айта олмаса, энг ёмони, она тилимизни мукаммал билмаса, қандай қилиб ҳақиқий элчи бўлиши мумкин?

Мен шу маънода Жанубий Кореядаги элчимиз Виталий Васильевич Фенга алоҳида раҳмат айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Бу одам шунча йилдан буён элчилик лавозимида самарали ишлаётгани, Жанубий Корея билан иқтисадий, инвестициявий алоқаларни жадал ривожлантираётгани албатта эътиборга лойик, лекин унинг халқимизга жуда катта ҳурмат билдириб, ўзбек тилида равон гапириши барча элчиларимизга ўrnak бўлиши керак.

Ўзингиз айтинг, Ўзбекистоннинг чет элдаги элчиси бўлса-ю, ўзбек тилини билмаса, бу халқимизга хиёнат эмасми?

Шу нуктаи назардан қараганда, биз бу борада ҳали жуда кўп иш килишимиз лозим. Биринчи навбат-

да миллий дипломатиямизни буюк аждодларимизнинг бизга колдирган бой меросига асосланган ҳолда, дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибаси, дипломатия фани ва санъатининг энг илғор ютуклари билан бойитишимиш зарур.

Айни пайтда бутун замон олдимизга қандай кескин талаблар қўяётганини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Жаҳон миқёсида ракобат, қарама-қаршилик, турли манфаатлар тўқнашуви, геополитик зиддиятлар тобора кучайиб бормоқда.

Бундай ғоят мураккаб ва таҳликали шароитда биз кучли ташки сиёсат олиб бормасдан туриб, кўзлаган мақсадларимизга эришолмаймиз.

Кучли, самарали ташки сиёсат олиб бориш учун эса аввало кучли дипломатлар корпусига эга бўлишимиз керак.

Биз хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда муҳим бир масалага эътибор қаратишимиш керак. Минг афсуски, ушбу масалага биз кўпинча иккинчи даражали иш, деб қарашга ўрганиб колганмиз.

Мисол учун, агар Италиядаги элчимиз шу мамлакат ишбилармонларининг вакилларини йиғиб, буюк итальян шоири ва мутафаккири Алигъери Дантенинг «Илоҳий комедия» асарини бизнинг улуғ шоиримиз Абдулла Орипов таржима қилганини айтиб, ўзбекча дантехонлик уюштиrsa, биласизларми, нима бўлади? Уларда Ўзбекистонга хурмат, қизиқиш, ҳамкорлик қилишга интилиш пайдо бўладими-йўқми? Мен, ўйлайманки, албатта пайдо бўлади.

Мен Абдулла аканинг бир китобида шундай гапларни ўқиганман. У киши Италияга борганида «Ўзбекистондан Дантенинг таржимони келибди», деб турли партияларнинг вакиллари бир жойга тўпланиб, шоиримиз билан сұхбатлашган экан.

Ўшанда бир сиёsatчи Абдулла акага:

«Хурматли меҳмон, биз аслида бир-биримизга ашаддий рақибмиз. Партияларимиз, мағкураларимиз ҳар хил. Бир-биримиз билан доим кескин рақобатдамиз. Лекин мана бугун буюк Дантенинг ҳурмати, Сизнинг шарофатингиз билан бир дастурхон атрофида ахил-иноқ тўпланиб турибмиз. Сизга катта раҳмат», деган экан.

Мана, одамнинг юрагига қандай йўл топиш мумкин! Инсон қалбини, ҳалқ қалбини аввало унинг маданияти, адабиёти ва санъатига, миллий қадриятларига ҳурмат-эхтиром кўrsатиш орқали забт этиш мумкин.

Муҳтарам дўстлар!

Мамлакатимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили, деб эълон қилинган 2018 йилда биз ўз олдимизга ниҳоятда катта максадларни кўйидик. Бу, ўз навбатида, сизлардан барча йўналишлар бўйича иш самара-дорлигини тубдан оширишни талаб этмоқда. Шундан келиб чиқиб, бизнинг дипломатик муассасаларимиз фаолияти аввало қуйидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозимлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Биринчидан, экспорт, экспорт ва яна бир бор экспорт!

Гап Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий давлатлар бозорларига экспорт қилишга ҳар жиҳатдан амалий кўмаклашиш ҳақида бормоқда. Бугунги кунда дунёдаги кўплаб давлатлар, хусусан, ривожланган мамлакатларнинг ташки сиёsat фаолиятида айнан шу масалага энг устувор аҳамият берилишини сизлар яхши биласизлар.

Иккинчидан, мамлакатимиз саноати ва инфратузилмаларини модернизация қилиш ва ривожлантириш учун хорижий инвестициялар, илғор замонавий технологиялар ва илм-фан ютукларини фаол жалб этиш зарур.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан фаол инвестиция сиёсатига боғлиқ. Шу асосда давлатимизнинг рақобатбардошлиги ва, энг асосийси, аҳоли фаровонлиги тубдан ошиши, янги корхона ва тармоқлар, янги иш ўринлари яратилишини, ўйлайманки, тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Учинчидан, Ўзбекистонга келаётган сайёхлар оқимини кенгайтириш бўйича элчиҳоналаримиз ҳам фаол ва тизимли иш олиб бориши лозим. Мен бу ҳақда илгари ҳам бир неча бор айтганман.

Бу борада Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов) зарур туристик инфратузилмани яратиш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хорижий туристларни мамлакатимизга жалб этиш юзасидан элчиларимизнинг Туризмни ривожлантириш бўйича давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатаси

билин биргаликда тизимли равиша қаттиқ ишлаши талаб килинади.

Яна бир мухим масала. Сизлар Ўзбекистон очик, амалий ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини хорижий мамлакатларнинг кенг жамоатчилигига етказиш бўйича мунтазам иш олиб боришингиз зарур.

Ана шу мухим вазифаларнинг барчаси сизларнинг кундалик фаолиятингизнинг устувор йўналишлари бўлиши даркор.

Биз мамлакатимизга чет эл инвестицияларини жалб қилишда элчиларимиз, дипломатларимизнинг иштироқини кучайтириш ҳақида сўз юритдик.

Тарихга мурожаат қиласиган бўлсак, бу масала Амир Темур замонида ҳам кун тартибиға долзарб вазифа сифатида қўйилганини кўришимиз мумкин. Масалан, Соҳибқирон бобомизнинг 1402 йилда Франция кироли Карл VI га йўллаган мактубида, жумладан, шундай дейилади:

«Сиз, ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб, иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юрtingизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазийклар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Чунки дунё савдо аҳли ила обод бўлажак».

Қаранг, бу ҳикматли сўзлар бугунги ҳалқаро муносабатларда ҳам ўзининг аҳамияти ва қимматини йўқотмаган. Улар худди шу бугун айтилгандек жарангламоқда.

Бугунги мажлисга тайёргарлик кўриш жараёнида мен вақтимни аямасдан, ҳар бир элчихона юборган ҳисоботларни дикқат билан ўрганиб чиқдим.

Бу ҳисоботлар жуда чиройли, силлиқ қилиб ёзилган. Аммо амалда вазият бутунлай бошқача.

Мана, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар ва Туризмни ривожлантириш бўйича давлат қўмиталарининг 2017 йил якунлари бўйича маълумотлари қўлимда турибди. Уларда сизлар фаолият кўрсатаётган мамлакатларга оид амалдаги экспорт ва хорижий инвестициялар ҳажми, юртимизга келаётган сайёҳлар сони аниқ акс эттирилган.

Бу маълумотлар сизларнинг ҳисбетингиздаги ракамлардан бутунлай фарқ қиласди. Ҳақиқий вазият фаолиятингиз бўйича реал натижаларни яққол кўрсатиб турибди.

Кўпчилик элчи ва дипломатлар бугун амалий иш ўрнига интернетдан олинган, долзарб бўлмаган маълумотлар, «тахлиллар» ва ҳисбетлар тайёрлаш билан шуғулланиб ўтирибди.

Бундай номақбул иш услубининг турлича сабаб ва омиллари бор, албатта.

Айрим элчилар енгил-елпи иш юритишга, халқимиз таъбири билан айтганда, оғирнинг – устидан, енгилнинг – остидан юришга ўрганиб қолган. Улар даврнинг катъий талабларини ҳисобга олишни, ўзини, иш услубини ўзгартиришни истамаяпти. Биз бундай элчилар билан хайрлашамиз.

Ташки ишлар вазирлиги тизимида бюрократия ва ортиқча қоғозбозлик билан боғлиқ ҳолатлар борлигини

ҳам яхши биламан. Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ушбу тизимни чукур қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштиришни талаб этмоқда. Бу биринчи навбатда хориждаги элчихоналаримиз томонидан ҳисобот тақдим этиш, уларни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш масалаларига тааллуқлидири.

Вазирлик ва унга қарашли муассасаларда ташкилий-штат тузилмасини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш зарур.

Сизларга маълумки, биз Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари фаолиятини танқидий ўрганиш ва тубдан такомиллаштириш бўйича маҳсус комиссия ташкил этдик.

Комиссия Ташқи ишлар вазирлиги тизимидағи ҳар бир ходимнинг ишига холис баҳо бериши, мавжуд камчиликларни таҳлил килиб, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар киритиши лозим.

Бугун сизлар билан бирга вазирлик ва унинг дипломатик муассасаларининг самарали фаолият кўрсатишига тўскинлик килаётган сабаб ва омилларни мухокама килиб олишимиз керак.

Шу борада эътиборингизни куйидаги масалаларга каратмоқчиман.

Биринчидан, биз элчихоналар фаолиятини мутлақо янгича асосда ташкил этамиз. Бу нафақат элчихоналарнинг ташкилий тузилмаси, балки сизларнинг кундалик амалий фаолиятингизга ҳам дахлдордир.

Биз ҳар бир элчихонага мамлакатимизнинг муайян худудлари ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда йирик корхоналарни бириктириб қўйишга қарор қилдик.

Бу ўз навбатида экспорт ва туризмни ривожлантириш, инвестиция, бизнес кооперацияни кучайтириш бўйича аниқ лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлик масалаларни тезкор ҳал қилиш имконини беради.

Шунингдек, вилоят ҳокимлари бир йилда камида икки марта тегишли мамлакатларга хизмат сафарига юборилади. Улар шаҳарсозлик ва ободонлаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, замонавий ахборот, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидағи илғор хорижий тажрибани ўрганиб, ўз худудларида кенг жорий қилиши лозим.

Бу ишларнинг ижросини назорат қилиш Баш вазир А.Ариповга топширилади.

Иккинчидан, элчихоналар ва дипломатларнинг фаолияти, уларнинг реал иш ҳажми ва амалий натижаларини синчиклаб ўрганиб, шу асосда ҳар томонлама пухта ўйланган таклифлар тайёрлаш керак.

Бизнинг асосий иқтисодий ҳамкорларимиз бўлган Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Туркия ва Европанинг етакчи давлатларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ушбу мамлакатлардаги элчихоналаримизнинг ҳар бирида савдо ва инвестиция бўйича дипломат ходимлар штатини жорий қилиш ва кенгайтириш лозим.

Хорижий мамлакатлардаги элчилар ва дипломатик ваколатхоналаримиз фаолиятини, аввало, уларнинг амалий иш натижалари ва келгусига мўлжалланган аниқ режаларини чукур ва атрофлича ўрганиш максадида тузилган комиссиядан мен аниқ таклиф ва натижалар кутаман.

Учинчидан, кўйилган вазифаларни самарали бажариш ва элчихоналар фаолиятини мувофиқлаштириш учун Ташки ишлар вазирлигининг марказий аппарати тузилмасини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш зарур.

Шу ўринда киёслаш учун бир мисолға эътиборингизни каратмокчиман.

Мен Бош вазир лавозимида ишлаган пайтимда бутун Вазирлар Махкамаси аппарати ходимларининг сони 180 кишидан иборат эди. Ана шу 180 киши мамлакатимиз иқтисодиётининг оғир аравасини, ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан, ўз елкасида тортар эди. Хусусан, саноат, кишлек хўжалиги, транспорт, коммунал соҳа, курилиш, худудларни ривоҷлантириш, экспорт ва инвестициялардан бошлаб таълим, соғлиқни саклаш, маданият ва спорт соҳаларида кенг камровли ишлар олиб борилар эди.

Энди куйидаги ракамларга эътибор беринг: ҳозирғи кунда Ташки ишлар вазирлигининг марказий аппаратида 334 ходим, унинг кути муассасаларида 900 дан ортиқ, элчихоналаримизда эса 300 киши ишламоқда. Жами бир ярим минг кишидан ортиқ.

Лекин мана шундай йирик вазирликнинг иш фаолияти бугунги куннинг кескин ва ўткир талабларига жавоб беряптими, деган табиий савол туғилади.

Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш кийин.

Шу муносабат билан Давлат маслаҳатчиси О.Муродов раҳбарлигидаги комиссия Ташки ишлар вазирлигининг таркибий тузилмасини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича аниқ таклифлар киритиши зарур.

Жумладан, вазирлик таркибида қуидаги масалалар бўйича ихтисослашган алоҳида тузилма ва бошқармалар ташкил этилиши лозим:

- ташкил иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортни қўллаб-кувватлаш ва инвестицияларни жалб қилиш;
- савдо-иктисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини масъул котибият сифатида мувофиқлаштириш;
- туризмни ҳар томонлама ривожлантириш;
- хориждаги фукароларимиз ва ватандошларимиз билан тизимли ишлаш.

Шу билан бирга, дипломатик хизматни ҳукукий жиҳатдан тартибга солишининг самарали ва адолатли тизимини шакллантириш лозим. Бугунги кунда Ташкил ишлар вазирлиги 20 йил аввал қабул қилинган ҳужжатлар асосида фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, вазирликда кадрларни ротация килишининг самарали тизимини йўлга кўйиш зарур. Баъзи элчи ва дипломатларимиз хорижда 8–10 йил давомида ўз вазифасида ишлаб келмоқда. Оқибатда улар мамлакатимизда рўй берадиган сиёсий, ижтимоий-иктисодий жараёнлардан узоклашиб қолмоқда.

Шу ўринда мен ўзининг ваколат муддатини тутатиб, юртимизга қайтган тажрибали элчи ва катта дипломатларимизни вазирлик, идора ва вилоят ҳокимликлари-даги масъул раҳбарлик лавозимларига тайинлаш тартибини жорий қилиш лозим, деб ҳисоблайман.

Менинг фикримча, чет мамлакатда элчи бўлиб муваффақиятли ишлаган одам хизмат миссияси туга-

гандан кейин давлат тизимидан узоклашиб кетмаслиги керак.

Афсуски, бизда ўз миссиясини бажариб қайтган юкори малакали дипломат ходимларга муносиб иш бериш, уларга хурмат-эътибор кўрсатиш масаласи эътибордан четда қолган, десак, буям адолатдан бўлади. Биз бундан буён бундай нотўғри ишларга йўл кўймаймиз.

Шу тарика элчи ва дипломатларимизнинг хорижда орттирган бой тажриба ва билимларидан тармоқ ва ҳудудларимизнинг ҳалқаро алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, экспорт ҳажмини ошириш ва инвестицияларни жалб этишда фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Ташқи ишлар вазирлиги ва элчихоналарнинг тегишли вазирлик ва идоралар, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари билан самарали ишлаши бўйича аниқ ва яхлит тизимни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бу борада мамлакатимизнинг ягона ташқи сиёсий ва иктисадий фаолиятини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш вазифаси Ташқи ишлар вазирлигига юклатилади.

Тўртингчидан, бугунги кунда Ташқи ишлар вазирлиги ва элчихоналаримиз фаолиятида тизимли ва аниқ мақсадга қаратилган информацион-тарғибот ишларини кучайтириш лозим.

Афсуски, хорижий шерикларимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислоҳотлардан, ички ва ташқи сиёсатимизнинг устувор жи-

ҳатлари, бизнес ва инвестиция учун яратилаётган қурай шарт-шароитлар ҳақида етарлича маълумотга эга эмас.

Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Жаҳон» ахборот агентлиги ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажара олмаяпти. Шу муносабат билан «Жаҳон» ахборот агентлиги негизида ёш, салоҳиятли мутахассисларни жалб қилған ҳолда, молиялаштириш манбалари аниқ бўлган ва энг илғор техника билан жиҳозланган замонавий медиа-марказ ташкил этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Бундан ташқари, Ташқи ишлар вазирлигидаги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўйича алоҳида тузилма ташкил этиш лозим. Ушбу тузилма раҳбари Ташқи ишлар вазирлигининг тўлақонли расмий вакили, давлатимиз ташқи сиёсатининг «ожарчиси» бўлиши керак.

Бешинчидан, Ташқи ишлар вазирлигининг кадрлар сиёсатига ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқчи-ман.

Ҳозирги кунда 10 та элчи лавозими, жумладан, Австрия, Польша, Бирлашган Араб Амирликлари, Сингапур давлатларидағи элчи лавозимлари кўп йиллардан буён вакант бўлиб турибди.

Тегишли қарор қабул қилинган бўлса-да, Ўмон ва Беларусь мамлакатларида элчихоналаримиз фаолияти ҳали ташкил этилмаган.

Вазирликнинг марказий аппарати фаолиятида ҳам жиддий муаммолар мавжуд. Аввало, ўрта бўгин

раҳбарлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажара олмаяпти. Кейинги йилларда вазирликда бошкарма бошлиғи лавозимининг нуфузи тушиб кетган. Аксарият бошкарма бошлиқларининг ўзлари ҳам ишламаяпти, ёшларни ҳам тарбияламаяпти. Улар фақат навбатдаги хориж сафарларини кутиб ўтирибди.

Ташки ишлар вазирлигининг марказий аппарати, шунингдек, хориждаги муассасалар учун истиқболли кадрлар захирасини кайтадан кўриб чикиш керак.

Шу пайтгача вазирликнинг марказий аппарати ва дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ва ходимлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг ягона мезонлари ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда зарур меъёрий-хукукий хужжатлар ишлаб чикиш ва қабул килиш керак.

Айни вактда дипломат кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Афсуски, Жаҳон иктисадиёти ва дипломатия университети чинакам истиқболли, ўз касбига садоқатли ва профессионал ёш кадрлар тайёрлаш бўйича вазифаларни тўлаконли бажараётгани йўқ. Университет битирувчиларининг давлат идораларига ишга жойлашиши ўта паст даражада колмоқда.

Мисол учун, 2017 йилда университетни битирган 235 ёшларнинг атиги 14 нафари Ташки ишлар вазирлигига ишга қабул килинган. Улар орасида халқаро иктисадий муносабатлар факультетини битирган биронта ҳам йигит-киз йўқ.

Ташки савдо вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига ҳам ушбу университетни ўтган йил тамомлаган биронта ёш мутахассис ишга олинманган.

Шу муносабат билан Комиссия Вазирлар Маҳкамаси ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

– Ташки ишлар вазирлигига кадрлар билан ишлашни самарали ташкил этиш, аввало, иқтидорли ёш мутахассисларни жалб қилиш бўйича аниқ таклифлар;

– Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тайёрлаши лозим.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Бугун биз Ташки ишлар вазирлиги ва элчихоналар фаолияти билан боғлиқ комплекс масалаларни очиқласига муҳокама қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича атрофлича фикрлашиб олдик.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз манфаатларини ҳимоя қилаётган, ташки сиёсатимизни амалга оширишда муҳим ўрин эгаллайдиган, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги юзи бўлган сиз, хурматли дипломатларнинг масъулиятли меҳнатингизни юксак кадрлашимизни қайд этмоқчиман.

Яна бир бор таъкидлайман, дипломатлар – бу жамиятнинг энг етук вакиллари. Ўзбекистон манфаатларини халқаро миқёсда қатъий ҳимоя қилиш ва уни илгари суриш борасида сизларнинг алоҳида ўрнингиз ва таъсирингиз бор.

Лекин, тан олиб айтишимиз керак, биз Ташки ишлар вазирлиги ва унинг тизимидағи ходимларни ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Шу муносабат билан Бош вазир А.Арипов, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ташки ишлар вазирлиги билан биргалиқда икки ой муддатда Ташки ишлар вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича Президент карори лойиҳасини тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритсин.

Бунда, жумладан, Тошкент шаҳрида вазирлик тизимидағи ходимлар, чет элларда ишлаб келган дипломатларимиз учун имтиёзли ипотека кредитлари асосида кўп қаватли уйлар куриш масаласи ҳам кўзда тутилсин.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Барчамизга аёнки, ташки ва ички сиёsat соҳаларида олдимизда турган муҳим ва улкан вазифаларни хеч ким четдан келиб ҳал қилиб бермайди. Фақат ўзимизнинг куч ва имкониятларимизга ишонишимиз, ўз салоҳиятимизга таянишимиз зарур.

Агар биз ўзимиз ўзимизга хиёнат қиласак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, вижданан меҳнат қиласак, кўзлаган юксак мэрраларимизга – Ўзбекистонни изчил ривожлантириш, халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини тубдан оширишга албатта эришамиз.

Ишончим комилки, сизлар бу юксак вазифаларни шараф билан адо этасиз.

Ана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, янги муваффакиятлар, баҳт ва омад тилайман.

*Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг
хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига
багишланган йигилишидаги нутқ
2018 йил 12 январь*

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЖАСУР ВА ФИДОЙИ ФАРЗАНДИ

Қадрли ватандошлар!
Хурматли Татьяна Акбаровна!
Мухтарам Қашқадарё ахли!

Шу кунларда мамлакатимизда буюк давлат ва сиёsat арбоби, мустақил Ўзбекистон давлати асосчisi, Биринчи Президентимиз хурматли Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 80 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланмоқда.

Шу муносабат билан юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, меҳнат жамоалари, таълим масканларида юбилей тадбирлари ўтказилмоқда.

Бугун қадимий ва гўзал Қарши шаҳрида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳайкали очилаётгани, албатта, бежиз эмас. Ўйлайманки, барчамиз, айниқса, сиз, азизлар бир ҳақиқатни яхши биласиз: Ислом Абдуғаниевич Қашқадарёни, унинг мард ва олижаноб элини буюк бир меҳр билан севар, бу заминни Ватан ичра Ватаним, деб ардоқлар эдилар.

Биринчи Президентимиз сиёсий фаолиятининг унутилмас сахифалари айнан шу замин билан боғлиқ эканини барчамиз яхши биламиз. У киши яқин тарихимизнинг энг кийин ва мураккаб даврида – 1986-1989 йилларда Қашқадарё вилоятига раҳбарлик қилдилар.

Тарихда «пахта иши», «ўзбек иши» деб ном олган сиёсий кампаниялардан энг кўп азоб чеккан Қашқадарё вилояти учун Ислом Абдуғаниевичнинг раҳбар бўлиб келиши Яратганинг бекиёс марҳамати бўлган эди.

Турли зуғум ва қатағонлар авж олган ўша қалтис замонда у киши ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, чина-кам мардлик ва жасорат фазилатларини намоён этдилар.

Ислом ака минг-минглаб бегуноҳ одамларни зулм чангалидан қуткариб олганини Қашқадарё аҳли ҳеч қачон унутмайди.

Меҳнаткаш ва матонатли бу эл Ислом Абдуғаниевични ўз фарзандидек қабул килиб, унга туз-насиба бергани, озодлик ва адолат йўлидаги курашларда унга камарбаста бўлгани – бу ҳам ҳақиқат.

Ислом ака Қашқадарёга келса, ўз уйига келгандек, бу ердаги одамларни кўрганларида, энг яқин кадрдонларини кўргандек яйраб кетишларига барчамиз кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Улуғ Йўлбошчимиз Қашқадарё – бу Оллоҳ назари тушган юрт, Ўзбекистоннинг беҳисоб бойликларга эга хазинаси, деб таърифлар эдилар. Қашқадарё ахлини эса ҳар қандай шароитда ҳам ишонса бўладиган, меҳроқибат ва одамийликни жойига қўядиган жасур ва мардона эл, деб эъзозлар эдилар.

Чироқчидағи оддий чўпондан тортиб, Шаҳрисабзадаги моҳир усталаргача, Муборакдаги газчилар, Фузордаги миришкор фермерлардан тортиб, Қамашидаги полвонлар, Дехқонободдаги баҳшиларгача –

ҳаммаси Ислом аканинг кўнглига яқин ва қадрли эди.

У киши сиз, азизларнинг эзгу фазилатларингиз учун доимо миннатдор бўлиб яшадилар. Яхшиликнинг қадрига етадиган Қашқадарё эли ҳам ўзига доимо елкадош бўлган, шу заминга буюк фарзандлик меҳри билан яшаган Ислом Каримов билан ҳамиша фахрланиди.

Сизлар билан 2016 йил 16 ноябрда, Президент сайлови арафасида бўлган учрашувда Қарши шаҳрида Биринчи Президентимиз ҳайкалини барпо этиш ҳакида келишиб олган эдик.

Бугун ана шу эзгу ниятимиз амалга ошмоқда. Ислом Абдуғаниевичнинг бу кутлуг масканда очилаётган улуғвор сиймосида у кишининг ўзи севган Қашқадарё заминига юксак меҳри ва эътиборини кўриб, ҳис қилиб турибмиз.

Сизларга маълум, Биринчи Президентимизнинг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида барпо этилган муazzзам ҳайкаллари бугунги кунда юртдошларимиз учун кутлуг зиёратгоҳга айланди.

Ишончим комил, бугун Қарши шаҳрида очилаётган мухташам обида ҳам Қашқадарё аҳли, бутун эл-юртимиз катта меҳр ва хурмат билан талпинадиган табаррук масканга айланади.

Азиз дўстлар!

Ислом Абдуғаниевич Қашқадарё вилоятини Ўзбекистоннинг ривожланган миңтақаларидан бирига, Қарши ва Шахрисабзни дунёдаги энг гўзал шаҳарларга айлантиришни истар эди.

Ана шу улуғ мақсадни амалга ошириш учун мустакиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳбарлигига жуда кўп ишлар қилинди. Айниқса, Шўртган газ-кимё мажмуаси, Дехқонобод калийли ўғитлар заводи, Тошгузар – Бойсун – Кумкўргон темир йўли каби ноёб иншоотлар айнан Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканини барчамиз чукур миннатдорлик билан эслаймиз.

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан Қарши ва Шахрисабз шаҳарларининг 2700 йиллик, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тарихий саналари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

У киши имзо чеккан тарихий қарорга мувофик, Қашқадарё аҳли, бутун халқимизнинг фидокорона меҳнати билан Шахрисабз шаҳрида жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани сизларга яхши маълум. Қашқадарё вилоятида бу ишлар ҳозирги кунда янада кенг миқёсда давом эттирилиб, янги босқичга кўтарилимоқда.

Вилоят худудида ўнлаб замонавий корхоналар, йўл ва кўприклар, янги-янги таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Айниқса, Қарши – Шахрисабз йўналишида юкори тезлиқда ҳаракатланадиган поездлар қатновини йўлга кўйиш, Абу Муъин Насафий бобомизнинг ёдгорлик мажмуасини барпо этиш, шу йилнинг куз ойида Шахрисабзда халқаро мақом анжуманини ўтказиш ва бошқа катта лойиҳалар бўйича жадал иш олиб борилмоқда.

Бундай улкан ишлардан халқимиз рози бўлади, мухтарам Ислом Абдуғаниевичнинг руҳлари шод бўлади, деб ўйлайман.

Хурматли тантанали маросим иштирокчилари!

Биринчи Президентимиз илк бор 1986 йилда – юртимиз осмонини кора булат қоплаган қалтис бир пайтда Қашқадарёга келган эдилар. Ўша даврдан бошлаб умрининг сўнгги кунларигача бу саховатли замин билан, унинг олижаноб халқи билан бирга бўлдилар.

Азиз Юртбошимизнинг вилоятларимизга қилган охирги ташрифи ҳам айнан Қашқадарё воҳасига бўлган эди. Ўйлайманки, бунда ҳам жуда катта маъно бор.

Бугун очилаётган муҳташам ҳайкал тимсолида Ислом Абдуғаниевич ўзи учун беҳад қадрли бўлган Қашқадарё ахлига тинчлик-омонлик, баҳт-саодат тилаб, гўё бу куттуғ заминга фарзандлик меҳри билан таъзим қилаётгандек туюлади.

Орадан йиллар, асрлар ўтади, бу муаззам обида барчамиз, айникса, ёшлиримиз учун халқимиз ва Ватанимизга садоқат билан хизмат килиш рамзи бўлиб қолади, Қашқадарё ахлини буюк мэрраларга даъват этиб туради.

Фурсатдан фойдаланиб, бу гўзал ва бетакрор мажмуани барпо этишда иштирок этган ҳайкалтарош ва меъморларга, курувчиларга, бу ишга хисса қўшган барча инсонларга, бутун Қашқадарё ахлига чукур миннатдорчилик билдираман.

Мустакил Ватанимиз равнақига муносиб хисса қўшиб келаётган Қашқадарё замини ҳамиша гуллаб-яшнасин!

Ислом Абдуғаниевичдек мард ва фидойи инсонларни тарбиялаб вояга етказган халқимиз доимо омон бўлсин!

Улуг устозимизнинг охиратлари обод бўлсин!

Яна бир бор катта раҳмат сизларга!

*Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг
Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкалининг
очилишиига бағишиланган тантанали маросимда
сўзланган нутқ
2018 йил 30 январь*

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АСОСЧИСИ, ИСТИҚЛОЛИМИЗ МЕЙМОРИГА МУНОСИБ ЭҲТИРОМ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Хурматли Татьяна Акбаровна!
Муҳтарам Самарқанд ахли!

Барчангизга маълумки, шу кунларда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 80 йиллик таваллуд айёми бутун мамлакатимиизда кенг нишонланмоқда.

Мана, хозиргина Қашқадарё вилоятида бўлиб кайтдик. Қарши шаҳрида Ислом Абдуганиевич хотирасига бунёд этилган ҳайкалнинг тантанали очилиши ва эҳсон маросими бўлиб ўтди. Ана шу хотира тадбирларининг давоми сифатида сизлар билан азим Самарқанд шаҳрида, том маънода табаррук заминда яна бир тарихий воқеа муносабати билан тўпланиб турибмиз.

Қадимий Самарқанд диёридаги энг биринчи масжид бўлмиш машхур Ҳазрати Хизр мажмуаси ёнида Биринчи Президентимизнинг мақбара ёдгорлигининг очилиш маросимида иштирок этмоқдамиз.

Не-не буюк воқеаларга гувоҳ бўлган, қанча-қанча улуғ зотлар мангу ором топган бу кўхна заминда, Ҳазрати Хизр ва Шоҳи Зинда зиёратгоҳлари ёнига бугун яна бир кутлуг қадамжо қўшилмоқда.

Ҳаммангиз хабардорсиз, ўзларининг васиятига биноан Биринчи Президентимиз айнан мана шу муборак масканга дафн этилган эди.

Албатта, биз бу ёдгорлик мажмуасини кенг ва катта майдонда, жуда маҳобатли қилиб куришимиз хам мумкин эди. Лекин бир ҳақиқат ҳаммамизга яхши аён: раҳматли Ислом aka ғоят камтарин, самимий, оддий инсон эдилар. Ортиқча ҳашам ва дабдабани ёқтирилас эдилар.

Кўпни кўрган, донишманд ҳалқимиз яхши тушунади: улуғ шахслар хотирасига бунёд этилган ёдгорлик обидаларининг қиммати, аввало, ана шу инсоннинг ўз ҳалқи ва Ватани, келгуси авлодлар олдидаги эзгу ва савоб ишлари, одамлар қалбида қолдирган сўнмас хотираси билан ўлчанади.

Барчамиз гувоҳмиз: Ислом аканинг вафотларидан сўнг бутун юртимиздан, ер юзининг турли ўлкаларидан бу ерга минг-минглаб зиёратчилар оқиб кела бошлади. Шунинг ўзиёқ мустакил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, мамлакатимизга 27 йил давомида раҳбарлик қилган Биринчи Президентимиз ўзининг буюк тарихий хизматлари билан ҳалқимиз хотирасида, жаҳон жамоатчилиги ўртасида қанчалик ёрқин из қолдирганини кўрсатади.

Ишончим комил, бугун ушбу мақбара очилиши билан зиёратчилар оқими янада кўпаяди. Бу маскан одамлар, айниқса, ёш авлодимизнинг қадами ҳеч қачон узилмайдиган муқаддас зиёратгоҳга, катта тарбия масканига айланади.

Азиз дўстлар!

Улуғ Юртбошимизга кўрсатилаётган юксак хурмат-эҳтиром ҳақида, унинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритар эканмиз, якин ўтмишда барчамизнинг юрагимизда оғир яра бўлиб қолган бир воеа кўз олдимииздан ўтиши табиий, деб ўйлайман.

Биз ўзгаларга қарам бўлиб яшаган мустабид тузум даврида бутун онгли ҳаётини эл-юрт равнақига бағишилаган инсонлар, аввало, республикамиз раҳбарлари хотирасига, афсуски, муносиб иззат-икром кўрсатилмади. Бунинг ўрнига уларнинг шаънига турли тухмат ва бўхтонлар ёғдирилганини кекса авлод вакиллари, муҳтарам фахрийларимиз ҳозиргача афсусланиб эслайдилар.

Одамийликни, инсон хотирасини ҳамиша азиз ва мукаддас деб биладиган бизнинг халқимиз бундай адолатсиз ишларни асло қабул қилмайди. Юртимизда бундай номаъқул ишларга энди ҳеч қачон йўл кўйилмайди.

Ватан учун, халқ учун бутун борлиғини баҳш этган, ўзини аямасдан, фидокорона хизмат қилган улуғ зотларга юксак эҳтиром кўрсатиш бизнинг мамлакатимизда доимо биринчи ўринда туриши, керак бўлса, ҳаётимиз коидасига айланиши зарур. Шундагина биз ўз кадр-кимматини чукур англаган, бошқалар ҳам хурмат қиласиган халқ ва миллат сифатида ўзлигимизни намоён кила оламиз.

Қадрли юртдошлар!

Кўз ўнгимизда қад ростлаб турган ушбу бетакор мажмуа, аввало, мустақиллигимиз асосчиси, истик-

лолимиз меъмори бўлган мухтарам Ислом Абдуғаниевичнинг ўлмас хотирасига ҳалқимизнинг чексиз хурмат-эҳтироми ва меҳр-муҳаббатининг амалий ифодаси сифатида барпо этилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган минглаб бунёдкор қурувчилар томонидан қисқа муддатда бу ерда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бу мухташам мақбара мажмуасини қуришда Шарқ олами, ҳусусан, Ислом Абдуғаниевич жондан севган Самарқанд тарихий обидалари, миллий меъморлик мактабига хос усул ва анъаналар ҳар томонлама хисобга олинди. Амир Темур, И мом Бухорий, И мом Мотуридий, Ҳожа Аҳрор Валий каби буюк боболаримиз мақбараларининг гумбазлари, ноёб нақшлари ва деворий безакларидан ижодий фойдаланилди.

Ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилишда муҳим бир жиҳатга алоҳида эътибор беришингизни сўрар эдим. Мақбара пештокларига муқаддас Куръон оятлари ва ҳадис намуналари битилган бўлиб, уларда теран маъно мужассам. Бу илоҳий калималар ҳар қайси инсонни маънавий жиҳатдан покланишга, ҳаётнинг маъно-мазмунини чукурроқ англашга даъват этиб туради.

Зиёраттоҳ ёнида бунёд этилган ўзбекона гўзал айвон деворларига муҳрланган Биринчи Президентимизнинг ҳикматли сўзларида айтилганидек, инсон бу дунёдан ўтиб кетганидан кейин ҳам унинг эзгу ишлари, эзгу хотираси мангу яшайди.

Бу борада Ислом Абдуғаниевичнинг ўзлари барчамиз учун юксак ибрат ва ўрнак намунаси бўлиб яшадилар, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу мажмуани барпо этишда иштирок этган меъмор ва қурувчилар, пудратчи ташкилотлар вакилларига, бу хайрли ва савоб ишга ҳисса қўшган барча-барча инсонларга, Самарқанд ахлига ўз номимдан, ҳалқимиз номидан чукур миннатдорлик билдиришга руҳсат этгайсиз.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Мард ва олижаноб, бағрикенг ҳалқимиз мустақил Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовни, ул зотнинг Ватан олдидағи бекиёс хизматларини ҳеч қачон унутмайди.

Барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислом акамизнинг охиратлари обод бўлсин!

Мана шундай буюк инсонларни тарбиялаб вояга етказган ҳалқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

*Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг
Биринчи Президенти Ислом Каримов мақбара
мажмуасининг очилишига багишланган маросимда
сўзланган нутқ
2018 йил 30 январь*

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК ВА НОЁБ ИНШООТЛАРДАН БИРИ

Хурматли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сизларни Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши якунлангани ва унинг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилаётган бугунги тантанали маросимда кутлаб, ушбу муҳим воқеа билан самимий табриклишга ижозат бергайсиз.

Биринчи навбатда Россия Федерацияси Президенти хурматли Владимир Владимирович Путинга Ўзбекистон ва Россия ўргасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалаларига доимо аҳамият берив, катта эътибор қаратиб келаётгани учун миннатдорлик билдираман.

Ана шундай муҳим қўллаб-куватлаш туфайли бундай кенг қўламли лойиҳа атиги икки йилда амалга оширилди.

Қандим мажмуасининг ишга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, халқларимиз фаровонлигига ва Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий тараққиётига хизмат килишини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Россия Федерацияси Хукумати ва Россия Федерацияси энергетика вазири жаноб Александр Валентинович Новак,

«Лукойл» компанияси бошқаруви раиси жаноб Вагит Юсуфович Алекперов, «Хундай Инжиниринг» компанияси президенти жаноб Сонг Санг Рок, Россия Федерацияси ва Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиларига ва бошка ҳамкорларимиз, мамлакатимиз ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига биз учун ғоят муҳим аҳамиятта эга бўлган ушбу тадбирда иштирок этаётгани учун ўзимнинг ташаккуримни изҳор этаман.

Қадрли меҳмонлар!

Биз Ўзбекистонда қабул қилган Ҳаракатлар стратегиясининг самарали ва кенг миқёсда амалга оширилаётгани саноатнинг етакчи тармоқларини жадал ривожлантиришга хизмат килмоқда.

Мамлакатимизга тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқими кўпаймоқда, хорижий шериклар билан барча тармоқлар, жумладан, ёқилги-энергетика мажмуаси бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз кенгаймоқда.

Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантириш борасида сифат жиҳатидан янги босқичда амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар доирасида биз нефть-газ саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Бугунги кунда тармоқда амалдаги активлар самарадорлигини ошириш, юқори технологияларга асосланган қудратли ишлаб чиқариш базасини яратиш, углеводород ҳомашёсини қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш, уни чукур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматга эга бўлган янги турдаги тайёр

маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг экспортини ташкил этишга қаратилган сиёsat изчил амалга оширилмоқда.

Катта ҳажмдаги инвестиция портфели ва бой хомашё базаси бизга, энг илгор билимлар ва ғоят самарали технологияларни жорий этишга алоҳида аҳамият қаратган ҳолда, соҳани комплекс ривожлантиришга ўтиш имконини берди.

Ҳурматли дўстлар!

Биз Ўзбекистонда ўзаро ишонч ва қўллаб-кувватлаш, икки томон учун ҳам фойдали ва умумий манфаатларни хисобга олиш тамойиллари асосида шаклланган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини юксак баҳолаймиз ва қадрлаймиз.

Бизнинг олий даражадаги учрашувларимиз натижасида эришилган келишувлар мамлакатларимизнинг кўпкиррали амалий ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун ғоят кенг имкониятлар яратди ва уни янги босқичга кўтарди.

Россия бизнинг савдо ва инвестиция соҳасидаги энг йирик анъанавий ҳамкоримиздир. Ҳозирги кунда ўзаро савдо ҳажми муттасил ортиб бормоқда, биргаликда устувор аҳамиятга молик инвестициявий дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Россиянинг етакчи энергетика компаниялари ва банклари билан шериклиқда ҳамкорлигимизнинг локомотивига айланган нефть-газ соҳасида йирик лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз.

Табиий газ ва нефть етказиб бериш бўйича келишувлар муваффакиятли бажарилмоқда, юкори малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ўзаро самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бизнинг вақт ва ҳаёт синовидан ўтган асосий, стратегик ҳамкоримиз – энергетика соҳасида дунёда етакчи ўрин тутадиган «Лукойл» компаниясидир.

Биз кўп йиллардан бўён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Қандим гурӯхига кирадиган конлар, Ҳавуззак ва Шоди, Жануби-ғарбий Ҳисор конларини казиш ва ўзлаштириш бўйича лойиҳаларни биргаликда амалга оширганимиз бунинг ёрқин мисолидир.

Ўтган ойда Ўзбекистонда «Лукойл» компаниясининг биринчи ёқилғи қуиши шохобчаси ишга туширилди.

Бу бизнинг шериклигимиз самарасининг якъол мисоли бўлиб, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг муваффакиятли ривожланишига хизмат қилишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз аввалимбор мамлакатимизнинг табиий бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланишга, юкори технологияларга асосланган ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш ва янги иш ўринлари яратишга қаратилган.

Хурматли тадбир иштирокчилари!

Бундан роппа-роса икки йил аввал, 19 апрель куни биз сиз билан ушбу обьект тамал тошини қўйишга бағишлиланган маросимда иштирок этиб, мазкур лойиҳа курилиши бошланишига старт берган эдик.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ва мутахассисларнинг юксак маҳорати туфайли Марказий Осиёдаги энг йирик иншоотлардан бири бўлган мазкур мажмуа кисқа муддатда куриб битказилди.

Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 3 миллиард доллардан ошганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Курилиш «Хундай Инжиниринг», «Поско» ва «Джи-Эс», «Энтер Инжиниринг» каби дунёга машҳур компаниялар билан ҳамкорликда амалга оширилди. Бунда «БАСФ», «Якобс», «Ханивелл» ва бошқа кўплаб хорижий етакчи компанияларнинг илғор технологиялари, илмий ишланмалари татбиқ этилди. Мазкур курилишга юқори малакали хорижий мутахассислар ҳам жалб қилинди.

Сизларнинг барчангизга ушбу кенг кўламли лойиҳани муваффақиятли амалга оширишга қўшган ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдиримоқчиман.

Бу лойиҳанинг аҳамияти бебаҳо эканини таъкидлаш ўринлидир.

Мажмуанинг фойдаланишга топширилиши йилига 8 миллиард куб метрдан ортиқ табиий газ қазиб олиш ва уни қайта ишлаш, тозаланган товарбоп газ ҳамда 130 минг тоннадан зиёд барқарор газ конденсатини олиш имконини беради.

Энг муҳими, 2 мингдан ортиқ янги иш ўринлари, замонавий ижтимоий инфратузилма тармоқлари яратилди.

Бу борада мажмуа курилишида иштирок этган минглаб ёш мутахассислар илғор технологик ечимлар ва юқори халқаро сифат стандартлари асосида энг йирик

ишлиб чиқариш объектларини жадал қуриш бўйича замонавий усулларни ўзлаштиргани, бу ерда орттирган кўникма ва тажрибасини келгусида мамлакатимизда янги лойиҳаларни амалга оширишда қўллаш имконига эга бўлгани муҳим аҳамият касб этади.

Хурматли меҳмонлар ва маросим қатнашчилари!

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг дўстларимиз ва ҳамкорларимизга, кўп сонли мутахассислар, муҳандис ва қурувчиларга, ўзининг фидокорона меҳнати ва касб маҳорати билан ушбу замонавий саноат мажмуасини барпо этишга хисса қўшган барча инсонларга яна бир бор ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Ҳеч шубҳасиз, бугун ишга туширилаётган, ўзининг кўлами ва технологиялари бўйича ноёб бўлган Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси бизнинг тобора мустахкамланиб бораётган ҳамкорлигимиз ва шериклигимизнинг яна бир тимсолига айланади, мамлакатимизнинг жадал ижтимоий-иктисодий ривожланишига хизмат қиласди.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Қандим газни қайта ишлаш мажмуасининг
ишга туширилишига багишинган
тантанали маросимдаги нутқ
2018 йил 19 апрель*

ЮРТ ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД, ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Мухтарам фахрийлар!

Хурматли меҳмонлар!

Бугун жонажон Ватанимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 73 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Ана шу кутлуғ айём билан сизларни, сизлар орқали кўп миллатли бутун ҳалқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман. Барчангизга ўзимнинг чукур хурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Сиз, азизларни биз фашизмга қарши мардона курашган, буюк Ғалабага бекиёс ҳисса қўшган, Ватанимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари, деб биламиз ва сизлар билан чексиз фахрланамиз.

Сизларнинг бугун орамизда мана шундай нуроний бўлиб, дуогўй бўлиб юришларингиз биз учун албатта катта баҳт, катта давлатдир.

Ҳаммамизга аёнки, бу дунёда тинчлик ва омонлик, баҳту саодат барқарор бўлиши учун инсон ўзини аямасдан кураш олиб бориши, фидокорона меҳнат қилиши керак. Сизларнинг юксак жасорат ва матонатингиз, бутун ҳаётингиз бунга яққол мисол бўла олади.

Бугун фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган минглаб ватандошларимизнинг сўнmas хотираларини

ёд этиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтириш – биз учун ҳам қарз, ҳам фарздири.

Қонли жанг майдонларида мардлик кўрсатган, фронт ортида меҳнат қилиб, бугун ҳаётимизга файз бағишлаб юрган муҳтарам фахрийларимиз олдида барчамиз бош эгиб таъзим қиласиз.

Айни вактда мустакил Ватанимиз озодлиги, эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимизнинг номларини ҳам ҳурмат ва эҳтиром билан эсга оламиз. Уларнинг оила аъзолари, фарзандларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиш, деб биламиш.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!

Иккинчи жаҳон уруши ҳақиқатан ҳам инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлган эди. Бу уруш ҳалқимиз бошига қандай оғир азобуқубат ва талофатлар, беҳисоб қурбонлар келтирганини эл-юртимиз хеч қачон унутмайди.

Албатта, бу ҳақда жуда кўп гапириш мумкин. Рухсатингиз билан, мен такрор бўлса ҳам, фақат баъзи мисолларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса, шундан 1 миллион 500 мингдан зиёди фронтга сафарбар этилган. Бу ўша пайтдаги ҳалқимизнинг 22 фоизини, меҳнатта ярокли аҳолининг эса 40-42 фоизини ташкил этарди.

Мехрибон ота-онасини, азиз фарзандлари, табаррук она юрт тупрогини ҳимоя қилишга отланган бу ботир инсонлар кечаю кундуз қон кечиб, Москвадан то Берлингача бўлган оловли йўлларни қаҳрамонларча босиб ўтдилар.

Урушда ўзбекистонлик жангчилардан 500 мингдан кўпроғи – фронтга сафарбар этилганларнинг ҳар учтасидан бири ҳалок бўлди, 60 мингдан ортиқ ҳамюртимиз ногирон бўлиб қайтди.

Бу ёвуз уруш туфайли канча-канча оиласалар ўз бокувчисидан ажралди, гўдаклар етим, аёллар бева бўлиб колди. Ўз жигарбандидан жудо бўлган мингминглаб оналар қалбидаги алам ва изтиробни ифода этишга сўз ожиз.

Эл-юртимизнинг буюк Фалабага кўшган улкан хиссаси ҳақида гапирав эканмиз, қуидидаги рақамларга алоҳида тўхталиш ўринли, деб ўйлайман. Урушда катнашган 120 мингдан ортиқ Ўзбекистон фарзанди жанговар орден ва медалларга сазовор бўлган. Уларнинг 280 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан, 82 нафари эса учала даражадаги «Слава» ордени билан мукофотланган.

Уруш йилларида Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Юртимиздаги саноат корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилди, барча имкониятлар фронт учун, галаба учун сафарбар этилди.

Ўлкамизга эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларни ишга туширишда ишчи ва муҳандислар билан бирга аёллар ва кексалар, ўспирин болалар мардлик ва матонат билан меҳнат килдилар.

Уруш даврида ҳалқимиз томонидан фронтга 2 мингдан зиёд самолёт, кўплаб қурол-яроғлар, юзлаб ҳарбий-санитария поездлари, дала ошхоналари, палаткалар, жуда катта микдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари тўплаган маблағлар хисобидан ўнлаб ҳарбий самолёт ва танклар, жанговар машиналар барпо этилди.

1941-1945 йилларда мамлакатимиз собиқ Иттифок миқёсидаги улкан госпиталга айланди. Бу ерда минг-минглаб жангчилар даволаниб, уруш ва меҳнат фронтларига қайтдилар.

Ўша суронли йиллар ҳакида гапирганда, ҳалқимизнинг олижаноб гуманистик фазилатлари тўғрисида ҳар қанча фахрланиб, ғуурланиб сўз юритсак, арзиди, албатта.

Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойи, ота-онаси ва кариндошларидан ажралган, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган қарийб 1 миллион кишини ўз яқинларидек кутиб олди. Уларнинг 200 минг нафари болалар эди. Юзлаб ўзбек оиласлари эвакуация қилинган етим болаларни ўз тарбиясига олди. Охирги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Тошкентлик темирчи Шоахмад Шомаҳмудов хона-дони ана шундай оиласлардан бири эди.

Бахри ая ва Шоахмад ота 14 нафар оч-юпун, етим болани ўз тарбиясига олиб, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатдилар.

Ҳалқимизга хос ана шундай буюк инсонпарварлик юксак маънавий жасорат намунаси сифатида бутун дунёда эътироф этилди.

Кейинги пайтда жамоатчилигимиз томонидан билдирилган кўплаб мурожаатларни хисобга олиб, биз Шоахмад Шомаҳмудов оиласига қўйилган ҳайкални Тошкент шахри марказидаги аввалғи жойига қайта-ришга қарор қилдик.

Ушбу ёдгорлик ёнида жойлашган марказий кўчалардан бирига Шоахмад Шомаҳмудов номи берилди. Шунингдек, ҳайкал ўрнатилган майдон, шу худуддаги метро станцияси, санъат саройининг «Халқлар дўстлиги» деган аввалги номи қайта тикланди.

Албатта, бундай қарор чукур асосга эга. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари дўстлик, ўзаро хурмат муҳитида тинч-тотув яшамоқда.

Ишончим комил, Ўзбекистон пойтахти марказида қайта тикланган мажмуа азалдан халқимизга хос бўлган, тобора мустаҳкамланиб бораётган бағри-кенглик ва ҳамжиҳатлик, саховат ва олижаноблик фазилатларининг ёркин тимсоли бўлиб қолади.

Азиз дўстлар!

Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз кўрсатган мардлик ва олижаноблик ҳақида кўплаб илмий ва бадиий асарлар яратилганини албатта миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Шу билан бирга, эл-юртимизнинг буюк Ғалабага кўшган улкан ҳиссаси ҳали тўла очиб берилмаган, десак, бу ҳамadolatдан бўлади.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен тарихчи олимларимизга, адабиёт ва санъат арбобларига, кенг жамоатчилигимизга бир таклиф билан мурожаат қилимокчиман. Бу даҳшатли урушда қатнашган отабоболаримизнинг қаҳрамонлиги ҳақида янги-янги асарлар яратиш, жумладан, аник тарихий хужжатлар асосида мукаммал китоб-альбом тайёрлаб, нашр этишнинг, ўйлайманки, вақти-соати келди.

Ҳақиқатан ҳам, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз фашизм балосига қарши курашда жасур аждодларимиз күрсатган мардлик ва матонатни асло ёдидан чиқармаслиги керак. Бу тарихий ҳақиқатни уларга тұла етказиш, фарзандларимизни миллий ғуур әлеуметтік ифтихор рухида, ватанпарварлық рухида тарбиялашда барча мутасадди ташкилотлар, олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз фаол иштирок этадилар, деб ишонаман.

Қадрли юртдошлар!

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, барча вилоят ва туманларда эл-юртимиз Хотира майдонларини зиёрат қилиб, урушда ҳалок бүлгап ватандошларимизни ёд этмоқда. Мұхтарам фахрийларимиз билан самимий учрашувлар үтказилиб, уларга мукофотлар, эсадык совгалари топширилмоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, кексаларимиз, мұътабар отахон ва онахонларимизни рози қилсак, бутун халқимиз, жамиятимиз биздан рози бўлади. Уларнинг табаррук дуолари – бу, аввало, эл-юртимизнинг дуоси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу муносабат билан таъкидлаб айтмоқчиман – кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ижтимоий таъминоти, тиббий хизматдан фойдаланиши, майший шароитларини яхшилаш, хурматли фахрийларимизни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, эъзозлаш ва ардоқлаш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Албатта, мана шу кутлуг байрам кунларида, ям-яшил табиат бағрида, мусаффо осмон остида туриб, ҳар

биrimiz тинч ва озод ҳаётнинг қадрини, аҳамиятини янада чукур хис этмоқдамиз.

Лекин, минг афсуски, дунёning турли мінтақала-рида кескінлик ўчоклари күпайиб бормоқда. Бу ҳам айни ҳақиқат. Шундай мураккаб даврда тинчлик учун кураш чиндан ҳам энг долзарб вазифага айланмоқда.

Шунинг учун биз яқин ва узок қўшниларимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни кучайтироқдамиз. Айниқса, мінтақамизда дўстлик ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлаш бўйича катта ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум. Жумладан, жафокаш Афғонистон заминида салкам 40 йилдан буён давом этаётган можарони тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги ташаббусларимиз ҳалқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Мінтақамиздаги тинчлик ва тараққиёт барчамиз-нинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ. Шу маънода, бугун Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўта-ришга интилаётгани ғоят мухим аҳамиятга эга.

Айни пайтда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини саклаш, ҳалқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хатарларга қарши курашиш бош вазифамиз бўлиб қолади. Бу борада Куролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириб, тинчлик ва хавфсизлик йўлида олис ва яқин давлатлар билан ҳамкорликни янада кучайтирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонни хайри-хоҳлик билан қўллаб-кувватлаб келаётган, бугунги даврамизда иштирок этаётган дипломатик корпус вакилларига, барча хорижий меҳмонларимизга юксак хурмат ва эҳтиром билдирамиз. Уларнинг мамлакатлари ва халқларига ўз номимдан, эл-юртимиз номидан тинчлик ва равнак тилашга ижозат бергайсиз.

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Сиз, азизларни куттуғ байрам – Хотира ва қадрлаш куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриклийман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Дунёдаги энг катта бахт – фарзандлар, набираларнинг бахту камолини кўриш барчангизга насиб этсин.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

*Хотира ва қадрлаш кунига
багишланган тантанали маросимдаги нутқ
2018 йил 9 май*

**ДҮСТЛИК ВА ЎЗАРО
МАНФААТДОРЛИККА
АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК –
МАМЛАКАТИМИЗ
БАРҚАРОРЛИГИ ВА
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИДИР**

ҲАМДҮСТЛИККА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК – УСТУВОР ВАЗИФА

Мухтарам Владимир Владимирович!

Хурматли давлат раҳбарлари!

Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари саммити иштирокчиларини кутлашга ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинга самимий қабул ва меҳмондўстлик, шунингдек, учрашувимиз юксак даражада ташкил этилгани учун чукур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Россия ўзининг раислиги доирасида Ҳамдўстликнинг устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича кенг кўламли ишларни бажарди.

Энг муҳими, Россия Федерациясининг принципиал позицияси туфайли МДҲга зарурат бор-йўклиги тўғрисидаги мунозараларга «якуний нуқта» кўйилди.

Ҳамдўстлик ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини тўлиқ исботлаганини таъкидламоқчиман.

Бугунги кунда Ташкилотимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг халқаро нуфузини муттасил ошириб бориш зарурлиги ҳақида аниқ тасаввур мавжуд.

Бу Россия МДҲ фаолиятида, сиёсий, савдо-иктисодий ва гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли муносабатларни кенгайтиришда муҳим ва асосий ўрин эгаллашини яна бир бор тасдиқлайди.

Хурматли ҳамкаслар!

Барчамиз бугун дунёда рўй бераётган шиддатли ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Илфор технологияларнинг фаол жорий қилинаётгани ва глобал ахборот-коммуникация макони тарақкий этаётгани барча жараёнларни жадал ва тез ўзгартироқда, китъалар, миңтақалар, давлатлар ва бизнес даражасидаги ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бугун ҳаётнинг ўзи эскича ёндашувлар самарасиз эканини яққол тасдиқламоқда. Асосий эътиборни конструктив амалий ҳамкорликка қаратиш лозим.

Биз шиддат билан олдинга қараб ҳаракат қилишимиз зарур.

Бу борада Ўзбекистон ўз ёндашувларини жиддий мақбуллаштириш ва МДҲ фаолиятидаги иштирокига сифат жиҳатидан янги суръат бағишлишни мақсад килиб қўйган.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, МДҲ Ўзбекистон учун шунчаки мулоқот, фикр алмашиш ва карашларни солиштириш «майдони» эмас.

Бу тузилма биз учун устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилишнинг ғоят муҳим институтидир, Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар эса бизнинг доимий шерикларимиз, қўшниларимиз ва дўстларимиздир.

Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республикаси миллий координатори мақомини ташки ишлар вазири ўринбосаридан Бош вазир ўринбосари даражасига кўтаришга қарор қилдик.

Шунингдек, биз МДҲ Иқтисодий кенгашидаги иштирокимизни қайта тикладик.

Биз Ўзбекистоннинг МДҲ доирасидаги хуқуқий базаси ва ҳамкорлиги ҳолатини тубдан қайта кўриб чикиш ва шу асосда уни кенгайтириш учун имкониятлар истиқболини белгилаб олишни режалаштирганимиз.

Биз бир катор устувор йўналишлар бўйича, аввало, савдо, инвестиция, транспорт, туризм, таълим ва илм-фан, шунингдек, хавфсизлик соҳаларидағи ҳамкорликни фаоллаштиришдан манфаатдормиз. МДҲнинг биз аввал иштирок этмаган тармоқ органлари фаолиятида иштирок этишга тайёрмиз.

Бизнинг пировард мақсадимиз – Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлигини фаоллаштириш бўйича «Йўл ҳаритаси»ни ишлаб чиқишдир.

Буларнинг барчаси муносабатларимизда принципиал жихатдан янги сахифа очишига, кенг кўламли ва самарали шерикликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратишига ишонаман.

Бу борадаги биринчи қадам сифатида 3 ноябрь куни Тошкентда илк бор МДҲ Ҳукуматлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси ўтказилади.

Сизлар кўллаб-куватласангиз, биз 2020 йилда Ҳамдўстликка раисликни қабул қилиш ва навбатдаги Саммитни Ўзбекистонда ўтказишга тайёрмиз.

Мухтарам делегациялар раҳбарлари!

Биз ўз олдимизга долзарб муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, ишонч ва ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни

кенгайтириш бўйича аниқ ва равshan мақсадлар кўймоқдамиз.

Шу муносабат билан МДҲда Ўзбекистон иштирокининг қуидаги устувор йўналишларини алоҳида кайд этмоқчиман.

Биринчидан. Биз Ҳамдўстлик маконида ҳеч қандай истисно ва чекловларсиз тез фурсатда тўла-конли эркин савдо худудини шакллантиришнинг тарафдоримиз.

Йил бошидан буён Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатлари ўртасида товар айирбошлиш ҳажми 20 фоиздан зиёд ошганини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон МДҲга аъзо мамлакатлар билан савдо, инвестиция, инновация ва молия соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор. Биз венчур лойиҳалар ва иқтисодий зоналарни биргаликда ривожлантиришга тайёрмиз.

Иккинчидан. Транспорт ва коммуникациялар соҳаси, МДҲ маконида самарали интеграциялашган транспорт тизимини ривожлантириш, минтақамизнинг улкан транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш стратегик муҳим йўналишдир.

Маъмурий тартибот ва регламентларни такомиллаштириш, юк ташувлари ва транзит учун ўзаро преференциялар тақдим этишни бу борадаги ишларнинг муҳим жиҳатлари, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан. Амалий илмий-техник ҳамкорлик ва таълим соҳасидаги алмашинувни кенгайтиришга ҳамкорликдаги ҳаракатларимизнинг устувор йўналиши сифатида караймиз.

Бизнинг Россиянинг нуфузли олий таълим муассасалари билан биргаликда тўплаган тажрибамиз асосида юкори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кўшма дастурлар, юкори технологиялар соҳасида лойихалар, шунингдек, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб боришни таклиф этамиз.

Тўртинчидан. Туризм соҳасида катта истиқболлар мавжуд.

Фикримизча, биздаги кенг имкониятлар ва улкан туризм салоҳияти, афсуски, ҳалигача тўлиқ ишга солинмаган.

МДҲга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини 2020 йилга қадар ривожлантириш стратегияси амалга оширилишини биргаликда таҳлил килиш ва аниқ харакатлар режасини ишлаб чиқиш максадида Ҳамдўстликнинг Туризм бўйича кенгашининг навбатдаги мажлисларидан бирини Самарканда ўтказишни таклиф қиласиз.

Бешинчидан. Биз ҳарбий-техник соҳадаги кооперация даражасини ошириш, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд шартнома ва битимлар доирасида кўшма дастур ва лойихалар ишлаб чикишдан манфаатдормиз.

Олтинчидан. Барча бунёдкорлик режаларимизни факат тинчлик ва баркарорлик шароитида, хавфсизликка таҳдид солувчи замонавий хавф-хатарларга ўз вактида жавоб қайтариш орқали рўёбга чиқариш мумкинлиги аён ҳакиқатдир.

Шу муносабат билан жиноятчилик, терроризм, наркотик моддаларнинг ноконуний айланиши ва одам савдосига қарши муросасиз курашиш соҳасида хукукни

мухофаза килувчи органлар ва маҳсус хизматлар йўналишидаги ҳамкорлик мухим амалий аҳамиятга эга.

Афғонистондаги мураккаб вазият жиддийлигича қолмоқда.

Ўзбекистон Россия, Марказий Осиё мамлакатлари ва МДҲнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликда Афғонистон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал қилиш бўйича кўмаклашишга тайёрлигини билдиради.

Хурматли ҳамкаслар!

Мажлисимиз кун тартибини мухокама қилас эканмиз, Оила институти ва анъанавий оиласий қадриятларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги баёнотни алоҳида қайд этмоқчиман.

Бугунги глобаллашув шароитида ҳар қандай давлат ва жамиятнинг асосини ташкил этадиган асл ва фундаментал қадриятларни унутмаслигимиз лозим.

Ўсиб келаётган авлод айнан оиласида маънавий-ахлоқий тарбия олади, масъулиятли бўлишни ва лоқайд бўлмасликни ўрганади.

Ушбу мухим соҳада тажриба алмашиш мақсадида Ўзбекистонда келгуси йилда «Оиласи мустаҳкамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли» мавзусида ҳалкаро конференция ўтказишни таклиф этамиш.

Мұхтарам давлат раҳбарлари!

Бугун бўлиб ўтган самарали мулокот ва қабул килинган кўшма қарорлар МДҲ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда мухим қадам бўлишига ишонаман.

Ҳамдўстликка раисликни қабул қилгани муносабати билан Тожикистон Президенти Эмомали Шарипович Раҳмонга билдирилган табрикларга қўшиламан ва ушбу масъулиятли вазифани бажаришда унга катта муваффақиятлар тилайман.

Сўзимнинг якунида Россия томонига ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинга самимий қабул ва саммит юксак даражада ташкил этилгани учун яна бир бор ўзимнинг миннатдорлигимни билдираман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги
Давлат раҳбарлари кенгаши
мажлисидаги нутқ*

*Россия Федерацияси,
Сочи шаҳри,
2017 йил 11 октябрь*

МУМТОЗ ШЕЪРИЯТНИНГ ПОРЛОҚ ЮЛДУЗИ

Маълумки, ўзбек ва тожик халқларини кўп асрлик умумий тарих, маданий-маънавий муштараклик бирлаштириб туради. Бизнинг урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимиз, дину диёнатимиз, қундалик ҳаёт тарзимиз шу қадар яқин ва уйғунки, уларни бир-биридан ажратиш деярли мумкин эмас.

Азалдан бир дарёдан сув ичиб, ўзаро қуда-андада тутиниб, кўз-қошдек яқин қўшничиликда яшаб келаётган халқларимизнинг мустаҳкам дўстлик ришталари ҳакида сўз борар экан, ҳеч шубҳасиз, энг аввало икки муazzам сиймо – Шарқ адабиётининг забардаст вакиллари мавлоно Абдураҳмон Жомий ва ҳазрат Алишер Навоийнинг самимий биродарлик муносабатлари ёдга тушади.

Айтиш мумкинки, бу улуғ мутафаккирларнинг бир-бирига бўлган юксак ҳурмат-эхтироми ва самарали ижодий ҳамкорлиги асрлар давомида халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг, адабий алоқаларимизнинг тимсоли сифатида зиёлиларимиз, айниқса, ёш адилларимиз учун ибрат намунаси бўлиб келмоқда.

Абдураҳмон Жомий Алишер Навоийнинг тарикатда пири, адабиётда устози, ҳаётда энг яқин дўсти ва маслакдоши эди. Навоий бу улуғ зот ҳакида чексиз эхтиром

билан «Муршиду устоду пир манга», дея эътироф этиб ёзгани бежиз эмас.

Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомийга ҳурмати шу даражада баланд эдик, у «Хамса»нинг барча достонларида, шу билан бирга, «Насойим ул-муҳаббат», «Мажолис ун-нафоис» ва бошқа кўплаб асарларида меҳрибон устозининг эзгу фазилатларини чин дилдан таърифу тавсиф этади. Жомий вафотидан сўнг унга бағишлаб «Хамсат ул-мутаҳайирин» номли маҳсус асар яратади.

Ўз навбатида, Абдураҳмон Жомий ҳам Алишер Навоий ижодини юксак қадрлагани тарихий манбалардан яхши мълум. «Ҳирадномаи Искандарий» достонида Навоийнинг истеъоди ва маҳоратига юксак баҳо бериб, «**У Низомий Ганжавий ва Амир Ҳусрав Дехлавий панжасига муносиб панжа ура олди, ҳатто улардан ҳам ўзиб кетди. Яхшиямки, у ўз асарларини туркий тилда яратди, агар форсийда қалам тебраттанида борми, бошқаларга бу майдонда жавлон уриш учун мажол қолмас эди**», дея мадҳ этади. Бу эътироф мавлоно Жомий Навоийнинг туркийда ёзган асарларини ҳам мунтазам ўкиб, унга ўз муносабатини билдириб борганидан далолат беради.

Инсоний маслаги ва орзу-интилишлари бир бўлган бу даҳо шоирлар ҳамиша эл-юртнинг дарду ташвишлари билан яшаш, одамлар, элатлар ва ҳалклар ўртасида ахиллик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, юксак фазилатларни тараннум этиш каби эзгу мақсадларни ҳаёт мазмуни деб билганлар.

Агар Алишер Навоий: «**Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ ҳалқ ғамидин ғами**», деб ёз-

ган бўлса, Абдураҳмон Жомий асарларида: «**Яхшилик билан ном чиқар жаҳонда, Севиб ёд этсинлар барча замонда**», деган олижаноб ғоя устуворлиги ҳам бу фикрни тасдиклайди.

Бу ибратли дўстлик Алишер Навоий вазир ва йирик давлат арбоби сифатида фаолият олиб борган йилларда ҳам изчил давом этди. Бу даврда у устози Абдураҳмон Жомийнинг илтимосларига биноан кўплаб илм ва ижод ахлига ҳомийлик кўрсатди, истеъододли ёшларни ўз қаноти остига олди.

Маълумки, Абдураҳмон Жомий 1437 йилда – йигирма икки ёшида Самарқандга келади ва олти йил мобайнида Улуғбек мадрасасида таҳсил олади. Бу кутлуг даргоҳда у Қозизода Румий, Али Кушчи, Фазлуллоҳ Абуллайс сингари машҳур мударрислардан турли дунёвий ва диний илмларни пухта ўрганади. Қизғин илмий мунозара ва баҳсларда иштирок этиб, ўзининг ноёб иқтидори билан кенг танилади.

Абдураҳмон Жомий нақшбандия тариқатининг йирик шайхи Ҳожа Аҳрор Валий билан ҳам дўстона муносабат ўрнатади. Ҳазрат Жомий айнан шайх билан мулоқот қилиш мақсадида кейинчалик яна икки марта Самарқандга келгани, унинг таклифига биноан Тошкент шаҳридаги муқаддас қадамжоларни зиёрат килгани манбаларда қайд этилган.

Айни пайтда дунё адабиёти ва маданиятини Абдураҳмон Жомийнинг улкан бадиий меросисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, буюк немис мутафаккири Иоганн Вольфганг Гёте ўзининг машҳур «*Фарб ва Шарқ*» де-

вони» асарида ёзганидек: «Жомий асрлар махсулини йигиб, бутун диний, фалсафий, илмий, насрый, назмий маданият хулосаларини якунлаб берган эди. У мумтоз шеъриятнинг порлок юлдузи эди».

Абдураҳмон Жомий асарларини ҳалимиз ҳамиша севиб мутолаа қилиб келади. Бу ўринда, Алишер Навоийдан бошлаб Захириддин Муҳаммад Бобур, Убайдий, Амирий, Нодира, Увайсий, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фуркат ва Завкий сингари мумтоз адабиётимизнинг йирик вакиллари Жомий ғазалларига муҳаммаслар боғлаб, асарларига шархлар ёзганини эслаб ўтиш кифоя, деб ўйлайман.

Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Абдураҳмон Жомийнинг 46 номдаги асарининг 550 дан зиёд қўлёзма нусхалари сакланаётгани ҳам шоир ижоди асрлар давомида ҳалқимизнинг бебаҳо маънавий ҳазинасига айланганидан далолат беради.

Абдураҳмон Жомийнинг улкан фалсафий маънога эга бўлган «Бу бўстонда дўстлар этмаса кўмак, Мушкул эрур максад гулини термак», «Булутдай бўлишни айлагил ҳавас, Бирдай баҳраманддир ундан гулу ҳас», «Устод, муаллимсиз қолса гар замон, Нодонликдан кора бўларди жаҳон», «Мансаб билан баландмас одам, Мансаб одам билан мухтарам» сингари қўплаб гўзал ҳикматлари ҳалқимиз орасида жуда машхур бўлиб, асрлар оша эл-юртимизнинг дилида ва тилида яшаб келмоқда.

Шоир қаламига мансуб ғазал ва рубоийлар, дostonлар турли даврларда Огаҳий, Ҳабибий, Ғафур

Гулом, Чустий, Улфат, Бокир, Анисий, Шоислом Шомухамедов, Назармат, Жонибек Кувнок, Мирзо Кенжабек, Сирожиддин Сайид, Эргаш Очилов каби таниқли шоир ва таржимонларимиз томонидан юксак маҳорат билан ўзбек тилига ўгирилган ва юртимизда қайта-қайта йирик ададларда нашр этиб келинмоқда.

Атокли мутафаккир Абдураҳмон Жомий хотирасига юртимизда муносиб хурмат кўрсатилиб, айни пайтда бир қанча кўчалар, маҳалла ва кутубхоналар шоир номи билан аталади. Самарқанд шаҳрининг гўзал масканларидан бирида Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий сиймолари тасвирланган ҳайкал қад ростлаб турибди.

Бугун Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида энг аввалио қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Ўзбек ва тоҷик ҳалқлари ўртасидаги улуғ аллома ва адилларимиз бошлаб берган биродарлик анъаналиари, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталари буғуни ҳаётимизда янгича мазмун билан бойиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Биз қардош тоҷик ҳалқи Тоҷикистон Республикаси Президенти мухтарам Эмомали Раҳмон раҳбарлигига ҳозирги мураккаб замонда оғир синовларни енгиб, ҳаётнинг турли жабҳаларида катта муваффакиятларни қўлга киритаётганини юксак баҳолаймиз, дўстларимиз эришаётган ютуклардан кувонамиз. Зотан, эт билан тирноқдек жипслashiб кетган ўзбек ва тоҷик ҳалқларини ҳеч қачон бир-биридан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 1,5 миллиондан ортиқ тожиклар истикомат килмоқда. Юртимизда таълим тожик тилида олиб бориладиган 240 га яқин мактаб фаолият қўрсатмоқда. Шунингдек, Самарқанд, Термиз ва Фарғона давлат университетларида тожик тили таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган. Уларнинг барчаси тожик тилидаги дарслик ва ўкув қўлланмалари билан таъминланган.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона вилоятлари телерадиокомпаниялари томонидан тожик тилида мунтазам қўрсатув ва эшилтиришлар эфирга узатилмоқда.

«Овози тожик» республика газетаси, «Овози Самарқанд» вилоят газетаси, «Садои Сўҳ» туман газетаси тожик тилида нашр этилмоқда. Булардан ташқари, бир қатор туман нашрларида тожик тилида доимий равища саҳифалар ўзлон килинмоқда.

Мамлакатимизда фаол иш олиб бораётган Республика тожик миллий маданий маркази ўз таркибига Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Наманган, Жиззах вилоятлари, Тошкент ва Чирчик шаҳарларидағи миллий маданий марказларни бирлаштирган. Тожик халқининг бой тарихи ва маданияти, тили, урф-одат ва анъаналарини саклаш ва ривожлантириш мақсадида самарали фаолият қўрсатаётган ушбу маданий марказлар давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан доимо қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Мустақиллик йилларида 700 нафардан зиёд тожик миллатига мансуб юртдошларимиз Ватанимизнинг юк-

сак мукофотлари билан тақдирлангани ҳам тожик биродарларимизнинг барча соҳаларда юксак натижаларни кўлга киритиб, эл-юртимизнинг хурмат ва эътиборига сазовор бўлиб келаётганидан далолат беради.

Албатта, икки халқ ўргасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда адабий алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс эканини биз яхши англаймиз. **Адабий дўстлик – абадий дўстликнинг энг ёрқин намунаси**, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўйлайманки, асрлар оша икки қардош халқ қалбида безавол яшаб келаётган Абдураҳмон Жомий асарларининг ўқувчиларга тақдим этилаётган мазкур янги нашри бу йўлда яна бир муҳим қадам бўлади.

Мен улуғ мутафаккирнинг «Муҳабbat маҳзани» деб ном олған муҳташам нашрини она тилимизда адабиёт ихлосмандларига тақдим этишни ўзим учун катта шараф деб биламан.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий ижодидан гўзал дурдоналар жамланган мазкур китоб ўзбек халқининг яқин кўшнимиз ва дўстимиз бўлмиш Тоҷикистон халқига, унинг бетакрор адабиёти ва маданиятига, ёруғ келажагига бўлган хурмати ва ишончининг ёрқин ифодасидир.

*Абдураҳмон Жомийнинг
«Муҳабbat маҳзани»
китобига ёзилган сўзбоши
Тошкент шаҳри, 2018 йил*

ЯГОНА ТАРИХ, МУШТАРАК ТАРАҚҚИЁТ ВА КЕЛАЖАККА АСОСЛАНГАН ДҮСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК

Мұхтарам Эмомали Шарипович!

Азиз тожик дүстлар!

Аввалимбөр, шахсан үзим ва Ўзбекистон делегацияси номидан Сизга, мұхтарам Эмомали Шарипович ҳамда барча тожик дүстларимизга гүзал Тожикистан заминидаги самимий қабул учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизга ва биродар тожик халқыга чукур хурмат ва эхтиромимни изхор этаман.

Икки томонлама муносабатларимиз тарихидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тожикистан Республикасига илк давлат ташрифининг муваффакиятли натижаларини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Фоят самимий ишонч, очик ва конструктив рухда ўтган самарали музокараларимиз қатъий сиёсий ирода, манфаатлар муштараклиги ҳамда кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшнилик алоқаларини мустаҳкамлашга бўлган ўзаро интилишларимизни намоён этди.

Халқларимиз минг йиллар давомида биргаликда, ёнма-ён яшаб, бир-бирининг кувончу ташвишларига шерик бўлиб келган.

Бизнинг маданиятимиз, урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимиз чукур умумий илдизга эга.

Бизни ягона тарих, муштарак тараққиёт ва келажак боғлаб туради.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда Алишер Навоий асарларини ўқимаган тожик оиласи ҳамда Абу Абдулла Рудакий, Абдураҳмон Жомий ва бошқа буюк тожик шоирларининг гўзал ва ажойиб шеъриятига ошно бўлмаган ўзбек оиласини топиш қийин.

Бугунги кунда тожик миллатига мансуб қарийб 1,5 миллион Ўзбекистон фуқароси мамлакатимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшмоқда. Уларнинг орасида давлат арбоблари, йирик корхона раҳбарлари, санъаткорлар бор. Бу инсонларнинг кўпчилиги давлатимизнинг юксак мукофот ва унвонларига сазовор бўлган.

Ишончим комил, халкларимизнинг дўстлиги, биродарлиги ва осойишта ҳётини кўз қорачиғидек асраш – биз учун ғоят шарафли ишдир. Уни амалга ошириш – буюк аждодларимизнинг ўйтларига содик колиш демакдир.

Азиз дўстлар!

Биз Ўзбекистонда Тожикистонда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишларни том маънода катта қизиқиши билан кузатиб бормоқдамиз.

Мухтарам Президент Эмомали Шарипович Раҳмоннинг чукур ўйланган сиёсати Тожикистоннинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлаб, бутун дунёда зътироф этилмоқда.

Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлиги жадал суръатлар билан ривожланишиб бораётгани бизни чексиз қувонтиради.

Биз бир-биrimizga қатъий ишонч билан пешвоз чиқмоқдамиз.

Яна бир бор қайд этмоқчиман: Ўзбекистон қардош Тожикистон билан ҳар томонлама ҳамкорлик учун ҳар томонлама очик.

Хурматли Эмомали Шарипович!

Дўстони азиз!

Бизнинг учрашувимиз катта йўлнинг бошланишидир.

Бизда ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд ва бу албатта ажойиб натижалар беради.

Ишонаман, биз бир-биrimizга елкадош бўлиб бу йўлни муносаби равишда босиб ўтамиш ва умумий келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига асос соламиз.

Ўзбек ва тожик халклари ўртасидаги дўстлик абадий бўлсин!

*Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев шарафига уюштирилган қабул
маросимида сўзланган нутқ*

*Тожикистон Республикаси,
Душанбе шаҳри,
2018 йил 9 март*

ДҮСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ ШОНЛИ АНЬАНАЛАРИНИ АСРАБ-АВАЙЛАБ, ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ – МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

Мухтарам Эмомали Шарипович!
Дўстони бародарони тожик!
Азиз дўстлар!

Тожикистон заминида бизнинг делегациямизга кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун сизга, мухтарам Эмомали Шарипович, ва бутун Тожикистон халқига миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Биз ушбу муҳташам «Кўхи Борбад» санъат саройида халқларимиз дўстлиги ва қардошлигини яққол ифодаловчи Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокидаги концертда иштирок этаётганимиздан мамнунмиз.

Буюк шоир ва мутафаккирларимиз Мир Алишер Навоий ва Мавлоно Абдураҳмон Жомий, Абдулла Қодирий ва Садриддин Айний, Faфур Ғулом ва Мирзо Турсынзода, Зулфия ва Мирсаид Миршакар, Эркин Воҳидов ва Лойик Шерали ва бошқалар ўз ижод на муналарида халқлармиз ўртасидаги ҳакикий ва самимий дўстликни тараннум этганлар. Халқларимизнинг қардошлик муносабатлари уларнинг ижодига илҳом баҳш этиб келган.

Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов ёзганидек:

**Дўсту қардошdir азалдан, ўзбегим тожик билан,
Иккиси бир байт ғазалдан, ўзбегим тожик билан.**

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, ҳурматли маданият, санъат ва фан арбобларига мурожаат этмоқчиман: ўзаро дўстлигимизнинг ана шу шонли анъаналари бугун бизларга сув ва ҳаводек жуда зарур. Ушбу ноёб ва бебаҳо меросимизни асраб-авайлаб, янада ривожлантириш – халқларимиз ва келгуси авлодларимиз олдидағи муқаддас бурчимиздир.

Ҳар бир ўзбек оиласида буюк тожик санъат усталирининг ноёб ижоди ҳурмат-эътибор топган бўлиб, бу бизни ғоят қувонтиради, Тожикистанда ҳам ўзбек санъати жуда машхур.

Ўзбек халқининг бир тўйи тожикча кўшикларсиз ўтмайди, тожик халқининг оилавий тадбирлари, ҳурсандчилик қунларини ўзбекча куй-кўшикларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Азиз дўстлар!

Ўзингиз айтинг, минг йиллар давомида ўзаро тақдирдош бўлиб яшаб келган, маданияти, анъана ва урф-одатлари шунчалар якин ва ўхшаш бўлган бундай икки халқни дунёда яна қаерда топиш, учратиш мумкин?

Табиийки, буларнинг барчаси зиммамизга катта масъулият юклайди.

Бизлар янги дўстлик кўприклари ва янги «Ипак йўллари»ни барпо этишимиз керак.

Фарзандларимиз, набираларимиз учун бу ёруғ йўллар кенг ва ҳавф-хатардан холи бўлиши лозим.

Шуниси қувончилики, охирги бир йил давомида биз шу борада яхши натижаларга эришдик. Ўзаро маданият ва санъат кунларимиз, кўргазма ва бошқа тадбирларимиз муваффакиятли ўтди. Улар халқларимиз бундай алоқаларимиз мустаҳкамланишидан манфаатдор эканини тасдиқламоқда.

Икки мамлакат санъат усталари концерти давомида бунга ўзимиз бевосита гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Қадрли дўстлар!

Ўзбекистоннинг тақдири – бу Тожикистоннинг тақдиридир. Тожик халқининг келажаги – бу ўзбек халқининг келажагидир.

Бугун биз икки томонлама муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очмоқдамиз ва ўзаро алоқаларимизни сифат жиҳатидан, янги, янада юқори босқичга кўтармоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада шахсан Тожикистон Республикаси Президенти, менинг биродарим, буюк давлат ва сиёsat арбоби, мухтарам Эмомали Шариповичнинг бутун дунёда тан олинган хизматлари бекиёсдир.

Азиз дўстлар!

Бугун сизларнинг тимсолингизда мард ва олижаноб, меҳнатсевар тожик халқига ўзимнинг юксак хурмат-эҳтиромимни билдириш имкониятига эга бўлиб турганимдан жуда баҳтиёрман. Дўст Тожикистон халқига тинчлик, осойишталик ва тараккиёт тилаб қоламан.

Сўзимнинг якунида бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Биз тожик ва ўзбек халқлари ўртасида дўстлик кўпригини мустаҳкамлаш бўйича астойдил ҳаракатларни бошладик.

Ниятимиз ёр бўлиб, эзгу мақсадларимизга эришамиз, иншооллоҳ.

Биз дўстлик ва инсонийлик нуқтаи назаридан кўшниларимиз билан, аввало, қардош Тоҷикистон билан ҳамиша дўст ва биродар, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўламиз.

Яна бир марта катта раҳмат сизларга!

Соф бўлинглар!

*Ўзбекистон Республикаси ва Тоҷикистон Республикаси
санъат усталарининг «Дўстлик оқшоми» тантанали
концертининг очилишида сўзланган нутқ*

*Тоҷикистон Республикаси,
Душанбе шаҳри,
2018 йил 9 март*

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КҮП АСРЛИК ДҮСТЛИК, ЯХШИ ҚҰШНИЛИК ВА ҲАМКОРЛИК СОЛНОМАСИДА ЯНГИ САХИФА ОЧГАН УЧРАШУВ

Мұхтарам Нұрсултон Абишевич!
Хурматли делегациялар аъзолари!
Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, Қозогистон Республикаси Президенти-
га ва қозогистонлик барча дүстларимизга анъанавий
мәхмөндүстлик ва учрашувимиз юксак даражада таш-
кил этилгани учун самимий миннатдорлик билдириш-
га ижозат бергайсиз.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг би-
ринчи маслаҳат учрашуви айнан Остона шаҳрида
ўтказилаётгани бежиз эмас.

Мұхтарам оқсоқолимиз Нұрсултон Абишевич
минтақавий шерикликни мустахкамлаш, иқтисо-
диётнинг тури тармоқларида интеграциялашувни
чукурлаштириш ва маданий-гуманитар алоқаларни
изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб
келмоқда.

Ғоят қисқа муддатда ташкил ушбу саммит,
хеч муболағасиз, тарихий воқеадир, десам, ўйлайманки,
сизлар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайсиз.

Бугун Марказий Осиё халқлари ўртасидаги күп
асрлик дүстлик, яхши құшнилик, бир-бирини қўллаб-
қувватлаш ва ҳамкорлик солномасида янги сахифа
очилди.

Биз миңтақа давлатлари раҳбарларининг учрашувларини мунтазам ўтказиш ҳақидаги ташаббусни илгари сурар эканмиз, ҳозирги кунда миңтақавий ҳамкорликни ривожлантириш учун бутунлай янги имкониятлар вұжудға келаётганига асосланған зәдик.

Айникса, кейинги бир ярим йилда бўлиб ўтган ва қатор долзарб муаммоларнинг амалий ечимини топиш, янги шартнома ва келишуввларни имзолаш имконини берган ўзаро ташрифларимиз, мунтазам учрашув ва музокараларимиз принципиал жиҳатдан янги форматдаги ҳамкорлик учун мустаҳкам асос бўлди.

Эришилган натижаларнинг аҳамияти барчамизга маълум.

Ўзбекистоннинг Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан товар айирбошлиш ҳажми, ўттан йил якунларига кўра, қарийб 3 миллиард долларни ташкил этди, яъни 20 фоизга ортди.

Бу борада ўзаро товар етказиб бериш 2 баробар кўпайди.

Яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини 5 миллиард долларга етказишни мўлжалламоқдамиз.

Биз мамлакатларимизни боғлаб турган энг мухим транспорт йўлларини қайта тикладик ва модернизация қилдик, янги ер усти ва ҳаво йўлларини очдик. Ўзаро жорий қилингандар чегирмалар натижасида юк ташиш, аввало транзит ҳажми ортиб бормоқда.

Чегараларимиздаги ўтказиш пунктлари ўз фаолиятини қайта йўлга қўйди, биз уларнинг ўтказувчанлик имкониятини кенгайтируммоқдамиз. Чегара идоралари ва божхона органларининг самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда.

Бир нечта мисол келтирмоқчиман. Масалан, ўз фамилиятини қайта тиклаган ўтказиш пунктлари орқали ишбилиармонлик ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни фаоллаштириш доирасида ўз қариндошлари билан учрашиш ва сайёхлик обьектларини кўриш максадида давлатларимиз чегараларидан ҳар куни ўн минглаб фуқароларимиз ўтмоқда.

Бундан ташқари, чегаралар ва йўллар очилиши туфайли ички бозорларимиздаги товарларнинг алоҳида турлари 20 фоизга арzonлашгани кузатилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бундай имкониятлардан аввало фуқароларимиз фойда кўрмокда. Бу – ҳамкорликдаги ишларимизнинг амалий самарасидир.

Буларнинг барчаси минтақамизда мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қиласиган улкан салоҳият мавжуд эканидан далолат беради.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё давлатларининг иқтисодиётнинг турли тармоқлари бўйича ҳамкорлиги кенгайиши минтақа ялпи ички маҳсулотини яқин 10 йилда камида икки баробар ошириш имконини беради.

Ҳамкорликдаги барча саъй-харакатларимиз, лойиха ва дастурларимиз, ҳеч шубҳасиз, ўзаро ишонч ва хурмат муҳитини мустаҳкамлаб, халқларимиз томонидан кўллаб-кувватланаётган ва уларнинг манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган минтақавий ҳамкорликни изчил ривожлантирумокда ва мазмунан бойитмоқда.

Шу муносабат билан учрашувимизни ҳар йили баҳор байрами – Наврӯз арафасида навбати билан саммит иштирокчилари бўлган давлатларнинг бирида ўтказиб боришни таклиф этамиз. Мен кейинги учрашувни Тошкент шаҳрида ўтказишини таклиф этаман.

Куйидаги асосий вазифаларни ҳал этишни ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб олишни таклиф этаман:

биринчидан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва баркарорликни таъминлаш соҳасида самарали минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш учун янги захира ва амалий механизмларни излаш;

иккинчидан, савдо-иктисодий, инновация, инвестиция, транспорт-коммуникация, банк-молия, сув-энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги шериклик бўйича аник дастурлар – «йўл ҳариталари»ни ишлаб чиқиши;

учинчидан, энг долзарб ҳалқаро ва минтақавий масалалар бўйича кенг фикр алмашиш, улар бўйича умумий позицияни келишиб олиш ҳамда уни кейин БМТ, МДХ, ШХТ ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар доирасида илгари суриш.

Ўтган йил ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигига ўтган ҳалқаро конференция шуни кўрсатдики, тизимли мулокот, барча томонларнинг манфаатлари ни инобатга олиш ва оқилона муроса асосида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари томонидан қўллаб-кувватланмоқда.

Сизларга яхши маълумки, ушбу конференция якуннида биз биргаликда БМТ Бош Ассамблеясига маҳсус резолюция қабул қилиш бўйича мурожаат қилдик.

Ана шу ҳужжатнинг қабул қилиниши Марказий Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва изчили тараққиётни таъминлаш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизнинг ҳалқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-кувватланишига эришиш имконини беради.

Ўзбекистон минтақамиз давлатлари билан очик, ўзаро манфаатли ва яқин ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини яна бир бор қайд этишини зарур, деб биламан.

Бу – бизнинг ташки сиёсатимизнинг энг асосий устувор йўналишидир.

*Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг
маслаҳат учрашувида сўзланган нутқ*

*Қозогистон Республикаси,
Остона шаҳри,
2018 йил 15 марта*

ҚОЗОГИСТОН – КҮП АСРЛИК ДҮСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛАНҒАН ЯҚИН ҚЎШНИМИЗДИР

Мухтарам Нурсултон Абишевич!

Хурматли давлатлар ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ассалому алайкум, хурматли дўстлар!

Қозогистон Республикаси Президенти мухтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевга ва бутун Қозогистон халқига самимий меҳмондўстлик учун чексиз хурматим ва миннатдорлигимни яна бир бор изҳор этаман.

Аввало, бугун кутлуғ ва саховатли Қозогистон заминида ўзимизни ўз уйимиздагидек, орзу-умид ва интилишлари муштарак бўлган ягона аҳил оила аъзоларидек ҳис этаётганимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Қозогистон Республикаси Президенти, қардошим ва дўстим, мухтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевга Қозогистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси йилини ўtkазиш тўғрисидаги ташабbusи ва қарори учун чуқур ташаккур билдирамоқчиман.

Кўп йиллик самарали ҳамкорлигимиз тарихида биринчи марта бўлиб ўтаётган ушбу ноёб воқеа халкларимиз ўrtасидаги ҳақиқий қардошлик муносабатларининг ёркин ифодасидир.

Яратганинг ўзи бизга құшни бўлишдек бебаҳо нельматни ато этган. Бизнинг донишманд ота-боболаримиз «Ховли олма, құшни ол», деб бежиз айтишмаган. Биз азал-азалдан бир заминда, бир қуёш остида яшаб келмоқдамиз, бизнинг илдизларимиз бир.

Халқларимизнинг Абу Райхон Беруний ва Абу Наср Форобий, Хожа Ахмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий ва Абай Кўнонбоев, Ойбек ва Мухтор Авезов,Faфур Ғулом ва Собит Муқонов каби улуғ намояндалари ва бошқа кўплаб атоқли олимлар, мутафаккир ва шоирларимиз мероси бизнинг умумий бойлигимиздир.

Биз инсонпарварлик ва эзгулик ғоялари билан йўғрилган бу маънавий меросни асраб-авайлашимиз ва бойитишимиз лозим.

Айнан шу нұқтаи назардан қараганда, кейинги пайтда сиёсий иродамиз ва ўзаро интилишларимиз туфайли дўстлик, яхши құшничилик ва стратегик шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорлигимизнинг барча йўналишлари бўйича ҳақиқатан ҳам улкан натижаларга эришдик.

Худудларимиз ўртасидаги яқин алоқалар, одамларнинг ўзаро очиқ мулоқоти ва дўстлиги, маданий алоқаларнинг фаоллашгани эзгу мақсад – халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Бу ютуқларга халқаро микёсдаги йирик давлат ва сиёсат арбоби, Қозоғистон Республикаси Президенти муҳтарам Нурсултон Абишевич Назарбоевнинг улкан саъй-харакатлари туфайли эришилганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Барчамизга яхши маълумки, Марказий Осиё мамлакатларининг минтақамиз тинчлиги, барқарорлиги ва тараккиёти, бугунги ва келгуси авлодларнинг фаровонлиги йўлида ўзаро интеграциялашуви ташаббускори ҳам айнан хурматли оқсоколимиз Нурсултон Абишевичдир. Унинг доно раҳбарлигига амалга оширилаётган изчил сиёсий ўзгаришлар ва иктисадий ислоҳотлар, узокни кўзлаб, чукур ўйлаб илгари сурилаётган глобал ва минтақавий миқёсдаги ташаббуслар бутун дунёда эътироф этилаётгани ҳаммамизни хурсанд қиласди.

Қозогистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашидаги муваффақиятли раислиги, сизнинг мамлакатингизда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг тарихий мажлиси, ЭКСПО – 2017 жаҳон кўргазмасининг юксак даражада ташкил этилгани, Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммити ва бошқа қўплаб йирик ҳалқаро тадбирлар Қозогистоннинг юксак ҳалқаро нуфузидан яккол далолат беради.

Бугун Остона шаҳрида узок йиллар мобайнида биринчи марта Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувини ўтказдик.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, нафақат Қозогистоннинг улкан салоҳиятига, балки бутун Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ҳамкорлик борасидаги кенг имкониятларга жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратишга хизмат килди.

Хурматли дўстлар!

Биз учун Қозоғистон замонлар ва ҳаёт синовидан ўтган, кўп асрлик дўстлик ва қардошлиқ ришталари билан чамбарчас боғланган яқин қўшнимиздир.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, буюк Абайнинг қуидаги сўзларини эсга оламиз:

**Эй инсон, ор-номус дилдошинг бўлсин,
Боболар ҳикмати кўлдошинг бўлсин.
Мол-дунё, шон-шуҳрат – барчаси бекор,
Жондош, содик дўст, йўлдошинг бўлсин.**

Ишончим комил, бу ҳикматли сўзлар нафақат бу-гунги тантанали маросим, балки мамлакатларимиз ва халқларимиз ўргасидаги муносабатларнинг шиорига айланади.

Шу муносабат билан куни кеча қозоқ халқининг буюк фарзанди, шоири ва мутафаккири, гуманисти Абай Қўононбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб этиш тўғрисида Ўзбекистон Президентининг қарори қабул қилинганини маълум қилмокчиман. Бу улуғ зотнинг безавол ўғитлари бугун ҳам ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Тарихимизда Қарлиғашбий сифатида ҳам машхур бўлган буюк Тўлабийнинг мақбараси Тошкентда жойлашгани, ушбу маскан ўзбеклар учун ҳам, қозоқ дўстларимиз учун ҳам муқаддас зиёратгоҳ эканидан биз фахрланамиз.

Мухтарам Нурсултон Абишевич, ўтган йили Ўзбекистонга давлат ташрифингиз давомида бир-

галикда ана шу табаррук масканни зиёрат килиб, халкларимизни тинч-тотув ва аҳил яшашга даъват этган ушбу буюк шахс хотирасига ҳурмат бажо келтирганимизни яхши эслайман.

Ўйлайманки, тобора мустаҳкамланиб бораётган са-мимий муносабатларимиздан буюк аждодларимизнинг рухлари шод бўлади.

Дарҳакиқат, халкларимиз бир-бирига ҳамиша таянч ва суюнч бўлиб келган.

Тарихимиз муштараклиги ва ўзаро яқинлигимиз хозирги дунёнинг мураккаб муаммоларини биргаликда ҳал этиш, биз учун умумий таҳдидларга қарши самара-ли курашиш, янги авлодлар учун келажакни биргалик-да куришда ёрдам бермоқда.

Биз – козоклар, киргизлар, туркманлар, тожиклар ва ўзбеклар, гўзал Марказий Осиёда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар вакиллари биргаликда тинч-тотув, дўст-инок бўлиб яшшимиз тақдирнинг ўзи томонидан белгилаб берилгандир.

Шунинг учун ҳам биз умумий уйимизни, фарзандла-римизни турли низо ва қарама-қаршиликлардан ҳимоя қилиш, минтақамизда тинчлик ва фаровонлик ҳукм суришини таъминлаш учун бор куч ва имкониятлари-мизни сафарбар этишимиз зарур.

Азиз дўстлар!

«Остона опера» саройининг ушбу кўркам зали-да Ўзбекистон санъат усталари томонидан намойиш этиладиган бугунги концерт дастури халкларимизнинг ўзаро яқинлиги, маданиятимиз, анъана ва урф одатларимиз ўхшаш эканига яна бир ёрқин мисолдир.

Ўзбекистоннинг истеъдодли санъаткорлари томонидан ижро этиладиган куй-кўшиқлар, уларнинг сизлар билан учрашувдан оладиган кувонч ва шодликлари Қозоғистонда Ўзбекистон йилини ўтказиш бўйича режалаштирилган биргаликдаги барча тадбирларга алоҳида рух ва кайфият бағишлиайди.

Аминманки, ушбу тадбирларнинг муваффакиятли ўтказилиши давлатларимиз ўртасидаги яхши кўшичилик ва стратегик шериклик муносабатларини яна-да мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хурматли дўстлар, азиз бовурлар!

Самимий қабул ва меҳмондўстлик учун сизларга яна бир бор чукур миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлиайди.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни ва сизлар орқали минтақамизнинг барча қардош халқларини кириб келаётган гўзал баҳор байрами – Наврўзи олам билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

*Қозогистонда Ўзбекистон йили очилишига
багишиланган маросимда сўзланган нутқ*

*Қозогистон Республикаси,
Остона шаҳри,
2018 йил 15 марта*

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК САРИ ТАШЛАНГАН МУҲИМ ҚАДАМ

Муҳтарам Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Жаноби Олийлари!

Хурматли Федерика Могерини хоним!

Хурматли ташки ишлар вазирлари ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтаётган Афғонистон бўйича юкори даражадаги ҳалқаро конференциянинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини Ўзбекистон ҳалқи номидан самимий табриклишга ижозат бергайсиз.

Ушбу анжуманда иштирок этаётганингиз учун сизларга чукур миннатдорлик билдираман ва меҳмондўст ўзбек заминида сизларни кўриб турганимдан гоят хурсандман.

Бугунги конференция Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасининг биргаликдаги ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Мазкур анжуман ҳалқаро ҳамжамият томонидан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг мантикий давомидир.

Форумда шахсан иштирок этаётгани учун Президент Муҳаммад Ашраф Ғани Жаноби Олийларига алоҳида миннатдорлик билдиromoқчиман.

Шунингдек, халқаро конференция ўтказиш бўйича бизнинг ташаббусимизни аввал-бошданоқ қўллаб-кувватлаган ва барча қатнашчиларга ўзининг табрик хатини йўллаган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Антониу Гутеришга самимий миннатдорлик изхор этаман.

Биз жаноб Антониу Гутеришнинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш жараёнлари доирасида музокаралар ўтказиш тарафдори эканини, шунингдек, минтақамизда хавфсизлик ва барқарор таракқиётни қўллаб-кувватлаш борасидаги сайди-харакатларини юксак баҳолаймиз.

Шу йилнинг январь ойида БМТ Хавфсизлик Кенгашида Қозоғистон раислигида Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича фикр алмашувлар бўлиб ўтган эди. Фурсатдан фойдаланиб, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоевга ана шу ўта муҳим муаммони мухокама этиш бўйича қўрсатган ташабbusi учун самимий ташаккур билдираман.

Шунингдек, бўлиб ўтган мухокамалар чогида билдирган зарур ва қимматли таклифлари учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча аъзоларидан миннатдорман. Бу таклифларнинг катта қисми ушбу конференциянинг афғонистонлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда тайёрланган якуний ҳужжати лойиҳаси – Тошкент декларациясида ҳисобга олинди.

Шу билан бирга, бугунги анжуманда иштирок этаётган:

– Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Федерика Могерини хонимни;

– Хитой Халк Республикаси, Россия Федерацияси, Америка Кўшма Штатлари, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ташки сиёсат маҳкамалари, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини чин қалбимдан кутлашдан ғоят мамнунман.

Бугун ушбу залда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган давлатлар ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари тўпланганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Хурматли конференция иштирокчилари!

Биз шу кунларда баҳор ва янгиланиш байрами бўлган Наврӯз айёмини кенг нишонламоқдамиз. Азалазалдан бу фаслда уруш-жанжаллар тўхтатилган, одамлар эски гина-кудуратларни унутиб, бир-бирини кечирган ва ҳатто энг мураккаб, ҳал этиб бўлмайдигандек туюлган масалалар бўйича ҳам келишиб, ҳамжиҳатликка эришган.

Ишончим комил, бугун биз ҳам давримизнинг энг ўткир минтақавий ва глобал муаммоларидан бири – Афғонистондаги қарама-қаршиликни ҳал этишни амалий руҳда муҳокама қилиб, биргаликда умумий бир ечим ишлаб чиқишига қодирмиз.

Минг афсуски, жафокаш Афғонистон заминидаги бу тўкнашув кариб 40 йилдан буён давом этмоқда.

Маълумки, «уруш олови» афғон ҳалқига четдан тикиштирилди, бу – унинг танлови эмас.

Ана шу йиллар мобайнида юз минглаб тинч аҳоли уруш курбонига айланди, миллионлаб инсонлар ўз уйларини ташлаб кетишга ва бошқа мамлакатлардан бошпана излашга мажбур бўлди.

Бу можарога янги-янги кучларнинг жалб этилиши унинг мислсиз даражада кескинлашиб кетишига олиб келди. Ушбу уруш нафакат Афғонистоннинг муаммоси, балки тобора мураккаблашиб бораётган халқаро муаммога айланди.

Афғонистонда халқаро террорчи гурухлар сонининг кенгайиши, зўравонлик ва қон тўкишлар, наркобизнеснинг барҳам топмаётгани – буларнинг барчаси бу мамлакатдаги вазиятни жаҳон жамоатчилиги томонидан инкор этилишига йўл қўйиб бўлмаслигини кўрсатмоқда.

Энг ёмони, Афғонистондаги куролли қарамақаршилик ва зўравонлик шароитида бутун бир авлод вояга етди. Лекин бу, айрим эксперталар андишасизларча таъкидлаётганидек, «бой берилган авлод» эмас. Улар уруш, муҳтожлик ва қийинчиликлардан чарчаган одамлар, холос. Улар ўзаро низоларга чек қўйиб, тинч ҳаётга, ўз мамлакатини тараққиёт ва фаровонликка олиб борадиган бунёдкор меҳнатга қайтишни хоҳлайди ва шунга интилади.

Мен қатъий аминман: афғон халқида ўз фарзандлари ва келажак авлодларнинг баҳт-саодати йўлида янги, тинч ҳаётни бошлаш ва барпо этиш учун куч-гайрат, донишмандлик, мардлик ва матонат етарли.

Бугунги анжуманимизда вакиллари иштирок этаётган давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар

бу жафокаш мамлакатдаги вазиятни тинч йўл билан хал этишга кўмаклашишда мухим роль ўйнашга кодир ва шундай бўлиши керак.

Якин Шарқ ва Шимолий Африкадаги воқеалар оқибатида Афғонистондаги вазият маълум бир вакт давомида халқаро сиёsat эътиборидан четда қолди. Аммо бунинг натижасида мазкур можаро ўз кескинлиги ва жиддийлигини йўқотгани йўқ.

Ўзбекистонда халқаро конференция ўtkазиш таклифи ва Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурати қуидаги омиллар билан боғлиқ.

Биринчидан, бизнинг ташаббусимиз Ўзбекистоннинг ташқи сиёsat концепциясига тўла мос келади. Бу концепцияда, аввало, кўшни мамлакатлар билан яхши кўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш устувор вазифа этиб белгиланган.

Иккинчидан, Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган.

Азал-азалдан Амударёнинг икки томонида ўзаро ўхшаш тиллар, умумий муқаддас дин ва муштарақ маънавий қадриятлар бирлаштириб турадиган халқлар яшаб келмоқда.

Амударё биз учун ҳамиша тириклик манбаи бўлиб келган, аммо одамларнинг эркин ҳаракат қилишига, савдо алоқаларини яқиндан ривожлантиришга, илм-фан соҳасидаги ютуклар билан ўртоқлашишга ва бир-бирини маданий жиҳатдан бойитишга ҳеч қачон тўсқинлик қilmаган.

Афғон заминида Марказий Осиё Уйғониш даврининг Абу Райҳон Беруний, Лутфий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби буюқ намояндалари ва бошқа кўплаб бизнинг улут аждодларимиз яшаб ижод қилганлар.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида якин сиёсий, савдо-иктисодий ва маданий-гуманитар алоқалар йўлга қўйилган. Афғонистонда миллионлаб ўзбеклар яшайди. Афғонистон Конституциясига мувофиқ ўзбек тили мамлакатнинг расмий тилларидан бири ҳисобланади.

Учинчидан, барчамиз қатъий ишонамизки, хавфсизлик ягона ва бўлинмасдир ва уни фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан таъминлаш мумкин. Биз хавф-хатарларнинг баъзи бирларини «ўзимизники», бошқасини эса «бировники», деб қабул килмаслигимиз керак, аниқроқ айтганда, бундай қилишга ҳаккимиз йўқ.

Афғонистон хавфсизлиги – бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётнинг гаровидир.

Халқаро террористик ташкилотлар Афғонистонни ўзининг доимий маконига айлантириб олишига йўл қўйиб бўлмайди.

Тўртингчидан, Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қўмаклашиш бўйича тажрибага эга.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 1999 йилда Тошкентда Афғонистонга қўшни давлатлар, Россия ва

АҚШ ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари даражасида «6+2» гурухининг учрашуви бўлиб ўтган эди. Бу учрашувда Шимолий Иттифоқ ва «Толибон» харакати вакиллари ҳам иштирок этган эди.

Музокаралар якуни бўйича Афғонистондаги низоларни тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий принциплари ҳакидаги Тошкент декларацияси қабул килинди ва у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Баш Ассамблеяси 54-сессияси ва БМТ Хавфсизлик Кенгшининг расмий хужжатига айланди.

Шу муносабат билан биз Афғонистон билан умумий келажагимиз, афғонистонлик биродарларимизни ҳам, бизни ҳам бирдек ташвишга солаётган масалалар ҳакида гапириш учун барча асосларга, сиёсий ва маънавий хуқуққа эгамиз.

Айнан мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон бутун дунё мамлакатларини бизнинг бу эзгу ишдаги саъй-харакатларимизни қўллаб-қувватлашга даъват этади.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда Афғонистондаги вазиятни бартараф этиш бўйича кўп киррали ва мураккаб масалалар минтақа ва халқаро миқёсда кенг муҳокама қилинмоқда.

Бу ўринда Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий инқирозни ҳал этиш йўлларини топиш мақсадида ташкил этилган Кобул жараёни, Москва формати, Халқаро мuloқot гурухи, «Осиё юраги» деб номланган Истанбул жараёни, «ШХТ – Афғонистон» мuloқot гурухи ва бошқа кўп томонлама муҳокама жараёнлари алоҳида диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Кобул жараёни доирасидаги иккинчи мажлис иштирокчиларининг Афғонистон ҳукумати билан «Толибон» ҳаракатининг «олдиндан шарт қўймаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик» асосида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни бошлиш ҳақидаги қарорини кўллаб-кувватлади.

Аммо тинчлик сари ҳаракатнинг энг асосий шарти, бизнингча, аввало, минтақа ва глобал даражада келишилган, Афғонистон учун ягона кенг қамровли тинчлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатdir.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизнинг асосий мақсад ва вазифала-ри қуидагилардан иборат бўлиши лозим:

биринчи – афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсус – муросага эришиш;

иккинчи – Афғонистон ҳукумати ва қуролли мухолифат ўртасида музокараларни бошлиш механизмини ишлаб чиқиш;

учинчи – Афғонистонда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан кўмак бериш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш.

Ва ниҳоят, барча манфаатдор ташки кучларнинг қуролли мухолифатдан Афғонистон ҳукумати билан музокаралар столига ўтиришини, қарама-қаршилик ва зўравонликка чек қўйишни қатъий ва бир овоздан талаб қилиши бекиёс аҳамият касб этади.

Бундан бошқа йўл йўқ. Бизнинг фикримизча, бугунги учрашувимизнинг бош ғояси шундан иборат.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Афғонистондаги низолар ғоят мураккаб ва қарама-карши хусусиятга эга эканини, уларга турли кучлар жалб этилганини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциясидан келиб чиқиб, кенг қамровли тинчлик жараёнини учта ўзаро bogлиқ даражада амалга оширишни таъминлаш мухим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Афғонистон мамлакати даражасида – марказий ҳукумат ва қуролли мухолифатнинг асосий кучлари, биринчи навбатда, «Толибон» ҳаракати ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт кўймасдан, тўғридан-тўғри мулокотни бошлашни таъминлаш зарур.

Томонларнинг бир-бирига нисбатан саволлари ва талаби бўлажак музокарапарда мухокама қилиниши мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, Афғонистон ичидаги сиёсий жараёнларни бошлашни энди орқага суриб бўлмайди. Бу жараённи чўзиш яна кўплаб бегуноҳ одамларнинг курбон бўлишига олиб келади.

Тинчлик жараёнининг муваффакиятли бўлишини таъминлаш учун афғонистонликларнинг ўзларига ташаббус кўрсатиш, музокарапар қандай форматда, қачон ва қаерда олиб борилиши бўйича танлаш имконини бериш керак.

Бу ўринда гап, аввало, қуролли мухолифат томонидан ҳам, Афғонистон миллий хавфсизлик кучлари томонидан ҳам жанговар ҳаракатлар олиб боришдан воз кечилиши ва ўт очишни тўхтатиш режимига сўзсиз риоя қилиниши ҳақида бормоқда.

Афғонистоннинг келгусидаги тинч тараққиёти учун умумий масъулиятни хис этган ҳамда ўзбек ва афғон ҳалқининг азалий дўстлик алоқаларига таянган ҳолда, биз Ўзбекистон ҳудудида тинчлик жараёнларининг исталган босқичида Афғонистон ва «Толибон» ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни ташкил этиш учун барча шароитларни яратиб беришга тайёрмиз.

Мухолифат тинч музокараларда иштирок эта-диган ва миллий келишувга эришилган тақдирда Афғонистоннинг сиёсий ҳаётига мухолифатнинг интеграциялашуви учун барча шароитларни яратиш зарур бўлади.

Куролли мухолифат вакиллари, жумладан, толиблар ҳам афғон жамиятининг бир қисми ва Афғонистон фуқаролари сифатида ўз мамлакати келажагини белгилаш учун овоз бериш ҳукуқига эга.

Бу борада мамлакатда парламент ва президентлик сайловларигача бўлган даврда афғонлар ўртасида ўзаро мулоқотни бошлиш ва шу тариқа жамиятнинг барча қатламлари, жумладан, мухолифатдаги кучларга ҳам янги Афғонистон давлатини қуришда тўлақонли иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратиш ғоят мұхимдир.

Минтақавий даражада – аввало Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар ва Марказий Осиё давлатларининг қўллаб-куватлаши билан томонлар ўртасида мустаҳкам келишувни таъминлашга эришиш зарур.

Афғонистонда иқтисодий ривожланиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ бир қатор жиддий муаммоларни ҳал этиш кўп жиҳатдан унга қўшни бўлган давлатларга, бизнинг эзгу хоҳиш-иродамиз, катъий қароримиз ва бу мамлакатда миллий ярашувни таъминлаш, зўравонликка барҳам беришда фаол иштирок этишга қанчалик тайёр эканимизга боғлиқлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Барча қўшни ва ҳамкор мамлакатларнинг саъи-харакатлари бир-бирини тақрорламаслиги, балки тўлдириши керак. Биз бу муаммони ҳал этиш бўйича ўзаро келишилган чора-тадбирлар, ёндашув ва механизмларни ишлаб чиқишимиз зарур.

Шу йилнинг январь ойида БМТнинг Хавфсизлик Кенгashi йигилишида БМТ Бош котиби Антониу Гуттерриш жаноблари таъкидлаганидек, минтақавий ҳамкорликнинг янги жадал суръатлари «умумий, аллақачон пишиб етилган ва долзарб вазифаларни ҳал этиш бўйича барчамизнинг олдимизда катта имкониятлар очади».

Биз энди Афғонистонга унинг ҳудудидан тинчлик ва барқарорликка таҳдид солмайдиган давлат сифатида карай бошлишимиз керак. Афғонистон – бизнинг дўстона ҳамкоримиз ва қўшнимиздир.

Ишонаманки, Афғонистонни қўшни мамлакатлар билан савдо-иктисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқалар тизимиға жалб этиш бўйича умумий саъи-харакатларимиз бу мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва уни тинч ҳаётга кайтариш жараёнига сезиларли хисса қўшади.

Хеч шубҳасиз, охир-оқибатда афғон заминида тинчлик ўрнатилиши бепоён Евроосиё қитъасидаги барча давлатлар учун янги имкониятлар очади ва реал наф келтиради. Бу умумий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, автомобиль ва темир йўллари куриш, табиий ресурсларни ташийдиган қувурлар ўtkазиш, минтақавий ва трансмінтақавий савдо-сотикнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратади.

Имкониятдан фойдаланиб, Афғонистоннинг ижтимоий-иктисодий тикланиши учун Ўзбекистон имкон даражасида ҳисса қўшаётганини қайд этмоқчиман.

Биз 2002 йилдан буён Афғонистонга электр энергияси етказиб бермоқдамиз. Сурхон – Пули – Хумри янги электр тармогининг ишга туширилиши билан Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳажми кескин ортади.

Биз биргаликда яна бир стратегик лойиҳани амалга ошириш таклифини илгари сурмоқдамиз. Бу ўзбек мутахассислари томонидан курилган ва ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган Ҳайратон – Мозори Шариф темир йўлини Ҳиротгача давом эттириш лойиҳасидир.

Бу лойиҳа Афғонистон иқтисодиётини тиклаш учун аниқ ва амалий ҳисса бўлиб қўшилади, янги иш ўринлари яратади ва мамлакатнинг транзит салоҳиятини оширади.

Трансафғон транспорт-коммуникация лойиҳалари бўйича ишларнинг шу каби катта аҳамиятга эга бўлган «Ўзбекистон – Туркманистон – Эрон – Уммон» ва «Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой» каби бошқа

минтақавий лойиҳалар билан узвий боғлиқ ҳолда бошлангани Шимолдан Жанубгача ҳамда Шарқдан Гарбгача бўлган барча йўналишларда қитъалараро транспорт коридорларини энг кисқа йўллар билан ривожлантириш учун зарур шароитлар яратади.

Гуманитар алоқалар фаол ривожланмоқда. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб Афғонистонга чеғардош Термиз шаҳрида маҳсус ташкил этилган Афғон фуқаролари га таълим бериш маркази иш бошлади. Ҳозирги кунда бу масканда 100 нафарга яқин афғонистонлик йигит-кизлар таълим олмоқда.

Биз мазкур марказда афғон мутахассисларини тайёрлаш бўйича ихтисослик ва йўналишлар сонини кенгайтиришни режалаштирумомдамиз.

Глобал даражада – дунёнинг етакчи, буюк давлатлари ва донор ташкилотлар томонидан Афғонистондаги тинчлик жараёнлари принципиал жиҳатдан сиёсий қўллаб-кувватланиши ва мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тикланиши учун молиявий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш зарур. Уларнинг ёрдами туфайли мамлакат тинч ривожланиш йўлига ўтди. Бугунги Афғонистон – бундан атиги йигирма йил олдинги мамлакат эмас.

Очиқ демократик сайловлар ўтказилган пайтдан бошлаб бу юртда давлат курилишининг янги даври бошланди, оддий афғон фуқаролари ҳаётида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Мамлакат ҳукумати аҳолини таълим ва соғлиқни сақлаш хизмати билан кенг камраб олишга муваффак бўлди. Буларнинг барчаси афғон ҳалқининг тинч-осойишта ҳаёт ва тараққиёт сари интилаётганидан далолат беради.

Яқин икки йил ичида Афғонистонда мухим сиёсий воеалар – парламент ва президентлик сайловлари ўтказилиши кутилмоқда. Бу воеалар мамлакат барқарор демократик таракқиёт йўлидан изчил илгарила бораётганининг тасдиги бўлиши лозим.

Хурматли дўстлар!

Барчамиз бир ҳакиқатни англаб олишимиз зарур: биз бугун фақатгина Афғонистоннинг келажаги учун эмас, балки умумий хавфсизлигимиз, терроризм, фанатизм ва зўравонликдан холи дунё учун курашмоқдамиз.

Биз ўтмишдаги хатоларни такрорламаслигимиз керак. Умумий масъулиятимизни доимо ёдда тутишимиз лозим.

Афғонистонда тинчликка эришиш вазифаси бугунги кунда глобал хавфсизлик ва таракқиёт учун том маънода мисли кўрилмаган хатарга айланган терроризм ва экстремизмга қарши курашишга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан узвий боғлиқдир.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, барча ташки кучлар афғон хукуматининг Афғонистонда хорижий террористик ташкилотларнинг базаларини йўқ килиш борасидаги саъй-ҳаракатларини сўзсиз қўллаб-куватлаши, ҳеч қандай фарқларга қарамасдан, терроризмни молиявий ва моддий-техник қўллаб-куватлашнинг олдини олиши ўта мухим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон терроризм, экстремизм ва радикализм мафкурасига қарши кураш борасида ҳамиша принципиал позицияга эга бўлиб келган.

Бундай хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш усуллари билан эмас, балки биринчи навбатда, айниқса, ёшлар ўртасида, зўравонликни келтириб чиқарадиган жаҳолатта қарши маърифат билан курашиш лозим.

Ўтган йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Ёшлар хукуклари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чикиш ва қабул қилиш таклифини илгари сурган эди.

Бизнинг асосий мақсадимиз – ёшларнинг сифатли таълим олиш имкониятига эга бўлишига эришиш, уларнинг ўз қобилияти ва истеъодини рўёбга чиқариши учун барча зарур шароитларни яратиб беришдан иборат.

Биз барча хорижлик ҳамкорларимизга ислом динининг инсонпарварлик мөҳиятини аҳоли ва айниқса, ёшларга тушунтириш йўлида яқин ҳамкорликда иш олиб боришни таклиф этамиз.

Ўйлайманки, бу борада Ўзбекистонда ташкил этилган Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқикот маркази, Ислом цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон Ислом академиясининг имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, биз ташаббус тариқасида Афғонистонда таълимни қўллаб-куватлаш бўйича маҳсус халқаро фонд ташкил этишни таклиф қиласиз.

Бундан кўзланадиган асосий мақсад – мамлакатда талаб катта бўлган соҳалар бўйича миллий кадрлар тайёрлаш, истеъододли талабалар ва ёш олимлар учун

стипендия ва грантлар ажратиш борасида афғон томонига кўмаклашишдан иборат.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, жамиятда таълимнинг нуфузини ошириш ва ёшларнинг камолотта интилишини рағбатлантириш – бу барқарор ва изчил тараққиётга эришиш кафолатидир. Буларнинг барчаси, хеч шубҳасиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни зўравонлик ва радикализм мағкурасидан ҳимоя қилишда ёрдам беради.

Хурматли форум қатнашчилари!

Ишончим комил, ушбу конференциянинг ўтказилиши, амалий руҳдаги мулокот ва мунозаралар, шунингдек, якуний Тошкент декларациясининг қабул қилиниши Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича амалий жиҳатдан ижобий натижаларга эришиш имконини беради ва тинчлик жараёнининг ўзига хос «йўл харитаси»га айланади.

Моҳият эътиборига кўра сизларнинг ёрдамингиз билан афғон муаммосининг энг муҳим жиҳатлари бўйича барча манфаатдор томонларнинг сиёсий иродаси ва ўзаро англашувини ўзида акс эттирадиган хужжат қабул қилинади.

Афғонистоннинг келажаги халқаро ҳамжамиятнинг барчамиз учун умумий бўлган таҳдид ва хатарларга карши курашишга ожиз эканини кўрсатадиган мисолга айланаб қолмаслиги лозим.

Бугун барчамиз бирлашиб, жафокаш Афғонистон халқига тинчлик ва тараққиёт йўлида ёрдам қўлини чўзишимиз, уни қўллаб-кувватлашимиз ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Барча конференция иштирокчилариға чин қалбимдан самарали иш олиб боришларини тилайман!
Эътиборингиз учун раҳмат.

Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида ўтказилган ҳалқаро конференцияда сўзланган нутқ

2018 йил 27 марта

ЯНГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧГА КҮТАРИЛГАН АСРИЙ ДҮСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК, ЯХШИ ҚҰШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Мұхтарам Гурбангули Мяликгулиевич!

Азиз дүстлар!

Қадрли туркман дүғонлар!

Бугун саховатли ва меҳмондўст ўзбек заминида
Туркманистан Президенти мұхтарам Гурбангули
Мяликгулиевич Бердимұхәмедовни, туркманистанлик
барча азиз меҳмонларимизни самимий кутлашдан баҳ-
тиёрман.

Хуш келибсиз Ўзбекистонга!

Туркман ва ўзбек халқларининг тарихий тақдирида
муштарақ жиҳатлар кўп. Бизнинг қадим тарихимиз уму-
мий, биз аждодларимизнинг анъана ва урф-одатларини
муқаддас деб билган ҳолда эъзозлаймиз.

Бизларни асрлар оша боғлаб келаётган дўстлик ва би-
родарлик, яхши қўшнилиқ муносабатлари бугун янги,
мен айтган бўлардимки, тарихий босқичга кўтарилди.

Туркманистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам бугун
халқларимиз ва давлатларимиз келажаги учун улкан
аҳамиятга эга бўлган кенг кўламли ўзгариш ва янги-
ланишлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган
асосий мақсад – халқларимиз учун муносиб турмуш
шароитларини таъминлаш, ҳар бир инсон салоҳиятини
тўлиқ намоён қилишдан иборат.

Ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш учун барча ишларни амалга оширад эканмиз, биз хонадонларимиздаги тинчлик ва хотиржамликни самарали химоя килган, биргаликда, елкама-елка турган ҳолдагина олдимизда турган умумий муаммоларни енгиб ўтишимиз ва долзарб вазифаларни ҳал қилишимиз мүмкин.

Сизни ишонтириб айтмоқчиман, бу йўлда Ўзбекистон туркман биродарлари учун доимо садоқатли дўст ва ишончли ҳамкор бўлиб қолади.

Мухтарам Гурбангули Мяликгулиевич!

Сизнинг Ўзбекистонга давлат ташрифингизни муштарак эзгу мақсадларимизга эришиш йўлидаги ўзаро интилишларнинг ёрқин ифодаси сифатида баҳолаймиз.

Якин қўшни ва дўст сифатида Туркманистон мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш йўлида чиндан ҳам мислсиз муваффакиятларга эришаётгани бизни гоят кувонтиради.

Мухим ташки сиёсий ташабbusлар қардош Туркманистон ҳалқининг ҳалқаро майдондаги нуфузининг муносиб равишда ортиб боришини таъминламокда.

Ҳеч шубҳасиз, бу ютуклар атоқли давлат ва сиёсат арбоби, бор куч-ғайрати ва катта тажрибасини ўз ҳалқига хизмат қилишга сафарбар этаётган, ҳақиқий ватанпарвар Туркманистон Президенти, мухтарам Гурбангули Мяликгулиевич Бердимуҳамедовнинг кўп қиррали фаолиятининг бевосита натижасидир.

Азиз дўстлар!

Бугун анъанавий равишда очик ва дўстона руҳда ўтган музокаралар минтақавий ва ҳалқаро сиёсатга

доир кўплаб масалалардаги қараш ва ёндашувларимиз яқин ҳамда муштарак эканини тасдиқлади.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, саноат кооперациясини кенгайтириш истиқболлари, мамлакатларимизнинг транзит салоҳиятини ошириш, минтақалар миқёсида алоқаларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугун имзоланган муҳим келишувлар мамлакатларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилади.

Бу бизга ҳалқларимиз тараққиёти, фарзандларимиз ва набираларимиз баҳти учун умумий келажакни барпо этиш йўлида янада қатъий ишонч бағишлайди.

Қадрли дўстлар!

Ҳаммамизга яхши маълумки, туркман ва ўзбек ҳалқларининг кўп асрлик муносабатлари янада мустаҳкам ва самарали бўлишида барча туркий тилли ҳалқлар адабиётининг мумтоз намояндлари ҳисобланган буюк шоир ва мутафаккирлар Алишер Навоий ва Махтумкули Фироғийнинг буюк хизматлари бор. Бу улуғ зотлар инсонийлик, эзгулик, одамлар ўртасидаги дўстлик, тинчликсеварлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик каби энг олижаноб фазилатларни тараннум этганлар. Шунинг учун ҳам уларнинг ўлмас ижоди бугун ҳам қалбимизга яқин.

Бу ҳақда Туркманистон ҳалқ шоири Кора Сейитлиев жуда ибратли ва ёрқин мисралар битган:

Туркманинг бошланса тўйи – базми,

Даврада янграйди Навоий назми.

Ўзбек хонадони тўй бошласа гар,

Унда Фироғийнинг сўзи жаранглар.

Ўйлайманки, бу таъсирчан ва доно сўзлар таржима килишга муҳтож эмас.

Ишончим комил, туркман ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз буюк аждодларимизнинг ўғит ва насиҳатларига уйғун ва ҳамоҳангдир.

*Туркманистон Президенти
Гурбангули Бердимуҳамедов
шарафига ўюштирилган қабул
маросимида сўзланган нутқ*

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 23 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Хурматли кўргазма иштирокчилари!
Туркманистоннинг етакчи корхоналари, компания
ва ташкилотлари раҳбарлари!
Қадрли дўстлар!

Туркманистон Президенти хурматли Гурбангули Мяликгулиевич Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи доирасида Тошкентда ўtkазилаётган Туркманистон миллий кўргазмасининг барча иштирокчилари ва меҳмонларини улкан мамнуният билан самимий кутлайман.

Ўзбекистон ва Туркманистон – стратегик шериклардир. Бизнинг халқларимизни кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, умумий тарих, дин ва тил, маданият, урф-одат ва анъаналар муштараклиги мустаҳкам боғлаб келади.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги кўп киррали ҳамкорлик қатъий сиёсий ирода ҳамда олий даражадаги самарали учрашувлар давомида эришилган келишувларни биргаликда амалга ошираётганимиз туфайли изчил ривожланиб, аниқ маъно-мазмун билан бойиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ўзаро ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишини савдо-иктисодий соҳа ташкил эта-

ди. Ўтган қиска даврда биз бу борада ҳақиқатан ҳам мұхим ақамиятта молик натижаларга эришдік.

Кейинги йилларда биринчи марта ўзаро савдо ҳажми жадал суръатлар билан ортиб бормоқда. Мамлакатларимиз корхоналари ва ташкилотлари ўртасида иқтисодиёттинг анъанавий равищда бир-бируни түлдирадиган тармоқларыда кооперация алоқалари кучаймоқда.

Бу ўринда аввало ёқилғи-энергетика мажмуаси, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, темир йўл транспортини модернизация қилиш ва бошқа кўплаб соҳалардаги лойиҳалар ҳақида сўз бормоқда.

Биз транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ҳамда давлатларимиз ва бутун минтақамизнинг улкан транзит салоҳиятини самарали ишга солишга каратилган ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтирумокдамиз.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатларимиз бизнес ҳамжамиятлари ўртасидаги изчил ишбильармонлик алоқалари ҳамда худудлараро мустахкамланиб бораётган ҳамкорлик доирасида кенг истикболлар очилмоқда.

Мухтарам дўстлар!

Бундан бир ой олдин Ашхободда Туркманистон Президентининг бевосита кўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси муваффакиятли ўтказилган ва у туркманистонлик шерикларимизда катта қизикиш уйғоттан эди.

Бугун биз мамлакатимизнинг нафақат ишбилиармон доиралари, балки бутун жамоатчилигининг эътибор марказида турган Туркманистон миллий кўргазмасини очмоқдамиз.

Кўргазма мажмуасида бугунги Туркманистон иқтисодиётининг улкан салоҳияти ва юксак эътирофга молик ютуқлари, унинг бой табиий, илмий ва интеллектуал ресурслари, замонавий технологиялари кенг намойиш этилмоқда.

Шу билан бирга, бу ерда ташкил этилган ёркин экспозиция қардош туркман халқининг қадимий ва ноёб маданияти ҳамда анъаналари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Туркманистоннинг халқаро миқёсда эътироф этилган барча ютуқлари ҳурматли Гурбангули Мяликгулиевич Бердимухамедовнинг чуқур ўйланган, самарали сиёсати натижаси эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Қадрли кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлари!

Сизларни икки томонлама муносабатларимиздаги куттуғ воқеа – Ўзбекистон пойтахтида Туркманистон миллий кўргазмаси очилиши билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Ишончим комил, кўргазма якунида иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация алоқаларини ривожлантиришга, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манбаатли ҳамкорликни дўст халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамлашга хизмат қиласиган

истикбонли лойихаларни амалга ошириш бўйича янги савдо шартномалари ва битимлар имзоланади.

Барчангизга кўргазмада самарали иш олиб бориш, муваффакиятли музокаралар ўтказишни тилайман.

Мехмондўст Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Toшкент шаҳри,
2018 йил 24 апрель*

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДҮСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мұхтарам Президент Жаноби Олийлари!

Хурматли туркиялар дүстлар!

Сайин қардашлар!

Аввалимбет, сиз, азиз мәхмөнларимизни қадимий ва гүзал диәримизда қабул қилаётганимиздан бекад мамнунман.

Ота юртингиз – Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Мамлакатларимиз ўртасидаги умумий тарих, муштарақ тил ва дин, азалий қадриятларга асосланган кўпкиррали муносабатлар сўнгти йилларда сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилаётгани бизни жуда қувонтиради.

Туркия Республикаси Президенти, азиз дүстим ва биродарим, мұхтарам Режеп Тайип Эрдоған Жаноби Олийлари билан бевосита мулокотларимиз, самимий дийдор кўришувларимиз яхши анъанага айланиб бораётгани халқимизни бекад хушнуд этмоқда.

Ўтган йили октябрь ойида Туркияга амалга оширган давлат ташрифимиз ҳақиқатан ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Ташриф давомида эришилган келишувлар Ўзбекистон – Туркия ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига олиб чиқди.

Туркия Президентининг Ўзбекистонга илк давлат ташрифи олий даражадаги учрашувларимизнинг мантикий давоми бўлиб, ҳамкорлигимиз тарихида янги сахифа очишига хеч қандай шубҳа йўқ.

Турк ҳалқида ажойиб бир мақол бор:

«Баш баша вермейинча таш ериндэн қалқмас».

Бунинг маъноси, ўзбекча айтганда, **«Қарс икки кўлдан чиқади»**.

Дўстим Эрдоған Жаноби Олийлари билан ҳозиргина самимий руҳда ўтказган музокара ва сұхбатларимиз чоғида биз ҳалқларимиз ва давлатларимиз манфаатига бевосита дахлдор бўлган ғоят муҳим масалаларни мухокама килдик.

Бугунги мулоқотимиз икки давлат раҳбарларида шерикчилик алоқаларини янада жадаллаштириш, умумий максадларимизга эришиш бўйича биргаликда ҳаракат килиш учун катта сиёсий ирода мавжуд эканини яна бир бор тасдиқлади.

Шу борада бир фикрни алоҳида айтиб ўтмоқчиман.

Ўзбек ва турк ҳалклари кўп асрлар давомида шундай мустаҳкам илдизлар билан боғланганки, уларни бир-биридан ажратиш асло мумкин эмас. Хусусан, XI асрда Ўрта Осиёдан келиб Анадўлида туркий давлат барпо этган Туғрулбек фаолиятини ҳаммамиз яхши биламиз.

Буюк шоир ва мутафаккир Мавлоно Жалолиддин Румий нафакат Кўнёда, балки Самарқанду Бухорода ҳам ғоят машхур бўлган.

Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси, улуғ аллома Мирзо Улугбекнинг шогирди Али Қушчи Усмоний-

лар саройида обрў-эътибор топган ва ўз илмий мактабини яратган.

Туркияниң янги тарихида ҳам ўзбек миллатига мансуб кўплаб инсонлар бу юртда яшаб, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшгани сиз, азизларга яхши маълум, деб ўйлайман. Масалан, Туркия Жумхуриятининг биринчи давлат мадҳияси муаллифи Мехмет Акиф Ўрсой, собиқ давлат вазири Аҳат Андижон, депутат Ўрхан Қовунжу каби таникли шахслар ҳақида сизлар бизлардан ҳам кўпроқ биласиз.

Турк халқи ўзбек заминини ўзи учун муқаддас, деб билади ва уни «ота юртимиз», деб эъзозлайди.

Қардош турк халқининг бизнинг ўлкамиз ва халқимизга бўлган чексиз меҳри ва ҳурматини англаш, ҳис қилиш учун шу сўзнинг ўзи кифоя.

Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари яқин тарихимизда қандай мураккаб синовлардан ўтгани ҳақида тўхталиб ўтишга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Лекин бизнинг буюк турк халқига бўлган ҳурмат ва эҳтиромимиз ҳамма вакт юксак даражада сакланиб қолганини алоҳида қайд этмоқчиман.

Айни вактда Туркия Ўзбекистонни ўзи учун муҳим стратегик шерик, деб билишини биз юқори баҳолаймиз.

Туркия Президенти, дунё миқёсидаги машҳур давлат ва сиёsat арбоби Эрдоған Жаноби Олийларининг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни юксак даражага олиб чиқиш борасидаги қатъий азму шиҷоати ва амалий ҳаракатларини биз ҳар томонлама қўллаб-кувватлаймиз.

Мұхтарам дүстлар!

Үтган кисқа даврда ўзаро муносабатларни ривожлантириш, көнг қамровли ва узоқ муддатли дүстлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида улкан қадамлар қўйилганини алоҳида эътироф этмоқчиман.

Биринчидан, Туркия билан ўзаро манфаатли савдо-иктисодий ҳамкорликни ривожлантириш биз учун устувор йўналиш хисобланади.

Ўзаро савдо ҳажми ва унинг таркибини кенгайтириш бўйича ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

2017 йили давлатларимиз ўртасида товар айирбошлиш ҳажми 30 фоизга ортиб, 1,5 миллиард долларни ташкил этди.

Шу йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 20 фоизга ўсиб, 400 миллион долларга етди.

Яқин йилларда бу рақамни 5 миллиард долларга етказиш учун барча имконият ва захиралар мавжуд, деб хисоблайман.

Биз Туркия бозорига енгил саноат, кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, чарм-пойабзal ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилишни кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Маҳсулотларимизни узлуксиз ва тўғридан-тўғри етказиб бериш мақсадида Истанбул шаҳрида таъсис этилган Ўзбек–Турк савдо уйи имкониятларидан көнг фойдаланишни мўлжалламоқдамиз.

Айни вактда Туркиядан илгор ва замонавий технологик ускуналарни харид қилишга, турк менежменти тажрибасини юртимизда көнг татбиқ этишга тайёр эканимизни билдирамиз.

Иккинчидан, биз инвестицион ва молиявий-техник ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан маңфаатдормиз.

Иқтисодиётимизни ривожлантириш, уни диверсификация қилиш ва ракобатбардошлигини оширишда турк бизнеси мухим хисса қўшиб келмоқда.

Биз «Дал Текник» компанияси билан биргалиқда курилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, «АПЕАС» компанияси билан Самарқанд шаҳрида меҳмонхона мажмуасини куриш ва бир қатор турк ширкатлари билан ҳамкорликда замонавий енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни бошладик.

Президент Эрдоған Жаноби Олийларининг ташрифи доирасида эришилган янги келишувларни мамнуният билан эътироф этаман.

Биз Туркия сармоядорларини ўтган йили Самарқанд вилоятида очилган «Ургут» эркин иқтисодий худудида янги лойиҳаларни амалга оширишга таклиф этамиз.

Бугунги кунда бу ерда Туркия сармоядорлари иштирокида 5 та ширкат ташкил этилган бўлиб, улар тўқимачилик, кимё ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошламоқда.

Туркиянинг мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик агентлиги (ТИКА) томонидан Ўзбекистонга кўрсатилаётган техник кўмак учун ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Учинчидан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга бевосита таъсир этадиган омиллардан

бири – бу транспорт коммуникациялари ва транзит йўналишларидир.

Авваламбор, Баку – Тбилиси – Карс темир йўл коридори муваффақиятли ишга туширилгани билан муҳтарам Президент Эрдоған Жаноби Олийларини яна бир бор самимий табриклайман.

Сизнинг бевосита раҳбарлигинизда қуриб битказилган ушбу темир йўл нафақат минтақадаги, балки Шаркӣ ва Марказий Осиёдаги ҳамда Европадаги давлатлар билан савдо алоқаларини мустаҳкамлаш учун улкан имкониятлар яратади.

Халқаро транспорт йўлагининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида транзит тарифларини янада мақбуллаштириш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу соҳадаги ҳамкорлигимизни кенгайтиришда «Халқаро юклар ва йўловчиларни ташиш» ҳамда «Халқаро мультимодал ташиш» тўғрисидаги хукуматлараро битимлар мустаҳкам ҳукуқий асос бўлиб хизмат киласди.

Тўртинчидан, туризм соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Юртимизда туркиялик туристлар оқимини кўпайтириш мақсадида шу йил февраль ойидан бошлаб Ўзбекистонда Туркия фукаролари учун 30 кунлик визасиз режим амал қилмоқда. Шунингдек, икки давлат миллий авиакомпаниялари томонидан «Самарқанд – Истанбул» йўналиши бўйича қатновлар йўлга кўйилди, Туркия парлamenti собиқ депутати, туризм соҳасида етакчи эксперт Содик Бадак 2017 йил ноябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон Туризмни ривожлантириш

кўмитасида маслаҳатчи сифатида фаол иш олиб бормоқда.

Бешинчидан, биз Президент Эрдоған Жаноби Олийлари билан биргаликда икки мамлакат давлат раҳбарлари раислигига Стратегик шериклик олий кенгашини тузиш масаласини ҳам муҳокама қилдик ва бу таклифни маъқулладик.

Ушбу Кенгаш, ҳеч шубҳасиз, икки томонлама савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлигимизга оид долзарб масалалар бўйича аниқ режа ва дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Айни вақтда биз Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро кўшма комиссия фаолиятини кучайтириш, унинг йигилишларини мунтазам равишда, икки давлат ишбилармонларини кенг жалб этган холда ўтказишни таклиф қиласиз.

Олтинчидан, маданий-гуманитар соҳадаги алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон ва Туркия ўртасида энг муҳим ҳамкорлик йўналишларидан бири хисобланади.

Биз бу борадаги мулоқотларни давом эттириш, маданият кунлари ва турли ижодий тадбирларни мунтазам ташкил этиш тарафдоримиз.

Ўзбекистонда турк, Туркияда ўзбек маданияти марказларини очиш бўйича таклифларни қўллаб-кувватлаймиз.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш ва уни изчил ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, ўзаро тажриба алмасиши, кўшма клиникалар очиш ҳам фойдали бўлар эди.

Илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, архитектура-қурилиш, муҳандислик, олий таълим даргоҳларининг тажриба алмашиши ҳам биз учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси, Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази инфратузилмаларини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини йўлга кўйишда биз туркиялик қардошларимизни яқиндан ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.

Самарқанд ва Истанбул, Бухоро ва Кўнё, Хива ва Бурса каби тарихий шаҳарларимиз ўртасида биродарлик алоқаларини йўлга кўйиш халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат килади.

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!

Хурматли меҳмонлар!

Биз Туркия давлати раҳбари, азиз дўстим Эрдоған Жаноби Олийларининг икки халқ ўртасидаги дўстлик муносабатлари ривожига қўшаётган бекиёс ҳиссасини фоят қадрлаймиз.

Ишончим комилки, биргалиқдаги саъй-ҳаракатларимиз билан Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлик ришталари янги, янада юксак босқичга кўтарилади.

Эътиборингиз учун катта раҳмат.

*Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси
расмий делегацияларининг кенгайтирилган
таркибдаги учрашувида сўзланган нутқ*

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 30 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИЯ СОҲАЛАРИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ, ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!
Хурматли Туркияning етакчи компаниялари, банклари ва ташкилотлари раҳбарлари!
Бизнес-форум иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!

Икки томонлама муносабатларимиз тарихида биринчи марта Туркия Республикаси Президенти, азиз биродарим, муҳтарам Эрдоган Жаноби Олийлари иштирокида ўтказилаётган Ўзбекистон – Туркия бизнесфоруми қатнашчиларини чин қалбимдан кутлайман.

Туркия бизнинг стратегик ҳамкоримиздир. Биз ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Ҳеч шубҳасиз, қардош давлатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ва амалий алоқаларда савдо ва инвестицияларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этди.

Айнан шунинг учун ҳам бугун қадрдон дўстим, Президент Эрдоған Жаноби Олийлари билан ушбу форумда шахсан иштирок этишга қарор қилдик.

Шу тариқа биз икки давлат тадбиркорларини ҳар томонлама қўллаб-кувватлашимизни, ишбилармон

доираларнинг фаол ҳамкорлигини таъминлаш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш, савдо ва инвестиция соҳаларида янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш тарафдори эканимизни яна бир бор тасдиклаймиз.

Биз бугун Туркияning етакчи компания ва банклари раҳбарлари, йирик тадбиркорларини, жумладан, узок йиллардан буён юртимизда муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётган ҳамкорларимизни ҳамда ўзлари учун янги имкониятлар очишни мақсад қилиб келган туркиялик ишбилармонларни кўришдан бениҳоя мамнумиз.

Хурматли бизнес-форум иштирокчилари!

Бугун Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун кенг имкониятлар эшиги очилмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз хорижий бизнес, жумладан, туркиялик дўстларимизда қайси томондан қизиқиш уйғотиши мумкин?

Биринчидан, Туркия фукаролари учун кириш визаларини бекор килиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилдик.

Ишонаман, ушбу қароримиз ишбилармон доиралар ўртасида ҳамда туризм соҳасидаги алоқаларимизни янада фаоллаштиради.

Биз туркиялик ишбилармонлар ва сайёҳларга қулайликлар яратиш мақсадида Истанбулдан Самарқандга тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйдик ҳамда ушбу шаҳарлар ўртасида парвозлар сонини кўпайтирдик.

Шу ўринда юртимизга туркиялик сайёхларни жалб килишда, туризм инфратузилмаларини такомиллаштиришда кўрсатаётган кўмаги учун Туркиянинг вакили Ўзбекистон Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси маслаҳатчиси Содик Бадакка миннатдорлик билдираман.

Иккинчидан, Ўзбекистон хукумати томонидан сизларнинг сармояларингизни рағбатлантириш ва тўлиқ ҳимоя қилиш мақсадида зарур меъерий-хукукий хужжатлар қабул қилинди.

Бизнес ривожига ғов бўлиб турган турли тўсиклар олиб ташланди.

Туркиялик ишбилармонларнинг мамлакатимизда самарали фаолият юритиши учун орамизда бўлган баъзи тушунмовчилик ва ишончсизлик кайфиятига барҳам бериш мақсадида биродарим Эрдоған Жаноби Олийлари билан бир ярим йил давомида кўп иш қилдик ва бу сиёsatни давом эттирамиз.

Учинчидан, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бўйича энг қулай шароитлар яратиш учун қатъий ва изчил қадамлар қўймоқдамиз. Жумладан, ўтган йили хорижий инвесторлар даромадларини қайтариб олиб чикишлари учун барча тўсиклар бартараф қилингани форум иштирокчиларининг кўпчилигига яхши маълум, деб ўйлайман.

Бу, ўз навбатида, иктисодиётимизда чукур таркибий ўзгаришларни бошлаб берди.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашни қатъий давом эттирган ҳолда, биз ташқи савдо ва божхонатариф назоратини, маъмурий босимни кескин камай-

тириш ҳамда солик тизимини тубдан ислоҳ килишга киришдик.

Яқинда тадбиркорлик субъектларини лицензиялаш жараёнларини янада кисқартириш ва соддалаштириш бўйича қарор кабул килинди. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятида 42 турдаги лицензия ва рухсатномалар бериш жараёнлари бекор килинди, 38 турдаги фаолият учун лицензиялар 17 тагача оптималлаштирилди, 25 турдаги тадбиркорлик фаолияти учун рухсат бериш жараёнлари соддалаштирилди.

Яқин вакт ичидаги Ўзбекистонда янги Солик концепциясини кабул киламиз. Ўйлайманки, бу концепция бизнес ва инвесторлар учун жуда катта енгиллик беради.

Тўртингчидан, биз юртимизнинг ҳар бир вилоятида эркин иктиносидий худудлар ташкил этдик.

Бу худудларда инвесторлар барча турдаги солик тўловлари ва импорт божларидан озод этилган.

Ҳозирги кунда 300 дан зиёд инвесторлар эркин иктиносидий худудларда яратилган қурайшлардан фойдаланган ҳолда фаолият олиб бормоқда.

Азиз дўстлар!

Бугунги форум 2017 йил октябрь ойида Туркияга амалга оширган ташрифимиз доирасида Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган бизнес-мулоқотнинг мантикий давомидир.

Ўтган кисқа вакт ичидаги савдо-иктиносидий ва инвестиция алоқаларимизни сифат жиҳатидан янги боскичга олиб чиқишига эришганимизни мамнуният билан таъкидлашни истардим.

2017 йил якунига кўра, давлатларимиз ўртасида ўзаро товар айланмаси 30 фоизга ўсиб, 1,5 миллиард долларни ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса бу кўрсаткич 20 фоизга кўпайди.

Туркия компанияларининг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестицияларининг умумий ҳажми 1,2 миллиард доллардан ошди.

Мамлакатимизда 500 га яқин қўшма ширкат фаолият юритмоқда, булардан 59 таси шу йилнинг биринчи чорагида ташкил этилди.

Биз «Дал Текник» компанияси (рахбари – Демиржан Кўсе) билан биргаликда қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, «АПЕАС» (Юсуф Камил Таймаз) билан Самарқанд шаҳрида замонавий меҳмонхона мажмуасини қуриш лойиҳаларини бошлаб юбордик.

Бир қатор турк компаниялари билан замонавий енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугун ҳурматли Президент Эрдоган Жаноби Олийларининг ташрифи доирасида эришилган янги келишувларни мамнуният билан эътироф этамиз.

Бу – жами 3 миллиард долларлик истиқболли лойиҳалардир.

Бугун ушбу залда кўплаб етакчи турк банк ва компанияларининг раҳбарларини кўриб турганимдан мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, биз билан янги, йирик қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришган айрим компаниялар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

«Йилдирим Групп» компанияси раҳбари, жаноб Роберт Юксел Йилдиримнинг энергетика (1,2 миллиард доллар), транспорт инфратузилмасини ривожлантириш (250 миллион доллар) ҳамда геологик қидирув ва минерал захиралар қазиб олиш соҳаларида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги режаларини тўла кўллаб-куватлаймиз.

Тўқимачилик ва чарм саноати ўзаро ҳамкорлигимизнинг анъанавий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Шунинг учун «СУР Интернэшил» компанияси раҳбари Мустафа Менте жаноблари ҳамда Туркияning чарм саноат ассоциацияси раҳбари Эрдал Матраш жанобларининг тайёр тўқимачилик (60 миллион доллар) ва чарм маҳсулотларини (23 миллион доллар) ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишларини кўллаб-куватлаймиз.

Ушбу форумда Туркияning «Бешлер Фудс» компанияси раҳбари жаноб Жамал Чакмак иштирок этаётганидан миннатдормиз.

Аминманки, биз тез орада сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қаратилган 70 миллион доллар ўзаро манфаатли лойиҳани амалга оширамиз.

Тадбиркорларимиз ўргасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кўллаб-куватлаш мақсадида «Чалик» компанияси (раҳбари Ридван Актурк) билан биргаликда Тошкент шаҳрида 400 миллион долларлик замонавий Турк бизнес маркази курилишини режалаштиридик.

Ўзбекистон банк-молия бозорида «Зираат банк»нинг сермахсул фаолият олиб боришида 14 миллион доллар сармоя сарфлаётган ушбу банк раҳбари Хусейн Айдин жанобларининг ҳиссаси катта эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ушбу банкнинг янги биноси учун Тошкент шаҳрининг марказидан ер ажратиш бўйича топширик берилди.

Ишонаманки, жаноб Аднан Йилдирим бошчилигидаги Туркияning «Эксимбанк»и (250 миллион долларлик кредит линияси) Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлаш истагида бўлган янги турк ишбилармонларига йўлбошчи бўлиб хизмат қиласди.

Таъкидлаш жоизки, қўшма лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этишга Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳам тайёр эканини маълум қилди.

Шу билан бирга, бугунги анжумандада Туркияning бир қатор нуфузли ташкилот ва компаниялари раҳбарлари, жумладан, «ДЕИК» Кенгаши (Наил Олпак); «Лимак» компанияси (Нихат Ўздемир); «Кибар» компанияси (Али Кибар); «Нобель» ширкати (Ҳасан Улусой); «Калион» компанияси (Кемал Калиончу); «Колин» компанияси (Желал Кол оғлу); «Ченгиз» холдинги (Мехмет Ченгиз); «Акса» ширкати (Шабан Чемил Казаничи) ва бошқа етакчи компаниялар иштирок этаётганидан беҳад мамнунмиз.

Азиз қардошлар, сизларнинг ўзбекистонлик ҳамкорларингиз ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳар бирингиз билан фаол ишлашга тайёр.

Мен Бош вазир ўринбосари Сухроб Холмуродовга Ўзбекистонда ўз бизнесини ривожлантириш истагини билдирган барча туркиялик тадбиркорларни қўллаб-кувватлаш ва уларнинг фаолиятига ҳар томонлама амалий кўмак бериш бўйича зарур топширикларни бердим.

Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: Ўзбекистонда туркиялик ишбилармонларга энг қулай шароитлар яратмоқдамиз, уларнинг сармояларини, мулки ва ҳак-хукукларини ҳар томонлама химоя қиласиз.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Хурматли бизнес-форум иштирокчилари!

Ишончим комилки, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан биз Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги савдо-иктисодий ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни янги, юкори сифат босқичига олиб чиқишга эришамиз.

Мен сизларга ҳар тарафлама ёрдам беришга, бизнинг юртимизда ўзаро манфаатли барча бизнес лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кўмаклашишга ва бу ишларни шахсан ўзим назорат қилишга тайёрман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон – Туркия бизнес-форумидаги нутқ

*Тошкент шаҳри,
2018 йил 30 апрель*

АҚШ – ЎЗБЕКИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЙЎЛИДА ЯНГИ ДАВРНИНГ БОШЛАНИШИ

Хурматли жаноб Уилбор Росс!

Хурматли конгрессмен Трент Келли ва Конгресс аъзолари!

Лиза Кёртис хоним ва жаноб Томас Шенон!

Азиз меҳмонлар!

Ўзбекистон делегациясининг Америка Кўшма Штатларига расмий ташрифи муносабати билан ташкил этилган қабул маросимида барчангизни самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Биз сизларнинг тимсолингизда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни кўллаб-кувватлаётган мамлакатимизнинг ҳақиқий дўстларини кўрамиз.

Мен мұхтарам Президент Дональд Трамп Жаноби Олийларининг Америка Кўшма Штатларига расмий ташриф буюриш ҳақидаги таклифини юксак қадрлайман.

Биз бу тарихий ташрифни кейинги икки йил мобайнида мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланиб бораётган Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлигининг мантикий давоми, деб баҳолаймиз.

Гарчи мамлакатларимиз географик нуқтаи назардан бир-биридан олисда жойлашган бўлса-да,

мехнатсеварлик ва бағрикенглик, гуманизм ва оила-парварлик каби муштарак қадриятлар халқларимизни бирлаштириб туради.

Биз Америка Күшма Штатларини дунёдаги энг курдатли давлат, озодлик ва демократик қадриятлар тимсоли, замонавий тарапқиёт етакчиси, гүзәл ва жозабали диёр сифатида биламиз.

Биз АҚШнинг Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олиб, юртимизда биринчи бўлиб ўз элчихонасини очганини доимо миннатдорлик билан эслаймиз.

Бугун мухтарам Президент Трамп Жаноби Олийлари билан биргаликда икки томонлама ва халқаро миқёсдаги кенг кўламли масалаларни мухокама килдик.

Музокаралар барча масалалар бўйича ўзаро ишонч ва хурмат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш руҳида бўлиб ўтганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда очик бозор иқтисодиёти, демократик жамият қуриш, конун устуворлиги, инсон ҳукуқ ва эркинликларини таъминлашга доир амалий ҳаракатлар АҚШ томонидан қўллаб-қувватланаётганини биз юксак баҳолаймиз.

Ўзаро иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик кенгаймоқда. Бунда, жумладан, Америка-Ўзбекистон савдо палатаси (Кэролин Лэмм хонимлари) катта роль ўйнамоқда.

Кеча Ўзбекистон ва Америка компаниялари ўртасида қарийб 4,8 миллиард доллардан иборат янги

шартнома ва контрактлар имзолангани бу борада янги уфклар очади, деб ишонаман.

Музокараларда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича ёндашувларимизнинг муштараклиги яна бир бор намоён бўлди.

Биз Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши минтакада ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик муҳитига бевосита боғлиқ эканини ҳисобга олган ҳолда, қўшни давлатлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Биз АҚШ маъмуриятининг Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга доир стратегиясини бутун минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ифодаси, деб қабул қиласиз.

Бу эзгу мақсад йўлида АҚШ билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга тайёр эканимизни яна бир бор изҳор этамиз.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Бугунги учрашувлар якунига кўра қабул қилинган Кўшма сиёсий баёнотнинг «Америка Кўшма Штатлари ва Ўзбекистон: стратегик шериклик йўлида янги даврнинг бошланиши» деб номланишининг ўзиёқ кўп нарсани англатади.

Сизларга яхши маълумки, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон Шарқ цивилизациясининг қадимий бешикларидан биридир.

Бу ҳакда гапиргандা, Сизнинг ватандошингиз, машҳур олим Фредерик Старрнинг буюк аждодимиз Абу Райхон Берунийга берган қуйидаги таърифини эслаш жоиз, деб ўйлайман:

«Беруний кўплаб оламшумул кашфиётлари учун инсониятнинг чексиз меҳр-муҳаббати ва олқишига лойикдир. У Христофор Колумб Американи кашф этишидан 500 йил олдин, денгиз сафарига чикмасдан туриб, Шимолий ва Жанубий Америка материкларининг мавжудлигини аниқлаб берган», деб ёзади Стэрр жаноблари.

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг тарихимизни мана шундай чукур ўрганиб, бутун дунёда кенг тарғиб этаётган Фредерик Стэрр ва бошқа америкалик олимларга чин қалбимдан ташаккур билдиришга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида стратегик жиҳатдан ғоят муҳим ўринга, замонавий салоҳиятга эга бўлган мамлакат сифатида ўзини намоён этмоқда.

Биз баркарор тараққиётга эришиш мақсадида мамлакатимизни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан модернизация қилиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул килдик.

Барча ислоҳотларимиз негизида инсон манфаатларини ва халқимиз фаровонлигини таъминлашдек энг устувор вазифа мужассам.

Бу мақсадга эришиш учун биз жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш, биринчи навбатда, иқтисодий соҳани эркинлаштиришга ҳал қилувчи масала сифатида караб, бу борада муҳим ўзгаришларни амалга оширмоқдамиз.

Буюк давлат ва сиёsat арбоби Франклин Рузвельт таъкидлаганидек: иқтисодий жиҳатдан мустақиллик ва хавфсизликка эришмасдан туриб, чинакам шахсий эркинликка эришиб бўлмаслигини биз яхши англаймиз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти, жумладан, АҚШ томонидан эътироф этилаётгани бизга мамнуният багишлайди.

Биз бундан буён ҳам стратегик шеригимиз – Америка Кўшма Штатларининг қўллаб-қувватлашига ишонамиз.

Мухтарам хонимлар ва жаноблар!

Сўзимнинг якунида ушбу залда йигилган сиз, американлик дўстларимиз ва ҳамкорларимизга Ўзбекистонга катта ишонч ва хайриҳоҳлик билан қараётганингиз, бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганингиз учун яна бир бор самимий миннатдорлик билдираман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Америка Кўшма Штатларига расмий ташриф
доирасида Ўзбекистон Республикаси номидан
ташкил этилган расмий қабул маросимидағи нутқ*

*Вашингтон,
2018 йил 16 май*

БАРҚАРОЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Мухтарам жаноб Си Цзиньпин!

Хурматли давлат раҳбарлари!

Мажлис иштирокчилари!

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан саммитнинг барча иштирокчиларини қутлайман, Хитой Халқ Республикаси Раиси жаноб Си Цзиньпинга самимий қабул ва учрашувимиз юксак даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдираман.

Бизнинг хитойлик шерикларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик даврида жуда самарали ва муваффақиятли ишларни амалга ошириди.

Бугун қабул қилинадиган ШХТга аъзо давлатлар ўргасидаги Узок муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар режаси мазкур ишларнинг мухим натижаларидан биридир.

Гўзал Циндао шаҳридаги саммитимиз «Шанхай саккизлиги» раҳбарларининг биринчи учрашуви сифатида тарихда колади.

Бу чукур рамзий маънога эга бўлиб, айнан «8» раками хитой халқида омад ва тараққиётни ифодалайди.

Ташкилотимиз бирданига бир ярим миллиард кишига кўпайди, унинг иқтисодий ва интеллектуал салоҳияти сезиларли даражада кенгайди.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Ҳиндистон ва Покистон каби давлатларнинг ШХТ фаолиятида тўла хукукли аъзо сифатида иштирок этиши кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун мутлақо янги имкониятлар яратади.

Айни пайтда Ташкилотимизнинг минтақавий ва глобал сиёсатни шакллантириш, Евроосиё қитъаси хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлашнинг муҳим механизми сифатидаги роли кучайиб бормоқда.

ШХТ янада муваффақиятли ривожланиб бораверишга қатъий ишонамиз.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш Ташкилотимизнинг асосий мақсадларига эришиш, унинг олдида турган вазифаларни ҳал этишда муҳим омиллардан биридир.

Шу муносабат билан минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Биз қисқа вақт ичида минтақадаги ўткир муаммолар, жумладан, чегара, савдо, транспорт ва сувдан фойдаланиш масалаларини амалий ҳал қилиш йўлида анча катта мэрраларга эришдик.

Шу билан бирга, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда.

Барча томонларнинг олдиндан ҳеч қандай шарт кўймасдан тинчлик музокараларини тез фурсатда

бошлашни бир овоздан маъқуллагани Сизларнинг кўллаб-куватлашингиз билан яқинда Тошкентда ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференциянинг асосий натижаси бўлди.

Ишончим комил, «ШХТ – Афғонистон» мулоқот гурухи доирасида биз Афғонистоннинг тинч тараккиётини таъминлашга салмоқли ҳисса кўша оламиз.

Муҳтарам делегациялар раҳбарлари!

Биз ШХТ доирасида кўплаб натижаларга эришдик. Шу билан бирга, Ташкилот доирасидаги шерикликни янада ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд.

Шу муносабат билан барчамиз қуидаги масалаларга эътибор қаратишимииз лозим.

Биринчидан ва энг асосийси – аҳоли, айниқса, ёш авлодда терроризм ва экстремизм мағкурасига қарши катъий ва барқарор иммунитетни шакллантириш.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурининг қабул қилиниши мана шу эзгу мақсадга хизмат қилади. Ушбу ташаббусни кўллаб-куватлаганингиз учун барчангизга миннатдорлик билдираман.

Ишонамизки, ушбу Дастурни амалга оширишда ШХТ Ёшлар кенгаши ҳақиқий «локомотив» вазифасини ўтайди. Ўзбекистон ушбу тузилма фаолиятида фаол иштирок этади.

БМТнинг Ёшлар хуқуклари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва қабул килиш йўлидаги ҳамкорлигимизни янада кучайтиришни таклиф этаман.

Иккинчидан, савдо-иктисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва кооперацияни кучайтириш.

Жорий йил бошидан буён Ўзбекистоннинг ШХТга аъзо давлатлар, унинг кузатувчилари ва шериклари билан савдо ҳажми ўттиз фоиздан зиёд ошди.

Бизнинг фикримизча, товар айирбошлиш ҳажми янада ортишини таъминлаш учун экспорт-импорт тартиб-таомилларини соддалаштириш зарур.

Биз, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тамоиллари асосида агросаноат кластерларини шакллантириш тарафдоримиз.

Учинчидан, ШХТ маконининг транспорт-транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш – стратегик вазифамиздир.

«Бир макон, бир йўл» ташаббуси доирасида минтақалараро транспорт лойиҳаларини амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Бизга жаҳоннинг энг йирик бозорларига олиб чиқадиган янги ва энг қисқа йўналишлар керак.

Ўзбекистон Мозори Шариф – Ҳирот, Хитой – Қиргизистон – Ўзбекистон темир йўл тармокларини куриш тарафдори.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистонда ШХТга аъзо давлатларнинг темир йўл бўйича идоралари раҳбарларининг биринчи учрашувини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, ШХТнинг Халқаро транспорт-логистика ассоциациясини таъсис этиш имкониятини кўриб чикишни таклиф этамиз.

Тўртингчидан, Инновация дастурлари ва лойи-халарини ҳамкорликда амалга ошириш учун барча саъй-харакатларни бирлаштиришга даъват этамиз.

Бизнинг шериклигимиз юкори технологиялар, рақамли иқтисодиёт, муқобил энергетика ва замона-вий тиббиётни ривожлантириш ва кенг жорий этишга қаратилиши лозим.

Ҳар йили ШХТ мамлакатлари хукуматлари ва иш-билиармон доиралари иштирокида Ахборот технологиялари ва инновацион ривожланиш форумини ўтказишни таклиф этамиз

Бешинчидан, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйишни мақсадга мувофиқ ва ғоят долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон биргаликдаги саъй-харакатлар билан тамаддуналар чорраҳаси – Самарқанд шаҳрида «Ипак йўли» туризм университетини ташкил этишни таклиф килади.

Мазкур ўқув муассасасида туризм соҳасининг энг яхши мутахассислари даре бериши, барча аъзо мамлакатлардан талабалар таҳсил олиши мумкин бўлади.

Мухтарам дўстлар!

ШХТ Бош котиби лавозимига Владимир Имо-мович Норов номзодини қўллаб-қувватлаганингиз

учун Сизларга самимий миннатдорлик билдираман.

Сўзимнинг якунида Хитой Халқ Республикаси Раиси жаноб Си Цзиньпинга Циндаодаги тарихий саммитнинг муваффакиятли ўтказилишига шахсан катта ҳисса қўшгани учун яна бир бор чин қалбимдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Кирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Шарипович Жээнбековни ШХТга раисликни қабул килгани билан табриклайман ҳамда ушбу шарафли ва масъулиятли миссияни бажаришда унга улкан муваффакиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо
давлатлар раҳбарлари кенгашининг
кенгайтирилган маркибдаги
мажлисидаги нутқ*

*ХХР, Циндао шаҳри,
2018 йил 10 июнь*

Бундан ташқари, ШХТнинг Халқаро транспорт-логистика ассоциациясини таъсис этиш имкониятини кўриб чиқишини таклиф этамиз.

Тўртинчидан, Инновация дастурлари ва лойи-халарини ҳамкорликда амалга ошириш учун барча саъй-харакатларни бирлаштиришга даъват этамиз.

Бизнинг шериклигимиз юкори технологиялар, ракамли иқтисодиёт, муқобил энергетика ва замона-вий тиббиётни ривожлантириш ва кенг жорий этишга қаратилиши лозим.

Ҳар йили ШХТ мамлакатлари хукуматлари ва иш-билиармон доиралари иштирокида Ахборот технологиялари ва инновацион ривожланиш форумини ўтказишни таклиф этамиз

Бешинчидан, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан амалий ҳамкорликни йўлга кўйишини мақсадга мувофиқ ва ғоят долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон биргаликдаги саъй-харакатлар билан тамаддунлар чорраҳаси – Самарқанд шаҳрида «Ипак йўли» туризм университетини ташкил этишни таклиф килади.

Мазкур ўқув муассасасида туризм соҳасининг энг яхши мутахассислари дарс бериши, барча аъзо мамлакатлардан талабалар таҳсил олиши мумкин бўлади.

Мухтарам дўстлар!

ШХТ Бош котиби лавозимига Владимир Имо-мович Норов номзодини қўллаб-қувватлаганингиз

учун Сизларга самимий миннатдорлик билдираман.

Сўзимнинг якунида Хитой Халқ Республикаси Раиси жаноб Си Цзиньпинга Циндаодаги тарихий саммитнинг муваффакиятли ўтказилишига шахсан катта ҳисса қўшгани учун яна бир бор чин қалбимдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Шарипович Жээнбековни ШХТга раисликни қабул қилгани билан табриклайман ҳамда ушбу шарафли ва масъулиятли миссияни бажаришда унга улкан муваффакиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо
давлатлар раҳбарлари кенгашининг
кенгайтирилган таркибдаги
мажлисидаги нутқ*

*ХХР, Циндао шаҳри,
2018 йил 10 июнь*

ЎЗБЕК ХАЛҚИННИГ УЛКАН ВА АРДОҚЛИ ДҮСТИ

Ўзбек ва қирғиз халкларининг тарихи, маданияти ва маънавияти, айтиш мумкинки, тақдири муштарак эканни кўп мисолларда, хусусан, ривожланиб бораётган маданий-гуманитар алоқалар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, аввало буюк қирғиз адаби ва машхур жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг номини тилга олиш ўринлидир. Ўзбекистонда бу улуг ижодкорнинг китоблари кириб бормаган бирор хонадонни, унинг гўзал кисса ва романларини ўқимаган, улар асосида яратилган кинофильмларни томоша килмаган бирон-бир кишини топиш қийин, десак, адашмаган бўламиз. У нафақат қирғиз халқи, айни пайтда, бутун туркий халклар, жумладан, ўзбек халқи учун хам азиз ва суюкли сиймо, десак, бу ҳам айни хакикатдир.

Чингиз Айтматов ўзбек халқининг, Ўзбекистоннинг улкан ва ардокли дўсти эди. Биз бу мутафаккир адабнинг: «**Тарихда Византия славян халклари ўртасида маданият тарқатишида қандай роль ўйнаган бўлса, ўзбеклар хам Марказий Осиё мамлакатлариға нисбатан шундай роль ўйнаган**», деган юксак эътирофини ҳамиша миннатдорлик билан эслаймиз.

Олмос истеъдод сохиби бўлган бу улуг зот икки кардош элни бирдай кўрар, юрақдан севар эди. Унинг «**Мен учун ўзбеклар ва қирғизлар бир халқ. Бу – менинг халқим**», дея уларнинг тинчлиги ва омонли-

ги, келажаги ва равнақи, ахил ва дўст бўлиб яшаши, хонадонларимизни, фарзандларимизни турли зиддият ва қарама-қаршиликлардан асраш йўлида ҳамиша жон куидириб, ибратли фаолият олиб боргани барчамизга яхши маълум.

Чингиз Айтматов собиқ мустабид тузумнинг сўнгги йилларида ўзбек халқининг бошига тушган «пахта иши», «ўзбек иши» деган ноҳақ тухмат ва маломатлардан халқимиз билан баробар куйган, куйинган, собиқ Иттифоқнинг юксак минбарларидан туриб, Ўзбекистоннинг пок номини оқлаш учун курашган эди. 1990 йилда содир бўлган Ўш фожеаларини тинч йўл билан ҳал этишда ҳам таниқли давлат ва жамомат арбоблари қаторида Чингиз Айтматовнинг ҳиссаси бекиёс бўлганини ҳеч қачон унутмаймиз.

Улуғ адиб нафақат бетакрор ва гўзал асарлари, айни пайтда, жўшқин ижтимоий фаолияти билан ҳам халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни, яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш борасида катта хизмат қилди. У, хусусан, 1995 йили Тошкентда ташкил этилган Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг ташаббускорларидан бири бўлган эди.

Чингиз Айтматов Сайд Аҳмад, Аскад Мухтор, Шароф Рашидов, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Шукрулло, Тўлепберген Қаипбергенов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сингари ўзбек адабиётининг атоқли намояндлари билан қалин дўст ва яқин ижодий ҳамкор бўлгани ёш адибларимиз учун ибрат намунаси бўлиб қолади.

Бугунги кунда жаҳон адабиёти ва маданиятини Чингиз Айтматовнинг буюк асарларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ёзувчининг халқ қалби, унинг дарду аламлари ва орзу-интилишлари, кувонч ва шодликлари теран бадиият билан ифода этилган асарлари умумбашарий тафаккур хазинасининг бебаҳо дурдоналарига айланиб улгурганига барчамиз гувоҳмиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Чингиз Айтматовнинг асарлари энг кўп таржима этилган ва нашр килинган мамлакатлар орасида Ўзбекистон етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Узокка бормасдан, биргина кейинги 3-4 йиллик даврни олиб қарайдиган бўлсак, республикамиз нашриётларида машҳур адабнинг ўнлаб китоблари чоп этилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, 2014 йили «Кулаётган тоғлар», «Қиёмат», «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар», «Эрта қайтган турналар», 2015 йили «Жамила», «Юзма-юз», «Оқ кема», 2016 йили «Асрни қаритган кун», «Танланган асарлар» номли китоблари нашр этилди. 2015 йилда ёзувчининг олти жилдлик «Тўла асарлар тўплами» босиб чиқарилгани эса, ўзбек китобхонлари учун чинакам тухфа бўлди. Ушбу таржималар Асил Рашидов, ИброҳимFaфуров, Суюн Қораев каби етакчи таржи-монларимиз томонидан юксак маҳорат билан амалга оширилган.

Юртимизда Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодини ҳар томонлама чуқур ўрганиш масаласи ҳам адабиётшунос олимларимизнинг доимий дикқат марказида бўлиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида бу борада жиддий ил-

мий изланишлар олиб борилгани, йирик монография ва тадқиқотлар эълон қилингани Ўзбекистонда ўзига хос «айтматовшунослик мактаби» шаклланганидан далилат беради.

Чингиз Айтматовнинг халқларимиз ўртасида тинчлик ва тотувликни саклаш, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, миллий адабиётларимиз ва маданий алоқаларимизни ривожлантириш ишига қўшган муносаб ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикасининг юксак мукофоти – «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланганини биз ифтихор билан эслаймиз. Келгуси йили буюк адаб таваллудининг кутлуг 90 йиллик санасини мамлакатимизда ҳам кенг миқёсда нишонлаш юзасидан биз катта тайёргарлик ишларини олиб бормоқдамиз.

Ўзбекистон ва Қирғизистон мустақил тараққиёт йўлидан бораётган, икки давлат ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилаётган ҳозирги пайтда Чингиз Айтматовнинг ўлмас мероси халқларимиз учун янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади. У бизнинг миллий ғуруримизни юксалтириш, асл инсоний қадриятларимизни, ўзаро меҳр-окибат туйғуларини мустаҳкамлашда ҳаётбахш манба бўлиб хизмат қиласди.

Бугунги кунда юртимизда 300 мингга яқин қирғиз миллатига мансуб Ўзбекистон фуқаролари истиқомат килмоқда. Қирғиз болалари учун таълим она тилида олиб бориладиган ўнлаб мактаблар фаолияти йўлга кўйилган. Улар қирғиз тилидаги дарсликлар билан тўла таъминланмоқда. Ушбу дарсликларни яратиш учун «Ўзбекистон» нашриётида «Қирғиз тили» бўлими

ташкыл этилган. Андижон давлат университетида қирғиз мактаблари учун педагог кадрлар тайёрланмокда.

Ўзбекистон миллий телевидениеси орқали қирғиз тилида «Айчурек» кўрсатуви ва «Эламан» эшилтириши мунтазам эфирга узатилмоқда.

Айни вактда республикамизда б 6 та қирғиз маданий маркази мавжуд бўлиб, ўз халқининг маданияти, тили, урф-одат ва анъаналарини саклаш ва ривожлантириш улар фаолиятининг бош мақсадини ташкил этади.

Қирғиз миллатига мансуб юртдошларимиз мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида самарали меҳнат килиб келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар орасида ҳалол ва фидокорона хизматлари учун муносиб обрў-эътибор қозонган ва давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган инсонлар кўпчиликни ташкил этади ва биз бундай юртдошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ўзбек ва қирғиз халқларининг қалбидан мустаҳкам ўрин олган, дунёдаги миллионлаб мухлислари сингари мен учун ҳам беҳад севимли ва ардокли адаб бўлган Чингиз Айтматовнинг она тилимизда нашр этилган янги китобини ўқувчиларга тақдим этишни ўзим учун катта шараф деб биламан.

Ушбу китоб ўзбек халқининг қардош Қирғизистон халқига, унинг бой тарихи ва маданиятига, ёруғ келаҗагига бўлган юксак хурмати ва ишончининг яна бир ёрқин намунасиdir.

*Чингиз Айтматовнинг «Танланган асарлар»
китобига ёзилган сўзбоши
Тошкент шаҳри, 2018 йил*

**БУГУНГИ УЛКАН ИНТИЛИШ
ВА ҲАРАКАТЛАРИМИЗ –
ЭРТАНГИ ОБОД ВА ФАРОВОН
ҲАЁТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ва мұхтарам ватандошлар!

Қадрли дүстлар!

Жонажон Ватанимизга Янги – 2018 йил кириб келмоқда.

Сиз азизларни, мұътабар нуронийлар, меҳрибон опасингилларимизни, азму шижаатли ёшларимизни, күп миллатли бутун халқимизни ушбу күтлуг айём билан самимий табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, баҳту соодат ва фаровонлик тилайман.

Минг шукрки, турли муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2017 йил мамлакатимиз учун тинч, ҳар томонлама омадли ва баракали бўлди.

Биз тараккиётимизнинг янги даври, янги босқичига қадам кўйдик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида белгиланган вазифаларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбарб этдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2017 йилни барча соҳаларда ёруғ юз билан якунлашга эришдик.

Энг муҳими, давлатнинг халққа муносабати ўзгармоқда. Халқ деган тушунчанинг қадри юксалмоқда. Эл-юртга хизмат қилиш ҳаётимиз мазмунига айланмоқда.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг кундалик ҳаётида ўз амалий ифодасини топмоқда. Уларнинг эртаниги кунга ишончи янада мустаҳкам бўлмоқда.

Ташки сиёсат соҳасидаги фаолиятимиз ҳам, айтиш мумкинки, ғоятда самарали бўлди. Айниқса, қўшни давлатлар билан муносабатларимиз янгича рух ва мазмун касб этмоқда.

Бу эса минтақамизда ўзаро ишонч, дўстлик ва хамкорлик мухитини янада кучайтириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда. Биз бу стратегик йўлни 2018 йилда ҳам изчил ва фаол давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, узоқ ва яқин барча мамлакатлар халқларини ҳам, Янги йил байрами билан табриклаб, уларга тинчлик ва равнақ тилаймиз.

Азиз юртдошлар!

Биз Янги – 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-кувватлаш йили, деб ном бердик.

Биз буюк келажагимизни айнан мана шундай юксак мақсад ва ғоялар асосида барпо этамиз.

Халқаро майдонда кескин рақобат кучайиб бораётган ҳозирги вақтда бу энг тўғри ва самарали йўлдир.

Шу маънода, 2018 йил Ўзбекистон тараққиётида ҳал қилувчи йил бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Янги йилда ҳам халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини, барча тоифадаги аҳолимиз даромадларини оширишга алоҳида аҳамият берамиз.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва златлар ўртасидаги тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳроқибатни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Чет эллардаги ватандошларимиз билан алоқаларни кенгайтиришга янада катта эътибор каратамиз.

Ишонаман, 2018 йилда барчамиз биргаликда, ўзимизни аямасдан меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган вазифаларни бажаришга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Мана шу нурафшон дақиқаларда ҳаммамиз эзгу орзу-умидлар билан Янги – 2018 йилга қадам кўймоқдамиз.

Менинг ниятим, тилагим шуки, ҳар бир оила, ҳар бир инсон мурод-мақсадига етсин!

Барчангизга дунёдаги энг катта баҳт – оилавий хотиржамлик, фарзандлар, набиралар баҳту камолини кўриш насиб этсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

2017 йил 31 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Куролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Қадрли ватандошлар!

Сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу кутлуг сана мамлакатимизда ватанпарварлик, она юрга садоқат, мардлик ва жасурлик каби эзгу қадриятларни, халқимизга, буюк аждодларимизнинг муносиб ворисларига хос бўлган юксак фуқаролик фазилатларини ўзида мужассам этадиган том маънодаги умумхалқ байрамига айланди.

Ҳозирги кунда дунёда олдиндан айтиш қийин бўлган вазият ҳукм сураётган мураккаб бир шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини чукур англаган холда, биз 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича қабул қилган Ҳаракатлар

стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Куролли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири сифатида белгиладик.

Ушбу стратегия асосида биз ўтган йил давомида мамлакатимиз ҳаётининг бошка тармоқлари қаторида ҳарбий курилиш соҳасида кўпгина энг долзарб ва муҳим масалалар бўйича аниқ чора-тадбир ва ҳаракатларни кўзда тутадиган карорлар қабул қилдик, уларни амалга ошириш бўйича ишларни самарали ташкил этдик. Шу тарика қисқа вакт мобайнида аниқ натижаларга эришдик, Куролли Кучларимизнинг келгусидаги киёфасини белгилаб берадиган стратегик тамойиллар ва ана шу максадга эришишга қаратилган кенг кўламли комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик.

Аввало, ташки сиёсатимизнинг мослашувчанлиги ва очиқлиги, кўшниларимиз билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, Ватанимиз мустакиллиги ва суверенитетини саклаш энг устувор вазифа экани ҳакидаги принциплар асосида Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси янгилangan холда қабул қилинди.

2017 йилда Миллий гвардия ва Мудофаа саноати бўйича давлат кўмитаси ташкил этилди, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан кайта кўриб чиқилди, кўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, уларни босқичма-босқич замонавий курол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича муҳим кадамлар қўйилди.

Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида жойлардаги давлат ҳокимиюти органларининг ролини ошириш бўйича ишлар бутунлай янги сифат босқичига кўтарилиди.

Ҳар бир худудда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди, уларга бевосита раҳбарлик қилиш маҳаллий давлат ҳокимиюти органлари раҳбарлари зиммасига юкланди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида мустаҳкам хаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ватанпарварлик тарбияси соҳасида моҳият эътиборига кўра ноёб тизим яратилиб, унинг доирасига мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари қамраб олинди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва Куролли Кучлар тизимида унинг бирламчи тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши мамлакатимизда ёш авлод манфаатларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган давлат сиёсати самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизнинг мантиқий давоми бўлди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича ўзининг кўлами ва миқёсига кўра мисли кўрилмаган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Худудларимизда узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар бериш асосида кўп қаватли уй-жойлар босқичма-босқич барпо этилмоқда. Биз бу ишларни доимий равишда давом эттирамиз.

Қадрли дўстлар!

Амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз, армия ва халқнинг фаол ҳамкорлиги натижасида Куролли Кучларимиз том маънода жамиятнинг ажralmas қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва таракқиётининг ишончли кафолатига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланиб бормоқда.

Айни вактда халқаро терроризм ва экстремизм хавфининг тобора ортиб бораётгани, дунёнинг айрим минтақаларида куролли тўкнашувлар давом этаётгани, таҳликали вазият сақланиб қолаётгани Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига таҳдид солмасдан колмайди, албатта. Буларнинг барчаси олдимизда пайдо бўлаётган таҳдид ва хатарларга муносаб зарба беришга доимо тайёр бўлишни талаб этади.

Шу муносабат билан Куролли Кучларни янада ривожлантириш, унинг жанговар тайёргарлиги ва кобилиятини ошириш доимо эътиборимиз марказида бўлади ва давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб колади. Биз ана шу вазифаларни амалга оширишда Куролли Кучлар, ҳарбий округлар кўмондонлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг фаол позициясига таянамиз.

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Куролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Мана шу байрам кунида сизларнинг жанговар меҳнатингиз ўтган йиллар давомида Куролли Кучларимизнинг обрўйи ва нуфузини оширишга катта

хисса бўлиб қўшилганини алоҳида таъкидлашни зарур, деб биламан.

Айнан сизларнинг саъй-харакатларингиз билан Ўзбекистон миллий армияси жадал ривожланмоқда, унинг жанговар қобилияти ва тайёргарлиги изчил ошиб бормоқда, мамлакатимизнинг мудофаа кудрати мустаҳкамланмоқда, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти таъминланмоқда.

Сиз, азизларни ҳамда оила аъзоларингизни Куролли Кучларимиз ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор самимий табриклайман.

Жонажон Ватанимизни ҳимоя қилишдек гоят шарапфли ва масъулиятли вазифани адo этишда барчангизга катта ютуқлар, оиласвий баҳт-саодат тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Куролли Кучлар Олий Бош Кўмандони**
2018 йил 13 январь

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Хурматли тантана иштирокчилари!

Мухтарам Хоразм аҳли!

Аввало, маданий ҳаётимиздаги улкан воқеа – халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллик байрами билан сиз, азизларни, атоқли санъаткоримизнинг авлодларини, шогирдлари ва минг-минглаб мухлисларини, бугунги анжуманга ташриф буюрган хорижий меҳмонларимизни, бағрикенг, юксак маънавиятли Хоразм элини самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, ўзбек мусика санъати тарихида, айникса, унинг XX асрдаги равнақи ва тараққиётида беназир овоз соҳиби, оташнафас ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг нечогли буюк хизматлари борлигини барчамиз яхши биламиз.

Она юрт гўзаллигини, Ватанга муҳаббат, севги ва садокат, эзгулик, меҳр-окибат каби юксак инсоний туйғуларни авж пардаларда куйлаган Комилжон Отаниёзов ҳам ҳофиз, ҳам созанда, ҳам бастакор сифатида бетакрор ижодий мактаб яратиб, тарихимиизда ўчмас из колдириди. У яратган қўшиклар миллионлаб инсонлар калбидан чуқур жой эгаллаб, халқ ижоди намуналарига айланиб кетгани ҳам бу улуғ санъаткорнинг қандай нодир истеъдод соҳиби бўлганидан далолат беради.

Санъат воситасида халққа хизмат қилишни ўз ҳаёти, бутун борлигининг маъно-мазмуни деб билган Комилжон Отаниёзов қисқа умри давомида мумтоз мусиқа санъатимизни янги, юксак босқичга күтарди. Ўзининг ғоят ноёб, айтиш мумкинки, илоҳий ва соҳир овози билан ўзбек маданиятини, ўзбек номини бутун дунёга тараннум этди.

Бу улуғ инсоннинг яна бир унтуилмас хизмати шундаки, у ўзининг қалб қўри, меҳри ва саховатини бағишилаб, ўнлаб истеъоддли шогирдларни камолга етказди. Буғун нафақат Ўзбекистонда, балки кўшни мамлакатларда ҳам шухрат қозонган кўплаб ҳофиз ва санъаткорлар уни ўзларининг маънавий устози деб биладилар.

Комилжон Отаниёзов ўз шеърларидан бирида: «Ўйласанг ўз бахтингни, эл бахти бирлан ёр эт, Эй, Комил, номингни сен яхшилар ичра бор эт», деб ёзган ва бу ҳикматни ўзининг ҳаётий эътиқодига айлантирган шахс эди. У фақатгина ўз сози ва овози билан эмас, балки гўзал инсоний фазилатлари билан ҳам барчага ўрнак ва намуна бўлолган буюк санъаткор эди. Унинг санъатга фидойилиги, тўғрисўз ва самимийлиги, одамларга меҳрибонлиги ҳанузгача тилларда достон бўлиб келаётгани бежиз эмас.

Мустақиллик йилларида маданиятимизнинг барча улкан намояндалари қаторида Комилжон Отаниёзов хотирасига ҳам муносиб ҳурмат ва эътибор кўрсатилиб, у 2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Фармонига кўра «Буюк хизматлари учун» ор-

дени билан мукофотлангани айни эл-юртимизнинг кўнглидаги иш бўлган эди.

Ёдингизда бўлса, ўтған йилнинг ноябрь ойида вилоят сайловчилар вакиллари билан бўлган учрашувимизда улутъ хофизимизнинг 100 йиллик юбилей тантаналарини муносиб тарзда ўtkазишга қарор килган эдик. Бугун бутун мамлакатимиз миқёсида бу сана ҳақиқий санъат ва нафосат байрами сифатида кенг нишонланаётгани, устоз санъаткоримиз хотирасини абадийлаштириш, унинг биз – авлодларга қолдирган ўлмас меросини ўрганиш, ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган бундай бекиёс бойликни келгуси авлодларга безавол етказиш бўйича амалга ошираётган барча ишларимиз халқимизнинг фидои фарзанди хотира сига кўрсатилаётган юксак эҳтиромнинг яна бир ифодасидир.

Хусусан, устоз санъаткор туғилиб вояга етган Хоразм заминида унинг уй-музейи ташкил этилгани, Шовот туманида Комилжон Отаниёзов номидаги маданият ва истироҳат боғи реконструкция қилиниб, ҳар томонлама обод қилингани, Урганч туманида хофиз хотира сига аталган боғ ва ижод маркази барпо этилиб, у зотнинг табаррук сиймоси акс эттирилган ёдгорлик ўрнатилгани айникса эътиборга лойикдир.

Фурсатдан фойдаланиб, бу эзгу ва хайрли ишларга муносиб ҳисса кўшган барча юртдошларимизга – қўли гул курувчилар, меъмору муҳандисларимизга, бунёдкор Хоразм аҳлига ўз номимдан, бутун халқимизномидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Бугун биз олижаноб инсон, беназир хофиз Комилжон Отаниёзовнинг сўнмас хотирасини шарафлаб,

унинг ҳаёт ва ижод йўли, ибратли фазилатлари ҳакида сўз юритар эканмиз, бир фикрга қайта-қайта амин бўламиз. Яъни, токи дунёда санъат деган буюк мўъжиза бор экан, ер юзида ўзбек деган халқ яшар экан, Комилжон Отаниёзов номи ҳам барҳаёт, у ўзининг умрбокий қўшиклари билан абадий яшайди.

Мана шу унutilmas лахзаларда Комилжон Отаниёзовнинг ёрқин шахсиятига яна бир бор чукур ҳурматимни билдириб, кўнглимдаги бир фикрни айтмоқчиман.

Дунёга мана шундай буюк зотларни берган, уларнинг ёдини эъзозлаб, ардоқлаб келаётган халқимиз доимо омон бўлсин!

Бугунги кутлуг айём барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
2017 йил 20 июль**

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИГА

Қадрли ватандошлар!

Мұхтарам дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни – «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тизимида меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчилар, курувчи ва мухандислар, машинист ва вагон кузатувчилари, барча ходимларни юртимиз ҳаётида илк бор нишонланаётган қутлуғ сана – Темирйўлчилар куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, барчангизга ўзимнинг чукур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Мустакиллик йилларида бутун мамлакатимиз қатори Ўзбекистон темир йўллари соҳаси ҳам оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтди.

Ўтган даврда мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли ва самарали боғлайдиган, ҳалқаро транспорт тармоқларига чикишни таъминлайдиган, мустақил, ягона ва яхлит темир йўл транспорти коммуникациялари тизими барпо этилгани, ҳеч шубҳасиз, шу йўналишда эришган энг катта тарихий ютуғимиз бўлди.

Сизларга яхши маълум, хозирги вақтда юк ва йўловчи ташишнинг асосий қисми темир йўл соҳасига тўғри келади ва бу тармоқнинг иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Халқаро транспорт тизимларининг ажралмас кисми ва муҳим бўғини бўлган Ўзбекистон темир йўлларининг халқаро ташувлар тизимидағи роли янги босқичга кўтарилимоқда.

Қадим замонлардан буён Буюк Ипак йўли ва кўплаб савдо йўллари туташган минтақада жойлашган Ўзбекистоннинг географик жиҳатдан ўта муҳим ўрни бу заминда турли цивилизация ва маданиятлар-аро мулокот ва ҳамкорлик алоқалари мунтазам амалга оширилиши учун кулай имконият яратгани шубҳасиз, албатта.

Халқаро ҳамжамиятнинг эътироф этишича, Ўзбекистон Шарқ билан Ғарбни, Жануб билан Шимолни боғлайдиган улкан транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Ана шу салоҳият ва имкониятдан самарали фойдаланаётган «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг кўп миллатли жамоаси темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш, такомиллаштириш ва реконструкция қилиш, темир йўл орқали юқ ва йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлаш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Ўтган йиллар давомида темирйўлчиларимиз томонидан 1100 километрдан ортиқ янги темир йўллар барпо этилгани, 4 минг километрлик темир йўл магистраллари модернизация қилингани, 1700 километрлик темир йўл боғламалари электрлаштирилгани таҳсинга сазовордир.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимиз иқтисодиёти учун гоят муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ва

Амударё узра қурилган кўприкни ҳам қамраб олган Навоий – Учқудук – Нукус – Султон Увайстоғ, Тошгузар – Бойсун – Кумқўргон ва Ангрен – Поп темир йўлларининг бунёд этилиши билан Ўзбекистоннинг ягона ва мустақил темир йўл тармоғини шакллантириш ишлари якунига етказилганини таъкидлаш зарур.

Мураккаб тоғ ва иқлим шароитида бунёд этилган, дengиз сатҳидан 1800 метр баландликдаги тоғ чўққилари орқали ўтган ва замонавий инфратузилма обьектлари билан таъминланган, умумий узунлиги 346 километр бўлган Тошгузар – Бойсун – Кумқўргон ҳамда Ангрен – Поп темир йўллари Марказий Осиё минтақасида ноёб иншоотлар ҳисобланади.

Айниқса, Ангрен – Поп электрлаштирилган янги темир йўли лойиҳасини амалга оширишда Ўзбекистон темирйўлчилари билан бирга хитойлик мутахассислар ҳам катта хисса кўшганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим.

2016 йилда ишга туширилган ушбу темир йўл тармоғи Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан ишончли боғлаш имконини яратиш билан бирга, Хитой – Марказий Осиё – Европа янги ҳалқаро транзит темир йўл тизимининг ажралмас ва муҳим бўғини бўлиб хизмат қилаётгани айниқса эътиборлидир.

Янги темир йўлларнинг фойдаланишга топширилиши мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий ҳудудларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли

металлар, қурилиш материаллари ва бошқа хомашёга бой конларни комплекс ўзлаштириш, энг мухими, янги иш ўринлари яратиб, минг-минглаб юртдошларимизни иш билан таъминлаш имконини бераётгани барчамизни хурсанд қилади.

Ана шу ишларнинг изчил давоми сифатида Мароқанд – Қарши темир йўл участкасида электрлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди, Қарши – Термиз темир йўл участкасини электрлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг транспорт соҳасидаги хизмат кўрсатиш дараҷаси ва сифатини ошириш мақсадида ҳаракатланадиган таркибни замонавий, юқори самарали локомотив ва кулай вагонлар билан таъминлаш ва модернизация қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги йилларда 49 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташийдиган тепловоз сотиб олингани, 120 та локомотив модернизация қилингани бу борадаги ишлар кўлами тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

«Куюв-механика заводи» шўъба корхонасида ҳаракатланадиган таркибни таъмирлаш базасини ривожлантириш, вагонсозликни ташкил этиш ва қуюв корхонасини реконструкция қилишга қаратилган лойиҳани амалга ошириш жараёнида 26,5 минг тонна металл қўйиш кувватига эга бўлган корхона ташкил этилди, янги юқ вагонлари, кўп тоннали контейнерлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва юқ вагонларини капитал таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари якунига етказилди.

Испаниянинг жаҳонга машҳур «Тальго» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, юкори тезликда харакатланадиган «Afrosiyob» электропоездлари қисқа муддатда халқимиз ва хорижий меҳмонларнинг эътибори ва ишончини қозонди, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Хозирги кунда ушбу поездлар пойтахтимиз Тошкент шаҳридан Самарканд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарларимизга катнамокда, йўловчиларимиз вақтини икки баробаргача қисқартирумокда.

Ўтган даврда мамлакатимизда 16 та янги темир йўл вокзали бунёд этилди, 9 та вокзал реконструкция килинди ҳамда йўловчиларга халқаро стандарт ва талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жихозланди.

Мустакиллик йилларида темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш ва инфратузилмаларни ободонлаштириш мақсадида 7,5 миллиард доллардан ортиқ капитал қўйилмалар, жумладан, 2,4 миллиард долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, йўл, энергия таъминоти, телекоммуникациялар, локомотивлар, вагон ва контейнерлардан фойдаланиш, йўловчи ташибиши хўжаликлари, шунингдек, тармок лойиҳачилари, қурувчилари ҳамда саноат корхоналари мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантиришга, унинг самарали фаолият кўрсатишига салмоқли хисса қўшаётганини миннатдорлик билан қайд этмоқчиман.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ташкил этилган кундан бўён юк ташиш ҳажми 2,1 марта, йўловчи ташиш ҳажми 2 баробар кўпайгани, темир йўллар орқали 1,4 миллиард тонна юк ташилиб, 350 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан амалга оширилган ишлар салмоги накадар катта эканидан далолат беради.

Ўз таркибида 73 минг нафар юкори малакали инженер-техник ходим ва мутахассислар, йўлсозлар, машинистларни, саноат, лойиҳа ва қурилиш корхоналари, ижтимоий инфратузилма обьектларининг ишчи ва хизматчиларини бирлаштирган меҳнат жамоаси, ҳеч шубҳасиз, тармоқнинг бунёдкор кучи, бебаҳо бойлигидир.

Айнан ана шундай ўз касбига садоқатли ва фидойи юртдошларимизнинг сидқидилдан қилаётган самарали меҳнати, билим ва тажрибаси туфайли темир йўл тармоғи ҳалқимиз ўртасида ҳақли равишда обўзъетибор, ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлиб келмокда.

Ҳурматли темир йўл транспорти ходимлари!

Сизларни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, фидокорона меҳнатингиз, Ватанимиз равнаки ва фаровонлиги йўлида қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, эзгу ишларингизда янги-янги муваффақиятлар, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
2017 йил 4 август

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли ватандошлар!

Мухтарам дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни – уста бинокорлар, меъмор ва лойиҳачиларни, пудратчи ташкилотлар вакиллари хамда фахрийларни, ушбу тизимга дахлдор барча юртдошларимизни мамлакатимизда илк бор нишонлананётган кутлуг сана – Қурилиш соҳаси ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, барчангизга чукур хурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Фоят масъулиятли ва шарафли касб бўлган курувчилик ҳақида гап кетганда, аввало сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан бунёд этилган улкан корхона ва иншоотлар, шинам уй-жойлар, узогимизни якин киладиган равон йўл ва кўприклар, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, обод шаҳар ва кишлеклар кўз ўнгимиизда намоён бўлади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги гўзал ва фаровон ҳайтилизни, мамлакатимизнинг келгуси тараққиётини қурилиш соҳасидан, сиздек олижаноб касб эгалари меҳнатидан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз.

Азиз дўстлар!

Мустакиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар катори қурилиш соҳаси ҳам жуда катта ва шарафли ривожланиш йўлини босиб ўтганини кўплаб мисолларда кўриш мумкин.

Амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мустаҳкам ҳуқукий-меърий, моддий-техник базага, улкан кадрлар салоҳиятига эга бўлган мазкур кўп тармоқли соҳа тараққиётимиз локомотивларидан бирига айланди, деб айтишга бутун барча асосларимиз бор.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 24 мингга яқин курилиш-пудрат ва 950 тадан зиёд лойиҳа ташкилотлари, курилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 8 мингта корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларда турли миллатга мансуб минг-минглаб малакали ишчилар, муҳандис-техник ходимлар, мутахассислар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

Кейинги ўн йилнинг ўзида қурилиш соҳасида инвестиция лойиҳалари доирасида 196 триллион 6 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилгани, марказлаштирилган молиявий манбалар ҳисобидан 20 мингдан зиёд объект, жумладан, 7 минг 440 та умумтаълим мактаби, 1 минг 824 та касб-хунар коллежи ва академик лицей, 1 минг 951 та болалар спорти иншооти, 949 та шифохона ва 3 минг 708 та ичимлик суви обьекти барпо этилгани, чет эл кредитлари эвазига 40 миллиард 3 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилгани сизларнинг бунёдкорлик меҳнатингиз жамиятимизга қандай катта наф келтираётганини яққол кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимизда аҳолини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш борасида олиб бораётган кенг кўламли ишларимизнинг аҳамиятини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди. Бу

йўналишда қабул қилган мухим дастурларимиз айнан сизларнинг меҳнатингиз, маҳоратингиз туфайли ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмоқда ва буни юртимиздаги кўплаб хонадон эгалари чукур миннатдорлик билан эътироф этишмоқда.

Сўнгги ўн йилда 1 минг 308 та қишлоқ массивида намунавий лойихалар асосида 69 минг 557 та ҳар томонлама қулай уй-жойлар барпо этилиб, 83 минг 500 оиласнинг яшаш шароити тубдан яхшиланди.

Биз ҳалқимиз, айникса, ахолининг кам таъминланган қатламлари, ёш оиласлар учун қулайлик яратиш мақсадида арzon ва шинам уй-жойлар куриш дастурини амалга оширмоқдамиз. Ҳозирги кунда барча вилоятларимиз марказларида 191 та, Тошкент шаҳрининг Сергели туманида 102 та, қишлоқ жойларда эса 15 мингта ана шундай уй-жойлар жадал суръатлар билан барпо этилмоқда.

Уй-жойлар, турли бино ва иншоотлар билан бирга ҳудудларимизда ижтимоий инфратузилма обьектлари, кўча ва майдонлар, савдо ва хизмат кўрсатиш шоҳобчалари, таълим, тиббиёт муассасалари, боз ва хиёбонлар, фавворалар, болалар майдончалари, дам олиш масканлари курилаётгани одамлар учун кўшимча қулайликлар яратмоқда.

Сизларга яхши аён, юртимиз қадим-қадимдан бунёдкорлик анъаналари билан дунёга донг таратиб келган. Ана шу безавол анъаналарни давом эттириш ва замонавий меъморлик ютуқлари билан уйғунлаштириш асосида ўзбек курилиш мактаби бугунги кунда ривожланишининг янги босқичига кўтарилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Сизларга маълумки, мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида барча соҳалар каби қурилиш соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси марказий аппарати ҳамда ушбу йўналишдаги ташкилотларнинг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фаолият самараదорлигини ошириш, ишчилар сонини оптималлаштириш, туман ва шаҳар босқичларида штатларни кўпайтириш сингари кенг кўламли ишларнинг барчаси, ишончим комил, соҳа ривожида янги уфқ ва истиқболлар очиб беради.

Ана шу мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда, яна бир муҳим масала – соҳада малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, ўқув жараёнларини қурилиш ва лойиҳа ишлари билан чамбарчас боғлик равишда олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу асосда Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳамда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, шунингдек, соҳа учун кадрлар тайёрлайдиган бир қатор касб-хунар коллажлари Кўмита тасарруфига ўтказилди. Шу билан бирга, Фаргона водийсида қурилиш соҳаси учун юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиб, Наманган мұҳандислик-қурилиш институти ташкил этилди.

Шу билан бирга, бугун олдимизда қурилиш соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор долзарб

масалалар тургани, уларга ечим топиш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш мухим ҳаётий вазифалаrimиздан бири эканлигини яхши англашимиз зарур.

Хусусан, мамлакатимизда мустаҳкам пойдеворга эга бўлган ва ҳар томонлама шаклланган замонавий курилиш индустрисини яратиш, тармоқнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган рақобатбардош курилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга кўйиш ва бу борадаги ишларни янада ривожлантириш, соҳага илгор технологияларни, метод ва ёндашувларни жорий этиш, шаҳарсозлик борасида конструктив ва архитектура-режалаштириш ечимларини оптималлаштириш, капитал курилишдаги номутаносиблик ва муаммоларга барҳам бериш, самарасиз ишлайтган лойиха институтлари фолиятини тубдан қайта ташкил этиш, замонавий илм-фан, ахборот технологиялари, архитектура ва дизайн ютукларидан оқилона фойдаланиш жараёнини жадаллаштириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш каби кечикириб бўлмайдиган мухим масалалар бугун ушбу соҳа вакилларининг ва мутасадди раҳбарларнинг устувор мақсадларидан бирига айланиши лозим. Бунинг учун эса курилиш соҳасида меҳнат қилаётган барча ходимлардан чуқур билим, юқори касбий маҳорат, изланиш, ташаббускорлик ва фидойилик каби фазилатлар талаб этилади.

Бундай саъй-харакатлар, албатта, ўзининг ижобий натижасини кўрсатади. Шундагина бунёдкорлик ишларимизнинг сифати ва самарадорлиги ортиб, жонажон Ватанимиз янада гўзал ва обод бўлади.

Азиз ва муҳтарам курувчилар, соҳа ходимлари!
Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин
қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик,
олижаноб фаолиятингизда ва шахсий ҳаётингизда ютуқ
ва омадлар, оиласарингизга баҳту саодат, файзу барака
тилайман.

Ҳеч қачон чарчаманг, мاشаққатли ва шарафли
меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азиз дўстлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
2017 йил 10 август

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЎН БИРИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СҮЗИ

Ассалому алайкум, муҳтарам меҳмонлар!

Ҳурматли фестиваль қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, сиз, азизларни қадимий ва гўзал
Ўзбекистон заминида, азим Самарқанд шаҳрида сами-
мий кутлашга руҳсат бергайсиз.

Барчангизни «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа
фестивалининг тантанали очилиши билан чин
калбимдан муборакбод этаман.

Бугунги маросимда Бирлашган Миллатлар Ташки-
лоти Бош котибининг ўринбосари, Жаҳон сайёхлик
ташкилоти бош котиби Талеб Рифаи, Европада Хавф-
сизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламентлар ассамб-
леяси раиси Кристин Муттонен, Ислом ҳамкорлик
ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари
бўйича тузилмаси – АЙСЕСКО Бош директори Аб-
дулазиз Усмон ал-Тувайжри жаноблари каби юқори
мартабали меҳмонларимиз иштирок этаётгани бизга
алоҳида мамнуният бағишлиайди.

Шунингдек, Ислом тарихи, санъати ва маданияти-
ни ўрганиш бўйича халқаро марказ – ИРСИКА бош
директори Халит Эрен, Халқаро фольклор санъати

ташкилотининг Осиё минтақаси бўйича Бош котиби Мун Хюн Сук, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Сергей Николаевич Лебедев, Россия Федерацияси Президентининг халқаро маданий ҳамкорлик бўйича маҳсус вакили Михаил Ефимович Швидкой, АҚШ ва Канада Бухоро яхудийлари конгресси президенти Борис Қандов ва бошқа қадрли меҳмонларимизни, халқимизга хурмат кўрсатиб, мана шундай анжуманларимизда ҳар сафар иштирок этиб келаётган дипломатик корпус вакилларини самимий кутлашдан баҳтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, барча фестиваль иштирокчиларига «Хуш келибсиз, Самарқанд шаҳрига, хуш келибсиз, она Ўзбекистонимизга!» деб юксак хурмат ва эҳтиромимизни билдиришга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстлар!

Дунёда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги ўта мураккаб замонда миллати, тили ва дини турлича бўлган миллионлаб одамларни ҳеч қандай таржимонсиз дўст қиласиган, улар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайдиган мусиқа санъатининг ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда.

Шу маънода, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг бу йилги анжумани алоҳида мазмун ва аҳамиятга эга бўлиб, у фестиваль ташкил этилганига йигирма йил тўлган тарихий бир санада ўтказилмоқда.

Бугунги қувончли айёмда мана шу халқаро анжуманга асос солган, унинг жаҳон миқёсида муносиб обрў-эътибор қозониши учун улкан ҳисса қўшган ин-

сонларни, уларнинг унутилмас хизматларини чукур миннатдорлик билан эътироф этамиш.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, атокли сиёсат ва давлат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти мухтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг азиз хотирасини ҳурмат-эҳтиром билан ёдга оламиз. Ислом Абдуғаниевич ўзи туғилиб ўсган Самарқанд шахрини, унинг юраги бўлган қадимий Регистон майдонини қанчалик буюк муҳаббат билан севса, «Шарқ тароналари» фестивалини ҳам шунчалик севар, қадрлар эдилар.

«Шарқ тароналари» мусика фестивали ўзининг бетакрор руҳи ва киёфаси, ҳалқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, мусика санъати анъаналарини асраш, маданий мулокотни ривожлантириш борасидаги эзгу мақсад-муддаолари билан қисқа муддатда юксак даражага эришиди.

Бу борада сиз, азизлар каби фидойи ташкилотчи ва иштирокчиларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини биз яхши биламиш ва юксак қадрлаймиз.

«Шарқ тароналари» фестивали 1997 йилдан буён қандай катта йўлни босиб ўтгани, унинг ўзига хос шаклланиш ва ривожланиш тарихи ҳакида кўп гапириш мумкин.

Аммо мен бу борада фақатгина битта ракамга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Агар 1997 йилда, дастлабки мусика байрамида дунёнинг 31 та давлатидан 57 нафар санъаткор катнашган бўлса, бу йил 58 та мамлакатдан 241 нафар мохир хонанда ва созанда иштирок этмоқда.

«Шарқ тароналари» фестивали бугунги кунда ЮНЕСКО томонидан мусиқа оламининг йирик халқаро форуми сифатида эътироф этилгани ва бу ибора дунё бўйлаб баралла янграётгани, ҳеч шубҳасиз, унинг нуфузи ва аҳамияти тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Муҳтарам фестиваль катнашчилари!

Мана шу гўзал ва бетакрор Регистон майдонида туриб, ўзининг 2750 йиллик тарихи давомида не-не воқеаларга гувоҳ бўлган Самарқанд шаҳри шу кунларда янада очилиб, жаҳон мусиқа санъатининг марказига, чиндан ҳам «ер юзининг сайқали»га айланиб бораётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бундан олти юз йил муқаддам – буюк Амир Темур замонларида ҳам етти иклимдан энг мохир созанда ва хонандалар йиғилиб, Самарқанд заминида гўзал анжуманлар ўtkазганлари тарихий манбалардан яхши маълум.

Мана, орадан шунча йиллар, асрлар ўтиб, ер юзининг манаман деган мусиқа усталари яна азим Самарқандга тўпланиб, жаҳон аҳлини бекиёс санъат байрамига чорламоқдалар.

Биз сиз, азиз меҳмонларимизни дунёдаги турли халкларнинг маънавий оламини мусиқа орқали ифода этадиган, уларнинг саломи ва эзгу тилакларини етка-задиган тинчлик ва дўстлик элчилари сифатида қабул қиласиз. Сизлар каби минг-минглаб санъат намояндаларининг жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, юксак инсоний идеалларни асраш ва мустаҳкамлаш йўлидаги олижаноб саъй-харакатларингизни барчамиз юксак баҳолаймиз.

Фестиваль доирасида сиз, азизлар ўз Ватанингизнинг мусика меросини намоён қилиш билан бирга, бизнинг шаҳар ва қишлоқларимизда бўлиб, юртдошларимиз билан самимий сухбатлар килиб, ўзбек халқининг ҳаёти, унинг орзу-интилишлари, меҳмондўстлик фазилатлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўласиз.

Буларнинг барчаси бизнинг мамлакатимиз ва халқимиз ҳакидаги тасаввурларингизни кенгайтиради, сизлар учун ижод ва илҳом манбаи бўлиб хизмат килади, деб ишонаман.

Мухтарам фестиваль қатнашчилари!

Барчангизни бутунги санъат ва нафосат байрами билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, анжуман ишига эса муваффакият тилайман.

Азиз дўстлар, бугун барчамиз эзгу ниятлар ижобат бўладиган кутлуг ва саховатли Самарқанд заминида туриб, бир мақсадни истаймиз:

Дунёнинг барча ўлкаларида ҳаётбахш мусика садолари доимо янграб турсин!

Жаҳондаги барча инсонлар ҳамиша аҳил ва иноқ бўлиб яшасин!

Ер юзида тинчлик ва ҳамжиҳатлик барқарор бўлсин!
Эътиборингиз учун ташаккур.

*Самарқанд шаҳри
2017 йил 28 август*

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли ва мухтарам устозлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда устоз деган шарафли номни улуғлаб келаётган юртимиздаги барча инсонларни умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугун ушбу қутлуг айёмни мамлакатимизда кенг нишонлар эканмиз, биринчи навбатда қадрдон мактабимиз, бизга ҳарф ўргатган, эзгуликдан сабоқ берган меҳрибон муаллимларимиз сиймоси кўз олдимиизда намоён бўлади. Биз учун ибрат намунаси, юксак инсоний фазилатлар тимсоли бўлган сизлар каби азиз ва мўътабар зотлар шаънига энг гўзал сўзлар, эзгу тилакларимизни изҳор этамиз. Сизларнинг барчангизга ҳеч қачон узиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси билан таъзим қиласиз.

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганлариdek, дунёning бор бойлик ва хазинаси билан ҳам сизларнинг олижаноб меҳнатингиз ҳақини адо этиб бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир мурғак болани ўз фарзандидек ардоқлаб, ёш авлод тарбияси учун кўз нури, калб қўри, бутун борлигини бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар том маънода фидоий касб эгаларидир.

Биз бугун замонавий билим ва касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам кўяётган, эртанги кунимизнинг ҳал килувчи кучи бўлган минг-минглаб фарзандларимиз камолида ўқитувчи ва мураббийларимизнинг бекиёс хиссаси борлигини яхши биламиз ва сизларнинг бу улуғ хизматингизни юксак қадрлаймиз.

Хурматли юртдошлар!

Мамлакатимиз ўз тараккиётининг янги даврига қадам кўйган хозирги кунда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ана шу ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар каторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожи билан, бу борада бизнинг дунё миқёсида ракобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Айни шу мақсадда ўтган бир йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамасининг бевосита таълим-тарбия соҳасига дахлдор бўлган 74 та фармони, қарор ва фармойиши кабул килинганини таъкидлаш ўринлидир.

Албатта, соҳа ривожига юксак эътибор натижаси бўлган бу хужжатларни ҳаётга самарали жорий килиш, уларга бамисоли жон баҳш этишда биз аввало сиз, азиз ўқитувчи ва мураббийларга, сизларнинг

билим ва тажрибангиз, истеъод ва маҳоратингизга суннамиз.

Бугунги кунда биз замон талаби ва халқимизнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиқсан ҳолда, таълим тизимида улкан ислоҳотларни амалга оширишга киришдик. Жумладан, умумий ўрта таълим соҳасида 11 йиллик тизимга ўтиш, академик лицей ва касбхунар коллежларини оптималлаштириш, 5 та янги олий таълим муассасаси ва филиаллар ташкил этиш, 16 та университет ва институтда 12 та йўналиш бўйича кечки ва сиртқи бўлимлар очиш, мактабгача таълим муассасалари тармогини кенгайтириш, нодавлат таълим хизмати кўрсатиш, педагог кадрлар ва халқ таълими ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича татбиқ этилаётган, узокни кўзлаган ислоҳотларнинг моҳияти ва аҳамиятини сиз, хурматли устоз ва мураббийлар, албатта, ҳаммадан кўра яхши тушунасиз.

Ана шу ишларимизнинг давоми сифатида шу кунларда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишига ихтисослаштирилган мактаб, Мирзо Улуғбек номидаги ихтинослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати, «Астрономия ва аэронавтика» боғи ташкил этилаётгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда таълим сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга хизмат киласди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида Америка Кўшма Штатларининг нуфузли Вебстер университетининг

филиали очилиши ҳам илм-фан ва таълим соҳасида илғор хорижий тажриба ва инновацияларни жорий этиш йўлида муҳим қадам бўлади.

Айни вактда биз таълим-тарбия муассасалари-нинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, муаллимлар, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, хориждаги етакчи таълим марказлари билан илмий-педагогик ҳамкорликни кучайтириш, ўқувтарбия жараёнларига замонавий таълим ва ахборот технологияларини, янги ўқув методикаларини жорий этиш бўйича ҳали олдимиизда кўплаб долзарб вазифалар турганини яхши англаймиз ва уларнинг ечими устида доимий иш олиб борамиз.

Мухтарам дўстлар!

Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимиизга қўяётган бир-биридан мураккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ечими айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёкарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиласмиз.

Жумладан, бутун инсониятни ташвишга солаётган терроризм ва экстремизм каби бало-қазоларни бартараф этишда факат уларнинг оқибатларига қарши курашиш билан чекланмасдан, биринчи навбатда бу таҳдидларни келтириб чиқараётган сабабларга қарши курашиш, ёшларни эзгу инсоний идеаллар руҳида камол топтириш энг асосий вазифага айланмоқда.

Айнан ана шундай ёндашув Ўзбекистон томонидан нуфузли халқаро саммитларда, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг яқинда бўлиб ўтган 72-сессиясида алоҳида таъкидлангани сизларга яхши маълум, албатта.

Бу борада биз илгари сураётган «Жаҳолат ва зўравонликка қарши маърифат билан курашамиз» деган ғоя ва ташаббус халқаро майдонда катта эътибор ва қизиқиши уйготмокда ҳамда қўллаб-куватланмокда.

Ишончим комил, халқимиз зиёлиларининг илғор вакиллари бўлган сиз, ҳурматли устоз ва мураббийлар мамлакатимизда ижтимоий-маънавий мухитни яхшилаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган ишларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ҳаётда ўзини оқлаган мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигига асосланган ижтимоий тизим самарасини оширишда фаол иштирок этиб, барчага ўрнак ва намуна бўласизлар.

Сиз, азизларнинг ана шу эзгу мақсадларга эришиш, инсон ҳар томонлама эркин ва фаровон яшайдиган янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш, жонажон Ватанимизни янада тараққий эттиришга қаратилган оғир ва мاشаққатли, шу билан бирга, ғоят шарафли меҳнатингизни муносиб қадрлаш учун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этишга тайёрмиз.

Сизларни 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонларингизга тинчлик хотиржамлик, файзу барака тилайман. Доимо соғ-омон бўлинг, азиз устозлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**
2017 йил 31 сентябрь

РУС ПРАВОСЛАВ ЧЕРКОВИНИНГ ТОШКЕНТ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЕПАРХИЯСИ- НИНГ 145 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Сизларни кутлуг сана – Рус православ черковининг Тошкент ва Ўзбекистон епархиясининг 145 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман.

Ушбу тадбирда Рус православ черкови раҳбари – буғунги кунда сайёрамиз аҳолисининг катта қисми учун бунёдкор ва бирлаштирувчи куч, ишонч-эътиқод тимсоли бўлиб келаётган Москва ва Бутун Рус Патриархи мухтарам Кирилл жанобларининг иштирок этаётгани байрамга алоҳида тантанавор рух бағишлиамоқда.

Рус православ черковининг Ўзбекистон худудидаги фаолияти чукур тарихий илдизга эга. Биз унинг мамлакатимизда миллатлар ва фуқаролараро тинчлик ва тотувлик, турли динга эътиқод килувчи инсонлар ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги ролини юксак баҳолаймиз.

Диний бағрикенглик азал-азалдан ўзбек ҳалқи менталитетининг ажралмас қисми бўлиб келган. Тарихнинг мураккаб даврларида юртимиз мусулмонлари православ христианларига меҳр-шафқат ва хайри саҳоват кўрсатиб, беғараз ёрдам ва кўмак берганлар.

Буғунги кунда Ўзбекистонда православ дини ислом динидан кейинги энг катта конфессия ҳисобланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида жамияти-мизда миллатлар ва конфессияларо ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлашга каратилган давлат сиёсати изчил амалга оширилмоқда.

Православ динига эътиқод қилувчиларнинг барча диний амалларни тўлиқ адо этишлари учун барча зарур шароитлар яратилган бўлиб, жумладан, кўплаб православ ибодатхоналари қурилган ва тубдан таъмирланган. Ҳеч шубҳасиз, биз бу муҳим йўналишдаги ишларни давом эттирамиз.

Ҳозирги вақтда, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофик, ҳаётимизда бағрикенглик, ўзаро хурмат ва меҳр-оқибат тамойилларини чукур қарор топтириш, диний эътиқод эгалининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бутун дунёда турли низо ва қарама-каршиликлар авж олиб, тинч-осойишта ҳаёт ва хавфсизликка нисбатан хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги кунда кўпмиллатли ва кўпконфессияли жамиятимизни янада бирлаштириш, ёшларимизда умуминсоний қадриятларга хурмат, билим олишга, маънавий камолотга интилиш туйғусини юксалтириш, оила институтини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Рус православ черковининг Тошкент ва Ўзбекистон епархияси ана шу олижаноб ишга муносиб ҳисса кўшаётганини таъкидлаш лозим. Ишончим комил, у бундан кейин ҳам маънавий анъаналарни ривожланти-

риш, кўтмиллатли ҳалқимизни жипслаштиришга хизмат қиласди.

Барчангизға мустаҳкам соғлик, тинчлик ва фаровондик тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Тошкент шаҳри,
2017 йил 1 октябрь*

«ИСЛОМ ҲАМЖИҲАТЛИГИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН МИСОЛИДА» МАВЗУИДАГИ ҲАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Муҳтарам халқаро конференция иштирокчилари!

Хурматли меҳмонлар!

Сизларни табаррук Ўзбекистон заминида қутлаш ва ўзимнинг чукур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изхор этишдан ғоят хурсандман.

Бугунги анжуман Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Гейдарович Алиевнинг 2017 йилни Озарбайжонда Ислом бирдамлиги йили, деб эълон килиш тўғрисидаги ташаббусига ҳамоҳанг экани билан эътиборга сазовордир.

Шу муносабат билан биз Ўзбекистонда дўст Озарбайжон Президентининг ташаббусини юксак баҳолашимизни таъкидлашни истардим.

Маълумки, бизнинг Ватанимиз минг йиллар давомида турли цивилизациялар мулокотга киришган ва бир-бирини тўлдирган Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган. Бу заминда турли маданият ва дин вакиллари тинч-тотув ва ҳамжиҳатлиқда яшаган. Мусулмон дунёси тараккиётида улкан роль ўйнаган ҳалкимиз менталитетининг асосини том маънодаги бағрикенглик, олижаноблик ва эзгулик каби фазилатлар ташкил этади.

Мовароуннахрнинг гўзал ва бетакор шаҳарлари, аввало, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива кўп асрлар давомида ислом илм-фани, маданияти ва бутун мусулмон цивилизациясининг марказлари сифатида шуҳрат қозонган. Бу саховатли заминдан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд каби кўплаб буюк аллома ва азиз-авлиёлар етишиб чиқди.

Инсоният тарихидаги ноёб ҳодиса бўлган мусулмон Ренессанси ана шу буюк аждодларимизнинг диний бағрикенглик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар бизнинг давримизда, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъно-мазмун касб этиб бормоқда.

Мамлакатимизда бағрикенглик маданиятини юксалтириш, миллатлар ва конфессиялараро ўзаро бирбирини тушуниш ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди ва бундай ёндашув ижобий натижа бермоқда.

Бугунги кунда юргимизда 130 дан зиёд миллат ва элат, 16 та конфессия тинч-тотув, дўст-иноқ бўлиб яшамоқда. Уларнинг тўлақонли маънавий ҳаёт кечириши, ўз анъана ва урф-одатларини ривожлантириши, миллий ва диний байрамларини нишонлаши учун барча шароитлар яратилган.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг 94 фоизи асосан сунний мазҳабга мансуб мусулмонлардир. Улар-

нинг орасида шиа мазҳабига мансуб юртдошларимиз ҳам бор, лекин бу икки мазҳаб вакиллари ҳеч качон низо ва зиддиятлар юзага келмагани эътиборга моликдир. Бизнинг кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимизда ҳамкорлик, ўзаро ҳурмат ва бирдамлик муҳитини мустаҳкамлаш бугунги кунда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўйлайманки, бу масала айнан бугунги кунда, дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ва радикализм кучайиб, диний экстремизм ва терроризм тобора авж олиб бораётган ҳозирги вақтда айниқса муҳим ва дол зарб аҳамиятга эга.

Шу маънода Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглиқ» деб номланган маҳсус резолюцияни қабул қилиш ташаббуси билан чиққани чукур мантикий асосга эгадир. Зеро, муқаддас динимиз бағрикенглиқка, эзгу амаллар ва бахту саодатга олиб борадиган йўл айнан маърифат эканини алоҳида уқтиради.

Ислом динининг тинч-осойишта ҳаётга, бошқа халкларга ҳурмат, меҳр-оқибат кўрсатиб яшашга давват этадиган асл инсонпарварлик моҳиятини ҳар томонлама ўрганиш ва тарғиб этишга Ўзбекистонда катта аҳамият берилмоқда. Мамлакатимизда Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти, Бухоро шаҳрида Мир Араб ислом институти, 9 та мадраса фаолият кўрсатмоқда, пойтахтимизда Ислом цивилизацияси маркази, Самарқандда эса Имом

Бухорий номидаги ҳалқаро илмий-тадқикот маркази ташкил этилмоқда.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Бугунги кунда бутун дунё, айниқса, ислом ҳамжамияти даврнинг таҳликали таҳдидлари билан юзма-юз турибди. Ислом динини сиёсийлаштириш ва мусулмон ёшларни радикаллаштириш борасидаги ури-нишлар бундай хатарларни ўта жиддий таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларга муносаб жавоб беришни тақозо этмоқда.

Дунёдаги айрим доиралар исломга қарши қайфиятни кучайтирган ҳолда, ислом динини терроризм мағкураси билан боғлашга уринаётганини минг афсус билан қайд этишга тўғри келади. Бу омил ислом оламини янада жипслashiшга чорламоқда. Ислом ҳамжиҳатлиги жаҳондаги кескинликни юмшатишда муҳим роль йўнаши мумкин.

Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимизнинг мужассам манбаи сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз буюк динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга кўядиганларни қатъий коралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, хаётда асл инсоний фазилатларни қарор топтиришга даъват этади.

Шу муносабат билан, фақат барча мусулмон мамлакатлари билан биргаликда энг муҳим вазифани, яъни, улуғ аждодларимиз диний-маънавий меросининг ажralмас қисми бўлган мусулмон ахлоқ-одоб коидаларини, жумладан, мўътадиллик, муроса қилиш, тинчлик-хотиржамлик ва бир-бирини ўзаро тушуш-

ниб яшашга интилиш каби олижаноб фазилатларни асраб-авайлаш ва бугунги реал вазиятни хисобга олган ҳолда бутун жаҳон ҳамжамиятига етказишдек ғоят муҳим вазифани ҳал қилишимиз мумкин, деб таъкидлаш ўринлидир.

Қадрли дўстлар!

«Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида» халқаро конференцияси ислом динининг асл қадриятларини асраб-авайлаш, мусулмон давлатлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, уларнинг равнақ топиши ва фаровонликка эришишдек эзгу мақсад йўлида хизмат қилишига ишонаман.

Анжуман иштирокчиларига мустаҳкам соғлик, тинчлик ва омонлик ҳамда конференция ишининг самарали бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Toшкент шаҳри,
2017 йил 18 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ БҮЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

Азиз фарзандларим!

Қадрли устоз ва мураббийлар!

Барчангизни футбол бўйича Ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатининг финал ўйинида гоят оғир ва ноқулай об-ҳаво шароитида том маънода матонат ва жасорат намунасини намоён этиб, голибликни кўлга киритганингиз билан ўз номимдан, кўпмиллатли халқимиз номидан самимий муборакбод этаман.

Сизлар кўлга киритган мислсиз бу ғалаба бутун халқимизга чексиз қувонч багишлаб, Ўзбекистон ёшларининг қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор кўрсатди. Бу улкан зафар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларни мардлик ва матонат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашға улкан ҳисса қўшади.

Эл-юртимиз сизлар каби мард ва жасур, фидойи ўғлонлари билан, юртимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари билан фаҳрланади.

Барчангизни бағримга босиб, сизларға сихат-саломатлик, куч-ғайрат, жонажон Ўзбекистонимиз-

нинг шон-шухратини дунёга тараннум этишда доимо ютуқ ва зафарлар ёр бўлишини тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*(Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган
футбол бўйича 23 ёшгача бўлган ёшлиар
ўртасида Осиё чемпионати голиблари –*

*Ўзбекистон ёшлиар терма жамоаси
аъзоларига йўлланган телеграмма)*

2018 йил 27 январь

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ УСТУНИ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ФАЙЗИ ВА КҮРКИ

Ассалому алайкум, муҳтарама опа-сингиллар!

Хурматли дўстлар!

Ҳаммамиз орзиқиб кутган мана шу гўзал баҳор кунларида, 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида сиз, азизлар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнунман.

Аввало, сизларни, сизларнинг тимсолингизда барча онахонларимиз, опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизни ана шу байрам билан чин қалбимдан муборакбод этиб, ўзимнинг чуқур хурмат ва эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Бу қутлуг айёмда хурматли аёлларимизга энг самимий, энг эзгу тилакларимизни изҳор этар эканмиз, биринчи навбатда муқаддас ва мўътабар Она сиймосига таъзим қиласиз.

Аёлнинг нафосати ва назокати, вафо ва садоқати, ақл-заковати ва фидойилиги асрлар мобайнида ер юзида ҳаёт давомийлиги ва абадийлигига асос бўлиб келади. Шу боис ҳам дунёдаги энг буюк санъат асарлари, кўшиқ ва қасидалар, меъморий обидалар аёллар шаънига бағишлангандир.

Оила ва жамият устуни, ҳаётилизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъзозлаш, уларга хурмат

ва эҳтиром кўрсатиш халқимиз учун азал-азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки сизлар билан ҳаётимиз гўзал ва мазмунли, хонадонларимиз обод ва нурафшондир.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон деб аталган жонажон Ватанимизда ҳар кайси мард йигит аввало меҳрибон онаси, оиласи, фарзандлари баҳтли бўлишини албатта истайди, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтгандаридек, бу йўлда ўзининг бутун борлигини бағишлишга тайёр туради.

Бугунги байрамни биз – Ўзбекистон ўғлонлари, марди майдонлари аввало, дилимизда, қалбимизда сизларга бўлган меҳр ва муҳаббатимизни яна бир бор изҳор этиш имконини берадиган айём, деб қабул қиласиз.

Азиз ва муҳтарама опа-сингиллар!

Бугунги кунда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган мақсад ва вазифаларга эришишда сиз, азизларнинг бекиёс хиссангиз бор. Бунинг учун сизларга ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзиди, албатта.

Ҳозирги вактда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, 1 минг 75 нафари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда.

Ўнлаб опа-сингилларимиз «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Ўзбекистон фан арбоби», «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон халқ шоири», «Ўзбекистон халқ артисти» сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъодиди билан Ватанимиз равнақига астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги даврамизда ана шундай муҳтарама аёлларимизни, уларнинг давомчилари бўлган истеъододли кизларимизнинг муносиб вакилларини кўриб турганимдан хурсандман.

Кадрли дўстлар!

Сизларга яхши маълум, ҳурматли опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида яқинда «Хотин-кизларни қўллаб-куватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

Фармонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя килишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳеч кимга сир эмас, Хотин-кизлар қўмитасидан, унинг жойлардаги бўлимларидан кўп нарсаларни талаб қиласар эдик. Лекин, очик айтиш керак, бунинг учун уларда етарлича имконият борми-йўқми, бу ҳақда кўпинча ўйлаб кўрмас эдик. Бу қўмита аёлларнинг

муаммоларини билгани билан, уларни ҳал этиш бўйича деярли амалий чоралар кўролмас эди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, аввало Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг худудий бўлинмаларининг янгиланган тузилмалари тасдикланиб, штат бирликлари ҳамда ходимларининг ойлик иш ҳаки оширилди. Уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Фармонга биноан шу йил 1 апрелдан бошлаб фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласарда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилмоқда.

Шунга эътибор беринг, энди 8 минг 800 та билимдон, жонкуяр мутахассис аёллар оиласавий муносабатларни яхшилаш, низоли вазиятлар, ажралишлар, барвакт никоҳларнинг олдини олиш, оиласавий кадриятларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси бўйича доимий иш олиб боради.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, бугунги тез ўзгараётган, зиддиятли даврда оиласавий масалаларни илмий асосда чукур ўрганмасдан туриб, ижтимоий ҳаётдаги кўплаб мураккаб саволларга жавоб топиш қийин. Шунинг учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Оила» илмий-амалий тадкиқот маркази ва унинг худудий бўлинмалари ташкил қилинди ва уларнинг иш фаолиятини самарали йўлга кўйиш, бино ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, илгари Адлия вазирилиги тасарру-фифа бўлиб келган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш идоралари, эскича айтганда, ЗАГС идоралари туман ёки шаҳар ҳокими ўринбосари – Хотин-кизлар қўмитаси раисига бўйсундирилди. Энди улар нафақат никоҳ муносабатларига оид ҳужжатларни расмийлаштириш, балки оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича ҳам фаол иш олиб боради. Масалан, оила университетларини ташкил этиш, никоҳдан ўтадиган шахслар билан сухбатлар олиб бориш, тўй-маросимларни тартибли ўtkазиш, ажралишларнинг олдини олиш ва бошқа муҳим чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, мухтарама опасингилларимиздан тўй ва маъракаларимизни ихчам ва мазмунли ўтказиш бўйича ўз фикрларингизни билдириб, уни ҳал қилиб беришларингизни илтимос киласман.

Фармонга асосан Хотин-кизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тузилиб, унинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун ҳозирча 300 миллиард сўм маблаг ажратилмоқда.

Ана шу маблағ ҳисобидан хотин-кизлар бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандликка кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борадаги саъи-харакатлар фаол тадбиркорликни ривожлантириш, аёлларнинг оиладан, фарзанд тарбиясидан ажралмаган

холда касаначилик, томорқачилик билан шуғулланиши учун зарур шароит яратади.

Қабул қилинган Фармонга мувофиқ, кам таъминланган, шахсий уй-жойга мухтож оилаларга уй-жой олиш учун ажратиладиган кредитларнинг бошлангич бадалларини тўлаб беришда ҳам фонд маблағларидан фойдаланиш белгиланган.

Фармонда яна бир муҳим янгилик кўзда тутилган. Унга биноан бу йилдан эътиборан Зулфия номидаги Давлат мукофотини ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга бериш бўйича янги тартиб жорий этилди.

Энди ҳар йили Коракалпогистон Республикаси, вилюятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафардан қизимизга бу мукофот берилади.

Бу йил 28 нафар истеъоддли қизимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бугун уларга ана шу мукофотларни сизларнинг ҳузурингизда тантанали равишда топширамиз.

Албатта, Фармонда белгилаб берилган долзарб вазифалар ҳакида яна узоқ гапириш мумкин. Лекин, ҳаммамиз яхши тушунамиз, бу вазифалар ҳали – мақсад, режа, холос, уларни самарали амалга ошириш учун ҳаммамиз, аввало, сиз, хурматли хотин-қизларимиз билан биргаликда фаол иш олиб боришимиш керак.

Мухтарам йиғилиш иштирокчилари!

Хабарингиз бор, ўтган бир йил давомида биз ҳалкимиз, жумладан, хотин-қизлар билан мулокот олиб боришни давлат сиёсати даражасига кўтардик. Шу асосда қишлоқ ва шаҳарларимизда уйма-уй юриб, ижтимоий-маънавий мухитни ўрганиш, бу борадаги му-

аммоларни ҳал этиш бўйича самарали тизим яратилди. Ҳозирги вақтда ана шу тизимнинг мухим бир қисми сифатида марказдан тортиб энг олис туманларгача жамоатчилик назорати гурӯхлари фаолият кўрсатмоқда.

2017 йилда 5 миллиондан ортиқ хонадондаги мухит ўрганилиб, 15 миллион фуқаро билан мулоқот ўтказилди, аҳоли томонидан кўтарилган 500 мингдан зиёд муаммонинг 72 фоизи жойида ҳал этилди, 14 мингдан ортиқ оиласидаги нотинч вазият бартараф килинди. Шулар қаторида юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1 минг 100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Улар орасида юзлаб аёллар ҳам борлиги ва уларга нисбатан адолатнинг тиклангани, ҳеч шубҳасиз, инсон ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидаги мухим қадамdir.

Мамлакатимизда шу пайтгача хотин-қизларни энг кўп безовта қилиб келган масала – мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу чукур ўйланган сиёсат бўлиб, юртимизда узлуксиз таълим ва тарбия тизимини мукаммал шакллантириш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, «Келажак – боғчадан бошланади» деган шиор баландпарвоздаги эмас. Аслида ватанпарварлик, эл-юртга фидойилик бир қарашда оддий, лекин ҳаёт талаби бўлган ана шундай долзарб ишлардан бошланади.

Биз бу йил 3 мингдан зиёд болалар боғчасини ташкил этишни режалаштирганмиз. Шундан 1 минг 200 та боғча янгитдан қурилади, 1 минг 360 та боғча мавжуд биноларда ва 470 та боғча эса уй боғчаси сифатида

ташкил этилади. Бу борада давлат-хусусий шериклик муносабатлари асосида худудларга бириктирилган тижорат банклари ва тадбиркорлар имкониятларини кенг ишга соламиз.

Мен худудларга борганимда шаҳар ва туманлари мизда барпо этилаётган янги бөгчалар, улардаги шароитлар билан танишишга алоҳида эътибор бераман. Энг асосийси, бундай ишлардан оналар, аёлларимиз, жажжи фарзандларимиз мамнун бўлмоқда.

Айни вактда бу соҳада ҳал қилишимиз зарур бўлган масалалар ҳам кўп. Масалан, ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган кариб 60 минг тарбиячининг атиги 21 фоизи олий маълумотли, қолгани эса ўрга маҳсус маълумотга эга.

Ана шу масалани ҳал қилиш учун 2018-2019 ўкув йилидан бошлаб олий ўкув юртларида мактабгача таълим йўналиши бўйича кундузги бўлимда бакалаврлар тайёрлайдиган З йиллик тизимни жорий этмоқдамиз. Шунингдек, бу йўналиш бўйича сиртқи ва кечки таълим шаклида бакалаврлар тайёрлаш тизими ҳам йўлга кўйилади.

Март ойидан бошлаб худудларимиздаги университет ва педагогика институтлари базасида бөгча педагоглари ва шу соҳада мутахассис бўлмаган кадрлар учун ярим йиллик ўкув дастурлари асосида қайта тайёрлаш курслари ташкил этилмоқда.

Хабарингиз бор, биз ушбу соҳа ходимларининг машакқатли меҳнатини рагбатлантириш мақсадида якинда алоҳида қарор қабул қилдик. Унга кўра, шу йил 1 марта бошлаб бөгча ходимларининг иш ҳаки икки босқичда сезиларли равишда ошириб борилади.

Ана шу мақсадлар учун 2018 йилда давлат бюджетидан 386 миллиард сўм кўшимча маблағ ажратилади.

Бундан ташқари, 2023 йилнинг 1 январигача Қоракалпогистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Кашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятидаги иқтисодий аҳволи оғир бўлган айрим туманларда мактабгача таълим муассасаларида bogcha тўловлари микдори 50 фоизга камайтирилди.

Қадрли юртдошлар!

Мамлакатимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида тиббиёт соҳасини, хусусан, шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш, дори-дармон таъминотини яхшилаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Ана шу ишларни янги босқичга кўтариш учун жорий йилда бюджет маблаглари ҳисобидан қарийб 1 триллион сўм маблағ ажратилиб, бу борада янги қадамлар кўйилади.

Барча ҳудудларда перинатал ёрдам сифатини яхшилаш, оналар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини ошириш мақсадида халқаро молия институтларининг ёрдамини ҳам жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг дам олиши, саломатлигини тиклашига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу ҳақда гапирганда, бир рақамга диккәтингизни қаратмоқчиман. Ҳар йили касаба уюшмаларига қарашли санаторийларда дам олаётган аҳолининг 60 фоизини аёллар ташкил этмоқда. 2017 йилда 75 мингга яқин аёл ана шундай масканларда имтиёзли йўлланмалар асосида соғломлаштирилди.

Шу билан бирга, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини, профилактика ва патронаж тизимини янада такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши биламиз, бу соҳада ҳам муаммолар йўқ эмас. Хусусан, ҳомиладор аёлларни скрининг кўригидан ўтказиш ишлари талаб дарражасида эмас. Бу борадаги жиддий камчиликларга барҳам бериш мақсадида оиласвий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида қизларимиз, аёлларимиз учун алоҳида тиббий маслаҳатхоналар ташкил этилмоқда.

Бу масалаларнинг аҳамиятини сизлар она сифатида, тарбиячи ва мураббий сифатида, ўйлайманки, бошқалардан кўра яхшироқ тушунасиз.

Биз халкимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, кўп йиллар давомида оғир масала бўлиб келган уй-жой муаммосини ҳал қилишга киришдик.

Бу борада, айникса, ипотека кредитлари асосида курилаётган арzon уй-жойлар кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Ўтган йили шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилиб, минглаб юртдошлиримиз янги, замонавий турар жойларга эга бўлишди. Хусусан, ижтимоий ҳимояга мухтож ва ногиронлиги бўлган фукароларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларга имтиёзли уйлар ажратиш бўйича янги тизим жорий этилгани, айникса, мухим аҳамиятга эгадир.

2017 йилнинг ўзида 1 минг 207 нафар мухтож, ногирон аёлга арzon уй-жойлар берилди. Уларнинг 972 нафарига ҳомий ташкилотлар томонидан тикув машиналари олиб берилиб, касаначилик билан шуғуланиши учун шароит яратилди.

Жорий йилда бу йўналишдаги ишларимиз янада кенгайтирилиб, 10 мингдан ортиқ ижтимоий ёрдамга мухтож, ногирон аёллар иш ўринлари билан тъминланади. 2018 йилда аҳоли, айниқса, ёш оиласаларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, арzon уй-жойларни куриш ҳажми 1,5-2 баробар оширилади. Бу максадлар учун 5 триллион 286 миллиард сўм маблаг йўналтирилади.

Шу билан бирга, оғир майший шароитда яшаётган, бокувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш килаётган оиласаларга 242 миллиард сўм маблаг ажратилади.

Ўтган йили мамлакатимиз бўйича 120 мингдан ортиқ тадбиркор хотин-қизларга жами 2 триллион 700 миллиард сўмлик кредитлар берилди, 84 мингдан зиёд хотин-қизларимиз доимий иш жойлари билан тъминланди, аёлларни касбга ўқитиш курслари ташкил этилиб, уларда минглаб опа-сингилларимиз турли касбларга ўргатилди.

Сизларга маълумки, биз 2018 йилни юртимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили, деб эълон қилдик. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида тадбиркор аёлларга бу йил 2 триллион

800 миллиард сўмлик кредит маблаглари ажратиш мўлжалланмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш бўйича икки йиллик мораторий эълон қилингани оиласвий бизнес, касаначилик, хусусий тадбиркорлик ривожи учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Ўтган йили маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш бўйича қилинган ишлар ҳам хотин-қизларнинг ҳаётий манфаатларига бевосита дахлдор, деб ўйлайман. Жумладан, Қорақалпогистон Республикаси ва бир катор вилоятларда олий ўкув юртларининг филиаллари, истеъододли ўғил-қизларимиз учун улуғ адиларимизнинг номлари билан аталган ижод мактаблари ҳамда «Темурбеклар мактаблари», «Улуғбеклар мактаблари» барпо этилди.

Албатта, миқёси ва кўлами тобора кенгайиб бораётган бундай эзгу ишларимиз ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин биз бу ишларнинг барчасини катта йўлдаги дастлабки қадамлар, деб биламиз. Ҳаётимизни янгилаш, оналаримиз, опа-сингилларимизни рози қилиш мақсадида бошлаган ишларимиз биз кутган амалий натижаларни бериши учун келгусида уларни янада кучайтирамиз.

Хурматли юртдошлар!

Бугунги кунда халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар кучайиб бораётгани бутун инсониятни, жумладан, бизни ҳам қаттиқ хавотирга солмоқда. Бундай мураккаб шароитда юртимизда ва минтақамизда

тинчлик ва осойишталикни асраш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Биз бу борада қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Мана, эрта-индин Тожикистон Республикасиға давлат ташрифи билан борамиз. Яқин қўшнимиз бўлган бу мамлакат билан ҳам кўплаб муҳим масалаларни ўзаро муҳокама қилиб, уларни амалий жиҳатдан ҳал этиш ниятидамиз.

Биз хорижий мамлакатларда қонуний асосда меҳнат қилаётган, таълим олаётган фуқароларимизга нисбатан муносабатни тубдан ўзгартирдик.

Юртимиздан маҳсус делегациялар бориб, чет эллардаги ватандошларимиз билан учрашувлар ўтказаётгани, уларнинг меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, ҳақ-хукуқларини таъминлаш бўйича маҳаллий бошқарув идоралари билан биргаликда зарур чора-тадбирлар кўрилаётганидан, ўйлайманки, сизлар хабардорсиз. Жумладан, хорижий давлатларда муваффақиятли ишлаб юрган юкори малакали олим ва мутахассисларимиз, врачлар, салоҳиятли инвесторларни – уларнинг орасида истеъододли опа-сингилларимиз ҳам кўп – юртимизга таклиф этиб, ўз билим ва тажрибасини Ватанимиз равнаки йўлида ишлатиши учун барча шароитларни яратиб бермоқдамиз. Чунки бу инсонлар ҳам бизнинг ватандошларимиз, Ўзбекистон фуқароларидир. Шунинг учун биз бу ишларни келгусида янада кучайтирамиз.

Маълумки, мамлакатимизда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш мақсадида диний-экстремистик оқимга мансуб шахс сифатида ҳисобда туралиган фуқароларга нисбатан муносабатимизни бутунлай ўзгартирдик. Бундай шахсларни ўзимизга яқин олиб, дардига қулоқ тутганимиз бугун ўз натижасини бермоқда. Ҳозирги вактда ана шундай минглаб фуқаролар соглом турмуш тарзига қайтарили.

Бу дунёда энг ёмон нарса нима? Таънаю маломат эмасми? Шу нүктаи назардан қараганда, бу инсонларнинг оиласи, фарзандлари «Бу фалончининг хотини», «Бу фалончининг боласи» деган ҳар хил таъналардан кутулгани энг катта иш бўлди. Энди улар маҳаллада, мактабда, кўча-кўйда бошини кўтариб, ижтимоий ҳаётимизда фаол қатнашиш имконига эга бўлди. Бугунги кунда ана шу фуқароларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш, ишга жойлаштириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирганларига банк кредитлари ажратиш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда.

Юртимизда тўғри йўлдан адашган инсонлар умуман бўймаслиги учун бу борадаги ишларни сусайтирмасдан, изчил давом эттиришимиз керак. Ўз фаолиятимизни жаҳолатга қарши маърифат асосида ташкил этишимиз лозим.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидағи ҳалқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар ҳам айни шу мақсадларни кўзлаб ташкил этилгани барчангизга яхши маълум, деб ўйлайман.

Сиз, ҳурматли аёлларимиз ўзингизнинг оналик меҳрингиз, ҳаётий билим ва тажрибангиз билан фарзандларимизни турли хавф-хатарлардан асрашда, уларни мустахкам иродали, маънавий-интеллектуал жиҳатдан етук, жонажон Ватанимизга садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда бундан буён ҳам куч-ғайратингизни аямайсиз, деб ишонаман. Айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни замонавий билимлар, қасб-хунарларга ўргатишда биз аввало сизларга суюнамиз.

Хабарингиз бор, ўтган йили қўпчилик ота-оналар, ёшларимиз, кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифларни ҳисобга олиб, умумтаълим мактабларида 11 йиллик тизимни тикладик. Бундай қарорни қабул қилишда биринчи навбатда сизларнинг фикрингизни эътиборга олганимиз, қизларимизнинг тақдири, келажаги ҳакида ўйлаганимиз – буям айни ҳакиқат. Чунки қиз бола узок шаҳар ёки тумандаги коллежга бормасдан, ота-онасининг бағрида туриб, ўзининг қадрдон мактабида ўқиши давом эттирса, унинг ўзи ҳам, оиласи ҳам тинч-хотиржам бўлади.

Фарзандлар тинчлиги, уларнинг баҳти, камоли – жамиятнинг энг катта бойлиги. Бунинг аҳамиятини ота-она бўлган одам билади. Айниқса, ҳозирги нотинч, мураккаб замонда бу ҳакиқатни янада чукурроқ англаш – бу ҳам ҳаёт талабидир.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Бугунги даврамизда муҳтарам мөхмонларимиз – Америка Кўшма Штатлари элчиси Памела Спратлен хоним, Хитой Халқ Республикаси элчиси Цзянь Янь хоним, Франция элчиси Виолен де Вильмор хоним,

Миср Араб Республикаси элчиси Амани Элетр хоним, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Хелена Фрейзер хонимлар иштирок этиб, байрам қувончини биз билан баҳам кўришмоқда. Бу азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, ўз номимдан самимий табриклаб, уларнинг келгуси фаолиятида катта ютуқ ва омадлар ти-лашга рухсат бергайсиз.

Қадрли опа-сингиллар!

Биз шахар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизни янада равнак топтириш, ҳалқимиз ҳаётини муносиб даражага кўтариш бўйича қандай режа ва дастурлар қабул қиласқ, аввало сиз, азизларнинг орзу-ниятларингиз ва манфаатларингизни рўёбга чиқаришни ўз олдимизга вазифа килиб қўйганмиз. Ҳозирги кунда бу борада катта амалий ишларни бошламоқдамиз.

Бутун мамлакатимиз бўйича замонавий лойиҳалар асосида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, «Обод қишлоқ» дастури муҳим аҳамиятга эгадир. Бу аввало аёлларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг кайфияти, дунёкарашини юксалтиришга жуда катта ижобий таъсир кўрсатадиган дастурдир. Ана шундай дастурларимиз асосида йўллар, таълим ва тиббиёт, маданият, спорт масканлари, уй-жойлар янгиланмоқда. Минглаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес, туризм ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқда.

Айниқса, ички туризм бўйича яратилаётган имко-ниятлар юртимиз бўйлаб саёҳат килиш, ўз тарихимиз

ва маданиятимизни янада чуқур билишга қаратилгани билан эътиборлидир.

Ўйлайманки, Наврўз байрами муносабати билан белгиланган қўшимча дам олиш кунларида сизлар ои-лангиз, фарзандларингиз билан ана шундай шароитлардан фойдаланиб, мазмунли дам олиш имконига эга бўласиз.

Азиз опа-сингиллар!

Сўзимнинг охирида барчангизни Халқаро хотин-қизлар байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Менинг тилагим, менинг мақсадим битта – оилангиз, фарзандларингиз, эл-юртимиз баҳтига ҳамиша сог-омон бўлинглар!

Нега деганда, аёлларимизнинг баҳти – халқимиз, жамиятимизнинг баҳтидир.

Барчангизга оилавий хотиржамлик, хонадонларингизга тинчлик, файзу барака тилайман.

Доимо халқимиз, Ватанимизнинг юксак меҳри ва ардогида бўлиш ҳаммангизга насиб этсин!

Катта раҳмат сизларга.

*Халқаро хотин-қизлар куни
муносабати билан ўтказилган
тантанали маросимдаги нутқ
2018 йил 7 марта*

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Жонажон юртимиз – Ўзбекистонимизга яшариш, баҳор ва гўзаллик байрами – Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ана шу кутлуг айём – Шарқона янги йил билан сиз, муҳтарам отахон ва онахонларни, муnis опа-сингилларимиз, суюкли фарзандларимиз, бутун халқимизни чин юракдан самимий муборакбод этаман.

Қалбларимиз шодлик ва кувончга тўлган мана шу нурли лаҳзаларда барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга баҳту саодат, файзу барака тилайман.

Қадрли дўстлар!

Бугун кўп миллатли халқимиз дала ва қирларда, майдон ва хиёбонларда, табиат бағрида сайил-томушалар ўtkазиб, Наврўз айёмини кутиб олмоқда.

Етти ёшдан етмиш ёшгача – барча юртдошларимиз катта шоду хуррамлик билан бир-бирини кутлаб, шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқда.

Эл-юртимизнинг табаррук заминимизга, она диёри-мизга меҳри, ўзаро аҳиллик, меҳр-оқибат фазилатлари янада яққол намоён бўлмоқда.

Шу дилбар фаслда табиатдаги ўзгаришларга уйғун бўлиб, жамиятимиз, ҳаётимиз ҳам ўзгариб, янгиланиб бормоқда.

Янги-янги уй-жойлар, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари, замонавий корхоналар, обод қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чироига чирой қўшмоқда.

Наврӯз фалсафаси, Наврӯз қадриятлари – одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш, кексаларга ҳурмат, муҳтоҷ инсонларга эътибор ва ёрдам кўрсатиш, адолат ва халқпарварлик фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Биз энг аввало оналаримиз, аёлларимиз ва фарзандларимиз, бутун халқимизни рози қилишни ўз олдимизга эзгу вазифа қилиб қўйганмиз. Ва бу олий мақсадга албатта эришамиз. Шунда ҳаётимиз янада обод ва фаровон, буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, ҳар кунимиз Наврӯз бўлади.

Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта орзу-ниятлар билан янги меҳнат мавсумини бошламоқдалар. Барчамиз йилимиз кутлуг келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, меҳнатингиздан барака топинг, деб уларни табриклаб, ишларига ривож тилаймиз.

Азиз дўстлар!

Мана, бир неча йилдирки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ Наврӯз байрами халқаро микёсда кенг нишонланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам бу бетакрор байрам барча эзгу нијатли инсонларни бирлаштиради, уларнинг қалбида энг гўзал ва олижаноб туйгуларни уйғотади. Шу боис ҳам Наврӯзи олам мустақиллик йилларида, миллати, тили ва динидан қатъи назар, диёримизда яшаётган барча юртдошларимизнинг ардокли ва севимли байрамига айланди.

Бугун чет эл дипломатик корпус вакиллари, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимиз Наврӯз қувончини биз билан бирга баҳам кўрмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз меҳмонларимизга, барча яқин ва узок давлатлар халқларига самимий табрикларимизни йўллаб, уларга тинчлик-осойишталиқ, равнак ва фаровонлик тилаймиз.

Қадрли ва муҳтарам юртдошларим!

Мана шу мунаvvар лаҳзаларда сиз, азизларга, бутун халқимизга энг эзгу тилакларимни изхор этишдан баҳтиёрман.

Шарқона янги йилимиз ҳар бир оила, ҳар бир хона-донга баҳт ва қувонч олиб келсин!

Барча пок орзу-ниятларимиз амалга ошсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврӯзи олам барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
2018 йил 21 марта**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ва муҳтарам ватандошлар!

Сизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни меҳр-оқибат, эзгулик ва саховат айёми – муборак Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Бу куттуғ байрамда ҳаммамиз аввало шундай файзли ва барокатли кунларга етказгани учун Оллоҳ таолога чексиз шукроналар айтамиз.

Оила, маҳалла ва жамият аҳлига меҳр ва эътибор кўрсатиш, кўмакка муҳтоҷ, эҳтиёжманд кишиларга беғараз ёрдам бериш, яхшилик, сабру каноат каби эзгу фазилатларни ўзида мужассам этган бу байрамнинг маъно-мазмуни бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатга ғоят уйғун ва ҳамоҳанг эканини, ўйлайманки, шу саодатли дамларда ҳар биримиз чуқур ҳис этмоқдамиз.

Айни вактда муқаддас ислом динининг ана шундай буюк инсонпарварлик тамойилларини асраш, тарғиб этиш ҳозирги шиддатли замонда ўта долзарб вазифага айланиб бораётганини барчамиз яхши тушунамиз. Мамлакатимизда кейинги пайтда бу борада кўп ишлар қилинаётганини сизларга яхши маълум, албатта. Жумладан, улуғ алломаларимиз Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидағи халқаро илмий мар-

казлар, Ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халкаро ислом академияси ташкил этилгани шу йўлдаги улкан қадамлар бўлди.

Бугунги кунда бутун инсоният ҳаётига таҳдид солаётган хавф-хатарларга карши жаҳолатга карши – маърифат асосида курашиш, динимиз поклигини саклаш бўйича мамлакатимиз томонидан нуфузли халкаро минбарлардан қатор амалий ташаббуслар илгари сурилмоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деган ном билан маҳсус резолюция кабул килиш ҳакида билдирган таклифимиз жаҳон микёсида кенг қўллаб-кувватланмоқда.

Шу улуғ айём кунларида узок ва яқин мусулмон мамлакатларнинг халқларини, барча дўстларимизни самимий кутлаб, уларга тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилашдан беҳад мамнунмиз.

Мухтарам юртдошлар!

Ўзбекистонимиз янги тараққиёт боскичига қадам кўйиб, барча соҳаларда ўзгариш ва янгиланишлар кучайиб бораётгани, Рамазон ҳайити муносабати билан юртимизда уч кунлик дам олиш эълон қилингани бу йилги байрамга алоҳида файз ва тароват багишламоқда.

Табаррук айём арафасида озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган бир гурӯҳ шахсларни афв этиш тўғрисида фармон кабул қилингани халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик ва меҳр-шафқат фазилатларининг яна бир яққол намоёни бўлди.

Ҳеч шубҳасиз, бу хуқукий ҳужжат жамиятимизда инсон хукуқ ва манфаатларини таъминлаш, соғлом

ижтимоий мухитни мустаҳкамлаш, билиб-билмай нотўғри йўлга кирган инсонларни кечириш, уларни оиласи бағрига, тўлақонли ҳаётга қайтаришга қаратилган кенг кўламли ишларимизнинг узвий давомидир.

Албатта, биз ўз диний қадриятларимизни улуғлаб, эъзозлаб яшар эканмиз, ҳозирги юксак технологиялар асрида мустаҳкам иймон-эътиқод билан бирга замонавий илм-фан, касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаш, инновациялар соҳасидаги ютуқларни чукур ўзлаштириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш барқарор тараккиётга эришишнинг энг муҳим шарти эканини яхши тушунамиз.

Муборак ҳадисларда айтилганидек, икки дунё саодатини ўйлаб яшаган инсон, халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Барчангизни муқаддас Рамазон ҳайити билан яна бир бор табриклайман.

Эл-юртимизнинг шу муборак ойда қилган ибодатлари, эзгу ниятлари ижобат бўлсин!

Жонажон Ватанимиз, хонадонларимизда тинчлик, аҳиллик, файзу барака бардавом бўлсин!

Эзгу ишларимиз, интилишларимизда Яратганинг Ўзи мададкор бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
2018 йил 11 июнь

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган мухтарам фахрийларимизни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этиш, барчангизга чукур хурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдириш менга катта мамнуният бағишилади.

Жамиятишимизда демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳукукларини таъминлаш, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумотлар етказиш борасида сиз, матбуот аҳлининг фидокорона меҳнат қилаётганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Сизлар каби минг-минглаб олижаноб касб эгаларининг саъй-ҳаракатлари, истеъдод ва маҳорати билан мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқимиз ҳаётига, унинг қувонч ва ташвишларига тобора яқин бўлиб, Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфасини шакллантиришда гоят мухим роль ўйнамоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг сони қарийб 4 баробар кўпайиб,

1500 тага етгани ушбу тармокда ўсиш, ўзгариш жараёнлари изчил давом этаётганидан далолат беради.

Энг мухими, соҳа ривожида ана шундай миқдор ўзгаришлари билан бирга сифат ўзгаришлари ҳам юз бермокда. Бунинг тасдигини миллий медиа майдонимизда фуқаролик жамиятининг мухим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи кенгайиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, интернет журналистикаси жадал ривожланиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситалари ходимларининг демократик жараёнлар, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва нуфузини, маҳаллий газеталар, теле-радиоканалларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг асосийси, матбуотда фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини таъминлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум, албатта.

Газеталаримиз, теле-радиоканалларимизда ошкоралик, таҳлил ва холис танқид руҳи кучайгани, бевосита хорижий мамлакатлардан тайёрланаётган материаллар сони ортиб бораётганини биз ҳар томонлама қўллабкуватлаймиз.

Бугун биз дунёдаги узок-яқин давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, юртимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилар эканмиз, бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тушунамиз. Оммавий ахборот воситалари

сўзда эмас, амалда «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилиши зарур. Бу – замон талаби, ислохотларимиз талаби.

Биринчи навбатда медиа тармоклари фаолияти са-марасини ошириш, уларни халқ билан мулоқотнинг ишончли воситасига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобат мухитини шакллантириш сингари долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Шу мақсадда парламентимиз томонидан амалдаги конун ҳужжатларига ахборот соҳасини янада демократлаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича фаол иш олиб борилаётгани айниқса эътиорлидир.

Бу борада Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини яхшилаш, қалам ҳақи миқдорини ошириш, ижодий жамоалар билан йирик компаниялар ва хўжалик бирлашмалари, банклар ўртасида «дўстлар клублари»ни ташкил этишга қаратилган амалий ишларимизни таъкидлаш лозим.

Оммавий ахборот воситалари учун замонавий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида яқинда катта умидлар билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этганимиздан хабарингиз бор.

Ушбу олий таълим маскани соҳада эришилган ютуқларни ҳар томонлама ўрганиш, журналистика фани, унинг илмий-назарий асосларини, замонавий медиатехнологияларни чуқур ўзлаштириш, халқаро

стандартлар даражасидаги юқори малакали кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширилаётган ана шундай ишларнинг барчаси Ўзбекистон журналистикасининг жаҳон ахборот майдонида муносиб ўрин эгаллаши учун мустаҳкам пойдевор яратади.

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Ҳозирги вақтда ҳәётимизда амалга оширилаётган модернизация ва янгиланиш жараёнларининг туб моҳиятини халқимизга етказиш, одамларни янги марралар сари сафарбар этиш, олдимизга қўйган вазифаларни сифатли амалга оширишда сизларнинг таъсирчан сўзингиз, фаол гражданлик позициянгиз сув билан ҳаводек зарур.

Ҳақикатан ҳам, ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам адолат тамойилига, ўзининг ҳәётий ва ижодий принципларига содик қолиш, одамларни қийнаётган камчилик ва муаммоларни дадиллик билан кўтариб чикиш, уларни бартараф этиш учун жамоатчилик фикрини шакллантиришга, аввало, сизлар каби маънавий жасорат эгаларигина қодир бўлади.

Биз жамиятимизда ошкоралик, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда, ҳукуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлашда сизларга, сизларнинг билим ва истеъдодингизга таянамиз.

Айниқса, ҳәёт ва касб тажрибангизни ёшларга ўргатиш, уларни замонавий фикрлайдиган, Ватан ва халқ манфаатини муқаддас деб биладиган, соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашда кўпчиликка ўrnak ва намуна бўласизлар, деб ишонаман.

Ўз-ўзидан равшанки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини муносаб баҳолаш ва рағбатлантириш, соҳа ривожига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш бундан буён ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!

Сизларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан яна бир бор самимий табриклийман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, эзгу фаолиятингида ютуқ ва омадлар, оиласвий баҳт, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
2018 йил 27 июнь

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ёшлар, азиз ўғил-қизларим!

Сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни мамлакатимизда биринчи марта нишонланадётган кутлуг айём – Ёшлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шундай кувончли кунда аввало юртимизда кейинги пайтда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилгани, ўғил-қизларимизнинг ижтимоий фаоллиги, Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини, замонавий, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишда навқирон авлодимизнинг муносаб иштирок этаётганини барчамиз миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг қонуний ҳуқук ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш биз олиб бораётган давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши бўлиб, бу йўлда улкан ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум, албатта.

Ўтган бир йилнинг ўзида ёшлар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган 20 дан зиёд қонун, фармон ва қарорлар қабул қилингани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.

Айниқса, сизларнинг ташаббусингиз билан бундан бир йил мукаддам Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилгани ёшларимиз, бутун эл-юртимиз ҳәтидағи мухим воеа бўлди.

Албатта, бир йил – тарих учун жуда кисқа фурсат. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ўтган киска даврда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш йўлида давлат органлари, но давлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самараали ҳамкорлик киладиган мухим ижтимоий тузилмага айланди.

Шу асосда ёш авлодимизнинг гражданлик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустакил фикрлайдиган, замонавий билим ва қасб-хунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Энг мухими, ёшлар билан доимий мулокот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси барчамизнинг кундалик фаолиятимиз мезонига айланиб бормоқда.

Бунинг амалий тасдигини кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Хусусан, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш тадбиркорларга, айниқса, қизларимизга хунармандлик билан шуғулланишлари учун кредитлар ажратиш, уларни қасбга тайёрлаш ва малакасини ошириш, фермерликни кўллаб-кувватлаш, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси, уларни соғломлаштириш

ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Факат бир йил давомида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи тавсияси билан 4 минг 300 га яқин йигит-қизларимизга банклар томонидан 216 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилгани, 184 минг 300 дан зиёд фарзандларимиз иш билан таъминлангани эътиборга лойиқ.

Мамлакатимизда марказий ва маҳаллий ҳокимлик идоралари, депутатлар корпуси, суд-хукуқ соҳаси раҳбарларининг ёшлар билан очик мулоқотлар олиб бориши ижобий анъанага айланиб бормоқда. Бундай мулоқот ва учрашувларда ёшларни қийнаётган кўпгина муаммолар жойида ҳал этилмоқда, уларга амалий ёрдам, малакали маслаҳат ва йўлланмалар берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимиғизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз.

Бу борада ёш, истиқболли кадрлар учун тажриба ва маҳорат мактабини ўтаётган Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи сафларида тобланган, замонавий билим ва кўнникмага, етакчилик салоҳиятига эга бўлган кўплаб ёшлар вазирлик ва идоралар, йирик компания ва банклар, хўжалик бирлашмаларига масъул лавозимларга

тайинланаётгани ҳайтимизга янгича рух ва мазмун бағишламокда.

Бугунги кунда Ҳаракатлар стратегияси доирасида «Ёшлар – келажак бунёдкори», «Обод кишлоқ», «Обод маҳалла», «Ақлли шаҳар» каби кенг қароровли дастурларни амалга оширишда айнан ана шундай ташаббускор, ҳар бир масалага янгича ёндашадиган ўғилқизларимиз фаол иштирок этаётгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизни хурсанд килади.

Ишонаман, бундай улкан бунёдкорлик жараёнлари ёшларимиз илгари сураётган лойиха ва ташаббусларни юзага чикиришда, уларнинг эл-юртимизга фидойи раҳбар ва мутахассис, ҳакиқий шахс ва граждан бўлиб шаклланишида бекиёс ўрин тутади.

Жонажон Ватанимизнинг янги киёфасини яратишида ўз меҳнати, ташаббускорлиги ва маънавий фазилатлари билан бошкаларга ўрнак ва намуна бўлаётган азму шижаотли ёшларимиз учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти ҳамда «Келажак бунёдкори» медалини таъсис этганимиз ва бугун сизларнинг орангизда шу мукофотларнинг ilk совриндорлари борлиги барчамизга мамнуният бағишлайди.

Ўтган бир йил мобайнида ўғил-қизларимиздан 266 нафари республика, 80 нафари ҳалқаро фан олимпиадалари ғолиблари бўлгани, спортчиларимиздан 12 нафари жаҳон, 93 нафари Осиё чемпионатларида, 150 нафардан зиёди ҳалқаро мусобакаларда юксак шоҳсупаларга кўтарилиганини ана шундай эзгу ишларимизнинг дастлабки натижалари сифатида қабул киламиз.

Ёшларимизнинг миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун таълим-тарбия соҳасида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мактабгача таълим муассасаларининг замонавий тизими яратилмоқда, умумтаълим мактабларида 11 йиллик таълим жорий этилмоқда. Олий таълим тизимида янги, замонавий билим масканлари, жумладан, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, соҳа фаолияти тубдан такомиллаштирилмоқда.

Юртимизда Темурбеклар ҳарбий лицейлари, Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улугбек мактаблари, атоқли адиларимиз номидаги ижод мактаблари ташкил этилгани униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни буюк аждодларимизга муносиб авлод этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Биз бу борадаги ишларни келгусида ҳам албатта изчил давом эттирамиз. Хусусан, иқтидорли ёшларимизни дунёning энг етакчи университетлари, илмий марказларида давлат ҳомийлигида ўқитиш, малакасини ошириш бўйича самарали тизим яратиш – олдимизда турган муҳим вазифадир.

Ёшларни, ёш оиласларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи ҳам биз учун энг муҳим ва устувор йўналишга айланиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оиласларни кўллаб-кувватлаш, уларнинг уй-жой ва майший шароитларини яхшилаш мақсадида Ёшлар уйларини барпо этиш дастури ҳаётга изчил жорий этилаётганини таъкидлаш лозим.

Қадрли ўғил-қизларим!

Бугунги байрам кунида барчамизнинг умид ва ишончимиз бўлган сиз, азиз ёшларнинг эришган ютукларингиз билан бирга янги вазифалар, ечими-ни кутиб турган камчилик ва муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари хақида сўз юритишимиз табиййидир.

Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистон Ёшлар итти-фоқининг навкирон йигит-қизларни иш билан таъминлаш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, фарзандларимиз ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаш лозим.

Афсуски, ёшларимиз ҳаётидаги катта-кичик ҳар бир муаммога жиддий қараб, аниқ амалий ечим топиш, ёшлар билан бевосита ишлаш, доимий мулокот қилиш ўрнига дабдабали тадбирлар ўтказиш, кампания-бозликка берилишдек яроқсиз иш усулидан ҳали ҳам бутунлай қутулганимиз йўқ.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз барчамиз эндигина бир йиллик шаклланиш йўлини босиб ўтган Ўзбекистон Ёшлар иттифоки тезроқ улғайиши, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий тизимида, ёшларимиз ҳаётида ўзининг мустаҳкам ва муносиб ўрнини топишини истаймиз ва бунинг учун зарур амалий ёрдам беришга тайёрмиз.

Балки бугунги қувончли айёмда бундай нохуш холатларни эслаш жоиз эмасдир. Лекин биз ўз фаолиятимизни танқидий баҳолаб, муаммоларимизни ўзимиз бартараф этмасак, ҳеч ким четдан келиб уларни биз учун ҳал килиб бермайди.

Ёшларимизнинг ҳаётий муаммоларига янада кўпроқ зътибор қаратиш, уларга мос бўлган замонавий иш ўринларини кўпайтириш, эзгу интилиш ва ташаббуслари, инновацион ғояларини кўллаб-куватлаш, ёш авлодимизнинг ижтимоий-маший шароитларини яхшилаш бундан буён ҳам барча даражадаги давлат идораларининг энг асосий, ҳал қилувчи вазифаси бўлиб қолади.

Ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун Ёшлар тадбиркорлиги ҳудудлари, Тошкент шаҳрида Ёшлар инновацион технопаркини ташкил этиш, шунингдек, Фанлар академиясига қарашли илмий лабораториялар ва марказлар негизида ёш олимларнинг илмий тадқиқотларини йўлга қўйиш каби ишларни сизларнинг фаол иштирокингиз билан яқин келажакда амалга оширамиз.

Куни кеча қабул қилинган «*Yoshlar – kelajagimiz*» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қошида ташкил этилган маҳсус жамғарма мамлакатимиз иқтисодиётида замонавий технологияларни кўллаш, ёшларни бу жараёнга кенг жалб этишдек эзгу мақсадларга хизмат қиласди.

Мұхтарам юртдошлар!

Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимиз томонидан бу борада илгари сурилаётган ташаббуслар, жумладан, БМТнинг Ёшлар хукуқлари тўғрисидаги ҳалқаро конвенциясини ишлаб чиқиши, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлат-

лар раҳбарларининг Ёшларга мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш борасидаги таклифларимиз халқаро миқёсда кўллаб-қувватланмоқда.

Ҳаммамиз кўриб, кузатиб турибмиз – бугунги шиддат билан ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги уфқ ва имкониятлар очиш билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга хам дучор этмоқда.

Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноконуний миграция, «оммавий маданият» каби таҳдидлар қанча-қанча оиласалар, мамлакатлар бошига оғир кулфатлар олиб келмоқда, ғаразли кучлар ҳали онгу тафаккури тўла шаклланиб улгурмаган болаларни ўз ота-онаси, Ватанига қарши қўйиб, уларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Шунинг учун биз – ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада ошириб, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат айтганидек, бу дунё ҳақиқатан ҳам кураш майдонига, соглом тан, ўткир акл ва яхши ахлоқ эса бу курашнинг куролига айланиб бораётганини чуқур англаб, шу борада жаҳолатга қарши маърифат асосида иш олиб боришимиз зарур.

Халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик ва олижаноблик фазилатларидан келиб чикиб, билиб билмай жиноятга қўл урган, тўғри йўлдан адашган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган ёшларни кечириш ва тинч ҳаётга қайтаришга юртимизда катта эътибор қаратилмоқда.

Ана шундай амалий ишларимиз туфайли юзлаб ёшлар – Ўзбекистон фуқаролари ота-онаси, оиласи бағрига қайтгани жамиятимизда соглом ижтимоий мухитни, инсонпарварлик тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида мухим қадам бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хурматли дўстлар!

Биз – барчамиз, қаерда бўлмайлик, ягона Ўзбекистон фарзандлари эканимизни англаб, шу буюк туйгуни эъзозлаб яшасак, албатта кам бўлмаймиз.

Шунинг учун биз чет элларда турли соҳаларда жиддий ютуқларга эришган ватандошларимиз ташаббуси билан «Буюк келажак» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти тузилганини кўллаб-қувватлаймиз. Хорижий давлатларда ўқиб, меҳнат қилаётган барча юртдошларимиз, биринчи навбатда ёшларимизнинг билими ва имкониятларини Ватанимиз равнақи йўлида бирлаштириш биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга тўла жавоб беради.

Айни вақтда Ўзбекистон ёшларининг замон билан ҳамнафас бўлиб, дунёнинг олис ва яқин мамлакатларидаги тенгдошлари билан самарали мулоқот, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиши ғоят мухим, аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Шу кунларда юртимизда бўлиб ўтаётган Марказий Осиё ёшлари форуми ана шундай кенг миқёсдаги мулоқот йўлида дастлабки жиддий қадамдир.

Азиз ёшлар, қадрли фарзандларим!

Мана шу кувончли кунда сизларни, кўпмиллатли Ўзбекистон халқини ишонтириб айтмоқчиман: биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч огишмасдан, қатъият

билин давом эттирамиз. Нафакат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни устувор вазифа сифатида бутун давр талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Сизларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаб, хаётда ўз мустаҳкам ўрнингизни топишингиз, баҳтили бўлишингиз учун давлатимиз ва жамиятимизнинг боркуч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Сиз, жондан азиз ўғил-қизларимиздан факат битта илтимосимиз, битта тилагимиз бор: ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, халқимизнинг сизлардан кутаётган орзу-умидларини амалий ишлар билан рўёбга чиқариш йўлида ҳорманг, чарчамант!

Ўқиши-ўрганиш, доимий изланиш, илм-фанга, таракқиёт чўккиларини эгаллашга интилиб яашадоимо ҳамрохингиз бўлсин!

Мен сизларнинг ҳар бирингизга эл-юртимиз фахрланадиган, жонажон Ўзбекистонимизнинг муносиб фарзанди, ҳакиқий инсон бўлиш баҳти насиб этишини тилайман.

Сизларни Ёшлар куни билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга янги ютуқлар, баҳт ва омад тилайман.

Ҳамиша сог-омон бўлинг, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
2018 йил 29 июнь

МУНДАРИЖА

АМАЛИЙ НАТИЖАДОРЛИК, ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ЖАМИЯТНИ ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ БОШ МАҚСАДИДИР

КОНСТИТУЦИЯ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ,
МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНАДА ТАРАҚКИЙ ЭТТИ-
РИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилин-
ганининг 25 йиллигига багишиланган тантанали маро-
симдаги маъруза

2017 йил 7 декабрь.....4

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БУНЁДКОРИ БЎЛГАН ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ
УЛУҒЛАШ, СОҲА РИВОЖИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА
КЎТАРИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

*Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига багишиланган
тантанали маросимдаги нутқ*

2017 йил 9 декабрь.....41

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ОЛИЙ МАЖЛИСФА МУРОЖААТНОМАСИ

2017 йил 22 декабрь.....71

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ – МАМЛАКАТИМИЗ БАР-
ҚАРОРЛИГИ ВА ТАРАҚКИЁТИНИНГ МУСТАҲКАМ
КАФОЛАТИДИР

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Хавфсизлик Кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги
йигилишида сўзланган нутқ*

2018 йил 10 январь.....147

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ, МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ХАЛҚИМИЗ МАЊАВИЙ ОЛАМИНИ ЎКСАЛТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маъруза 2017 йил 3 август.....	176
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚ 2017 йил 31 август.....	222
ЭЛИМ ДЕБ, ЎРТИМ ДЕБ, ЁНИБ ЯШАГАН ИНСОН Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкаларининг очилишига багишланган тантанали маросимдаги нутқ 2017 йил 31 август.....	232
ЮКСАК ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМНИНГ ЯНА БИР АМАЛИЙ ИФОДАСИ Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкаларининг очилишига багишланган тантанали маросимдаги нутқ 2017 йил 2 сентябрь.....	238
ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ АСОСИДИР Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқ Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь.....	244

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БҮЮК ФАРЗАНДИ	
<i>Жиззах шаҳрида Шароф Рашидов ҳайкалининг очилишига багишиланган тантанали маросимдаги нутқ</i>	
<i>2017 йил 6 ноябрь.....</i>	<i>255</i>
МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎЗАРО ДҮСТЛИК ВА ҲАМКОРИКНИ ТАЪМИНЛАШ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИДИР	
<i>Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажсак, барқарор ривожланиши ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзланган нутқ</i>	
<i>2017 йил 10 ноябрь.....</i>	<i>263</i>
ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТЛАРИНИ ХАЛҚАРО МИКЁСДА ҚАТЪИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – ДИПЛОМАТИК КОРПУСИМИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИДИР	
<i>Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига багишиланган йигилишдаги нутқ</i>	
<i>2018 йил 12 январь.....</i>	<i>276</i>
ХАЛҚИМИЗНИНГ ЖАСУР ВА ФИДОЙИ ФАРЗАНДИ	
<i>Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкалининг очилишига багишиланган тантанали маросимда сўзланган нутқ</i>	
<i>2018 йил 30 январь.....</i>	<i>300</i>

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АСОСЧИСИ, ИСТИҚЛОЛИМИЗ
МЕЙМОРИГА МУНОСИБ ЭҲТИРОМ**

*Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг
Биринчи Президенти Ислом Каримов мақбара маж-
муасининг очилишига багишиланган маросимда сўзлан-
ган нутқ*

2018 йил 30 январь.....306

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК ВА НОЁБ
ИНШООТЛАРДАН БИРИ**

*Қандим газни қайта ишилаш мажмуасининг ишига
туширилишига багишиланган тантанали маросимда-
ги нутқ*

2018 йил 19 апрель.....311

**ЮРТ ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ҚАДРИ БАЛАНД, ХОТИ-
РАСИ МУҚАДДАС**

*Хотира ва қадрлаш кунига багишиланган тантанали
маросимдаги нутқ*

2018 йил 9 май.....317

**ДЎСТЛИК ВА ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИККА
АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК – МАМЛАКАТИМИЗ
БАРҚАРОЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИДИР**

**ҲАМДЎСТЛИККА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР БИЛАН
ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК – УСТУВОР
ВАЗИФА**

*Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари
кенгаши мажлисидаги нутқ*

Россия Федерацияси, Сочи шаҳри,

2017 йил 11 октябрь.....326

МУМТОЗ ШЕЪРИЯТНИНГ ПОРЛОҚ ЮЛДУЗИ	
<i>Абдураҳмон Жомийнинг «Муҳаббат маҳзани» китобига ёзилган сўзбоши</i>	
<i>Тошкент шаҳри, 2018 йил.....</i>	333
ЯГОНА ТАРИХ, МУШТАРАК ТАРАҚҚИЁТ ВА КЕЛАЖАККА АСОСЛАНГАН ДЎСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК	
<i>Тоҷикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шарафига уюштирилган қабул маросимида сўзланган нутқ</i>	
<i>Тоҷикистон Республикаси, Душанбе шаҳри, 2018 йил 9 март.....</i>	340
ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ ШОНЛИ АНЬАНАЛАРИНИ АСРАБ-АВАЙЛАБ, ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ – МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР	
<i>Ўзбекистон Республикаси ва Тоҷикистон Республикаси санъат усталарининг «Дўстлик оқшоми» тантанали концертининг очилишида сўзланган нутқ</i>	
<i>Тоҷикистон Республикаси, Душанбе шаҳри, 2018 йил 9 март.....</i>	343
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЛИК ВА ҲАМКОРЛИК СОЛНОМАСИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧГАН УЧРАШУВ	
<i>Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуvida сўзланган нутқ</i>	
<i>Қозогистон Республикаси, Остона шаҳри, 2018 йил 15 март.....</i>	347

ҚОЗОҒИСТОН – КҮП АСРЛИК ДҮСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОГЛАНГАН ЯҚИН ҚҰШНИМИЗДИР

*Қозогистонда Ўзбекистон йили очилишига багишиланған маросимда сұзланған нұтқ
Қозогистон Республикаси, Остона шаҳри,
2018 йил 15 март.....352*

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК САРИ ТАШЛАНГАН МУХИМ ҚАДАМ

*Афғонистон бүйіч «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлық ва минтақавий шериклік» мавзусида ўтказилған халқаро конференцияда сұзланған нұтқ
2018 йил 27 март.....358*

ЯНГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧГА КҮТАРИЛГАН АСРИЙ ДҮСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК, ЯХШИ ҚҰШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

*Туркманистан Президенти Гурбангули Бердимұхамедов шарафында уюштирилған қабул маросимда сұзланған нұтқ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 23 апрель.....375*

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКМАНИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 24 апрель.....379

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДҮСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

*Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси расмий делегацияларининг кенгайтирилған таркибдаги учрашуvida сұзланған нұтқ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 30 апрель.....383*

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ: САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИЯ СОҲАЛАРИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ, ЮҶОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ Ўзбекистон – Туркия бизнес-форумидаги нутқ Тошкент шаҳри, 2018 йил 30 апрель.....	391
АҚШ – ЎЗБЕКИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЙЎЛИДА ЯНГИ ДАВРНИНГ БОШЛANIШИ Америка Кўшима Штатларига расмий ташриф доира- сида Ўзбекистон Республикаси номидан ташкил этил- ган расмий қабул маросимидағи нутқ Вашингтон, 2018 йил 16 май.....	399
БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажслисидаги нутқ ХХР, Циндао шаҳри, 2018 йил 10 июнь.....	404
ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ УЛКАН ВА АРДОҚЛИ ДЎСТИ Чингиз Айтматовнинг «Танланган асарлар» китобига ёзилган сўзбоши Тошкент шаҳри, 2018 йил.....	410
БУГУНГИ УЛКАН ИНТИЛИШ ВА ҲАРАКАТЛАРИМИЗ – ЭРТАНГИ ОБОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ	
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ 2017 йил 31 декабрь.....	416

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ <i>2018 йил 13 январь</i>	419
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ КОМИЛЖОН ОТАНИЁЗОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА <i>2017 йил 20 июль</i>	424
«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИГА <i>2017 йил 4 август</i>	428
МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА <i>2017 йил 10 август</i>	434
«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЎН БИРИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ <i>Самарқанд шаҳри, 2017 йил 28 август</i>	440
ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА <i>2017 йил 31 сентябрь</i>	445
РУС ПРАВОСЛАВ ЧЕРКОВИНИНИГ ТОШКЕНТ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЕПАРХИЯСИНИНГ 145 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАРИГА <i>Тошкент шаҳри, 2017 йил 1 октябрь</i>	451

«ИСЛОМ ҲАМЖИХАТЛИГИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН МИСОЛИДА» МАВЗУИДАГИ ҲАЛҚ-АРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА Тошкент шаҳри, 2017 йил 18 октябрь.....	454
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ БЮОК ИШЛАРГА ҚОДИР (Хитой Ҳалқ Республикасида бўлиб ўтган футбол бўйича 23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Осиё чемпионати голиблари – Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоларига йўлланган телеграмма) 2018 йил 27 январь.....	459
ОИЛА ВА ЖАМИЯТ УСТУНИ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ФАЙЗИ ВА КЎРКИ Ҳалқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги нутқ 2018 йил 7 март.....	461
ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ 2018 йил 21 март.....	478
ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ 2018 йил 11 июнь.....	481
МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА 2018 йил 27 июнь.....	484
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ 2018 йил 29 июнь.....	489

Мирзиёев, Шавкат Миромонович
Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган
M 54 энг олий баҳодир. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. –
508 б.
ISBN 978-9943-25-608-8

УЎК 323.(575.1)
КБК 66.3(5Ў)

Расмий наим

Шавкат Миромонович Мирзиёев

**ХАЛҚИМИЗНИНГ РОЗИЛИГИ
БИЗНИНГ ФАОЛИЯТИМИЗГА
БЕРИЛГАН ЭНГ ОЛИЙ БАҲОДИР**

2-жилд

Нашр учун маъсул *И. Аҳмедов*
Бадиий мухаррир *Ш. Ҳоджаев*
Техник мухаррир *Б. Каримов*
Кичик мухаррир *Н. Абдураҳмонова*
Мусаххих *М. Ишонхонова*
Компьютерда тайёрловчи *А. Сулатмонов*

Нашриёт лицензияси AI № 158.14.08.2009.
Босишига 2018 йил 13 июлда руҳсат этилди.
Бичими 60x90 $\frac{1}{16}$. Офсет көғози.
«Times New Roman» гарнитурасида оғсет усулда босилди.
Шартли босма табори 31,75. Нашр табори 22,47.
Адади 10 000 нусха. Буюртма № 18-418.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашириёт-матбаа ижодий уйи.
100011. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.

Телефон: (371) 244-84-20, 244-87-55
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz